



Китобхонлик ва мутолаа маданияти

Корақуш юлдузининг сири



Исажон СУЛТОН



ИСАЖОН
СУЛТОН

5ташаббус
Σкиреб

Қорақуш юлдузининг сири

Роман, қисса ва ҳикоялар

Nizomiy nomli

T D P U

kutubxonasi

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ – 2019

Таҳрир ҳайъати:

Сирожиддин Саййид (ҳайъат раиси), Акмал Саидов, Аҳмаджон Мелибоев, Анвар Обиджон, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Баҳодир Карим, Шавкат Юсупов.

Лойиҳа раҳбари:

Носиржон Жураев

Ғоя муаллифи ва нашрга тайёрловчи:

Санжар Турсунов

Султон, Исажон.

Қорақуш юлдузининг сири: роман, қисса ва ҳикоялар / И. Султон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. – 352 б.

«Беш ташаббус – беш китоб» лойиҳасининг навбатдаги китоби Исажон Султон асарларидан тартиб берилди. Тўпламга «Генетик», «Боқий дарбадар» романлари, «Робия Балхий қиссаси», ҳикоялар ва бир эссе жамланди.

Бу китобга киритилган асарлар улуғ аجدодларимиз, бой тарихий меросимиз ва юксак маънавиятимиз – бир сўз билан айтганда – ўзлигимиз ҳақидадир.

УЎК 821.512.133-3
КБК 84 (5Ў)6



ГЕНЕТИК

Роман

Муқаддима

Айтадиларки, бир одам дарё ёқалаб келаётиб, каттакон ёмби топиб олди. Қўйнидан ёнғоғини олиб, чақмоқчи бўлиб уринган эди, ёмби бир неча бўлакка бўлиниб кетди. «Ялтироқ бўлгани билан ҳеч нимага ярамас экан-ку», дея афсусланиб, уни отиб юборди-да, қирғоқда қалашиб ётган оддий тошлардан бири билан ёнғоғини чақиб еди ҳамда мурод-мақсадига етиб, ўз йўлига равона бўлди.

БИРИНЧИ ҚИСМ

*«Тонг ота бошлади,
сўнг унинг изидан ер юзи ёришди.
Сўнг қуёш чиқди, ҳаммаёқ ёруғ бўлди.
Эр йигит эмаклаб борди, Тангрига йўлиқди...»¹*

ОНА ТУПРОҚ

Қишлоқ. Ёз. Жазирама.

Қоқ туш маҳали бақатерак остидан заиф бир «пуч» елиб ўтади.

У – шу маконнинг митти эпкини. Терак баргларини бир чайқатади-ю, ариқ бўйига ўзини ташлайди. Яна бирини сув шабадаси дейдилар. Қайрағочдан узоққа кетолмай, камбар барглар орасида айланиб эсадиганиям бор. Қуввати кучлироқ бўлгани сабабли сал берироққа келиб, иссиқда қимир этмай турган жўхориларнинг узун, сариқ ҳошияли япроқларини чайқатиб ўйнайди.

Баъзилари йўлларда шўхлик қилишади. Қумоқ йўлдан кетаверинг-чи. Йўл ўртасида ё четида митти гирдоб ясаб, тупроқ тўзғитиб пириллаётган қуюнчани кўриб қоласиз. Бироздан кейин ўз-ўзидан тиниб, майда хас-чўпларни сочиб юборади.

Яна бир турли шабада тонгу шомда бедазорлар томондан эсади. Саҳарлаб ўша ёққа кетиб, оқшом изига қайтса керак. Бедазорга етгунича томорқалар узра елади. Қўшнининг кўзи кўр лайчаси уни сезиб, хуради.

¹ «Ирқ битиги»дан.

– Итга ўхшамай ўл, мунча хурасан? – дейди она унга.

Олислардан келадиган қудратли шамол эса теваракни кулрангга ўзгартириб юборади. Балки чанг кўтаргани учун само кул тусига кирар? Аввалига кўкларда елади, кейин пастга тушганида бениҳоя кўп товушлар ҳосил қилади. Девор бошидаги гувалаклар бўғиқ гувуллайди. Бўғотлардан ҳам шунақа сас чиқади. Дарвоза ёриқларидан кириб, ҳуштак чалади. Ҳовлида валиш²га илиб қўйилган толсават чўплари шириллайди. Она дорга осган кирларини уйга олиб кириб кетган. Таранг тортилган чилвир дириллаган сас чиқара бошлайди.

Даладаги товушлар эса тамомила бошқа ва айқаш-уйқаш. Ердаги нўхат билан ловия пояси узун, ингичка, тинмай силтанади. Шамол забтида хинонинг қобиғи ёрилиб, ичидаги қизил уруғларини сочиб юборади. Маккалар шовуллайди. Дарахтлар остига борсангиз, шитирлаган, читирлаган, зириллаган юзлаб сасларни эшитасиз. Булар орасида чийиллоқлари ҳам бор. Курмакнинг узун пояси шунақа товуш чиқаради. Дарахт шохидаги куш палапонлари қўрқиб чийиллашади.

Ўҳ-хў, уни ўшанда кўрсайдингиз! Ёйиб қўйилган кирларни учиради, мўрт тераклар, шохларини бемалол ёйиб юборган тол-ўриклар қарсиллаб синади, танасининг оч-сарғиш бағри очилиб қолади.

У кўпинча ёмғир булутларини суриб келади. Булутлар ҳам турли-туман. Ораларида чақмоқлари билан келадигани бор, у шиддатли жала қуяди. Томчилари кичикроқ бўлса, ҳамма ёқ шовуллайди. Каттароқ бўлса, кўлмакларда пуфакчалар ҳосил қилади. Бўтана сувлар хасларни аралаштириб оқи-

² валиш (водий шевасида) – ишком.

зади, баъзан ялпиз япроқларини узиб юборади, улар ҳам хасларга қўшилиб оқади.

Қайлардадир ёмғир қирқ кеча-кундуз ёғади, дейдилар. Уммонлар узра шовуллаб қуядиган жалалар ҳам бўлармиш. Балки, дунёнинг бошқа жойларига борсангиз, ёмғирлари бегона туюлар? Сабаби тафтию ҳиди, товушлари ўзга. Бизда эса, мол-қўй иси, кимнингдир боласини чақирган овози, чечак аралаш ўтлоқ ҳидлари аро ёққан ёмғир турфа товушлар билан бирга, исларни ҳам ҳосил қилади. Аввалига ер бетларида митти кулранг нуқтачалар пайдо бўлади. Унақа нуқтачаларни нафақат ер бетида, балки том устида ҳам кўрасиз. Томчилар дов-дарахт, ўт-ўлан устида туриб қолади. Дала-тузни, тупроқ йўлларнию сўқмоқларни, ўрилган пичанларни бир хилда қорайтириб-намлаб, шивалаб уради. Кейин ҳамма ёқни шалаббо қилиб ташлайди. Маккапоялар, ер бетида қолиб кетган нарсалар, қўрадаги эски ўтинлар – бари бирдай намланади. Ўрмалаб кетаётган чумоли устига тушса, чумоли кўрқиб тўхтаб қолади. Ўргимчак тўрига тушса, тўр эгаси апил-тапил қочади, ёмғир эканини билади. Ҳайвонлар бамайлихотир бош чайқаб, ризқини еяверишади. Паррандалар эса бостирма остига ўтиб олишади.

Ёмғир остида дарахт шохига чиқиб олиб, осмонга қараб қичқиргим келади.

Қизиқ, қушлар ёмғирда қочиб кетишмайди. Қарға, зағча, қалдирғоч бемалол учади. Чумчуқ билан мусича беркиниб олади.

Ёмғир ёққанида ҳам ёқимли, ҳайбатли оҳанг яралади. Ҳар нарса айри ун чиқара бошлайди. Тол ёнига борсангиз, дарёдай шовуллашини эшитасиз. Сабаби барглари учли, узунчоқ, қайиқчага ўхшайди, ёмғир суви улардан оқиб пастга қуйилади. Терак

шитирлайди, япроқлари тиғиз бўлгани учун бирига урилади. Каттароқ баргли дарахтларда дағалроқ товушлар ҳосил бўлади. Қуруқ шох-шаббалар бошқа, хаслар бошқа сас чиқаради, хуллас, бутун борлиққа бастачисию ижрочиси табиат бўлмиш ёмғир мусиқаси таралаверади.

– Ҳой бола, бери кел! Ивиб кетибсан-ку! Нима бор ёмғир тагида?

– Ота, ажойиблигини қаранг! Момақалдироқ зўр гумбурлади-я? Мениям қаттиқ қичқиргим келди. Чақмоқни-чи, кўрдингизми? Худо ўша қамчи билан булутларни савалаяпти...

Ҳар боланинг қалбида бир истеъдоди бор, у кутилмаган саволларни ақлга рўпара қилади.

– Ота!

– Ҳа.

– Қуёш нечта?

– Битта-да, болам.

– Йўқ, унақа эмас. Ҳар куни биттадан янги қуёш чиқади...

– Ота!

– Ҳа.

– Дунёнинг охирида ўтлар ўсмайдими?

– Билмасам, ўғлим...

– Ўсмаса керак, чунки қуёш ботиб кетган бўлади-ку.

– Ота, тоғлар ортида баҳайбат одам яшайдими? Оғзининг ҳовуридан шамол келадими?

– Қуёш орқасида катта ўчоқ бор экан. Оламдан ўтган кишилар ўша ўчоққа ўт ёқишармиш...

Болакайлар барча ҳодисаларга синчиклаб разм солишади, тасаввур орқали ёш онгда пайдо бўлган саволларга жавоб топишади. Истеъдод учқунланиб, ўзини шу тарз намоён қилади.

Одамлар эса ўша ҳодисалар билан биргаликда жонланади. Бир кечаю бир кундуз тинмасдан эсиб, еру кўкни қуришиб кетадиган шамол хаёлимда кўшнимиз Убай аканинг қичқириқлари билан бирга садоланади. Яна, мактаб синфхонасидаги олов гуриллаган қора чўян печка, дераза тирқишидан кираётган елвизакда совқотиб, қулоқчинларини тушириб сабоқ олаётган болалар, кўзга кўринмас ҳавонинг зуғумли ҳайқиришлари аро патлари юлқина-юлқина уясида нари кетолмай юрган паррандалар, ниҳоятда, зерикарли ва ҳеч кимга кераксиз дунё фанлари намоён бўлади. Ёмғир десам, баҳор жаласида бараб шаталоқ отган қўзилар билан бир қаторда, бепоён далалар кўз олдимга келади, қалбимни ширин ҳислар чулғаб олаверади. Бол деганимда бизникига меҳмон бўлиб келган, олис аждодларимизнинг қайси бир ҳалқасида қанақадир алоқаси борлиги учун қариндош деса ҳам бўлаверадиган қишлоқдошларимизни эслайман. Улар билан келган қизалоқни кўриб, бир лаҳзага қотиб қолгандим, гўё. Қизгина, ниҳоятда, чиройли эди, аммо чиройи нимада десангиз, жавоб беролмаслигим ҳам бор гап. Қариндошлар ўшандан кейин қайтиб келишмади, яшаш жойи Дашти Қипчоқ эканини билсам-да, тасаввуримда жуда олис, тушунарсиз ғалати макондай бўлиб қолаверди. Мени довдиратган – турли ифодаларни акслантирган кўк-яшил, гавҳар кўзларимиди?

У маҳаллар атлас бурмали кўйлақлар урф бўлган, тус қора сочи узун эди... Асалари тўдасини кўрсатганим, уядан оқиб тушган болни берганим, тилига теккизиб кўриб, «Роса ширин экан» деб миннатдор қарагани ҳам эсимда.

Онгим у манзарани кучайтириб, рангларини ёрқинлаштириб, ўзига жо этган. Кўрилган-билинган

ходисаларнинг тасаввурда ўзгариб жонланишидан хабар топганимдан кейин шунга диққат қиладиган бўлдим, билсам, айнан мен кўришни истаган шаклда жонлантирар экан.

Сап-сариқ қуёш самога кўтарилганида осмон бағридаги бир нечта булут ер бетида аста силжувчи сояларни ва ҳар ер-ҳар ерда осмондан ергача инган ёрқин нур дасталарини ҳосил қилади. Нурлар дов-дарахт ва бута шохларига зар либосини кийдирса, булут кўланкалари уларни бирпасда кулрангга бўййди. Офтоб кўтарилгани сайин буталар, кичик қирлар, оғочларнинг узун соялари қисқариб, ўзига ўхшамай қолади, кичрая-кичрая эгалари пойида ётган хуфя аскарларга айланишади. У аскарлар ер бетида ҳар ер-ҳар ерда, худди дала-туз тинчини кўриқлаган каби, ҳар дўнг, ҳар тепа, ҳар бута остида туришади, бирининг милтиғи, бирининг камони, яна бирининг қалқони кўланка бўлиб кўзга ташланади. Теваракда эса аста-секин улуғ бир силжиш рўй беради.

Бундай манзаралар кўшнимиз Нисо холанинг қаровсиз теракзори орасида ҳам намоён бўлади. Нисо хола ёлғиз кампир эди, кўни-кўшнилари бечорага ҳар куни овқат чиқаришарди. Теракзор ости соя бўлгани учун ҳар нарса ғалати тарзда ўсиб кетган, масалан, отқулоқ барглари нақ бир қулочга етган, билсангиз, япроғининг иплари бўлади, энг узун иплар ўшандан чиқади. Соя бу ерда ҳаракатланмас, турғун, шу сабабли бошқа ўт-ўланлар ҳам узайган, ёввойи кўзиқоринлар одатдагидан анча катта, ҳатто ўргимчаклар ҳам катталашиб, улкан тўрлар тўқиган.

Қайрағоч шохлари орасидаги асалари тўдасини ўша ерда тасодифан кўриб қолганман. Остидан ўтиб

кетаётсам, бошимга, сочларим орасига куюқ бир нима томчилаб, юзимга оқди. Сийпалаб кўрсам – асал! Суюқ, новвотранг, гул иси анқиб турибди. Тепага қарасам – баланд шох орасида ғуж асалари тўдаси! Қайдан келганига ақлим етмади. Ўша ерга ин қурибди, бол ҳам тўплабди.

Отамга айтсам, ўйланиб туриб: «Қайдандир ажралиб чиқиб, шу ёққа келиб қолгандир? Эгасини топмасак бўлмас, нима бўлганда ҳам, бировники», деди.

Лекин асалари сирини отамга Дашти Қипчоқдан келган меҳмонлар орасидаги қиздан сўнг айтганман. У қиз келиб-кетгунгача бир-икки кун ичимга сиғмай юрганман. Отам ёки укаларим томорқанинг ўша хилват томонига ўтишса, асалариларимни кўриб қолишмасмикин, дея жон ҳовучлардим. Асаларилар кечалари қанақа ухлашар экан? Қўлимга фонар олиб, тунда дарахтга тирмашиб, нима қилаётганини кўргим келади. Лекин тунда бўлса-да, чақиб олиши мумкинлиги ҳайиқтиради одамни. Чунки бир-икки кишини асалари тўдаси қувлаганини биламан, қўлларини ҳавода силкита-силкита қочишганини ҳам эслайман.

Асалари одамдан бошқа кимни чақиши мумкинлиги ҳақида ўйлайман.

Чумолини чақолмайди, чунки кичкина. Қушниям чақолмайди, пати бор. Ҳайвонларниям чақолмайди, сабаби – териси қалин. Унда, кимни?

– Айиқ асални яхши кўради, – деди отам. – Уяси билан қўпориб олиб, панжаларини ботириб, ялаб-ялаб ейди. Асалхўр айиқ бу атрофда йўқ, бўлганида ҳам чақолмаслиги аниқ.

– Унда кимни?

– Одамни-да, – кулди отам. – Асалини оламан десанг, чақади.

Душмани одаммикин? Яна ақлим етмайди.

Уя асалга лиммо-лим бўлса керак. Ҳар замонда бир чакиллаб томади. Томчисига кафтимни тутаман. Шаффоф, тиниқ, катта томчи. Қарасам, дарахт танаси чумолиларга тўлиб кетибди. Ҳаммаси бол ишқида ўрмалашяпти.

Бол қайдан келади?

Асалари қайдан топади уни?

Уларни кузатаман. Асалари зириллаб учиб келади, гулкоса ичига киради. У ерда жуда нозик, чиройли чангли жойи бор. Ўша ерда бир нималарни тўплайди. Синчиклаб қарайман-у, болни кўрмайман. Арилар бирин-кетин учаверишади.

Ўша куниёқ отам кути топиб, юз-кўзини латта билан ўраб, уяни олиб тушади. Асаларилар ғуж бўлиб эргашишади. Отам уяни кути ичига солади, қўли билан асалариларни ҳайдайди. Эҳ-ҳе, улар сон-саноксиз. Жойлагач, менга узоқдан асалини кўрсатади. Сарғиш катакчаларга жойлар экан. Онам берган косани олиб бораман, теграсида асаларилар ғужғон ўйнаган отам косага асал оқизади. Коса ярим бўлгач, узоқлашади. Асаларилар бироз қувиб келишади-да, ортга қайтишади.

Бармоғимни тиқиб, ялаб кўраман. Жуда лаззатли, томоғим қирилиб, овозим чиқмай қолади.

Дашти Қипчоқдан келган қиз менга ўша асални эслатади. Юзи новвотранг, ўшандай ширин бир нимадан дарак беради. Пешанасига бир-икки хуснбузар тошган эди, ўзига ярашгани-чи? Қўллари ҳам эсимда, аланга олдида ўтирганимизда кўрганим – одатий қаварган, меҳнаткаш қўллар эди. Уст тарафи қорайган, кафтининг ичи эса нимагадир қизғиш, яъни хино қўйган экан. Роса гапирганим ҳам эсимда, ажабки, нималарни гапирганим ёдда йўқ. Гапимни

тинглаганида хиёл жилмайишига маст бўлиб, ўзимни кўрсатгим келгани-чи? Ўшанда нима учундир теракнинг учига чиқиб, чумчуқ палапонини оптушгим келган эди. Яна, катта тўнкани кўтара олишимни ҳам кўрсатганман. Булар майли, дарахту экинзорлар узра учолганимда, қўлларимни кенг ёйиб, кўкларда чарх уриб айланган бўлардим.

Кейин эркак-хотин айри-айри овқатланишди. Эркаклар сўрида, хотинлар айвонда, у ёқ-бу ёқдан жуда зерикарли гаплардан гапириб ўтиришди. Ота-боболари шу қишлоқда яшашган экан, у маҳалларда турмуш жуда хароб, шояд ўнглансак дея узоқларга кўчиб кетишганмиш. Сочига чўлпи³ тақиб олган кампир: «Нимагаям ўша ёқларга кетган эканмиз, дарвоза тик этса ватанимдан биров келдимикин деб, сочим оқарди», дея йиғлади. Бу гап-сўзлар ўз тўпидан айрилиб, дарахтга келиб ўрнашган асаларилар тўдасини ҳам эсимга солди. Таом ейилиб, фотиҳа қилинган, худди шу тартибда жой тўшалди, ҳамма уйкуга ётди. Энам қадим эртакларни айтиб берди. Олисларда бир хоқоннинг қизига Эр Кенжа ошиқ бўлибди. Ҳайё-хуйт деб йўлга чиқиб бора-верса, тўнкарилиб ётган бир тошбақани кўриб, ўнглаб қўйибди. Яна йўлида давом этибди, қараса, ўтлоқларда юрган бир оқ илонга лайлак тумшуқ солиб турган экан. Илонни қутқарибди. Янаям бораверса, тош остида эзилиб қолган чумолига дуч келибди-ю, тутқунликдан озод қилибди... Тераклар ортидан сарғиш-қизғиш тусли катта ой кўкка кўтарилди. Ёғдуси айвонга тушганида хаёлим меҳмон қизнинг сочлари ёйилиб ухлаётганини кўз олдимга рўпара

³ Чўлпи – Аёлларнинг сочга тақиладиган ёки кўкракка тушириб юриладиган, кумуш ёки олтиндан ясалган зийнат буюми.

қилди, ҳатто, пешанасидаги бир-иккита қизғиш пўрсиллаган ҳуснбузаригача кўрсатди.

Эртасига саҳарлаб турганимда меҳмонлар йўқ, хайрлашиб жўнаб кетишган экан.

– Бир чиройли қизчаси бор экан, исми Интизор эмиш, – дейишди хотинлар.

Қизнинг исми Асал эмас, Интизор бўлиб чиққани тасаввуримни ўзгартирмади, балки, дарахт шохларидан томган болни татиб кўриб, кўзида қувонч ила кулган қиз билан тунда кўтарилган улкан ой бирлашиб, етиб бўлмас армонли манзарага айланиб қолди. У пайтнинг иссиқ, тиғиз ҳавоси, япроқлар орасидан тушиб турган даста қуёш нури ҳамда ўша нур дасталарида ёғдуланиб учган капалагу ниначилар, табиатнинг умумий шовқини аро кимнингдир боласини чақирган, кимнингдир кулган, кимнингдир озорли овози, ҳайвон товушлари ва қайдадир шодланиб ҳурган кучук саслари ила ўша тутаб турган нигоҳ бирлашиб, қалбимга жойланди.

Мен у қиёфа энди сира ўзгармаслигини, орадан қанча йиллар ўтса-да, бир хилда малоҳатли бўлиб қолаверишини билмаган эканман. Сафарга кетаётганлар азиз қиёфаларни энди сира кўрмайман, деб афсусланишади-ку? Орадан шунча йил ўтди, кўп кунларни бошдан кечирдим дейман-у, ичимда ҳалиям ўша болакай яшаётганини сезиб тураман. Манзараларга қараб қувонсам, у ҳам қиқирлаб кулади. Асал қиз ҳам ичимда ўша малоҳати ила ўзгармасдан қолган...

Асаларидай беозор, тартибли ҳашарот йўқ дейишади. Катталар айтишича, бол тўплашидан ташқари, гул-чечакни чанглантитар эмиш. Баҳор иссиқларида чаман бўлиб очилган гуллар орасида, албатта, асалари манзараси бор. «Биз ҳам асаларидай тинмаймиз, – дейди отам. – Аммо ташиб келган ризқимиз қайда-ю, асал қайда?»

Сигир деярли барча хонадонларда бор. Қайси ўтни ёқтириб ейишини, қай бири зарар эканини ҳамма яхши билади. Хотинлар даладан ғарамлаб ўт ўриб келишганини кўп кўрганман. Таом тайёрлагандаги сабзавот пўчоқларию овқатнинг қолган-қутгани берилаверади. Ўзимизнинг сигирларга нима берсангиз еяверади – курмакни, шўрани, макка поясини, ажриқни, бедани, арпани ёқтиради. Ажриқ тез сувсатади, курмак пояси сувли бўлгани учун суғормасангиз ҳам бўлаверади. Семизўт ичини ўтказиб юборади, бангидевона миясини айнитиб қўяди. Дарахт баргларида тол, беҳи, гилос, узум барглари охурига солса бўлади, терак баргини бермагин, заҳари бор, дейдилар.

– Худои таолонинг қудратини кўр, – дейишади кишилар. – Ўтлаб-семирадиган, ҳар йили ўз-ўзидан кўпайадиган гўшти қерда кўргансан?

Мол-қолга бундай баҳо мени ҳайратлантиради.

– Сўймасанг, сут-қатиқ бериб юраверади. Сўйсанг – гўшт-да...

Кузда болалар мол-қолни дала-тузга ҳайдашади. Бизнинг сигир эсли, кеч кирган маҳал уйни ўзи топиб келади.

Сигир туғса қувонишади, оқлик дейишади. Сутининг ранги оқ бўлгани учунми? Бузоқ оёқлари титраб-титраб, майишиб-майишиб сигирга интилади. Си-

гир уни роса ялаб-юлкайди, шунда чиройли юнгада палахса-палахса, қорамтир ҳўл излар қолади. Мана шу ҳолат хотинларнинг раҳмини келтиради. «Вой бечора, эна-да» дея кўзларига ёш ҳам олишади.

Сигир фақат туққанидан кейингина сут бера бошлашини ўшанда билиб олганман. Унгача ҳар доим сут бераверса керак деб ўйлаган эканман.

Бузоқча кўзларини бир нуқтадан узмай, тумшуғи билан туртиб-туртиб эмади. Гоҳо қаттиқроқ туртса, сигир бечора мункиб кетади, озорланиб, бошини буриб мўрайди, аммо тепмайди.

Илк сути бурда-бурда, тахир таъмли, уни ёш болаларга беришади.

Кейин ҳар тонг сут соғилаверади.

Челакдаги сут устига дока ёпиб, осиб қўйишади. Анча тургач, устини қаймоқ бойлайди. Болалар қаймоқни сидириб олиб ейишади.

Аввалроқ ивитилган қатикдан озгина солиб, устини ўраб қўйса, қатик бўлади. Уни матога ўраб қуёшга қўйса, пишлоққа айланади.

Сут табиатнинг ҳамма жойида мавжуд. Масалан, асалари сути. Асли қанақа эканини билмайман, отам олиб келади. Лекин таъми тахир бўлади. Гўдаклар, болалар шамолласа, қошиқ учида беришади.

Ўт-ўлану дарахтларнинг ҳам сути бор. Мома-қаймоқнинг оч-яшил пояси найчага ўхшайди, иккига бўлсангиз, аччиқ таъмли оппоқ суюқлик тошиб чиқади.

Қўй, туя сутиниям ичиш мумкин. Эчки сутини касалларга ичиришади. Мол, қўй, эчки сутидан қурут қилишади. Мушук-кучукларнинг ҳам сути бор, албатта. Гоҳо далаларнинг четларида, салқинроқ жойда болалаган ит ёнбошлаб ётганини, кўзи эндигина очилган уч-тўртта кучуквачча қаторасига эмиб ётганини кўриб қоласиз.

Ёз жазирамаларида қорни қаппайиб, зўрға юрган хайвонларни кўрганмисиз? Хотинларнинг раҳми келиб, олдига товоқда егулик қўйишади. Кечагина ириллаб юрган итнинг зуғуми ғойиб бўлган, болалар яқинига борса ҳам мўлтираб қарайди. «Менга тегма, аҳволимни кўрмайпсанми, деяпти», дейишади хотинлар. Егуликни еб, кейин лапанглаганича ўз жойига қараб кетади.

Умуман, сут муқаддас нарса. Ерга сут тўкилса, айниқса, хотинларнинг жони чиқади, сутни тўккан боласини аямай уришади:

– Нега тўкдинг, бола бўлмай ўл! Кўзинг кўр бўлиб қолади-я!

Қайсарроқ кимнингдир феълидан сўз кетса, «Сут билан кирган жон билан чиқади», деб ҳам қўйишади.

Қўшни боланинг қулоғи оғриб қолади.

– Қулоғига сут томиз!

– Уни қайдан оламан?

– Нариги қўшнининг келинини кўзи ёриган, ўшанга айтсанг беради.

Сут томизилса, қулоқ оғриғи барҳам топади.

Қўшни хотинни «Кўкал хола» деб чақиргин, дейишади. Чунки кўни-қўшнининг боласи очқаб йиғласа, эмизиб қўяверар, сутини қизғанмас экан. Теградаги уч-тўрт хонадоннинг болалари шу тариқа кўкалдош бўлиб қолишган. Кўкал хола буюрган ишини адо этган болаларга «Эмизган сутим ҳалол бўлсин» дейди, шўхроқларини эса, «Берган сутимга рози бўлмайман» деб кўрқитади.

Ёши каттароқ болаларга хотинлар: «Ҳозир эмизиб қўяман», дея пўписа қилиши-чи? «Э, бор-э», деб тўнғиллаб нари қочишади болалар. Чунки эмизиб қўйса, мазахга қолади.

Чақалоқчалар қўлчалари билан онасининг қўйлагига тирмашиб олиб, эмиб ётишади. У маҳалда

нигоҳлари сокин бўлиб қолади, ияклари титраб, оқи хиёл кўкимтир, қорачиғи катта кўзларини бир нуқтага тикиб, миқ-миқ эмаверишади.

Шундай қилиб, ёмғирдан кейинги кўчаларнинг лойлари аро уйга кирамиз. Юмушлар барҳам топиб, кеч маҳали сандал атрофига тизиламиз. Бениҳоя қизиқарли маталлар вақти келади.

Сандал атрофида қариялар эртак бошлашади, шулардан бири – Нух алайҳиссалом ҳақида.

...Бир куни Нух алайҳиссаломнинг хотини нон ёпибди. Нонлари қип-қизариб, пўрсиллаб пишибди. Тандирдан узиб саватга солаётса, қўли куйиб, биттаси ерга тушибди.

– Енгча⁴си йўфаканми?

– Боракан-у, аммо қўлига кийволиш эсидан чиққан экан. Ёки нон ёпаверганидан илма-тешик бўлиб кетганми?

Хуллас, нон ерга тушганида хотин:

– Ҳах, ўлгур, – дебди.

Шунда Нух пайғамбар айтибдики:

– Ҳой нодон, ризқниям сўкадим одам? Қани, тавба қил-да, нонни ердан олиб кўзингга сур-чи!

Хотин шундай қилибди. Ерга тушган нон бўлагини олиб, пуф-пуфлаб кўзга суртиш одати ўшандан қолганмиш...

Маталларнинг кўпида хотинлар нодон қилиб тасвирланишига ақлим шошади. Ташқарига чиқ-

⁴ Енгча – тандирдан нон узилаётганда кийиладиган, билаккача етадиган, қалинроқ матодан ичига пахта солиб тикилган узун қўлқоп. Бир тарафи қорайиб-куйиб кетган бўлади, ёмғирда намланса, куйик иси анқийди. Хотинлар янги пишган иссиқ нонларни ўша енгча билан қисқартади.

қанимда уларга қизиқсиниб қарайман, сираям нодонга ўхшашмайди.

Пайғамбар дейишса, хаёлимга тўн кийиб, белига белбоғ боғлаган нуроний, насихатчи чоллар келади. Айтадиларки, Нух алайҳиссаломнинг уч ўғли бўлган, тўнғичидан бизнинг ота-боболар тарқаган экан. Бу ривоятга одамнинг ақли бовар қилмайди – пайғамбар қайда-ю, биз қайда?

* * *

Одамлар ҳамма нарсани ўзгартириб, жон ато этиб олишганига яна ҳайрон қоласиз. Масалан, ноннинг жони бормидики, гапирса?

– Нонни тескари қўйма, гуноҳ бўлади.

– Нега?

– Ризқинг қийилади.

– Кучукни урма!

– Нега?

– Эрта бир кун Эгамга сендан шикоят қилади. “Уни кучли, мени заиф қилиб яратувдинг, уриб жонимни оғритди”, дейди.

– Қиблага қараб чоптирма.

– Нега?

– Мохов бўпқоласан.

– Кечаси ташқарига бир ўзинг чиқма.

– Нега?

– Озиқчи опкетиб қолади.

«Озиқчи» нималигини биров билмаса-да, ҳамма болалар ундан қўрқади. Бу ғалати сўз озиқ тиши билан уйқашлиги учун, назаримда, ўхшовсиз тиржайиб, ой нури тўкилган кечаларда дайдиб юрадиган, курак тиши оғзидан қозикдай чиқиб турадиган бемаъни бир яратик қиёфасида гавдаланади. Болаларни нега опкетади, биров билмайди, аммо катта қозонга сув

солиб, қайнатиб шўрва қилиб ичади, деб қўрқитишади.

Қиш тунлари узундан-узоқ, болалар сандал четига тиқилиб олиб, катталарнинг ваҳимали ҳикояларини қулоқ қоқмай эшитишларини ҳам айтайми? Одамларни адаштириб кетадиган ғалати кишилар, йўл ёқасидаги дев, қиз қиёфасидаги ажина, қора юзли киши ҳақида-чи?

У маскан узра тунлари ёғдуланган Оймомо – фақат шу жойларнинг момоси. Ўзга маконларда Ой бунақа кўринмайди, номиям момо эмас, дейдилар. Тоғ орасидан қалққан ёки адоқсиз саҳроларнинг Ойи бутунлай бошқа кўринишга эга эмиш. Дов-дарахт иси анқиган кечаларда, тутлару тераклар ортидан ҳаволанган ўзимизнинг ой жуда азиз.

Тавба, Ой десам, хаёлимда София холам жонланади. Ниҳоятда беозор, қалби ёруғликка тўла муштипар хотин эди. София холам десам, юксакларда ёғду сочган ажойиб Оймомо ёдга келади.

Тенгдошларим билан дала-тузни кезар эканман, дашт қорақушига кўп дуч келардим. Бошқа қушлардан фарқ қилиб, ҳақкалаб юрар, хаслар орасидан бир нималарни излагани-излаган эди. Неча марта тош ё кесак отганмиз, лекин бирон марта ҳам теккизолмаганмиз. Одамлар боравермайдиган жойларга хаслардан ўраб-чирмаб, халтача шаклида ин қуларди. Мен кўрган инлар бўм-бўш, қорақуш қачонлардир унда тухум босиб ўтирган, нар қуш емиш ташиган, сўнгра жиш палапонларини учирма қилиб, ташлаб кетган бўлса керак. Дала-туз сира ўзгармади, назаримда, минг йиллар аввал шундай эди, эндиям шундай қолаверса керак деб ўйлайман.

Одамлар ҳаёти эса ўша-ўша тарзда давом этарди:

– Ҳой, бола бўлмай кет! Сени нимага туққанман, дала-даштда санқигин дебми? Бор, ишингни қил! Ҳамма юмуш битта ўзимгами?

Теварак нимага бунақа? Нега қуш учадиган, кумурсқа ўрмалайдиган, сигир кавш қайтарадиган, кучук ҳурадиган қилиб яратилган?

Тенгдошлар билан ҳам шу мавзуда гаплашиб қоламиз:

– Нимага Худо бизни одам қилиб яратган?

– Бир куни катта бўлиб, бола-чақа кўрсин деб.

Ҳақиқатан ҳам, ўша маҳалгача эшитганларим орасидаги энг тўғри фикр шу бўлиб туюларди. Бутун теваракнинг қилаётган иши фақат шугина, яъни дов-дарахт мева солар, кузда баргларини тўкиб уйқуга кетар, бир неча йил ўтгач, қуриб, йўқлик оламига жўнарни. Ҳамма нарс яратилиш ва хазонга айланиш ҳукми остида экан, одам ҳам шуларнинг бири деб ўйлаш ҳаётни осонлаштирарди. Қилар ишинг фақат ризқ териш, уйга емиш ташиш, бола-чақа катта қилиш, шуни эплаёлсанг олам гулистондай туюларди. Яъни, заҳмат чекаётган бутун элнинг ҳаёти дашт қорақушиникидан ортиқ эмас эди.

Меҳнатлар эса давом этарди. Самода ўзимизнинг булутлар сузар, ёмғиру қорлар ёғар, қуёш чиқиб-ботар, қишлоқ тепасидан шамоллар елиб, тасаввурни жуда олисларга – хилват ва бепоён ўрмонларга, ажойибот ўлкаларига, уммонлару музлар маконларига олиб кетар, озод-озод, одамни сармаст қиладиган гўзалликлар диёрига етакларди.

Дунёнинг қаерларидадир кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ажойиботлар бор, биз яшаган қишлоқ эса туссиз, зерикарли, ипидан игнасигача ўрганиб чиқилган, кўникилган макон бўлиб туюларди-да.

– Ҳой яшшамагур! Ташла китобингни! Ўқиб одам бўлармидинг?

– Бор, молга ўт ўриб кел!

– Ерни чопиб қўймабсан-ку, аҳмоқ? Неча марта айтаман сенга?

Бундай койишлар болаларга кўп ҳам таъсир қилавермас, ими-жимида юмушларини битириб, яна ўйинга машғул бўлиб кетаверишарди.

Ўсмир ўн икки ёшида ҳалиям бола бўлади. Ўн тўртга ўтганида эса мўйлови сабза уради, юзигаю пешанасига бўжамалар тошиб, овози дўриллай бошлаганида катталар насиҳатга ўтишади:

– Кап-катта бўлиб қолдинг, энди рўзғоргаям қараш. Шу туришда юравермай, бирор ишни бошини тутишни ўйла.

Қанақа ишни бошини тутишга ақл етавермайди. Лекин катталар нима деса шу: индамай бўйин эгиб кетаверасиз. Ё томорқада етилган мева-сабзавотларни опчиқиб сотасиз, мол-қўй семиртирасиз, ё терак эксангиз, беш-олти йилда иморатга яраб қолади. Бунга бўйингиз ёр бермаса, ана, сувчилик ёки тракторчилик қилинг... Отангиз тўғри айтибди, ростдан ҳам, ёш бола эмассиз-ку?

Тавба, қуш десалар, хаёлимда уясида тухум босиб ўтирган дашт қорақушию қора чумчуқлар намоён бўлади. Бу манзараларнинг ҳаракатли экани ажаб.

Сигир десалар, пов-пов кўпириб соғилган, кейин нимагадир ерга тўкилган сут манзарасини кўраман.

Нега айнан тўкилган сут жонланишига ақлим етмайди.

Инсонларнинг қиёфалари ҳам маълум воқеа-ҳодисалар билан бирлашиб кетган, кимни эсламай,

қайсидир воқеага боғлиқ ҳолда жонланади. Убай акани шамоллар билан бирга тасаввур қиламан, София холам ой манзараси билан уйқаш, Дашти Қипчоқдан келган сулув қиз бол ва асал ҳосил қилади, онамни ялпиз, райҳон ҳамда гул очган чечаклар ёнида, отамни қўлида болта ёки арра, кесилган дарахт шохлари ёки яхшилаб ағдариб чиқилган майдон ўртасида кўраман. Ўзимни мана шу манзаралар ичида учиб юрган боларисидай тасаввур қиламан, қай манзарага яқинлашсам, ўша катталашиб, майда-чуйдаларигача намоён бўлади.

Яна анча йиллар ўтгач, улғайганимдан сўнг ҳам сира ўзгармаган далалар аро бошқа уфқлар юз кўрсатиши хаёлимга келмас эди. Ҳали яна кўп воқеалар хотирага муҳрланишини, фурсат бўлганида ҳар воқеани турган жойидан олиб айлантириб томоша қилиш мумкинлигидан хабарим йўқ эди-да. Кишилар оламдан беҳабар, шу митти ҳудудда оддийгина умр кечиран эдилар. Ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди: на ҳалокатли билимлар, ҳаёт ўрнига ўлиму барака ўрнига фалокат келтирувчи ризқлар, на дунё бўйлаб кезиб юрган сон-саноксиз кишилар, на ҳаволарни янгилаб, фаслларни ўзгартириб эсадиган мавсум шамоллари...

ЛАЙЛАТУЛҚАДР

Ўша йили рўза кузга тўғри келган эди.

Катталар болаларни рўза тутишга ундашар, тутишмаса кўп ҳам мажбурлайвермас эдилар. Менга ҳам бобом уч-тўрт марта пўписа қилди, кўрққанимдан «хўп» десам ҳам, салдан кейин қорним очқаб, тахта қутидаги нонлардан бирини билдирмасдан қўйнимга солиб, томорқадаги маккапоялар ортига ўтиб, шоша-пиша еб олганим эсимда.

Одамлар нима учун бунчалар қийналиб рўза тутишларига ақлим етмасди. Оч юриш-дан Худога нима наф? Худо ҳақидаги тасаввурим ҳам йўқ, ҳамма ундан кўрқишини билардим, чунки сал нарсага «Худодан кўрқмайсанми?» дея гапиришганини кўп эшитганман. Назаримда, рўза тутиш ҳам шу кўрқув туфайли эди, мен бобомнинг кўзини шамғалат қилиб, қорнимни тўйдириб олганимдан кейин қўл ёки оёғим ишламай қолишини хавотирланиб роса кутдим, аммо ҳеч нима рўй бермагач, «Катталар алдашибди» деган тўхтамга келдим.

Рўза охирлай бошлаганида одамлар орасида Лайлатулқадр ва Хизр бува ҳақидаги гаплар пайдо бўлди. Хизр – ўзимизнинг оқсоқолларга ўхшаб кетадиган бир чол бўлиб, кўзга гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай, мана шундай кечаларда эл оралаб юрар, рўпара келганларнинг мушкулларини осон қилар эмиш.

Кечаси одамлар дуо қилиб ўтиришар экан, Лайлатулқадрни лайлакка ўхшаган бир қуш деб ўйлаганман. Қанотини қоқиб ўтиб кетса, одамларнинг дуоси ижобат бўлар, ҳатто, ушлаб ўтирган нарсаси тиллага айланиб қолармиш.

Бу борада кўрқинчли гаплар ҳам бориydi.

Бир хотин боласини эмизиб ўтирса, Лайлатулқадр кепқолибди. Суюнганидан ҳар нарсаларни тилабди, бир маҳал боласига қараса, аллақачон тиллага айланиб қолганмиш. «Войдод, бойлик сўрамай мен ўлай» дея, тилла болани кучоқлаб, фарёд ура-ура ақлдан озганмиш.

Кимлардир уни кутиб, томда ухлашганини ҳам айтишади. Авваллари шундай кечаларда мен ҳам ухлаб қолар эдим. Бу сафар қизиқиб ухламадим.

Тун ярмига борган маҳал, томорқа адоғидан, қўшнинг тераклари ортидан ой самога кўтарилган,

Убай ака уйига чиқиб кетган, Холис аям билан София холам сўрида эдилар.

Бир пайт кунботар тараф яллиғланиб кетди. Қип-қизил, ғалати яллиғ эди у. Йўқ, садо келмади, шунчаки яллиғланди. Осмоннинг ярмини энлаб олди. Кейин орасидан жуда ёруғ бир нима тиккасига самога кўтарилди.

– Вой, ана Лайлатулқадр! – деди София холам. Кейин қўллари қалтираганича дуога қўл очиб, йиғлаб юборди:

– Эй Художон, ўзингга шукр! Ўзингга бениҳоя шукр!

Лайлатулқадр шунақа бўлар экан-да! Яллиғнинг ҳайбати ақлимни шоширди, маълум вақтдан кейин сўнса-да, одамлар ҳаяжонланиб жаврашар, кўпчилик ухламаган, ғала-ғовур тинмасди.

* * *

Орадан бир неча кун ўтгач, ўша тунда яллиғланган синоатнинг, шунча кишиларни йиғлашга, қисмат хўрликлари аро ёлворишга ундаган ҳодисанинг сири очилди.

Биздан олисда, ўша асал юзли қизалоқ яшайдиган Дашти Қипчоқ томонларда ҳарбийлар бор экан. Ер остига ракеталар жойлаштирилган экан. Ҳарбийлар истагани он ер сурилиб, остидаги ракета самога отилармиш. Жуда баҳайбат, узоққа учадиган нарса бўлар экан. Бориб тушган жойининг кулини кўкка совуриб юборадиган қудратга эга эмиш...

– У қуроллар кимники?

– Давлатники.

– Давлат ким?

– Ҳар хил нарсаларни сўрайвермайди, бола деган.

Тек ўтириб нонингни е!

Лайлатулқадр ҳамда Хизр ҳақида бундан бошқа қулгилироқ гап-сўзлар ҳам юарди. Шу қишлоқлик бир йигит кечаси эгатларга сув тараб юрган экан, ит-тифоқо бир бува сувдан хабар олгани чиқибди. Даҳана толлар остида экан. Тунда, ой ёруғида бораётса, ҳалиги йигит бувани кўриб, тили калимага келмасдан серрайиб туриб қолибди. Кейин жон ҳолатда югуриб келиб, икки қўллаб бош бармоғини ушлаб олибди.

– Қанақа аҳмоқ боласан, қўйвор қўлимни! – десаям қўйвормасмиш.

– Жон бува, дуо қилинг, рўзғоримга барака кирсин. Заҳматда қийналиб кетдик. Иккита қизим бор, битта ўғил ҳам берсин! – дермиш ёлвориб.

Шу тариқа, тупроқ кўчалар, гувалак деворлар, лойсувоқ уйлар, иссиқда ҳансираган дала-туз, ҳар нарсага дарров ишонаверадиған содда одамлар аро улғаярдик тенгу тўш. Хизри Илёс, Нуҳ пайғамбар, қадр кечалари, одамлар оғзида юрадиған турли-туман ривоятлар тобора узоқлашиб, олислашиб борарди.

СОФИЯ ХОЛАМ

София холам – эсини таниб-танимасдан турмушга чиққан қишлоқ аёли эди. Данакдайлигидан она-сининг ёнига кириб митти муштчалари билан хамир қорған, ҳовли супурған, томорқада ўт юлған, сигир-қўйларга қараған, қишнинг совуқларида ўтин кўтариб сандалга олов қалаған... шу меҳнатлар аро бир куни келин бўлишни, кенг-мўл, иссиқ уйда болаларини катта қилишни орзулаган бўлса ажабмас.

Мен эсимни таниганимда эса кап-катта хотинга айланган, биринчи турмуши бузилиб, эри қиз туққани учун ҳайдаб юборгач, орадан қанчадир вақт ўтиб, ёши анча катта бошқа бир одамга турмушга чиққан эди.

Турмушга чиққач, уйимизга келишлари ҳам серсилиб қолди. Авваллари кўп келарди. «Тўлпоқ, вазмин бола эдинг, даладан қайтишда сени кўмсаб уловдан тушиб қолиб, шунча йўлга пиёда келар, кўтариб бағримга босганимдан кейингина шом қоронғисида уйимга кетардим», деган эди бир пайтлар. Бу гапларнинг маъносига ўшанда ақлим етса, қанийди? Унинг маъноси – шом қоронғисида, чарчаган бўлишига қарамасдан анча йўл босиб, бирикки ёшга тўлиб-тўлмаган жиянини кўришга келган холанинг иддаоси эмас, балки «Сени жудаям яхши кўрардим» деган иқрор эканини мен нодон, кейинроқ англаб етдим.

София холам диёнатли, покиза аёл эди. Уникига ўйнагани борардим. Борсам, дарров дастурхон ёзиб, қанд-курс, туршак опчиқарди. «Жияним мени кўргани келди», деб қувониб кетарди-да. Холамнинг томорқасида катта тут бор эди, шохларига чумчуқлар ин қурган бўлиб, палапонларини олишга қизиқардик. Лекин тепага чиққани кўрқардик, чунки у ерда катта илон бориydi. Илондан ҳайиқишимиз бешбаттар қизиқтирарди, тут остига яқин боролмасдан, узоқроқдан туриб шохларига ўралиб олганми-йўқми, дея кузатардик. Мабодо кимдир юрак ютиб тут танасига ўралагани он, биров кутиб тургач, баримиз бараварига «Илон!» деб бақирсак, ботир дўстимиз ўша заҳоти ўзини пастга ташлаб, тирақайлаб қочса, қотиб-қотиб кулардик. Бу ёқда илон ваҳимасидан титрасак, у ёқда холам койиб қоларди:

– Ҳой болалар, тегманглар! Бечорани Худо шунақа, судралиб юрадиган қилиб яратган. Ризқини излаб юрган бир махлуқ-да, шўрлик...

Холамнинг исми бошқа аёллар исмига ўхшамаслиги ҳайрон қолдирарди. Бизнинг қишлоқдаги аёл-

ларнинг исмлари Ойнисо, Турғуннисо, Хосият, Назира, Ибодат... бўлиб, бегонароқ бундай исмни ҳеч нимадан хабари йўқ, умрини далада деҳқончилик билан ўтказган бувам қайдан топиб қўяқолган экан? Табиийки, маъносини ҳам билмасдим. Аёл исмига «ой» ёки «хон» қўшиб айтилгани учун, холамни ҳамма «Софияхон» ёки «Софияой» деб чақирарди, қишлоқ тилида у аллақачон «Сапия»га айланиб кетган эди. Софияой деган исм менга кўпроқ ёққани учун, тунги булутлар орасидан кўринган хаёлий тўлин ой манзарасини ёдимга солади.

Дастурхон устида гоҳо танбеҳ ҳам берарди:

– Нонни ўнг қўлинг билан е!

– Чап қўлим билан есам нима қипти?

– Чап қўлинг билан есанг, қуриб шол бўлиб қолади. Мен эса бекитиқча чап қўлим билан нонни ушлаб кўрар, қўлим шол бўлиб қолмагач, холамнинг гапларига кулардим.

Бошқа ўғитлари ҳам шунақа эди:

– Калишни ўнг оёғингдан кий!

– Нимага?

– Оёғинг ишламай қолади!

– Чумолини ўлдирма, мени нимага ўлдирдинг, деб қарғайди!

– Ўтларни пайҳон қилма, уларнинг ҳам жони бор, худо дейди!

Табиийки, холам айтган бари тақиқларнинг терсини қилиб кўрар ва кўрқувлари беҳуда эканига, мени алдаганига ишонардим.

Холамнинг назарида, ҳар нарсанинг жони бор ва ҳаммаси «Худо» деб униб-ўсар эди.

Мен улғайганимда холам кампир бўлиб қолган эди. Ўша нурни, ўша юзларни ҳалигача соғинаман. Гоҳо, тун-кечаларда бирданига кўргим келиб

қолади. Майин жилмайишини, юзидаги поклик ва мусаффоликни қўмсайман.

Улғайгач, исмининг мазмунидан хабар топдим. «София» – юнончада «илоҳий донолик», арабчада «мусаффолик» деган маъноларни англатишини билганимда, «Албатта, холамга айтаман, эшитиб суюнади» деб ўйлаганман. У маҳал холамнинг менга меҳри янада ортган, «полвон болам» деб суяр эди. Бир куни йўқлаб борганимда шуларни ҳикоя қилиб бердим.

– Хола, исмингизнинг маъноси жудаям бўлакча экан.

– Қанақа экан?

– Қадим замонларда София деган бир қиз тушида ойнинг ерга тушганини кўрибди⁵. Сўнг туши ўнгидан келибди, яъни муборак бир кишига турмушга чиқибди.

– Ростданми? – холамнинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб кетди. – Шунақа воқеа ростдан ҳам бўлган эканми?

– Ҳа, хола, бўлган экан.

– Катта китоблардан ўқидингми?

– Ҳа, катта китоблардан ўқидим.

– Эй Худойим, – деди холам, овози титраб, бирданига кўзининг ёши дув оқиб. – Мени шунақа қилиб яратган эдингми?

– Хола, нимага йиғлаяпсиз? – деб сўрадим тушунмасдан, бирор ножўя гап айтиб қўйдимми дея хавотирга тушиб.

– Мен ҳам кўрган эдим, – деди кўзлари жиққа ёш холам, юзига ғайриоддий бир нур иниб. – Кичкина қизалоқ эдим. Тушимга оппоқ соқолли бир чол кирган эди. Ўшани имоси билан ой ерга тушувди...

⁵ Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг аёли, ҳазрати София онамизга ишора.

– Йўғ-э?

– Ҳа, болам, – деди. – У сираям катта эмас, мен тенги бир қизча экан. Иккаламиз қўл ушлашиб, шудринг босган томорқаларда роса ўйнаганмиз. Менга ўзининг ҳикоясини ҳам айтиб берган.

– Қанақа ҳикоя экан?

– Ой ҳикояси бўлади-ю, оддий бўлсинми? Жуда ажойиб эди.

– Айтиб беринг.

– Эсимда қолгани шуки, – жилмайди холам. – Сен ҳам, мен ҳам бежиз яралмаганмиз, деган эди. Ундан: «Бепоен осмонда бир ўзинг зерикмайсанми», деб сўраганимда, «Зерикаман, чунки сендақа ўртоғим йўқ-да», дегани эсимда. “Бир куни Худонинг суйган бир бандасига турмушга чиқаман, менинг яралишимнинг ҳикмати ўша банданинг хизматини қилиш”, деган эди. Яна, “Сен ҳам ажойиб бир кишига турмушга чиқасан, ҳаёт осмонида ойдай балқиб, бир этак болаларинг бўлади, то ҳаётинг сўнгигача инсонлар қалбини ёритиб турасан”, деди. Аммо, ўзи ҳақида неки айтган бўлса, кўпи унутилган. Балки унутмагандирман? Балки у айтмаган-у, ўзим шунақа хаёл қилгандирман? Шуларни айтгач, «Юр, ўйнаймиз» деганида, қўшилиб чопганим, шудринглар оёқларимни ҳўл қилгани ҳам эсимда. У маҳал кичкинагина қизалоқ эдим-да... – хўрсинди холам. – Мана, энди қаридим...

“Ўйлаб қарасам, бутун умрим меҳнатда ўтибди, – деди бир куни. – Эсимни таниганимдан бери рўзғордан ортмабман. На ўйнаб-кулибман, на еб-ичибман. Болаларим дуркун ўссин, зориқмасин дея, айти куч-қувватга тўлган маҳалимда далаларда чопиқ қилибман, тутқаторларда ўт ўриб, бошимга қўйиб кўтариб келибман, топиб-тутиб овқатлар пиширибман. Қарасам, умр ўтиб кетибди...

Уксиниб кетаман. Бир умрни яшабман-ку, мендан болаларимга нима қолди, деб ҳайрон бўламан. Бари одобли, эсли-хушли бўлиб ўсишди, энг катта мерос шу-да, дейман. Гоҳида эса... поччанг билан меҳнатлар қила-қила кўтарган уйимизнинг гувалакларига, синчларига тикилиб, кўзимга ёш келади. Қалдирғоч келиб, айвонимизга ин куради, бола очади, кейин палапонини учирма қилиб, куз маҳали ўзиям учиб кетади. Мен ҳам, поччанг ҳам дунёга бир қушдай учиб келдик, омонат ин қурдик, болаларимизни оёққа қўйиб, кейин учиб кетадигандаймиз...»

Холамнинг гаплари у ҳақдаги тасаввурларимни буткул ўзгартириб юборди.

София холам дейилганида бол, сут ва ой бир жойга жамлангани-чи? Сўзи болдан ширин, қалби сутдай оқ, юзи ойдай малоҳатли бўлиб, қалбимнинг ичидан ўрин олгани-чи. Йўқса, буғдойранг, озғиндан келган, баланд бўйли бир хотин эди. Энди ҳар гал борганимда уни севинтирадиган майда-чуйдалар кўтариб борар, озғин қўлларини кафтимга олиб силар, юзимга сурар, кўзимга босиб тавоф қилар эдим. Нега дейсизми? Чунки меҳнатлару заҳматлар ичра умри ўтган шу мушфиқ-меҳрибон зотнинг бир тола сочини махсус лабораторияларда тадқиқ қилганимда, дунё олимларининг ақлини шошириб қўядиган хазинага – олам аро энг ноёб, энг мусаффо Момо Ҳаво генига рўпара келган эдим...

Момо Ҳаво гени... Замонавий фан совуққонлик билан «L-турли ген» деб ном берган бу муборак ҳалқалар инсониятнинг бутун ўтмиши харитасида Сомон йўли каби шуълаланади. Тангри таолонинг жаннатини кўрган, соддалиги ва ишонувчанлиги боис, илон ҳийласига йўлиққан муқаддас, беқиёс гўзал Онадан ҳикоя қилади...

Бирок бу мавзуга ҳали анча бор. Ҳали бизлар қонларида шавкатли даврларнинг англанмас шавқу шиддати яшаётган яна аллақанча кишиларни кўришимиз керак. Пайқаяпсизми, болакайлар биров ўргатмаса ҳам беҳидан ёй, толдан ўқ ясаб, елкаларига осиб юришибди. Муштдайлигидан от устида ёпишиб қолгандай ўтиришини айтмайсизми? Кўзларида жасурлик учқунланмоқда. Турли жон эгаларидан сира ҳайиқмай, олдига бормоқда, гўё уларнинг ягона ҳукмдори ўзи каби... Дунёга келаётган жўжани диққат билан кузатмоқда, тухум ташидан синса – ўлим, ичидан синса ҳаёт эканини билиб олмоқда. Ўсармикин-ўсмасмикин деб, шафтоли танасига қовун уруғини тикиб кўрмоқда. Дарахтдан олиб тушган чумчуқ палапонига турли емишларни егизишга уринмоқда. Сувсарни ўлдириб қўйиб, тепасида ҳайрон бўлиб ўтирибди: жони қайга кетди, дея...

Ҳамиша соғ-саломат бўлсин деб, ота-онаси унга Омон деб исм қўйган. Воҳалару водийларга ёйилиб кетган минглаб қишлоқларда шу ҳол муттасил рўй бермоқда...

УБАЙ АКА

Убай ака бизнинг қўшнимиз, бақувват, елкалари кенг, овози ўткир киши эди.

Асли исми Убайд бўлса бордир, халқ уни ўзига мослаб «Убай» деб олган, гоҳида «Убайдин» деб ҳам чақиришарди.

Отаси – Мамасиддик бува иссиқ кунларда уйининг олдидаги тахта супага чиқиб ўтираверадиған индамас қария бўлиб, бизлар ундан кўрқардик. Бир маҳаллар урушга борган, танк ҳайдаган дейишса-да, туриш-турмуши қаҳрамонларга сира ўхшамасди-да. Кўчадан

ўтган-кетганларнинг баъзилари бош лиқиллатиб салом бериб, баъзилари уловидан тушиб, қўшқўллаб кўришиб ўтишларини ҳам кўрардигу, кейин яна ўз ўйинларимизга – тераклари ўсиб ётган қаровсиз боғларга жўнаб қолардик. Боғ теракларининг остида улкан баргли отқулоқлар, доимо соя тушиб тургани учун ранги айниб кетган ўргимчаклар ва уларнинг катта тўрлари аро худди эртаклар мамлакатадаги каби кезардик, у ерда узоқ ўйнай олмасдан, соялар ва туссизликлар кўланкалари аро яна куёш мўл-кўл чарақлаб турган, мевалари ғарқ пишган ўз дала-ларимизга чопақолардик.

Убай аканинг хотини, болалари ҳам борийди. Холис ая баланд бўйли, келишган аёл бўлиб, Убай аканинг зуғум ва тазйиқларига лом-мим демай бардош берадиган ва ўша зуғумлар аро болаларини тишида тишлаб катта қилаётган бир хотин эди.

Қисқаси, эл қатори, бола-чақа ташвишидаги бир оила. Офтобшувоқда уззукун ўтирадиган, уруш кўрган кекса ота, уй ишлари билан андармон хотин, биринкетин етилиб келаётган одобли болалар... кўчадан бери келмайдиган Убай ака.

Маҳалладагилар Убай ака билан айтишиб қолишдан эҳтиёт бўлар эдилар. Сабаби, жини бор, дейишарди. Кўзининг оқидаги холи ўша жин бўлса керак, деган гапларни эшитганмиз. Ҳақиқатан, Убай аканинг кўзига тик қараб туриш қийин, ғалати бир жунуни борийди.

Уйимизда юмушлар билан машғул эканмиз, баъзан бақирешлари эшитилиб қоларди:

– Ҳе, турқингга сени!..

Нимага сўкинганини билмайман, салдан кейин Холис ая бизникига қочиб чиқар, кўрқиб-ҳайиқиб, ранги бўздай оқариб, эрининг жаҳлдан тушишини

кутарди. Бир-икки марта ҳовлисида уни қувганларини эслайман, бақувват эркак пишқириб бақирар, заиф хотини эса олдига тушиб, йиғлаб қочар эди.

Ўша шиддатию жасорати билан нимагадир онамдан ҳайиқарди. Гоҳ жанжал авжига чиққанида онам уларникига кириб:

– Ҳу, Убай бўлмай ўл! – деб қарғар, кейин Холис аяни юпатарди.

Убай акадан мен ҳам кўрқардим. Кафти ниҳоятда улкан, биров «Ҳа?» деб кўришгани қўл узатса, қўш-қўллаб кўришишимиз кераклиги ақлимизга қуйилган, у одам эса биз каби болаларнинг қўлини қаттиқ сиқар, шунда эт эзилиб оғриси, хахолаб куларди.

Салга лов этиб ёниб, жанжал чиқараверарди-да. Оқсоқоллар бизларга, уришиб-талашманглар, деб насиҳатлар қилишар аммо куппа-кундуз куни кўчада ёқавайрон бўғишаётган кишиларни кўрсак, эсимиз оғиб, на қочиб кетишни, на яқин боришни билмасдан, ҳам кўрқув, ҳам қизиқиш билан узоқроқдан томоша қилардик. Биров инсофсизлик қилса, мисол учун, бозорда мош-гуручга тош қириндиси қўшиб сотса, ёки қўйни семиз кўрсатиш учун жониворни орқа туёғи пайининг устидан тешиб, тери остига ҳаво юборса, кимдир бошқа бировни алдаб чув тушириб кетса, қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳамманинг ичида бўралаб сўкар, кейин бошини чайқаб-чайқаб:

– Энангни кўрдинг, ҳой халқ! – деб бақирарди. – Бир-бирингни алдамайдиган бўлмагунингча, одам ўрнида кўрмагунингча одам бўлмайсан!

Ҳа, зўр эди, уришқоқ эди, унча-мунча киши бас келолмас, аммо ҳассасига таяниб зўрға юрадиган чоллардан ҳайиқарди. Чоллар койиб беришса, “хўп” дея бош эгиб, итоаткор бўлиб қолар, ўша бош эгганича уйига қараб жўнарди.

Бир куни бостирма остидаги буқа арқонини узиб, одамларни қува кетди. Убай ака уйда эди. Ҳамма қочса ҳам оёқларини кериб, буқага қовоқ уйиб қараб тураверди. Бир маҳал ҳайвон унга қараб интилди. Қаршисига келиб, ер тепиниб шохлашга чоғланганида, Убай ака «Ҳе, ўша турқингга» деб бақириб, олдинга ташланди-ю, улкан мушти билан пешанасига бир урган эди, буқа гангиб қолди. Бу одамдаги қудратни кўрсангиз эди! Шохидан қайириб, ерга ағдарди, кейин бўйнига миниб, ҳануз қайирганича «Холис, арқон опке!» деб бақирди. Ажабки, буқа ҳам ювош тортиб қолди, шундан кейин Убай акани кўрса, ҳайиқиб ортига тисариладиган одат чиқарди.

– Бу буқа энди одам бўлмайди, – деди Убай ака, хахолаб кулиб. – Шохи қайрилди-ю? Қассобни чақириб сўйдириб, гўштини сотворсанг, савобга қоласан!

Яна эсимда қолгани: бошқаларникида пастак валишларда етилган, нимагадир ачқимтир таъмли қора-кўкиш узумлар, мазаси тилни ёрадиган тукли шафтолилар кўп бўлиб, Убай аканикида эса мевали дарахт йўқ, ёки бор бўлса ҳам бир-иккитамиди... Балки, ҳамма кўшниларнинг боғу боғчаларига бирин-бирин бош суқиб, ейишга арзигулик ширин таъмли бир нима ахтарганимизда Убай акадан кўрқиб, ҳовлисига кирмагандирмиз? У ёғи эсимда йўқ. Ҳозир ўйлаб қарасам, хаёлимда Убай аканинг бўралаб сўкинишлари-ю, Холис аянинг мумсик қиёфаси қолибди, холос.

* * *

«Убай ўзини кўрсатгиси келаверади», дейишарди.

Ёлғиз ўғил эди-да. Холис аянинг ука-сингиллари келиб, ҳовли-дала ишларига ёрдамлашишарди. Адашмасам, аянинг бир иниси ҳам бориёди, узун бўй-

ли, озғин киши... Убай ака ерга, мол-ҳолга ҳам қарамасди, кўпинча аянинг уйида ўша укаси, синглиси ер чопишар, экин экишар, аммо уйнинг эркаги диққат қилмагач, бир нима унармиди? Ёзда томорқалар саранжом-саришта бўлгани ҳолда Убай аканики қаровсиз бўлиб чиқарди. Ёлғиз ая уларни эплай олмасди, албатта. Болалар эса ёш эди, катта ўғли синглимнинг, ўртанчаси укамнинг синфдоши бўлиб, бирга тушган суратлари ҳозиргача бор: уч яшар, иштонсиз икки болакайнинг илжайиб турган сурати.

Менинг ақлим сал аввалроқ кирган, шекилли, гоҳо Убай ака ёнига чақириб, суриштирарди:

– Ишлар қалай, укам?

– Яхши.

– Қачон энди, уйланасиз?

Мана шу саволга орим келарди. Тўрсайганимни кўриб, шаштидан тушарди, қаршисидаги хивчиндай озғин болага зуғум ўтказгиси келмасмиди, ҳарқалай:

– Уйлансангиз, бурнингиз кўтарилиб кетмасин-а? – деб кўярди.

Бурун кўтарилиб кетиши нималигини билиб олган эдим. Бу жумлани илк бор қачон эшитганимни эслолмайман, аммо буруннинг кўтарилиши – одам бошини орқасига хиёл ташлаб, бошқаларга бурнининг учидан қарашини, яъни кибрланишни билдирарди.

Орадан бироз вақт ўтиб, Убай ака қайгадир ишга кирди.

Энди бақиришлари камроқ эшитилар, чунки уззукун ўша ишида машғул эди. Томорқа янада қаровсиз бўлиб қолди, ота қурган уй янада чўкди. Орада бува ҳам оламдан ўтиб кетди. Ҳар баҳорда Убай аканинг ўғиллари уй деворини оҳак билан оқлашар, томорқа эса ўша аҳволда ётаверарди. “Убай уй қурмади”, дейишарди одамлар. Ота ўғлимга деб

қургач, болаям вақти келиб иморат кўтаради. Убай ака уй қурмади-ю, тўсатдан дарвозаси олдида кўк рангли яп-янги мошина пайдо бўлди.

«Убай мошина олибди!»

Қай тарз олганига ҳамма ҳайрон эди. Мошина пайдо бўлгач, Убай ака бир-икки ой эҳтиётлаб миниб юрди, кейин у ҳам қаровсиз ҳолатга келди. Бир куни ҳаммамиз кўчада эдик, шом қоронғиси тушибулгурган, ёзнинг иссиқ оқшоми, теваракни доғланаётган ёғ иси тутган, қалдирғочлар ер бағирлаб учган маҳал... узоқда бир мошина кўринди-да, шу тарафга қараб ўқдай учиб кела бошлади.

«Маст келяпти, қоч», дея қочдик.

Мошина ёнимиздан ғувиллаб ўтиб, тўппа-тўғри симёғочга бориб урилди. Қарсиллаган овоз чиқди, эшиги очилиб, ичидан Убай ака тушди. Оёғида зўрға турарди. Қийшайиб ётган мошинага бир зум қараб турди-да, кейин қаттиқ тепди:

– Ҳе ўша, турқингга сени!..

Ўзи уйига кириб кетди.

Мошина эрталабгача шу зайл турди. Эрталаб нима қилишганини билмайман, чиқиб қараганимда, ерда ойна синиқлари ётар, мошина йўқ эди.

Болалар ўзаро Убай аканинг қилиғини айтиб қулишар, ҳамма орзу қилиб юрадиган ажойиб мошинани бир пулга олмаганига ҳайрон қолар эдик. Орадан бир-икки ой ўтиб, Убай ака яна биттасини олди. Эскиси уйининг кираверишида чанг босиб роса турди, Убай ака эса янгисини миниб юраверди.

Аммо уй-жойига яна қарамади.

Маҳалладагиларнинг кўпи насихатни яхши кўрадиган кишилар эди, шулардан бир-иккитаси унга насихат қилмоқчи бўлишган экан, Убай ака шунақа бўралаб сўкибдики, нарёғи йўқ.

Маҳалламизнинг ёши улуғлари хушмуомала, оғир-вазмин, биз каби болаларга одоб-тарбиянинг ўрнаги бўлиб кўринса-да, Убай аканинг терс феълига ҳеч тушунмасдик.

Кейин олисга, ўқишга кетдим. Сўлим, кўкаламзор шу масканимдан узоқлашдим, бегона жилвалар кўзни қамаштирди. “Тоғнинг виқорию гўзаллигини узоқдан кўр”, дейдилар, қишлоғим кўзимга бениҳоя гўзал, одамлари бениҳоя ажойиб кўрина бошлади.

Кетаётганимда Убай ака:

– Ҳа, майли, – деди. – Дунё кўринг, аммо бурнингиз кўтарилиб кетмасин-а! Қишлоқни эсдан чиқариб қўйманг.

– Хўп.

– Яшанг, – деди у бирдан тўлқинланиб. – Мен Убайдинман, билиб олинг. Менга букилганга етти букиламан, бошини кўтарганга ўн баравар бош кўтараман. Шуниям унутмасангиз бас.

... Ўша маҳаллар Холис ая оламдан ўтиб қолди.

Шунақанги ич-ичимдан ачиндимки!

Икки юзида кулгичи бор, истарали эди-я! Тандири бизнинг деворга туташ, ланғиллатиб ўт ёққанлари, иссиқ нонларидан олиб чиққанлари, онам бир нима деб ҳазиллашса, шарақлаб кулганлари эсимда. Бола эканман, онам: «Бор, Холисахонникига кириб хамиртуруш опчиқ», дер эди, ая хамиртурушга қўшиб туршакми-мевами берарди. Ҳазил-хузулни яхши кўрадиган, бўйчан, кўркам хотин эди. Жилмайиб гаплашарди, мен унинг қовоқ уйганини, ё жаҳл билан тўрсайганини ҳеч кўрмаганман. Йўқса, биз каби болакайларга баъзи кишилар ёлғондакам пўписа ҳам қилишарди-да.

Маросимлар ўтгач, бир куни хабар олгани кирдим. Убай ака кираверишдаги уйчада ўтирган экан. Кириб, фотиҳа қилдик. Убай ака бирдан жонланиб кетди:

– Қани, туринг, анави чойнакни бу ёққа олинг-чи.
Олиб бердим.

– Нонни синдиринг, пиёладаги шамани тўкинг.
Айтганини қилгач, Убай ака менга чой қуйиб
узатди-да:

– Ана, ҳалиям ўзимизни боласиз, – деди қониқиш
билан.

Атай қилганини билиб турардим.

– Холис яхши хотин эди, – деди кейин, ўйланиб. –
Индамайгина яшаб, индамайгина ўлди-қолди. Бошқа
хотин олсаммикин?

Кўзларига қараб, бу ғалати саволни менга эмас,
ўзига бераётганини сездим.

– Йўқ, энди бўлмади... Сизга бир гап айтайми? –
деди катта бошини қуйи солинтириб, пиёлада чой-
ни айлантриб. – Эскиларнинг бир гапи бор: хотин-
га зуғум ўтказсангиз, қариганингизда ўчини олади.
Ўшан-чун бир қаттиқ, бир ширин гапиришингиз ке-
рак.

– Ҳадеб яхши гапираверсангиз ўзидан кетади,
“Эрим нима десам кўнади”, деб ҳаволанади. Зуғум
қилаверсангиз, тош остидаги майсадай эзилиб кетади,
ҳаётдан кўнгли совийди. Мана шу иккаласининг
ўртасида бўласиз.

– Укам, мен Холисга кўп зуғум қилдим. Нетайки,
тушуниб етганимда у йўқ. Энди яна ўйланиб, шу
тутумни тутай десам, барибир Холис бўлармиди?

– Яхшиси, мен ҳам кетаман, – деди бирданига
кулумсираб. – Холис ҳозир жаннатда бўлса керак.

– Жаннатдаги хотинлар қанақа яшашар экан,
билмайман-у... аммо Холисим менга кўзи тўрт бўлиб
ўтирганига ақлим етади.

– Жаннат ҳам бир боғу бўстон бўлса керак-да. Ўша
ерда юмушларини бажариб юргандир?

Лоп этиб бориб қолсам, суюниб кетса ажабмас. Атрофи ҳар қанча чиройли бўлсаям, барибир эри бу ёқда-ку, татирмиди?

Нима қилсаям кўз очиб кўрганиман, бориб қолсам, юз-кўзи порлаб, питирлаб қолар? Ҳаётдалигида ишдан келсам, шунақа бўларди. Ўзидан кетмасин деб ёлғондакам қовоқ уйиб, тескари қараб илжайиб кўярдим.

Эҳ, укам... Ҳозир ўйласам, ичимда аллақанча яхши гаплар бор экан, ўшаларни айтмабман-да, деб афсусланаман. Умр ўтиб кетар экан-ку?

Бориб қолсам, ўша ёқда айтарман деб ҳам ўйлайман.

Қанақа гапиришимни тасаввур қилсам, кулгим келади. Мени-ку, худойим жаннатига киритмаса керак, аммо хотинимни кўргани келдим, десам-чи? Киритмасмиди? Эр-хотинни бир-бирига интизор қилиб кўярмиди? Ўртада никоҳ бор-ку?

Энам ҳам жаннатда бўлса керак. Аммо Холис бошқа жойда, энам бошқа жойда. Тасаввуримда энам ўша ёқдаям нон ёпаётгандай туюлади. Тандирда қизарган иссиқ нонлар. Мен борсам, «Вой, онанг чўринг бўлсин» деб, дарров йўл-йўл дастурхонини ёзиб, чой дамлаб келиб, кейин «Ҳозир сомсаям ёпиб бераман, ўтириб тургин-а», деб шоша-пиша тандир бошига кетадиганга ўхшайди.

Қайдам, ўйлайман-у, сира ақлим етмайди. Ичим тўла шиддат-у, нимага сарфлашга ҳайронман. Гоҳ бировларга ташлангим ҳам келади. Дашту саҳроларга, тоғу тошларга кетсам дейман. Бир ёни тоғ, бир ёни ўнгир яйловларда чайла қуриб яшагим, тоғларга қараб бақиргим, бўриларни тутиб, бўғзини чайнаб узгим келади.

Ҳеч қаерга сиғмайман-да.

Эҳ, укам... Бу дунёда яшар ҳолим қолмади. Болалар

катта бўлди, бари рўзгорим деб уриниб юришибди. Гаплашай десам, ниманиям гаплашардим? Келинимдан тортинаман, шу уйчага кириб ўтиравераман.

– Отамдан қўрқар эдим, – деди кейин. – Урушдан қайтиб келгач, индамас бўлиб қолган эди. Ҳеч нима демасди, ўсиқ қошлари остидан хўмрайиб тикилиб тураверарди. «Ота, нимага бунақа қараяпсиз?» десам ҳам лом-мим демасди. Ҳеч нима қилмасди, уй-рўзгорга қарамасди, кўрган кунига шукур қилиб ўтираверарди. Ўзи гапирмасди, гапи бўлса энам орқали етказарди. Шу, улғайганимда «Уйлансин, бир этак бола-чақа кўрсин», дебди. Ота-ку, гапини икки қилиб бўлармиди? Уйланганимдан кейин рўзгор бошимга тушди... Худога шукур, Холис яхши хотин чиқди. Ўйлаб қарасам, Холисимни роса яхши кўрган эканман, – деди хўрсиниб.

– Шу ёшга кириб, энди билдингизми? – деб кулдим.

– Ҳа, қадрини кўрсатиб қўйди. Ҳаётдалигида аразлаб онасиникига кетиб қолса, бир-икки кундан кейин барибирам қайтиб келади, деб бормас эдим. Ҳақиқатан ҳам, кун ўтиб, бир қўлида тугуни, бир қўлида боласи билан кириб келаверарди. Онаси ўтганидан кейин сира кетмади. Борадиган жойи йўқ эди-да, қайгаям борсин? Мана, энди аразлаб кетган жойини қара! – деди хаёлчан. Ниманидир эслаб яна кулумсираган эди, юзи ёришиб кетди. – Барибирам изимдан келмайди, деб ўтиргандир?

Бу гапга нима дейишимни билмас эдим. Йўқ, кутаётгандир, дейми? Ёки, ҳақиқатан ҳам, кутмаётган бўлса керак, дейманми?

– Сизга бир гап айтайми, – деди кейин. – Шу қишлоқ тўла одам эди. Бари келишган, кўркам кишилар эди. Фариштадай кампирлар борийди. Ҳаммаси кетиб қолишди-я?

Кузда ўт-ўлан сарғайиб, уруғларини тўкиб юборади. Кейин аста-секин сўла бошлайди. Худди биров бир чеккадан ўриб-ғарамлаб келаётгандай...

Назаримда, кетганларнинг бари ўша ёқда, бир кўчани тўлдириб яшашаётгандай.

Шу кўчамиз ўша ёқда ҳам худди шунақа бўладигандай.

Ўх-хў, бу халқ қанақа эди, сиз билмайсиз-да...

«Эҳ, Убай ака! Мен билмасмидим?» – дегим келади. Дегим келади-ю... энди Убай ака ҳам йўқ-да...

Йўл бўйидаги ариқда тоза сувлар шарқираб оқарди. Тоғу тошлардан оқиб келадиган, сут каби оқ сув эди. Олтин беҳилар етилар, узумлар катта-катта бош солиб, ғарқ пишарди, узум занглари кеч кузда ерга кўмардик. Оқшомлари оппоқ яхтак кийиб, белбоғларига пичоқ тақиб олган кишилар кўчаларда гаплашиб туришарди. Биров терак кесарди, товуши шу ёққача келарди, арра остидан чиққан қипиқ исигача туярдингиз. Ҳар ҳовлида, валишлар остидаги ўчоқларда овқатлар пишарди. Одамлар пиширган таомларидан бошқаларга илинишарди. Шомда уйида ўтиргиси келмасдан, бир-бириникига чиқар, хотинлар бир ён, эркаклар бир ён, то ой ҳаволаб кетгунича гаплашиб ўтиришарди.

Энди ўша одамларни тополмайман. Кўриб гаплашгим келади-ю, сира иложи йўқ.

Барини бирма-бир эслайман. Дашти Қипчоқдан келган кишиларнинг дард-изтиробини тушунгандай бўламан. Ота-бобосини истаб, авлодимиз ўзга элларда йўқ бўлиб кетмасин, дея қариндошлик ришталарини боғлаш учун шунча олис йўлни босиб ўтишганига энди ақлим етади... Ҳовлиларнинг сувоғи тўкилган деворларидаги ҳар гувалак бир қисматдан дарак беради. Ўтиб кетган улуғларимизнинг гап-сўзлари, бо-

бомнинг «Ҳой, бетаъсир» деб чақиришлари, отамнинг суюниб кириб келишлари... Қай бирини айтай, жуда кўпчилик йўқ-да.

Шу айланишда она қишлоғимга ўтаман. У ерда теграсидаги тол шохлари сувгача эгилган улкан ҳовуз бўларди. Бир четида ларзон-ларзон беҳи пишарди. Бепоён далалар аро чопиб ўйнаганларимиз эсимда. Кўчалари болалигимдан таниш, ҳар дўнги, ҳар чуқури ёд. Аммо у ердаги кишилар ҳам йўқ...

ДАШТИ ҚИПЧОҚ

Нимасини айтай, Дашти Қипчоқдан келган у қизгина то улғайгунига қадар хаёлимни асир этиб келди.

Баҳор келганида гул-ғунчалар очилади. Уларнинг ҳар бири ёмғирлару шамоллар аро – юзи иссиқда пўрсиллаган, кулиб қараши билан ёдимда қолган ўша қизнинг сиймосига айланади.

Атлас кўйлаги олов ёлқинида товлангани ҳам эсимда. Қўллари дағал, меҳнатда ёрилган, қоп-қора сочи қалин эди. Вақт ўтгани сайин малоҳати ортиб боравергани-чи?

Ҳар ҳолда, бироз улғайганимдан сўнг, уни яхши кўриб қолган бўлсам керак, деган тўхтамга келдим. Ўз фикримдан ўзимнинг орим келди, бўз йигитга мос тутум эмасди бу. Қишлоқда бировни севиб қолган киши мазахга қолиши бор гап. Биров-бирова кўнгил кўйиши жуда ўзига хос, маҳрам мавзу ҳисобланади.

Лекин менинг ақлу хаёлимни Дашти Қипчоқ қизи кўп йиллар банд этиб юрди. Ўша, қайрағоч шохлари орасидан оққан асал билан унинг сиймоси бирлашиб кетди. Қизарган юзи, нимагадир мовий тусда порлаган офтоб, иссиқда ранги ўзгарган осмон,

кишиларни эритиб юборадигандай туюладиган ёз ҳовурлари аро балқиб тураверди. Мовий деганимнинг сабаби – қуёшга тикка қараб турсангиз, бироздан сўнг теграсида қизил аланга ловуллаб турган мовий оловга айланиб қолади. Оний у манзара хаёлимга ўша мовийлиги билан кўчиб ўрнашганига ҳайронман.

Қишнинг қаҳратонларида қалбимни иситганини айтмасам ҳам бўлар. У маҳал ишқ-муҳаббатни англайдиган ёшда эмас эдим. Лекин уни ўйласам, қалбим ҳароратга тўларди. Совуқ уйга ўтин опкириб ёққач, кечкурун ҳамма бир дастурхон атрофига тизилиб таомлангач, уйқуга ётганимда ҳам ўшани ўйлайверардим.

Юрагимга кириб келган бу номаълум туйғуларни Тангрим не учун бино қилди? Нега уни инсонликнинг энг олий, энг юксак туйғуси ўлароқ танлади? Лекин, бир томондан, муҳаббатимни ор деб ҳисоблар, гуноҳдай туюлган ўша туйғу ичимда борлигидан тортинар, биров билиб қолишини ўйласам, юзим хижолатдан лов-лов ёнар, худди менга бениҳоя ишонган отаю онам қошида кечириб бўлмайдиган ножўя бир иш қилиб кўйгандай, ичимда улар билмайдиган ёмонликни олиб юргандай эдим. Бошқа томондан, етти пушт олисдаги қариндош бўлишса-да, улар билан ҳаддимни сақлаб гаплашишим кераклигини билардим. Қишлоқ шу эди-да, ҳатто, тенгдош қизлар билан кўчада гаплашиш ножоиз саналар, чунки қиз-жувонлар оилаларнинг, эркакларнинг ор-номуси ҳисобланарди. Аёлларга эҳтиётсизлик туфайли айтилган бирон гап ёки бирон-бир ўсмирнинг ўйламасдан қилган муҳаббат изҳори учун ҳам жанжал чиқар, ўзини ўша қизалоқ шаънига алоқадор деб билган кимки бор, бири пичоқ, бири паншаха кўтариб «ора очди»га келаверишарди. Улғаяётган қизни ака-укаси, тоға-тоғаваччаси, ама-

кию амакиваччасигача – бари бирдай эҳтиётлаб-ҳимоялаб юришар, сувга ёки бошқа юмушга бир ўзини чиқаришмас, кеч кирганида тўй-маросимга борар бўлса, албатта, ёнига қўриқчи қўшиб жўнатиладди.

Худо ҳаққи айтаманки, юрагим фақат тоза туйғулар билан тўлган эди. Хаёлимда нигоҳининг ўша маҳалдагидай чақнаши, пайваста туташ қошлари остидаги чўғ кўзларининг мен билмаган ифодалари қолган, холос. Яна, у билан бениҳоя кўп гаплашгим, ўзим билган ажойиб жойларни кўрсатгим, дала ниҳоясида етилган нокнинг қир учига чиқиб, олтин меваларидан узиб тушгим келган. Катта ариқдан қандай сакраб ўта олишимни ҳам кўрсатганман. Менга миннатдор қарашининг ўзиёқ ўсмирлик мазмунимга берилган баҳо, десам бўлармикин? Биргина ўша қараш учун оламдаги ҳар қандай ишни бажаришга тайёрдай сезардим ўзимни.

У қиз ҳам менга эътибор қилганмикин? Нима учун уни етаклаб келишди экан? Қавминг, жонжигарларинг шулар, бизлар шу элдан узилиб кетганмиз, билгин-у, унутмагин, ришталарни маҳкам тутгин, дейиш учунмикин? Катталарнинг гапи шундай бўлса бордир, қизнинг ўзи-чи? Қаршисидаги новдадай озғин, ўзини кўрсатгиси келган бўз бола қалбида қизиқиш уйғотганмикин? Яъни, менга бир қадру қиймат берганмикин?

Яшириб нима қилдим, гоҳ-гоҳ ўша Дашти Қипчоқ томонларга боргим ҳам келарди. Назаримда, ҳар тараф ланғиллаган саҳро, пахса уйлар олдида у қиз шу тарафга бот-бот қараб, юмушларига уриниб юргандай туюларди-да. Униям, ўша қишлоқдошларимизни ҳам саҳро тутқунлигидан қутқариб, фаровон яшил боғларимизга олиб келгим келарди...

Бобом мош-гуруч соқолли, юзи ажинларга тўла, барваста қария эди.

У туғилган маҳалларда одамлар жуда қашшоқ яшашган экан. Эски замонларнинг гап-сўзларидан гапириб ўтирарди.

Ўзи новвой эди. Тўйларга нон ёпарди. Тўй нони чиройли чиқса, «Худойим, ўзингга шукур», дер, азага ёпилгани қийшиқ чиқса, «Ўзинг раҳм қилгин», деб кўярди...

– Ниҳоятда қийин ҳаёт кечирганмиз, – дерди. – Одамлар турмуш жуда оғирлашиб кетганида ҳам қора кунларга сабр қилиб, ризқларини ердан чиқариб юраверишган. Бир кунмас-бир кун Худонинг раҳми келиб, умримизни ўнглаб қўяр, деб хаёл қилишган.

Эҳ-ҳе, эл қанақа кунларни кўрмаган дейсан? Бора-бора, ҳаёт тирикчилик ғамидангина иборат бўлиб қолган. Жон-жаҳди билан рўзгорим, болам-чақам деб тиришавергач, нимаям бўларди?

Бобом мана шулардан – эски, олис, мен тушунмайдиган ғалати тарихлардан ҳикоя қилиб берарди.

– Бу дунё тўрт нарсасиз ҳеч нимага айланиб қолади, – дерди. – Сув, ҳаво, тупроқ, олов. Ҳаво бўлмаса, ҳеч ким нафас ололмайди. Сувсиз тириклик қирилиб кетади, тупроқсиз неъмат унмайди, оловсиз бирор нарсa пишмайди. Шунча махлуқотни тўрт нарсага муҳтож қилиб қўйганини кўрмайсанми?

Раҳматини тўртта нарсага жойлаган: шамол, ёмғир, сут, асал. Шамол келмаса – ҳаво алмашармиди, дов-дарахт чангланармиди, булут келармиди? Булут келмаса – ёмғир ёғармиди, мева-чева етилармиди, ўт унармиди? Сут бўлмаса, авлод етилармиди, тириклик бўлармиди? Асал бўлмаса, шифо келармиди?

Одам деган иморатни тўртта устунда кўтариб қўйган: соғлиқ, ризқ, шукур, барака. Соғ бўлмасанг, томоғингдан битта увоқ ўтмайди. Шукур қилмасанг, умрингга барака келмайди. Ота, она, жуфт, бола-чақа деган тўрт унсур эса тўрт томонингдан ўраб туради. Шуларни биттаси кам бўлса, оху зоринг осмонларга етиб зорланасан. Э, тавба...

Умрининг охирларига бориб, жаннат ҳақида гапирадиган бўлди.

– Рўза тутсанг, кечқурун ҳалвоқанд бераман.

– Тутсам нима бўлади?

– Жаннатга кирасан.

– У нима?

– Охири йўқ боғ-да. Қара, ҳамма рўза тутяпти. Бир кун келиб қарасанг, мана шу кишиларнинг бари худди шу қишлоқдагидай бир жойга тўпланишади.

– Тутмасам-чи?

– Гуноҳ бўлади.

– Лайлатулқадр нима?

– У сенга жуда катта қадр-қиймат беради. Шундан кейин неки олсанг, олтин бўлаверади.

– Хизр ким?

– Катта бўлганингда билиб оласан, – кейин кўзлари намланиб, соқоли титраб, ўксиниб шундай деди: – Эвоҳ, ўзимнинг хизрларим бир маҳаллар шундоққина кипригим устида эди-я. Қадрига етмадим, ҳар нарсага чалғидим, энди қадрини билганимда, иккаласиям кетиб қолишди. Кўргим келади-ю, кўролмайман, шунча ёшга кириб мункиллаб қолган бўлсам ҳам соғинаман...

Бобом саксон тўрт ёшида жонини Ҳаққа топширди. Ўшанда мен ўн тўрт яшар бола эдим. Дунё ўзининг зухуротлари, воқеа-ҳодисалари билан бирга онгимга тўфондай қуюларди. Қаерлардадир мен кўрмаган-билмаган воқеалар рўй бераётганини сезиб турардим.

Кишилар эски телевизорлардан кўрган, радиодан эшитган гап-сўзларни гапириб ўтиришарди. Эртагу афсоналар, урф-одатлар, Хизр алайҳиссалом ривоятлари, Лайлатулқадр кечалари каби ўнлаб ҳодисаларнинг бари зеҳнимга ўчмас бўлиб ўрнашган эди.

Яъни, теграмдаги кишилар умум бир мазмунни шууримга қуйиб бўлишган, энди шу мазмун ила умр кечиришга маҳкум эдим. Бу бахтиёрликми, саодатми ёки хатоми, ақлим етмасди. Лекин ўзгартиришни истасам ҳам, ўзгартиролмаслигимни билардим.

ҲАЁТ

Бир менинг қишлоғимда эмас, минглаб қишлоқлардаги ҳаёт шундай бўлганига энди ақлим етади.

Ҳовлилар, тутумлар, маросимлар, одамларнинг яшаш тарзи бир-бирига жуда ўхшаш. Масалан, бир ҳовлига киринг. Айвон устунида михга осиб қўйилган тўртбурчак радио бор. Сими қорайиб, баъзи жойлари очилиб қолган. Ундан қўшиқ таралмоқда:

*Сим деган вайронага бормай десам
боргим келур,
Бу шароб аччиқ шароб, ичмай десам
ичгим келур...*

Қўшиқ эгаси нима учун у вайронага боргиси келишини, нимага аччиқ шароб ичишини тушуниб бўлмайди. Билаётганроқ биронтасидан сўрасангиз, бош ирғаб, «Ҳа, Сим – ўз шаҳримиз, қадим замонларда аجدодларимиз харобаларда яшашган-да», деб қўяди. Ишонмасликнинг иложи йўқ, чунки қўшиқ эгасининг ўзи айтиб турибди вайрона эканини...

Дарвозахонага яқин жойга, кираверишга меҳмонхона қурилган. Меҳмонхонага болалар кирмайди. Янги тўшаклар ўша ерга солинади. Хонадон эгаси уни қурби етганича жиҳозлайди. Ўзи эса этакрокдаги бошқа уйда кун кечиради. У иморат икки хонали, улардан бири – ошхона. Ошхона ичида ўчоғи бўлади. Қишда бутун оила мана шу ерда қишлайди. Чунки ягона иссиқ жой шу. Ўчоқда тинмай ўт ёнади, гоҳида сандал қурилади.

Айвондаги эски радио овози шу ерларгача ҳам келиб туради:

«Диққат қилинг! Сўнгги ахборотни эшиттирамиз. Бугун соат олтидан ўн уч дақиқа ўтганида, халқаро экипажни ўз бағрига олган космик кема фазога парвоз қилди. Космонавтлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. Халқаро космик экипаж парвоз мобайнида турли радиометрик ўлчовларни ҳамда вазнсизлик муҳитида инсон генетикаси мавзусидаги илмий изланишларни амалга оширади».

Учқур тасаввур хаёлни фазо қаърига олиб кетади. Ёз тунларида бодрокдай сочилиб кетган юлдузлар, нуқра чангига беланган Сомон йўли, Еттиоғайни, Олтин қозик... Кўзлари чақноқ, пахмоқ сочли болакай ўзини бепоён Коинот бағридаги митти фазо кемасида кўради. Ўша ердан туриб она заминга назар ташлайди, ўз масканларини излайди. Юксакдан менинг қишлоғим қанақа кўринар экан деб ўйлайди.

У нигоҳ солган масканда – ерда эса бир чумоли дон кўтариб ўрмалаб бормоқда. У – курмак дони. Уруғини ерга тўккани бу йилги юмушини бажариб бўлганини билдиради. Майсалар уруғ солса бас, дарров кузга тайёрланиб, япроқ тўка бошлашади. Шу сабабли, райҳонлар «вазифам битди» демаслиги учун уруғларини чимдиб олиб ташласангиз, янада гуркираб

ўсади. Чумоли курмак донини ер тубидаги уясига ташиб кетаётгани куз эрта келишининг аломати.

Агар қишлоққа фазодан эмас, қуш учадиган баландликдан қарасангиз, тураржойлар озлигини, далалар эса кенглигини кўрасиз. Далаларда бошларини рўмол билан ўраб, этик кийиб олган кишилар кўринади. Ҳар ер-ҳар ерда шийпонлар бор, уларнинг теграси толлар билан ўралган. Туш маҳали далачилар шу жойга йиғилиб келишади. Иссиқ кучаяди.

* * *

Ҳа, иссиқ кучаяди, тупроқдан қайноқ ҳовур кўтарила бошлайди. Меҳнатчилар очқашган. Даланинг ёвғон шўрваси қорайиб кетган катта қозонларда пишади. Ичида сабзавот мўл, аммо гўшти йўқ, шилдир сувдан иборат. Ошпазни “баковул” дейдилар, у кўпинча кексароқ кишилардан сайланади. Тушликкача пиширса бўлди-да. Одамлар ейдиган нонларини ўзлари, уйларида опкелишади. Улар ўртага қўйилганида, ҳар хонадон нони турлича эканини кўрасиз: бирининг чакич изи бошқа, бирининг рангию шакли... Ёвғон шўрва ичилгач, бироз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришади.

Ўша иссиқда ҳам қиз-келинчаклар шийпон ортига ўтиб, ўт ўришади. Бояқиш, кимнингдир хонадонига келин бўлиб тушган, энди хизматини қилиши шарт.

– Ҳали новдадайгина болакайсан-ку, қўй ахир, бироз дамингни олақол?!

– Йўқ, – дейди офтобда қизарган юзи янаям қизариб. – Бўш қўл билан кириб борсам, айб бўлмасин...

Одамлар экин-тикиннинг барча хусусиятларини билишади. Масалан, чигит баҳорда қадалади, қўш-қулоқ бўлиб чиққанида ёмғир ёғса, тупроғи қатқалоқ бўлиб қолади, теша ёки кетмонча билан юмшатилади.

Кейин ягана қилинади, яъни беш-олтита униб чиққан ниҳолдан битта ё иккитаси қолдирилиб, қолгани юлиб ташланади. Ўша маҳал офтобда қизиган кесак исини сезасиз, у ис димоққа қаттиқ ўрнашади.

Баъзи далаларга беда экилади. Беда иси ёқимли, кўм-кўк гуллаганида орасида асаларию капалаклар учиб юрганини кўрасиз. Гоҳида ер ариси ҳам бўлади, унинг чақиши хавfli эмас. Қовоғари қаттиқ чақади, у уч турли. Беозор учиб юрадиган сариғи, зуғумли қизили ҳамда қораси бор. Қора қовоғари чақса, одамни ўлдираармиш. Камдан-кам учрайдиган кўк туслиси ҳам бор, уни кўкйўталга даво дейишади. Олма пўкаги орасида бўладиган семизқурт ҳам кўкйўталга даво эмиш, уни эзиб, сувини ичган одам тез тузалармиш.

Дала шийпони – оҳак билан бўялган катта бино, бир ёнида ҳовузи, ортида сабзавот томорқаси бўлади. Ҳовуз четида толлартиғизўсган, шохларида ризқистаб ўрмалаётган ҳашаротлар гоҳо сувга қулаб тушади. Ҳовуз ёнида сўри бор, катта кишилар шу сўрида тушлик қилишади. Бошқа толлар остида беланчаклар осилган. Беланчак – иккита ингичка таёқни ёнма-ён қўйиб, қанор қопнинг матоси тортилиб, тепаю пас-тига кўндаланг калтаклар қўйиб ясалади. Калтаклар тутдан ё беҳидан кесиб олинади, агар тол-терак шохидан қилинса, синиб қолиши мумкин. Гўдаклар мана шу беланчакларда ухлашади, биронтаси йиғласа, боғча хотин келиб тебратади.

Ўйноқи шабадани шу кенгликларда ҳам кўрасиз. Улар қумлоқда бўй чўзган салом-алик ўтининг уруғларини тўқади, қақрай бошлаган ер ёриқларидан мўралаган қорақўнғизни кўрқитади, кўчанинг упадай тупроғидан пириллоқ ясайди, қайрағоч баргларини ўйнайди, қизғин далалардаги экинларнинг япроқларини ёввош чайқатиб ўтиб, ҳорғин далачилар

пойига майин ясланади. «Ҳаҳ, борингга шукур, жуда вақтида эсдинг-да», деб қўйишади кишилар унга қарата жонлари ором олиб.

Гоҳида беланчакка тол шохларидаги қурт-қумурсқалар тушиб қолади. Биронтаси чақиб олса, гўдак чириллаб йиғлайди. Майна деган қуш бор, хушёр турилмаса, боланинг кўзи йилтиллагани учун келиб, чўқиб кетиши мумкин. Кейин бешиктерватар деган ҳашарот ҳам бор, у одамнинг кўзига ташланади, дейдилар. Олд оёқчаларидаги аррасимон тишчаларини кўрсатиб, тебрана-тебрана бир сакраганида, пардасини қирқиб юборса, қорачиғи оқиб тушармиш.

Бошқа қушлар хавfli эмас. Чумчуқлар тўда-тўда бўлиб гуриллаб учишади. Сувчумчуқ ариқ бўйларида ўзи ёлғиз, учиб-қўниб юради. Гоҳида узун думини силтаб олаҳакка пайдо бўлса, чумчуқлар ундан кўрқиб қочишади. Энг соддаси – мусича, юсакка учгиси келиб, самога парвоз қилганида қанотлари бир-бирига тегиб, «тап-тап» овоз чиқаради. У баланд учолмайди, икки терак бўйи кўтарилгач, яна ер сари шўнғийди.

Боғча хотин шуларнинг барига хушёр туриши керак. Чунки чопиқчи жувонлар болаларига жуда илҳақ.

Чопиқ шуки, ғўза тубидаги сув етиб борадиган жойнинг тупроғи кетмон билан юмшатилади. Шунда у бемалол сув ича олади.

– Ғўза – энг дангаса экин, у ёқ-бу ёғини чопиб, қулоғидан тортиб, илдизига ҳаво бермасанг, сира ўсгиси келмайди, – дейишади катталар.

Чопиқчи аёллар эгат ораларида ўсган ўтларни юлиб-тўплашади. Шабада ғўза барги, юлинган курмак ва печакнинг бироз ачқимтир исини атрофга

таратади. Ўтлар юлинганида ёки ўрилганида нима учундир гуркираб ҳид таратади. Шом қўна бошлаганида ҳамма уйига йўл олади. Қиз-жувонлар ўрган ўтларини тугиб, бошларига қўйиб олишган. Тераклар остидан, тупроқ йўлдан қаторлашиб кетаверишади. Ариқда сув жилдираб, ялпиз бўйларини сочиб юборади. Шом қўна бошлаган маҳал турли ислар ҳар ёқни тутати, негадир тонгда ёки пешинда унақа бўлмайди. Ош иси келади – зирваги қовурилмоқда. Қишлоқ томонга қарасангиз, сийрак тутун сузиб юрганини кўрасиз, у – доғланган ёғнинг тутуни. Тарқалиб-сийраклашиб кетмайди, юпқа қатлам бўлиб сузаверади.

Болалар ҳам ўйиндан чарчаб, уйларига кира бошлашади. Далачилар ҳозиргина ишдан қайтишди. Нарироққа «Т-28» деган трактор келиб тўхтади, араваси одамга лик тўла. Ғарам-ғарам ўтлар ерга ташланади. Каттароқ ўсмирлар далачиларнинг келишини пойлаб туришади, ўтларни ўшалар кўтариб боришади. Қиз-жувонлар бир-бирларига ёрдамлашиб юборишади: ғарамлаган ўтларини бошларига қўйиб кетаверишади. Шундан кейин трактор тариллаб жўнайди: тракторчининг ҳам бола-чақаси бор, кўз тутиб туришибди.

Ҳа-а, худога шукур, кун ўтди. Чарчадик... Этиклар ечилади. Қўл-оёқ, бел зирқираб оғрийди. Кундуз жазирамасини ўзига сингдириб олган, ҳали иссиғи кетмаган ўтларни сигир-қўйлар талашиб-тортишиб ейишади.

– Овқатга келинглари-ув!!!

Бу – ўн битта боласи бор Тўхта холанинг овози. Шунга ўхшаш чорловлар ҳар ҳовлида эшитилади.

Оилаларда бола-чақа кўп. Сабаби – вақти келиб улғайишганида бир-бирини суясин, ёрдам берсин.

Тўхта холанинг болалари ўн битта бўлса, яна бир муштипар аёл – Қумри холанинг фарзандлари ўн бешта.

– Ҳой болалар, келинглари-ув! Овқат пишди-и!
Шу тариқа шом киради.

Шом кўнганида теварак сокинлашади. Ой ҳаволаганида эса бирон жон асарини сезмайсиз – ҳамма уйқуга кетади. Ахир, кун машаққатли, меҳнатзаҳматли бўлди, чарчоқ ғолиб келмасинми? Эртага саҳарлаб туриш керак. Чунки қанча рўзғор иши турибди, бунинг устига, чопиқ ҳали битмади. Кўпроқ ўт ғамлаш керак. Ўтин-чўп йиғиш керак, меҳнат қилмаса бўлмайди. Сабзавотлар етилди, йиғиб олиш керак, маккаларни ўриб-саранжомлаб, донини уқалаб қопларга солиш керак. Қишга тайёргарлик-да. Қиш қаттиқ келиши мумкин, ғамламаса, янаги баҳорга етиб олиш мушкул.

* * *

Болалар ўн уч-ўн тўрт ёшидан далага чиқишади. Ёшроқларга осон ишларни буюришади, масалан, ариқ тозалаш. Ариқ ичидаги ўтлар тигиз ўсиб, сув оқимини тўсиб қўяди. Кетмон билан ариқнинг ҳам остини, ҳам икки ёнини чопиб тозалайсиз.

Далага сал-пал кўзи ўрганган ўсмир дори солишга тайинланади. «Т-28»нинг орқасидаги, тубида тешиклари бор катта ёғоч охур дорига тўлдирилади. Трактор эгат оралаб юрганида дори темиртишлар ағдариб кетаётган тупроқ орасига бир текисда шувуллаб тўкилаверади. Бу захира даланинг у бошига икки марта бориб келишга етади. Мотор шовқинида овоз эшитилмайди, бунинг устига, тракторчи Далавой аканинг қулоғи оғир. Иккинчи бориб-келишда тракторчи пайкал четига тўхтайтиди. Ўсмир пастга тушиб, қоғоз қоплардаги дориларни опкелиб, ўша

«охур»га ағдаради, тўлганидан кейин яна эгатлар орасига кириб кетишади.

Дорилар бир неча тур. Селитра оппоқ, майда, юм-юмалоқ бўлади. Сувга солсангиз, муздай қилиб қўяди. Фосфор, карбамид деганлари ҳам бор. Қизил тусли, кўздан ёш оқизадиган яна бирини «калий» дейдилар. Мана шулар далага солиниши керак. Бир ҳафтача шу ишда ишлаган одамнинг баданига қизил тошмалар тошиб кетади.

Қалдирғочлар айланиб қияламасига учишади. «Уларга қарасанг бошинг айланиб йиқилиб тушасан», дейишади. Бултур бир бола қалдирғочларга маҳлиё бўлиб, темиртишлар орасига тушиб кетган. У биздан бир синф қуйида ўқийдиган, кенг пешанали, миқти гавдали бола эди. Тарих дарслигидаги Тешиктошдан топилган қадимий болага ўхшарди. Ниначини тутиб, икки қанотини жуфтлаб ушлаб, майда хасларга яқинлаштирганда, оёқчалари билан ўша хасни чангаллаб олса, завқланиб-қийқириб куларди.

Дори солинганидан сўнг ғўзалар ҳам, ўтлар ҳам гуркираб ўсиб кетади. Нимагадир ҳамма кўсак санашга ишқивоз. Агар бир тупда саккизтадан ошиқ кўсак бўлса, ҳосил яхши. Баъзиларида ўнтадан ҳам кўп бўлади. Пайкал четларидаги ғўзалар қирқилиб, трактор бурилиб олиши учун йўл очилган, у ернинг гирдо-гирдига маккажўхори, мош, ловия экилган. Маккажўхори – сигирга емиш, вақти келганида эгаси уни ўриб-саранжомлаб, уйига олиб кетади. Маккалар ҳозир одам бўйи бўлибди, пишишига анча бор. Мош-ловия етилмабди. Эртапишар қовунлар ҳам бор, ўсмирлар баъзиларини хом-хаталалигича ёриб еб қўйишади. Ҳали пишмаган-у, аммо таъм кириб улгурибди. Этини еб, уруғларини пайкал ораларига ташлаб кетамиз.

Ғўзага тушган кўсак қурти жуда очофат бўлади. Бир куни эгат ораларига ташлаб кетилган қовун уруғларини кўсак қуртлари еб, ўлиб қолганини кўрдик. Ширасини сезиб, ўрмалаб келишган-у, нимасидир ёқмаган бўлса керак... Қовунда кўсак қурти учун заҳар борлиги тасаввурга сиғмайди, шундай ширин нарса, наҳотки заҳар бўлса? Уч-тўрт марта шу ишни такрорлаймиз, ҳар сафарида ўша яшил жонзотлар ҳалок бўлаверади. Одамзод учун лаззатли нарсалар бошқаларга емиш қилиб берилмаганини идрок қиламиз. Масалан, мол-қўй шакар емайди. Асалдай ширин нарса ҳам унга озуқа эмас... Болалар тўпланиб, қай махлуқ нимани емаслигини тажриба қилиб кўрамиз. Энг ярамаси кучук бўлиб чиқади: оққандёки ширинкулча еган кучуклар бор. Бошқалари эса бизга мазали туюлган нарсаларга қайрилиб ҳам қарашмайди... Ҳовлимиздаги олма пишганида баъзи мевалари ичидан каттакон қурт ўрмалаб чиқади. Болалар билан томоқ оғриганда ичиладиган суюқ дориларни у ер-бу ердан топиб, ўша қуртларга сепиб кўрамиз, жон ҳолатда билтанглаб қочса, доридан кўрқар экан-да, деб хулоса ҳам қиламиз.

Идрок мана шундай барқ уриб, теваракдаги ҳодисаларни ўзига сингдираверади.

Оталар ўғилларига «Келишингда молга ўт ўриб кел», деб тайинлашади. Айтганини баъзан қилишади, баъзан қилишмайди. Жуда бўлмаса, зовур ичидаги сабзиўтларни ўриб келаверишади. Сабзиўтнинг турган-битгани сувдан иборат, офтобга қўйсангиз бир тутам бўпқолади. Азбаройи ота қойимасин деб, амал-тақал ўриб қилишади-да. У шумликларни ота билмас эканми? Ота-я? Гоҳида қойийди, гоҳида эса индамайди.

Қишлоқ болалари тонг-саҳарлаб мактабга йўл олишади.

Синф парталари қачонлардир жигарранг, кейинчалик яшил бўёқ билан бўялган, кўчган жойларидан эски бўёғи кўриниб қолган, устида сиёҳ доғлари, пичоқча билан ўйилган белгилар кўзга ташланади. Кимдир дарс маҳали ёқтирган қизининг исмини ўйган, кейин ўчириб ташлаган. Хоналарнинг шифти баланд, фанер қоқилган, ҳар синфда то шифтгача бўй чўзган қора бақалоқ печкалар бор. Синфларнинг эшиклари ҳам баланд.

Катта синфлар тушгача, кичиклар тушдан кейин ўқишади.

Дафтарларнинг аҳволига маймунлар йиғлайди. Физика дафтари ичида қушлар, дарахтлар, қўлида камон ёки болта тутиб ҳайвонларни овлаётган азамат овчиларни кўрасиз. Улар отаётган ўқларгача чизилган бўлади. Ҳамманинг ўз қаҳрамони бор. Масалан, Расул деган бир боланинг дафтарида яхши отлиқ ёмон отлиқни қувиб кетмоқда. Табиийки, яхши отлиқ – Расулнинг ўзи.

Ер юзининг игна учича келмайдиган нуқтасида ҳаёт мана шундай давом этади. Ҳар саҳар анча-мунча бола папкасини елкасига осиб мактабга, одамлар эса далаларга йўл олишади. Бу болалар нима учун ўқиётганини ўзлари ҳам билишмайди. «Ўқисанг, одам бўласан», дейишади катталар. Одам бўлиш қанақа ўзи? Ҳеч ким бу болаларнинг «одам бўлиши»га ишонмайди. Ҳа, мактабни битиришса, армияга кетишади, армиядан келиб уйланишади. Кейин амакилару тоғалар каби мол-ҳол боқиб, ё далада ишлаб юраверишади. Ҳаёт шундай давом этади...

Мактаб болалар онгига тарих сабоқларини қуяди:
– Ота-боболарингиз ғирт жоҳил, саводсиз, зулм остида эзилиб юришган. Кейин Давлат келган. Халқни ўқитиб, билим берган, мактаблар очган. Электр токи опкелиб, йўллар қурган, мошиналар, тракторлар совға қилган... Давлат бўлмаса, халқ омочда ер ҳайдаб, эшак миниб юрган бўларди.

– Давлат нима?

– У ниҳоятда қудратли, айтганини қулоқ қоқмай адо этиш керак. Йўқса, кулингни етти пуштингга қўшиб кўкка совуриб юборади. Лайлатулқадр кечасидаги осмон эсингдан чиқдими?

Бор-йўқ тушунча шундан иборат.

Ҳа, давлат нималигини-ю, тарихни қайдан ҳам билардик? Физика айтадики: электр токи ихтиро қилинганига юз эллик йил бўлди. Космик кемалар фазога парвоз қилади, ток кепқолганида фазогирлар телевизордан ер юзидаги инсонларга қараб, кулиб қўл силкишади, олис ўрмонлару музликлар бағрида яна нималардир содир бўлади. Биргина бизнинг қишлоқда ҳаёт тўхтаб қолгандай... Айтилаётган гаплар тасаввурдан шунчалар узоқки, худди эртакка ўхшайди.

– Омон!

– Ҳа.

– Тур, молга ўт сол, рўзғорга қараш! Ўқиб олим бўлармидинг?

Аслида одамлар фарзандларининг билим олишини, «катта» ўқишларда ўқишини орзу қилишади, аммо шу шароитда олган билими «катта ўқиш» остонасигачаям етмай, «Бўлмади, ота», деб қайтиб келишидан чўчишади. Шу сабабли, «Сендан олим чиқармиди», деб кўяқолишади.

Ўша-ўша баҳайбат техникалар, уларнинг лойда қолдирган излари. Шамолда тарақлаётган йўл бел-

гилари... Узундан-узоқ экин далалари, эгатлар орасида куруқ ерга ўтириб ейилган беҳи таъми, мактабдаги дарслар... Узоқ тарих олисдан бир жилваланади-ю, ғойиб бўлади.

Нима бўлган эди ўзи, тарихда?

Тарих жим эди. Гапирмасди, индамай тураверарди.

Катталардан сўрасангиз, улар ҳам билишмайди. Гўё одамлар жуда кўп асрлардан бери шундай яшаб келишаётгандай. Саводсиз, жоҳил ота-боболар, зулм остида эзилган тарқоқ халқ... Бегона қаҳрамонлар, сув ости кемалари, баланд учадиган стратосфера учоқлари... Елкасига беҳи новдасидан камон ясаб осиб юрган болалар... Бу ёшдан ўтиб, анча улғайганларига эса отаси «Уйлантириб қўяман», деб пўписа қиладиган бўлган... амал-тақал қилиб мактабни битириб олишса, нима ишнинг бошини тутиши номаълум... Ўша ҳаёт, ўша заҳматлар...

У таассуротларни, манзараларни ҳеч бир тарих тушунтириб беролмайди. Тарих куруқ фактлардан иборат. Лекин кишилар қалбидаги манзаралар бутунлай бошқача, жонли, маъноли, инсонлар тақдиридан ҳикоя қилаверади.

РИМ ИМПЕРИЯСИ ВА «НОМО SAPIENS»

Мактаб болалари ўзларининг тарихларини яратиб олишган.

Шулардан бири – Рим империяси. Темир совут, учли дубулға кийган, узун найзали қиррабурун кишилар ва икки ғилдиракли жанг аравалари дарҳол кўз ўнгингизга келади. Шунингдек, оқ матога чала-ярим ўранган ҳамда бошига дафна япроғидан гулчамбар тақиб олган императорлар ҳам намоён бўлади. Улардан бири – Октавиан Август дегани нариги кўчадаги

патак соқолли Сами бувага ўхшаб кетади. Фақат, Октавиан жингалак сочли, оқ юзли бўлса, Сами бува – сап-сариқ киши. Октавиан қадимий бир шаҳарни ишғол қилади ва унга Карфаген деб ном беради. Ўша шаҳар ҳозир ҳам бор, фақат номи бошқа – Картахена⁶.

Бу фан мешларга ҳаво тўлдириб, дарёлардан сузиб ўтган ёвқур скифлар ҳақида ҳам ҳикоя қилиб беради. Ундан ҳам аввал-чи? “Бир маҳаллар ер юзида маймунлар яшаган, – дейди тарих. – Давр ўта-ўта, улардан бир қисмига ақл кира бошлаган. Тошлардан қурол, дарахт шохидан ёй ясашни кашф қилиб олишган. Биттаси зерикиб ўтириб, ёввойи буғдой донини ўтга ташласа, қовурилиб ширин бўлиб қолибди. Шу тариқа буғдойдан нон ёпишни ўрганишган”.

Одам Ато-чи? Момо Ҳаво-чи?

Улар ҳақида фанда ҳеч гап йўқ. Энг қадимги инсонлардан бирининг исми Одам, бошқаси эса Ҳаво бўлиши мумкин. Унгача ер юзида фақат ҳайвонлар яшаган дедик-ку? Қанақадир тасодиф туфайли турлитуман махлуқларнинг бир тоифасида тўсатдан ақл пайдо бўлиб қолган. Бу ҳодиса қандай юз берганини биров билмайди. Маймунсимон мавжудотларнинг ўзлари ҳам одамга айланаётганлигидан беҳабар юраверишган. Бир маҳал қарашса, ўзгариб қолишганмиш... Ўзларида фикр юритиш қобилияти пайдо бўлганини англаб етишгунча ҳам орадан минглаб йиллар ўтибди... Ана ўша тоифа кейинчалик ўзига “Одам” деб ном берган.

Қачондан бошлаб инсонга исм қўйила бошлаган?

Одам насли кўпаявергач, исмга эҳтиёж пайдо бўлган-да. Узун бўйлисини узун, калтасини калта деб чақиришган. Одамзод янада кўпайган, шундан сўнг фарқлаб олиш учун янги исмлар ўйлаб топишга

⁶ Испаниядаги шаҳар номи.

тўғри келган. Тошдай қаттиқ бўлсин дея – Тошбой, шамолдай учқур бўлсин дея – Шамолбой... Шу тариқа исмлар урф бўлган...

Лекин тарих китобидаги энг қадимги одамларнинг исми йўқ. Бизга сурат қатларидан тек қараб туришади. Бир жиҳатлари ўзимизга ўхшаб кетади, бироқ орадаги масофанинг жуда олислиги ҳам сезилади. Шулардан бири – Тешиктошдан топилган неандертал бола. У биздан кўра ёшроқ, саккиз-тўққиз яшар чамаси.

ТЕШИКТОШДАН ТОПИЛГАН БОЛА

Ҳайвон терисидан лунги ўраб, тошболта кўтарган аждодлар овга жўнашади. Кексароқлар ғорларда тошни тошга уриб, учқун чиқариб олов ёқишмоқда...

Тешиктошдан топилган болага жуда раҳмим келади.

Нима фалокат, қачон, қандай рўй берган? Саккиз яшар бола нега тош остида қолган? У-ку, топила-қолибди, бошқалар қани?

Тасаввур унинг ўзимиз каби қўй боқиб, кечки шудринг тушган ўтлоқлардан ғорга қайтганини, оловда эт пиширишганини, кечаси юлдузлар чақнаб, ой самога кўтарилганини, ёруғида тоғу тошлар қорайиб кўринганини жонлантиради.

Ишқилиб, нимадир рўй берган-у, саккиз яшар бола тош орасида қолиб кетган. Бақувват жуссаси, кенг пешанаси, ўсиқ сочларига қараб, саккиз яшар эканига ишонмайсиз. Бизнинг болаларнинг кўпи толхивичдай озғин, соддаю ишонувчан, меҳнатга эндигина киришган. У болакайда эса меҳнат заҳмати сезилмайди. Ким билсин, тарих шунақа тасаввур уйғотади. Балки, ўтлоқларда шамол билан бирга елиб, сувларни сочиб, чўмилиб ўйнагандир ҳам?

Тош қуроллар, болталар, буғдой янчилган харсанглар, тоштовоклар... Боягина овга кетган кишилар қайтиб келишмоқда. Уларни тарих бизга «Неандертал одамлар» деб таништиради.

Тешиктошдаги ўсмир ўзимизнинг бола бўлса, неандертал ким?

– Неандертал одам – инсоннинг йўқолиб ёки бошқалар билан қоришиб кетган вакили бўлиб, илк аждодлари бундан икки юз минг йил аввал Европа, Марказий Осиё ҳамда Олтой минтақасида яшашган, – деб уқтиради тарих, чўтир муаллимимиз Султон аканинг овози билан.

Тешиктошдан топилган боланинг шахду шиддати бошқача:

– Қор қаттиқ ёққанида, тоғ устидан тушиб келган оқ йўлбарс гўдаклардан бирини олиб кетди, – дейди кўзлари чақнаб. – Уруғнинг бор эркаги унинг изидан тушди. Мен ҳам отамга эргашиб бордим. Қор бўралаб урарди. Кучукларимиз оқ йўлбарс изини топишди, у гўдакни аллақачон еб бўлган экан. Кишилар аламдан бақиршиганида қор кўчди. Анчамунча одам кўчки тагида қолди...

– Одамлар кўп эди, – дейди кейин. – Амакиларим бошқа жойларда яшаймиз деб, кўчиб кетишди, бизлар эса қолавердик. Яйлоқларда туман одам яшарди. Бошқаларни билмайман, – бош чайқайди болакай. – Ўшандан бери шу ердаман.

– Ке, ўртоқ бўламиз. Отинг нима?

– Эр Буғу.

Мен шу тариқа ўша болакай билан дўстлашиб олганман. Тенгдошлик ҳиссиёти фандан устун келган бўлса ажабмас. Эр Буғу деган у бола то еттинчи-саккизинчи синфгача биз билан ёнма-ён ўқийди. Бизлар улғаямиз, лекин у сира катта бўлолмайди,

севги-муҳаббат палласи келганида майда болаларга қўшилиб, қолиб кетади.

* * *

Кўчалар кузда лой бўлиб ётади. Гоҳо ғўзапоя ортиб катта тракторлар ўтади. Гилдирагининг тишлари катта-катта, лойда палахса излари қолади, шу изларга ёмғир суви тўпланиб, вақт ўтиши билан қирмизи тусга киради.

Лойгарчилик боис ҳамма этик кийиб юради. Чарм этик қиммат, шу сабабли, биз кабиларга арзонбаҳо «тош этик» дейиладиганини олиб беришган. Тош этикнинг ранги кулранг, усти ғадир-будур, териси қаттиқ, болаларнинг оёқлари тупроқкўчаларда ялангоёқ юравериш қотиб кетгани учун «тош»лиги ҳам сезилавермайди.

Кузда тўк кўпроқ келади, шунда одамларнинг уйларидаги телевизорлар ишлаб кетади. Лекин, барибир, яхши кўрсатмайди. Сабаби антеннада. Бу ерларда антенналарни жуда баланд кўтариш керак. Одамлар мистовоқни тахтага маҳкамлаб, ўзлари антенна ясашади. Каттароқ йигитлар «Шиша қувурча ичига симоб қўйиб, икки томонидан сим чиқариб уласанг, бутун дунёни кўрсатади» дейишса-да, болалар симобни қайдан олишни билишмайди. Баъзи маъданларни топса бўлади, масалан, қўрғошинни эски аккумуляторлардан оласиз. Уни темир косага солиб ўтга қўйсангиз, сариёғдай эрийди. Ерга шакл чизиб, эриган маъданни ўшанга қўйсангиз, истаган шаклингизга киради. Лекин қўрғошинни антеннага ишлатиб бўлмайди.

Антенналар баланд ходаларга маҳкамланиб, томга чиқарилади. Уч-тўрт томонидан сим тортилади, йўқса шамолларда ағанаб тушиши ҳеч гапмас. Энди уни соз-

лаш керак. Бир киши томда – антенна тагида, бошқаси ерда – дераза олдида, учинчиси ичкарида – телевизор қошида.

- Кўрсатдимми?
- Йўқ, ўнгга бура!
- Энди-чи?
- Йўқ, чапга бура!

Бир амаллаб кўрсатадиган қилинғач, маза қилиб кино томоша қилса бўлади. Шунақа маҳаллар уйларга кирсангиз, анча-мунча болакай олдига қотган нон қўйволиб, эски шолча устида кит ови ёки тайгалар ҳақидаги киноларни кўриб ўтирган бўлади.

- Нодир ўлгур, маккадан ўриб молга сол!
- Собир, ўт юлиб кел!
- Омон! Сув бермабсан-ку, бўкириб ётибди.

Қайда! Мол яна бирпас сув ичмай турса турақолсин, кинонинг зўр жойи келди ҳозир!

Энг қизиқ ерида чироқ лип этиб ўчади.

- Э-э, зўр жойи келувди-я...
 - Бўлди, ётинглар! Эртага саҳар турасизлар!
- Шу билан ҳамма уйқуга ётади...

Баъзан эса кичкиналарга эртаклар айтилади – ҳамма муштдайлигидан ёд биладиган, девлару аждарлар ҳақидаги эртаклар.

– Бир бор экан, бир йўқ экан... Одамлар тоғу тошлар орасидаги яйловларда яшашар экан. Бир куни уларга каттакон дев ҳужум қилибди. У одамларни қамаб қўйиб, ишлатаркан. Очқаса, битта-яримтасини еб кўяр экан...

Минглаб йиллар аввал Эр Кенжа, яъни Кенжа ботир девни ўлдиргани йўл олади. Ой янада ҳаволаб кетади. Булутларнинг ост тарафи қорайиб кўринади, улар осмонда учиб юрган баҳайбат махлуқларни эслатади. Отасининг тафтли бағрига кириб олган

кенжа ўғил уларни ҳайиқмасдан кузатади. Кенжа ботир кичкина, акалари эса катта. Лекин дев билан урушгани нимагадир Кенжа ботир боради. Сабаби – акалар вақти келиб уй-жойини бошқа қилиб чиқиб кетишади, кенжа эса ота-она билан қолади. Шу сабабли у ақлли, кўрқмас бўлиб улғайиши керак.

Болакай шуларни ўйлай-ўйлай, ота пинжида ухлаб қолади...

УЧ ЧАНОҚЛИ МУҲАББАТ

– Қани, болалар, далага!

Тўртинчи синфдан бошлаб то кап-катта юқори синф болаларигача бирин-кетин трактор араваларига чиқишади. Тракторда одам ташиш анчагача давом этади, қачонки бир куни каналга ағдарилиб кетиб, қиз-жувонлар ҳалок бўлгунга қадар. Шундан кейин одамларни юк машиналарида ташийдиган бўлишади, трактор араваларига эса катта қилиб «Одам ташиш тақиқланади!» деб ёзиб қўйишади.

Хуллас:

– Тўртинчи синфни яқинроққа олиб боринглар! Катта синф ётоққа кетсин. Баринг кап-катта бўлқолгансан-ку? Уйлантириб қўйса, бола кўрадиган! Қийинчиликни кўр, пиш!

Катта синф виқор билан, ўзининг қадрини билиб туради. Уларнинг сочлари ўсиқроқ, ёқалари очикроқ. Уларга мумкин, чунки катта синф.

Кичкина синф патир-путур чопиб-ўйнаб юрибди. Ке-етдик далага!

«Т-28» тез юрса, сакраб-сакраб кетади, тиркама ҳам унга қўшилиб илкис чайқалади. Каттароқ синфлар-ку, майли, лекин кичик синф болалари тушиб-негиб кетмасин дея, симтўрли араваларга чиқариша-

ди. Арава борти ташқаридан беркитилади, қараб-сизки, тап-тайёр қафаснинг ўзи.

Ўзақатор ораларида муҳаббат тараннуми янграганига ҳайрон қоласиз.

Ўсмирлар улғайиб, йигит-қизлар етилиб келишмоқда. Кимдир кимгадир аллақачон кўнгил қўйиб бўлган. Назорат қаттиқ: бировнинг қизига ортиқча гапириб бўлмайди. Отасига-ку, етиб борақолмас, аммо бу ёқда қизнинг ака-укалари, тоға-жиянлари бор-ку? Шу сабабли муҳаббат изҳорининг бошқа усуллари ўйлаб топилади. Шулардан бири – уччаноқ.

Ўзаларда уччаноқли кўсак камёб бўлади. Шу боис, топиб олинган уччаноқ эҳтиётлаб сақланади, пайт пойлаб туриб, ён эгатдаги кимнингдир эгатига ташлаб қўйилади. Уччаноқни олса бас, «тушган» бўлади.

– Тушди, тушди!

Уччаноқни ташлаган ўсмир илжайиб туради.

– Хўп, нима қилай?

– Беҳингдан берасан.

– Беҳим ўзи битта, холос.

– Унда пахтангдан берасан.

Ва ҳоказо.

Лекин ишқ дардига гирифтор бўлганлар уччаноққа бошқа маъно юклашади. Айтайлик, ошиқу беқарор ўсмир ўзи ёқтирган қизнинг эгатига уччаноқ ташлаб қўйди. Бу энг содда усул, чунки ерда ётган уччаноқ ўз-ўзидан келиб қолмаслигини ҳамма билади. Уддабуронроқлар уни лўппи чаноқлар ичига яширишади.

Мана, қизгина уччаноқни олди! Ҳайрон бўлиб атрофига алангласа, сал нарида қизариб-бўзариб, бемаъни илжайиб турган ошиқи беқарорни кўради.

– Афтинг курсин, бунини сен ташладингми?

– Ҳа.

– Нимага ташладинг?

– Шунчаки, ўзим...

Қизгина дарҳол бунинг мағзини чақади. Ё «Ўл, безраймай» деб, теримида давом этади, ёки индамайди. Индамаса, олам гулистон. Ошиқ яна бир дунё уччаноқни қизнинг эгатиға опкелиб ташлашга тайёр. Беғубор, болаларча муҳаббатнинг софдил изҳорлари мана шу тарзда поёни йўқ далаларга ёйилиб кетади. Ҳали эндигина дил изҳори қилинди. Қизнинг муносабати номаълум. Борди-ю, сал рўйхушлик билдирса ҳам, истиқболда ўнлаб-юзлаб «довон»лар турибди. Ҳали онага айтилса, бир йўлини қилиб у гапни отага етказса... Ота-она, ака-сингил... Нарёқда қизнинг ота-онаси, ака-синглиси, қавму қариндоши... Шунча баҳайбат тўсиқлар юксалиб турганида, биргина уччаноқ меҳру муҳаббат тимсолиға айланиб кетишини кўринг.

Ёшлик таровати жаннат маъволарига айлантирган далалардаги ўсмирларга қараб, Дашти Қипчоқдаги қизгина эсимга тушади. Энди уни яхши кўришимни ич-ичимдан тан олганман, бироқ етишиб бўлмаслигини ҳам биламан. Афсус, агар орамизда бўлганида, эгатиға сездирмай уччаноқ ташлармидим? Терган пахтасини, ўрган ўтларини кўтариб шийпонга оборадим. Пайваста қошларининг, қуюқ киприкларининг, хаёлимни олган гавҳар кўзларининг малоҳати янада ортган бўлса керак. Бир кунмас-бир кун уни яна учратиб қолишимга ишонаман, аммо бу мўъжиза қай тарз рўй беришини ақлимга сиғдиролмайман. Балки яна меҳмон бўлиб келишар? Балки ўзимиз уларникиға борармиз?..

Қуёш уфққа ёнбошлаб, кун тугайди. Ҳамма уй-уйига қайта бошлайди.

Қайтишда мабодо пиёда кетилса, қизлар бир тўп, ўғил болалар бир тўп бўлиб, кўпинча қизлар олдинга ўтиб олишади. Шунда «гап ташлаш» бошланади.

Гап тўғридан-тўғри «ташланмайди», балки қиялатиб «отилади»:

– Омон, бугун бошқачароқмисан? Гапирсам ҳам қарамайсан? – дейди ошиқу беқарор ўспирин шеригига қарата баланд овозда.

Табиийки, бу гап Омонга эмас, олдинда кетаётган қизалоқлардан бирига айтилмоқда. Қизгина ҳам дарров гап нимадалигини сезади.

– Заро, ўзинг кеча нима дединг?

– Нима дедим? – ҳеч нарсадан беҳабар Зарофат ҳайрон.

– Э, жим кетавермайсанми? – биқинини чимчилайди «нишон» қиз. – Анови мирзатеракка гапиряпман.

«Мирзатерак» – гап отган ўсмир.

– Омон, ҳазилни ҳам тушунмайдиган бўлиб қолибсанми? – давом этади «Мирзатерак».

Жавоб дарров келади:

– Одамга ўхшаб ҳазил қилсанг тушунаманми, Заро?

Бундай «гаплашиш»ларнинг бошқа турлари ҳам бор. Масалан, «гап ташловчи» ўзи ҳақида гапиради:

– Мен бугун бошқачароқманми? Гапирсаям индамайман?

Жавоб ҳам шунга мос:

– Мен кеча бўлмағур бир гап айтиб қўйибман-да, молга ўхшаб.

Ҳамма шарақлаб кулиб юборади. Бўлмағур гап айтадиган мол қанақа бўлиши мумкин?

– Ия, ҳазилниям тушунмайдиган бўп қолибманми?

– Мен эса одамга ўхшаб ҳазил қилолмайдиган бўпқолибман...

Қизларнинг ўз «шева»си бор, бу – ҳар бўғинга «з» ёки «б» қўшиб гапирадиган «шева», бошқача айтганда – «шифр».

Дейлик, қизгина Зарофатга «Сен жим кетавер, у менга гапирди» демоқчи. Бу гап шундай бўлиб чиқади:

– Се-зе-н жи-зи-м ту-зу-р, у-зо ме-зен-газа га-за-пи-зи-р-ди-зи!

Ёки:

– Се-бо-н жи-би-м ту-бу-р, у-бо ме-бе-н-га-бо га-бо-пи-би-р-ди-би!

Бу «бидир-бидир»ни қани энди биров тушунса! Шум қизгиналар дарров англаб олишади. Қўллар қаварган, лўппи оқ пахталар бармоқларни ёриб юборган, билаклар тилинган, аммо ёшлик ҳарорати чақнатган кўзлар, нигоҳлар, кулишларнинг бари ҳали бир оғиз сўз айтилмасидан оламжаҳон маъно таший бошлайди.

– Жуғрофия, уммон қанақа бўлади?

– Охири кўринмас, бепоён шўр сув.

– Балиқлариям бордир?

– Бўлмасинми?

Биздаги балиқлар майда, жўн. Кўзимга жуда соддадай кўринади. Энг каттаси шапалоқдай келади, шуниям болалар тутиб олгач, кўз-кўзлаб ярим кун кўтариб юришади. Бошқалари – жимжилоқдай келадиган митти балиқчалар, увилдириқдан янги чиққанига қарасангиз, ниначи боласини эслатади: игнадай келадиган жимит тананинг икки ёнида бўртиқ кўзчаси бўлади.

– Одамлар-чи, биздақами?

– Одам Худонинг бандаси, ҳамма жойда бир хил, болам. Ҳамма бир ота-онадан, яъни Одам Ато билан Момо Ҳаводан тарқаган.

– Шунча халқ-а?

– Ҳа, қачонлардир дунёда фақат иккита одам бўлган, холос.

– Одам маймундан пайдо бўлмаганми?
– Тавба қилдим де! Инсон ер юзининг жонзоти эмас. У жаннатдан тушган!

...Сабзавотлар йиғиштирилади. Маккалар ўрилиб, бир-иккита поясидан арқон эшиб, белидан дасталаб бойланади. Кейин қуритиш учун қўраларга тиккама-сига босилади. Ўриб олинган ерларда қолдиқ илдизлари тигдай бўлиб чиқиб туради, уни «тукуч» дейдилар. Эҳтиёт бўлмасангиз, оёқни тилиб юборади, кўчириб четга уйиш керак. Оталар томорқага гўнг солишади. Кейин ер яна чопиб чиқилади, шунда гўнг тупроққа қоришади. Ёмғирлар бошланмасидан тезроқ улгуриш керак, шу сабабли эркаклару болалар, хотинлару қизчалар – ҳамма баб-баравар ер ағдаради.

...Кузда мевалар хилма-хил, бениҳоя ширин бўлиб етилади. Осмоннинг ранги тўқ мовий тусга кириб сокинлашган, ҳавода гоҳида ҳилпираб мезонлар учади. Беҳилар узиб олиниб, сомон орасига жойланган, узумлар шифтга осилган. Шафтоли, олма, ўрик қоқи қилинган. Помидор ҳам қоқи қилинади, ўртасидан икки палла қилиб ёриб, офтобга қуритгани қўяверасиз. Ичидагиларини тоғорага тўкасиз, вақт ўтиб суви кетгач, уруғи қолади. У оч-сарғиш тусли, япасқи бўлади. Бодринг уруғи ҳам шу тариқа олинади. Шакли узунчоқ, оқ рангли, шилимшиқ, худди қовун уруғига ўхшайди. Барини докага ўраб, осиб қўясиз, чунки янаги йил ерга қадаш керак...

КУЗ

Пахта мавсуми тугаганида қишлоқ енгил нафас олади.

Поёнсиз далалар жигарранг-қўнғир тусга кирган, куз ёмғирлари бир хилда ёғиб, пилчиллаган лойга айлантирган. Шийпонлар ҳувиллаган, бўм-бўш. Очиқ эшикларидан шамол кириб ўйнайди.

Айвондаги радио бунӣ ўзича шарҳлайди:

*Бунча ҳам ёмғир ёғодир биз ғарибнинг
томига,
Кимни ҳам раҳми келур бечораларнинг
ҳолига...⁷*

Халққа ғўзапоя бўлиб берилди. Ҳамма бола-чақаси билан ғўзапоя тўплашга чиқди.

Баъзилар трактор опкелишган. Бу сафар «Т-28»га ёнлама пичоқли мослама ўрнатилган, у ғўзапояни кесиб-қўпориб, ағдариб кетаверади. Ортидан лойга бота-бота юриб, тўплаш керак.

Кимдир монтёрдан сим олган, симқирқар билан ғўзапоя боғига мослаб кесиб чиққан. Сим тополмаганлар тут новдасини эшиб, боғлашади. Новда чайир, қайишқоқ, уни болалар эшолмайди, шу сабаб катталар бақувват қўлларида бураб-бураб эшишади.

Бир оилага ўртача минг боғ ғўзапоя керак.

Гоҳида туман тушганида ҳам одамлар бола-чақаси билан далаларда куйманиб юришганини кўрасиз.

Улов топганлар ғўзапояни трактор аравасига баланд қилиб босишади, у келиб, дарвоза олдига ғарам қилиб ағдариб кетади. Тополмаганлар ўн беш-йигирмата боғни арқонга бойлаб, елкаларида уйларига ташийверишади. Эл ўн-ўн беш кун шу ташвиш билан яшайди. Кейин «жола» мавсуми келади.

«Жола» деб далаларга молларни бемалол қўйиб юборишга рухсат теккан маҳални айтишади. «Молни жолага ҳайда» деган гап сигирни ўша далаларга обориб, боқиб келиш кераклигини билдиради. Бу иш ҳам ўсмирлар зиммасида. Жола маҳали совуқ

⁷ Халқ қўшиқларидан.

тушади, уйкуга кетган дарахтлар новдаларида булду-
руқлар пайдо бўлади. Болалар далаларда қолган-қут-
ган ғўзапояларни тўплаб, ўт ёқишади, картошка ёки
беҳи кўмишади, қолиб кетган чигитларни ўтга ташла-
сангиз, чирсиллаб отилади.

Кеч куз шу тариқа ёйилиб-ястанади.

Халқ кеч кузда тўйлар қилади. Сабаби, қўли пул
кўради.

Шу сабабли жонини жабборга бериб тер тўкади.
Бола-чақасини ҳам аямай, бурнини ерга ишқаб-ишқаб
ишлатади. Эвазига ҳақини олади.

Ҳақини олгач, энди кўнглим тўқ, бу пул билан
қишдан эсон-омон чиқиб оламан, дейди.

Тўй қиладиганларни эса машаққатлар кутиб
турибди. Шўрлик, мол-қўйини сотади, қарз кўтаради.
Бир амаллаб тайёргарлик кўради. Хуллас, бирин-
кетин тўйлар бўлади.

Қиш совуқларида одамлар оғзидан ҳовур чиқа-
чиқа, тўй томоша қилишади.

Бир тарафда қиз-жувонлар тўпланишган, қарши
томонда йигит-яланг. Катта чироқлар осилган, гоҳида
қарс этиб ёрилиб ҳам кетади. Чироқ ўчадиган пайтлар
ҳам бўлади, шунда ўртага катта гулхан ёқилади.

Тўй бошланганида ёши улуғлар ёқтирадиган
қўшиқлар айтилади. Элнинг катталарига шунақаси
маъкул.

*Қирқ йилда бир йигит келар дунёга,
Йигит юзин ерга қаратма, фалак!*

Ёки:

*Номард кўпригидан ўлсам ўтмасман,
Карвон бўлсам маконига қўнмасман,
Қўлидан бир пиёла чойин ичмасман,
Мардингни номардга муҳтож қилмагин...*

Одамлар бошларини чайқаб-чайқаб эшитиб ўтиришади.

– Яшавор!

Халқ тўйларда қаддини тиклайди.

Ёш-яланг даврага товоқ-товоқ палов ташишади. Эл тўйларда, маросимларда жипслашиб қолади. Ҳамма бир жойда, ўзини қавму қариндошдай тута бошлайди.

Мактабларда эса сабоқлар бошланади. Синф-хоналар совуқ. Бақалоқ печкаларга ўтин ҳамда тошқўмир ёқилади. Ҳар синфда печка ёнида бир пақирдан кўмир туради.

– Салом, фанлар! Салом, физика, кимё, жўғрофия, тарих! Биз яна келдик!

* * *

Материклар жўғрофияси бизларга вулқонлар қандай отилишини тушунтиради. Ер остида лавалар ҳосил бўлиши, уммонлардаги улкан балиқлару саккизоёқларнинг кўчиши, табиий офатлар, тўфонлар, тоғлар, денгизлар ҳақида шунақанги берилиб ҳикоя қиладики, ҳайратдан кўзларимиз катта-катта очилиб, эшитиб ўтирамиз. Учқур тасаввур қитъаларнинг пайдо бўлишини, тоғлар ер қаъридан қай тарз бош кўтариб чиқишини, наботот ва ҳайвонот қандай пайдо бўлиб, йўқолиб кетишини жонлантиради, ҳаёлларни Нил дарёси бўйларига, ундан Дажла ва Фрот соҳилларига етаклайди. Фиръавнлар маконлари, эзилиб-букилиб ишлаётган минглаб қуллар узра айланамиз.

Ҳа, фанлар мактаб мобайнида бениҳоя ажойиб ҳикояларни гоҳ қуруқ илмий, гоҳ жонли тил ила сўйлаб беради. Аммо бу ҳикояларни билишимиздан не фойда эканини айтмайди. Қишлоқ узра ўйнаган нур ва соя ўйинлари бошқа элларда бошқача жил-валанишини, ботаётган ёхуд чиқаётган қуёш ёғдуси

денгиз долғаларида палахса-палахса, тўқ сарикдан қирмизигача ажаб жилолар ҳосил қилишини, тўлқин қарсиллаши қанақа бўлишини, икки денгиз суви сираям аралашиб кетмаслигини, қуруқлик дунёсида неки бор, сув дунёсида ҳам борлигини, қуруқликда эсадиган шамоллар сув остида оқим деб аталишини, ёллари ҳилпираб чопадиган гуррос отлар у оламда сув отлари дейилишини... барчаси ила бизларни маҳлиё айлайди-ю, аммо...

Шу қишлоқдан чиқолмаслигимизни, бу билимлар ҳеч қачон керак бўлмаслигини, мактаб тугагач, бир рўзғорнинг бошига келишимизни-ю, эл қатори бизлар ҳам гувалак қуйиб, иморатлар солиб, далаларда ишлаш билан бир қаторда, томорқамизда етилган мева-чеваларни бозорга олиб бориб сотиш билан тирикчилик қила-қила умримиз ўтиб кетаверишини айтмайди. Айтгандаям нима ўзгарарди? Тақдир ёзуғи шу эмасми – ҳамма бир тану бир жон, баҳамжиҳат бўлиб, бир-бирини суяб-қўллаб ҳаёт кечирмоқда. Ҳали ёш-ку, руҳини чўктириб нима қилдим, катта бўлса ўзи билиб олар, дейди.

Қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш... Пифагор теоремаси қачон, кимга керак бўла қолибди? Гаусс қонуни-чи? Булар ҳам майли, каттароқ синфга ўтганингизда тамомила нотаниш, тушунарсиз билимларга рўпара келасиз. “Логарифм чексизга нима учун интилади, интилганида қиймати нима учун бирга тенг бўлиб қолади? Синус-косинуслар-чи?” Ундан кўра, ўқувчиларга «Бир кило пахта оғирми, бир кило тошми?» деганга ўхшаш бошқотирма саволлар маъқулроқ бўлса-да, ҳаммамиз олий математикада бир хилда муваффақиятсиз давом этамиз. Уларни англаб олиш тугул, номига тил келишмайди-ку? Логарифм қишлоқ тилида «Лагарипм»га айлангач, Пифагор деган юнон олимнинг исми “Пифагўр”

бўлиб қолгач, нияям кутардингиз? Сир бўлсаям айтай, бутун бошли қишлоқдан кимдир институт ёки университетга ўқишга кириб қолса, худди мўъжиза рўй бергандай, гап бутун қишлоққа ёйилиб кетар, «каллали бола» ҳақида афсоналар пайдо бўлар, кейинроқ афсонавий йигит ё шаҳарларда қолиб кетар, ёки қишлоққа қайтиб келиб, эл ҳаётига қўшилиб, «ўзимизнинг» одамга айланарди.

– Сигирни кунига бир тоғорадан ем бериб емлай-версанг, бир ойда неча килога семиради?

– Ўттиз килога.

– Калланг борми?

Саволга қаранг! Ана, елканинг устида дум-думалоқ бўлиб турибди-ку? Сочиям, соч остида кўзу қулоғиям бор. Койишлар шу тарз давом этаверади:

– Калла деган нараса асло йўқ сенда!

Бир маҳаллар Дашти Қипчоқ қизи шу койишни эшитиб, таажжубланиб жилмайиб қўйгани ҳам эсимга келади.

Учқур тасаввурнинг қилмишлари ҳам қишлоқ болаларининг тутуми каби оддий ва шўх. Койиш эшитган боланинг калласи хаёлда дарров ғойиб бўлиб қолар, кейин бошини излаб юрганининг кулгили тасвири пайдо бўларди. Адабиётни айтмайсизми? «Маъно соҳибжамоли юзидан пардани очди» дейилса, ўзимиз қатори мактабга бориб-келиб юрган, гулдор қўйлак кийиб, рўмол ўраган синфдош қизлардан бирининг шўх илжайиб тургани кўз олдимизга келиб, шарақлаб кулиб юборардик. «Соҳибжамол» деган сўз эсимга Дашти Қипчоқ қизини ҳам солади. Лекин унинг сиймоси дарсликдаги оқ юзли, узун киприкли нозик малакларга ўхшамайди, Дашти Қипчоқ қизининг борлиғида ҳаёт жўшқинлиги, ёшлик таровати гуркираган, офтобда қизарган юзида қизгин

харорат барқ уради. Ажабо, бизлар улғайганимиз сайин унинг хаёлимдаги сиймоси ҳам улғайган, ўсмирона хусусиятлари ғойиб бўлиб, бўй етган қизнинг балоғат таровати таралади. Қора сочи узун эди-ку, янада узайгандир? Сирли жилмайишининг фусункорлиги янада ортгандир?

Хуллас, бир томонда мутлақо кераксиз фанлар йиллаб болаларнинг онгига натижасиз қуйилган, бошқа томонда эса, ўз болаларига, зурриётларига ишончсизлик руҳияти ҳукмрон бўлган паллаларнинг ширин ва аламли ёди булар...

– Ўсимлик нимадан иборат?

Ҳамма тушунмай ҳайрон қараб турарди. Ботаника печкага ўт қалаб, устига чойнакда сув қўйди, кейин баланд овозда яна:

– Хўш, ўсимлик нимадан иборат? – деб сўради.

– Илдиздан, танадан, япроқдан, гулдан...

– Бекорларни бештасини айтибсиз!

Бекор нима-ю, унинг бештаси қанақа бўлади?

– Хўп, нимадан?

– Хужайрадан!

«Хужайра» сўзи бизларга ёндош синфдаги қорамағиз қизалоқ – Ҳожира билан уйқаш келгани учун тасаввурда бесўнақай, ўхшовсиз бир нимани намоён қилади.

– Билиб қўйинг, ҳар қандай тирик жон хужайрадан иборат.

Кейин дарсликни очиб, анжирга ўхшаган япалоқ бир нимани кўрсатди:

– Мана шу – хужайра! У ўзидан кўпайиш хусусиятига эга. Иккига бўлинади, кейин тўртга, саккизга... Хуллас, шу тариқа кўпаяверади.

Мантиқ буларни ҳисоблаб чиқиб, муаллимнинг гапини ёлғонга чиқаради. Сабаби: тинмай кўпаяверса, хамирдай кўпчиган бир нима пайдо бўлади.

– Хуллас, ўсимлик ҳужайраси таркибида цитоплазма бор, цитоплазма ичида эса хромосома бўлади...

Анжир, олма, нок, ёнғоқ, узум, шафтоли... буларнинг бари ҳужайралар экан. Ичида цитоплазмасию хромосомаси билан, албатта. Бизлар ҳам ҳужайрадан таркиб топган эканмиз. Қисқаси, бир тўп ҳужайра саналмиш биз бошқа тўп ҳужайрани паққос туширар эканмиз. Сигир дейилган бир тўп ҳужайра очқаса бўкирармиш, кучук дейилган яна бир ҳужайрани тепсангиз ангиллармиш ва ҳоказо.

Кулги ўз йўлига-ю, энди бизлар шу фанни ҳам ўрганишга мажбур эдик.

– Баҳорда селлар лойқаларни олиб келиб экин-зорларга ёяди, – деди. Улар орасида турли-туман ўт уруғлари бўлади. Сўнгра тупроқ борки, ундан наботот униб чиқади. Рангу туси, шаклу шамойилига ақл шошади. Бироз вақт ўтгач, теваракда гул очмаган нарса қолмайди. Бодрингу помидорлар сариқ, гилосу ўрик оқ рангда гуллайди, олма турига қараб ҳар рангда барқ уради, тиканлару ажриқ мовий гул чиқаради. Оқишу қизғиш, ингичкаю қалин илдизлар тупроқ бағрига кириб бориб маъданларни сўриб олади, ўсимлик бағрида кимёвий жараёнлар рўй беради. Шуларнинг бари кўёшга интилади. Япроқлари ёруғликни тўйиб-тўйиб, худди чақалоқ сут эмгандай эмади, офтоб уларда шавқ пайдо қилади, кечгача нурга тўйинган ўсимлик туни билан уни бошқа нарсага айлантиради. Ёнига одам келганини сезади, ўзини чоғлайди, мени бир нима қилиб қўймасин деб ҳурқади. Ахир, у ҳам сиз сингари тирик жон. Масалан, биров уриб-сўкса ёки хатар сезсангиз, бақириб-чақирасиз, қочасиз, у эса жойидан силжий олмайди, чунки илдизи ерда-ку!

Уларни шамол, асаларилар, қушлар чанглатиши ҳақида ҳам айтди. Айниқса, мевали дарахтлар ҳақидаги дарслар қизиқарли бўлди, тасаввур улар орасидан нима учундир шафтолини ажратиб олди. Қишлоқ хотинларининг меҳнатда қаварган қўллари, қизарган ол ёноқлари, кампирларнинг бужур кафтларини тамсил этадиган мумсик ва ўксик дарахт тимсолга айланди. Бошқалари эса бундай хусусият касб этмади. Мевасиз тераклар, шамолда ларзон чайқаладиган толлар, беҳилар, олмалар, узумлар ҳам нима учундир одамларни тамсил этмай, фақат шафтоли оғочигина одамга ўхшаб қолди.

Муаллим муқоваси эскириб кетган бир китобни қўлимга бериб, бир саҳифасини очиб, «Ўқи», деди тантанавор оҳангда. Ўқий бошладим:

– Шак йўқки, «қувваи табиия» илҳомлантирилган ва вакил қилинган вазифаси билан бирон моддага дуч келганида уни бекор қолдирмайди. Агар у модда керагидан ортиқ бўлса, ўз ишини икки марта орттиради. Икки ҳисса орттириш баъзан бир неча марта ҳам такрорланади. Бу ҳодисаларнинг барчаси ўсимликларда учрайди. Бир-бирига ёпишган қўшалоқ мевалар, битта пўчоқ ўраб турган қўшалоқ мағизлар. Икки марта орттиришда кўпайиш ва бир-бирининг ичига кириб кетиш ҳам бўлади, ичида ўзи каби лиму мавжуд бўлган, лиму бунга мисолдир.

Гоҳо «қувваи табиия» тўлиқ икки ҳисса қилиш ишини тамомлай олмайди-да, аъзоларни турган жойларига лойиқ орттириб қўяди. Чунки одатдагига ва яроқлиларга қараганда ортиқча бўлса ҳам, ўзига тегишли ўринларда туради...

– Тушундингизми?

– Ҳа.

– Нимани тушундингиз?

– Билмадик...

Биология устозимиз давом этади:

– «Қувваи табиия»нинг маъноси табиий қувват дегани! Беруний бобо айтяптики, яратикларнинг пайдо бўлиши, ўсиши ва кўпайишини бошқариб турадиган бир куч бор. Унинг номи жондир. Дарахтлардаги қўшалок меваларнинг, эгизак болаларнинг қандай пайдо бўлишини тушунтиряпти.

Яна тушунмаймиз. «Қувваи табиия» ўз ишини қилса қилавермайдими?

– Беруний ким?

– Жуда катта олим, сизнинг аждодингиз! Мана шу гапларини минг йил аввал айтиб кетган! У маҳалда дунё ҳали санашниям тузук-қуруқ билмас эди, гап шунда!

Бўлса бордир. Лекин биз оддий одамлармиз, унақа нарсаларга ақлимиз етавермайди.

Мана шу гап жуда кўп такрорланади. Кишилар ўзлари билмайдиган нарсалар ҳақида гап кетганида «Ҳа, энди биз оддий, жўн одамлармиз-да», деб илжайиб кўйишади. Бунинг тагида бир чимдим истехзо ҳам бор, яъни «Ҳа, энди, сиз шунақа нарсаларни билиб, зўр бўп кетибсиз, бизлар эса оддий кишилармиз...»

Бу гапларни болалар ҳам ўзлаштириб олишган.

– Шу китоб сенга! – деди Ботаника ўқитувчимизбурушиқ қўлларини елкамга қўйиб. – Унинг номи «Осорул-боқия»⁸. Мен тез кунда нафақага кетаман, соғлиғимнинг мазаси йўқ. Катта бўлсанг эслаб юрарсан...

– Раҳмат!

Шундан сўнг у чин кўнгилдан, овозида ўртанишу ўкинч сезилиб, роса гапирди. «Ўқинглар, жон болаларим, – деди. – Ҳозир айни пайти. Билим олинглар,

⁸ Абу Райҳон Берунийнинг арабча «Ал-осорул-боқия анил-курунил холия» асари. Ўзбек тилида «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номи билан нашр қилинган.

биз кўрган кунларни кўрманглар. Теварагингизга разм солинг, қаранг, одамларнинг умри тирикчилик ташвишлари билан ўтиб кетмоқда. Етар, бас! Кўрмаяпсизми, астрономия олис юлдузлар нурини ёйиб бўлди, биз эса ҳалиям кетмон кўтариб юрибмиз. Физика зарраларни мутлақ тезлатиш орқали модданинг янги хусусиятларини кашф этди, кимё оламда мавжуд номаълум унсурларни топди, генетика деган фан тирик жонзотлар яралишининг қонуниятларини кўрсатибгина қолмай, уларни ўзгартириш мумкинлигини исботлади, бизлар яна беҳабар... Онгингизда юлдузлар чақнашини, қуёшлар порлашини истамайсизми? Дунё тилсимларининг тубига етишни, мангулик сирини очишни хоҳламайсизми?»

– Хоҳлаймиз-у, аммо бизга йўл бўлсин?

Синф болалари бир-бирларига қараб илжайишади. Нималарни гапирмоқда кекса муаллим? Физика, астрономия, кимё, генетика... Кимга керак у фанлар?

Дунёда ўсимликлар пайдо бўлганидан бери миллионлаб йиллар ўтганини генетика айтиб берганмиш. У маҳал одамлар яшаганми? Йўқ, яшамаган. Улар Тешиктошдан топилган боладан сал аввал пайдо бўлишибди. Ўз одамларимизга назар солсангиз, шаклу шамойили, қиёфаси ҳар турли эканига ҳайрон қоласиз. Масалан, бир синфдошимизнинг сочлари сариқ, кўзлари эса кўм-кўк. Дашти Қипчоқ қизининг баҳор осмонидай кўзлари, узун киприклари, кун тафтида қизарган юзи эсимга келади-ю, хаёлим синфхонадан чиқиб, ўша эллар сари парвоз қилади. Ер юзида турли иқлимлар бор. Худои таолонинг фаришталари олам узра қанот қоқиб, дунёга янги жонларни келтиришмоқда. Оламнинг исталган иқлимида, исталган вақтда дунёга келишимиз мумкин эди-ю, лекин нима учун айнан ўт-ўланларию дов-

дарахтлари иссиқда ҳансираган, ҳовлию экинзорлар орасида, гоҳ-гоҳ «Омон!» деган ҳайқириқлар эшитилиб қоладиган, баҳорда селлар тўқ-қизғиш бўтанани оқизиб келиб далаларга ёядиган, одамлари тўн кийиб, белбоғ боғлаб, дўппи кийиб юрадиган масканларда туғилиб қолибмиз?

Қишлоқ қуёши барчамизнинг юзларимизни бир хилда қорайтирган. Барчамизнинг қўлларимиз, кафтларимиз меҳнатда бир хилда қаварган. Акасининг, тоғасининг кичик келиб қолган кийимини кийган ўспиринлар тўй-маросимларда дастёр, қўл қовуштириб туришади. Юз-кўзига қараб, отонасининг кимлигини бемалол билиб олаверасиз. Ҳамма жипс, ҳамма бирдам, гўё жуда катта оиладай ҳаёт кечирамиз. Бир тилда гаплашамиз-у, ҳар қишлоқ лаҳжаси бошқасига ўхшамаслигига ҳайрон қоламиз, талаффуздаги салгина фарқдан ҳам қаернинг одами эканини билиб олаверамиз. Китоблар ўқиймиз, қаҳрамонларининг номи ўзимизникига ўхшамаса, ташлаб юборамиз. Чунки бегонадай, ўзгадай туюлади. Иسمи ўзбекча қаҳрамонлар ҳақидаги китобларни эса берилиб, орзу-ҳайратларга чўмиб ўқиймиз...

* * *

Бир авлод болалари шу тарз улғайишади. Бу орада оталар кексайишади.

Бир ҳайқирса, овози етти қишлоққа етадиган қудратли оталар бели букчайиб, ҳасса таяниб юрадиган оқсоқолларга айланишади.

Кўнгли бўш бўлиб қолганини айтмайсизми?

Бир қарасангиз, чопқиллаб ўйнаб юрган неварасига қараб, меҳри товланиб:

– Одобингдан айланай, отам, – дейди. – Қўлингни кўксингга қўйиб, жимитдай бўлиб салом берсанг,

кўзимга ёш келади-я. Бобонг қурбон бўлсин сенга, отажоним. Қара-я, отам ўтиб кетувди, ўрнига сен ота бўлдинг!

Яна бир қарасангиз, «Жоним онам, – дейди қиз неварасига қараб. – Дастёр бўлиб қолдинг-а. Ўрим сочинг белингга етиб, челакларда сув ташийсан, ҳовлиларни супурасан, ҳаммаёқни саранжом-саришта қилиб қўядиган ажойиб қизалоқ бўлиб вояга етдинг. Онам ўтиб кетувди, чехрасини қўмсаб-соғинардим, ўрнига худойим сени берди. Бирингизни отам, бирингизни онам дейман-да, яна кимим бор мени бу дунёда?

Ҳай аттанг, улуғларим бу кунларни кўришмади. Бўй-бастингизга зор бўлиб, кўзларини тика-тика ўтиб кетишди” дейди.

“Болаларим, ҳаётим бўйи сизларни деб заҳмат чекдим. Ўтгаям, чўққаям сизларни деб кирдим. Камолингизни кўраман деб орзулар қилдим.


Жон болаларим, илм олинглар. Ахир, мен ҳам фазоларга, юлдузларга қизиқардим. Найлайн, турмуш оғир экан. Отамнинг ёнига киришим, белига мадор бўлишим керак деб, тупроқ ичида ўралашиб юраверибман. Ҳаёт нимага бундай деб ўйлаб ҳам кўрмабман. Қарасам, умр ўтиб кетибди.

Ўзим ҳам юлдуздай чақнаган бола эдим-ку? Э воҳ, умримни нималарга сарфладим” дея ўксинади.

“Бизнинг замон шунақа эди. Илм олсанг ҳам, қишлоқда кимга керак бўларди? Энди ҳамма йўллар сизники, болалар. Ўқинглар, катта бўлинглар, эл бошига келиб юрт сўранглар” дейишади.

Аммо, нима учун бунча армон, афсус, ўкинч, изтироб?

Болалар эса... бир-биридан ўзғир, шаддод, лекин отасининг ҳурматини билади. Ўзини иззатиниям билади, кўзларида ақл-фаросат балқиб турибди...



Ўтган йилларнинг ҳикояси мана шулардан иборат.
Бу давр оралиғида улғайган минглаб-миллионлаб
кишилар, ана шу манзараларни ёд билишади. Ана
шу ҳаёт онгларга сизиб кириб, аллақачон тошга
ёзилгандай муҳрланиб улгурган.

Энди ўчармиди?

Йўқ, сира ўчмайди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

ГЕНЕТИКАГА КИРИШ

Дашт шамоли шиддат уради, кулранг юлғунларни чайқатади. Бу маҳалда унинг сув юқтирмас тукли япроқлари тескари бўлиб қолади, шу сабабли туси ўзгаради. Юкли булутлар пастлай бошлайди, теварак жунбишга келади. Илик томчилар юзга уради.

– Ҳа-а-айт! – деб ҳайқиради дашту далаларнинг Омон деган боласи, осмонга қарата.

Ичидан бир нима жўшиб-тошиб келади, қадимий қўшиқларни куйлаб юборади, завқ-шавқига қараб ҳавасланасиз. Ўзини олис дostonларнинг жасур қаҳрамони деб ҳис этади, «Ҳа-а-айт» дея от чоптириб кетади, эгарда худди ёпишиб қолгандай, жонивор билан бирлашиб кетгандай туюлади. Бўз йигитларни қўяверинг, қизларни айтмайсизми?

Дoston оҳанглари от дупурига мос садоланмоқда. Эл шод. Ўт гуриллаб ёняпти, тандирда гўшт пишяпти.

– Раҳмат, бахши бува. Ота-бувамиздан хабар бердингиз!

Шундай яшайди эл.

Бари тушунарли, таниш манзаралар.

Ҳа, шундай. Бироқ, бошқа мавзуга ўтишимиз керак. Қишлоқдан тепага кўтарилиб, ўзга ҳудудларга, олис манзилларга разм солишимиз керак.

Чунки дунё тинимсиз айланиб турибди. Омон яшайдиган масканлардан узоқда ақл бовар қилмас янгиланишлар, ўзгаришлар аллақачон рўй бериб бўлган. Сизу бизнинг хусусиятимиз шундаки, нафақат

ҳозирни, балки ўтмишни ҳам кўрамиз. Тасаввур деган қанот ёрдамида мозийдан келажакка ҳам уча оламиз.

Бундан бир ярим аср аввал Чехия монастирларидан бирининг монахи – Грегор Мендель деган одам нўхат устида тажрибалар ўтказиб, сариқ ҳамда яшил нўхатни чатиштиришда ҳосил бўлган барча навлар сариқ бўлиб қолганига диққат қаратган эди. Икки тур ўсимликдан сариқ нав кучлилиқ қилгач, яшили қаёққа кетақолди? Бу ғалати ҳолат Менделни жуда ўйлантириб қўйди. Шунингдек, тириш-бўртиқ ва силлиқ уруғли ўсимликларни чатиштирган эди, кейинги ҳосилдагиларнинг ҳаммаси силлиқ уруғли бўлиб қолди.

Шундан сўнг монах ғалати бу ишга бутун борлиғи билан киришиб кетди. Чатиштиришларнинг иккинчи авлодида ҳар ўнтадан еттитаси сариқ, учтаси эса яшил бўлиб чиқди. Кейинги авлодда яна кутилмаган аломат кузатилди, яъни силлиқ сариқ ва бўртиқ яшил уруғлар чатиштирилганида, яшилу сариқнинг хусусияти ўзгариб, силлиқ яшил ҳамда бўртиқ сариқ навлар юзага келди.

Мендель тасаввури кенг одам эди. Барча улкан кашфиётлар оддий ҳодисалар замирида ётишини биларди. “Бундай ҳолат инсон ирсиятида ҳам учрармикин”, дея бош қотирди. Инсонлар ҳам ўсимлигу дарахтлар сингари бир-бирлари билан чатишадилар, лекин баъзиларининг авлодлари бир-бирларига ўхшаса, бошқаларидан турли қиёфадаги фарзандлар туғилади. Нўхат ҳамда ловияда кучли нав фақат биринчи авлодда устунлиқ қилса, учинчи авлоддан кейин ажралиш юзага келди. Илк навлар кучли, бўлиқ ҳосил берса, кейингилари ота-онанинг

кучсиз тарафларини олиб, униб чиқди. Инсонларда-чи? Афсуски, Мендель бу чалкашликларнинг қонуниятларини тополмасдан дунёдан ўтиб кетди.

Анча йиллар ўтгачгина бошқа олимлар Мендель кашфиётларига эътибор қарата бошлашди.

Бу орада фан “хужайра” деб аталган хазинани аллақачон кашф этиб бўлган эди.

“Айтайлик, чўлда кетиб боряпсиз, – деди у. – Кафтингизга бир сиқим қум олдингиз. Унда нечта зарра бор? Мингтами, юз мингтами? Санашнинг иложи йўқ. Қумдан яратилган одам вужудида-чи, қанча зарра бўлиши мумкин?”

Ҳа, инсон танаси хужайра дейилган жуда майда зарралардан иборат. Улар қумдан минглаб марта кичик: фақат микроскоп остида кўра оласиз. Ҳажми, ранги, шакли бир-бирига ўхшамайди, гўё қор зарраларининг бетакрорлигини ёдга солади. Аксариятида қобиқ остида шаффоф суюқлик бўлади, унинг ичида эса ўсимлик уруғига ўхшаган янада кичик зарралар жойлашган.

Тирик жон эгаларининг бари, шу жумладан ўтлару дарахтлар ҳам хужайрадан таркиб топган. Уларнинг баъзилари бор-йўғи битта хужайрадан иборат, баъзиларида эса бир неча минг. Инсонда тахминан эллиқ триллион хужайра мавжуд. Ўйласангиз қўрқиб кетасиз, шуларнинг бари бир низом ва тартиб ичида ҳаёт кечириш билан бирга, вужуд тириклигини таъминлаб туради”.

Кейинроқ хужайра таркибидан генлар ажратиб олинди. “Хромосома” деб аталадиган зарра ичида яшириниб ётган ҳукми илоҳий тўсатдан тирик жоннинг яратилиш сирлари томон йўл очиб берди. Ҳа, яралиш дейилган улкан жараён “ген” деб аталадиган бениҳоя митти моддалар бағридаги буйруқлар

боис, ўз қонуниятларидан сира оғишмасдан давом этиб келмоқда. Микроскоп остида буралиб-чувалиб ётган у ҳукм ўрами қай тарз кўз, кулоқ, юз, соч, суяк, мушак, тана аъзолари бунёдга келишининг, ўсиб-ривожланишининг ва ҳаёт деган ажойиб жараёни такомиллаштиришининг тамал қонуниятлари бўлиб чиқди. Бу эса жон эгаларининг бор-йўғи бир ҳужайрадан пайдо бўлиши сабабларига жуда кучли исбот бўлиб қўшилди.

Мендель бениҳоя мукаммал шу меъморий салтанатга инсон аралашуви мумкинлигини исбот қилиб кетди. Билимлар оламидаги мутлақо янги бу фан, ҳар қандай тирик жонзотни истаган шаклда ўзгартириш мумкинлигини, бениҳоя мураккаб тирик организмларни хоҳлаган тарзда бунёд эта олишни ваъда қиларди.

Аммо, жон-чи? Кўзга кўринмас митти зарралар йўқлик оламларидан келадиган ўша меҳмон учун мукаммал бир меҳмонхона ҳосил қилар эканлар, унинг ўзи қайда? Шу маҳалгача жон дейилган унсурнинг фақат аломатлари кўрилган, ўзининг не экани эса жумбоқлигича қолмоқда. У меҳмон шунчалар азизки, наслу насабининг ҳам азизлигини таъкидлаш учун ота ва она қиёфаси бахш этилиб, вужуд дейилган хонаи хуршидга уларнинг қош-кўзлари, юз-чехраси ҳам нақш этилмоқда!

Мендель илоҳиётчи файласуф ҳам эди. Унга қадар олимлардан Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино олам мукаммаллиги аро инсонгина зоти олий эканини, барча тирик яратикларда фақат жон бор эса, инсонда ундан ташқари руҳ ҳам мавжудлигини таърифлаб кетишган. Мендель ҳам шу фикрни давом эттирди: она қорнида ҳомилага жон киргани ҳамоно яратилган бу вужуд аъзолари ишга тушади ҳамда уч

ой ўтгач, руҳ пуфлаб киритилади. Унинг кимлиги, яхши ёки ёмонлиги ҳозирча Тангри таологагина аён. Топ-тоза, мусаффо инсон руҳи ўша муҳташам вужудга киргачгина одам пайдо бўлади. Мана шуни «Бир инсон дунёга келди», дейдилар.

Модомики, «келган» экан, у ҳолда, қаердан?

Тана дейилган маъвода у билан бирга ўсиб-улғаяр экан, ҳар нарсани мушоҳада қилади, таққослайди, турли-туманликларни кўриб, тафаккурга толади, севади, нафратланади, қувонади, изтироб чекади. Шу тариқа, фақат мазмунлар ила тўйина-тўйина, вақт-соати келгач, яна ўзга маконларга равона бўлади. Вужуддай ажойиб санъат асари эса дарахтларнинг кузги барглари каби туссизлашиб, хазонга юз тутиб, олам тупроқларига қўшилиб-қоришиб кетади. Шунда «Фалончи оламдан ўтди» ёки «Дунёдан кетди» дейдилар.

Қай тарзда, қаерга кетақолди?

Келтираётгану кеткизаётган ким?

Бундай ифодалар фақат инсонгагина қўлланишичи? Ҳайвонлар, қурту қушлар, дов-дарахтлар ҳам униб-ўсиб, ҳосил бериб ёки насл қолдириб хазонга айланар экан, уларга нима учун «оламга келди» ёки «абадиятга қовушди» дейилмайди?

Шу жараёнларнинг бари бирлашиб, инсон болалари оламга билим ва мазмун учун келишларини таъкидловчи рад этиб бўлмас ҳақиқатни намоён қиларди. Дунёга ташриф буюрган руҳ етарли мазмун билан тўйинмагач, шайтон измига кириши, бузғунчиликлар содир қилиши ақлга сиғадими? Мендель ер юзидаги барча бузғунчиликларнинг ва фалокатларнинг асосий сабаби жоҳиллик деган хулосага келди. “Не учун яратилганини, не учун дунёга келганини билмаслик, ўзини ҳайвон наслига мансуб

деб ишониш, шу ажойиб тана ичидаги руҳнинг қайдан келганини ва қайга кетишини тафаккур қилмаслик уни, ҳақиқатан ҳам, тубан даражага келтириб қўйиши, шубҳасиз. Рўй берган юзлаб урушлар, қотилликлар, ҳақсизликлар тарих бағридан онгларга қарата кичқириб турмоқда”, деди Мендель. Меҳру муҳаббат фақат инсонга хос эканини, бошқа бирон-бир жон эгаси у неъматларга ноил бўлмаганини кўрмайпсизми? Оламдан олиб кетадиган нарсангиз ҳам ўша мазмунлар экани онгингизга етиб бормаяптими?

Шундай бўлса-да, ундан кейинги олимлар шиддат билан янги жон эгаларини яратиш шавқига берилиб кетишди.

Инсон эскирди, дейишди баъзилари. Яъни замонавий дунёга мос келмай қолди. Қаранг, қариб-қартаймоқда, ҳар турли касалликларга дучор бўлмоқда. Ўзингизни ўзингиз янгилаб олинг дея, яратилиш тамалининг қопқалари ланг очилмоқда. Яна бироз сабр қилсангиз бас, дунёни истаган шаклга келтира оласиз. Ўзингизни қайтадан яратасиз, томирларингизда доимо куч-қувват оқадиган, умр кузининг кексалик ва ажал деган офатлари кор қилмайдиган даражага етасиз.

Илк генетик тадқиқотлар шу заминда бошлангани сир эмас. Турли-туман бой-бадавлат кишилар ўз сарватларини тадқиқотлар учун аямай сарфлашарди. Ахир, яқиндагина одам боласи заиф мавжудот ҳисобланмасмиди? Ақлу тафаккури боис, ўзидан кучли яратиклару балоларга бас кела олиш учун қуроллар ихтиро қилди, мустаҳкам уйлар, тўғонлар қурди, ҳайвонларни бўйсундирди, чақмоқлару шамоллар ҳосил қилишни ўрганди. Ҳа, энди тўла ҳукмронлик замони келди, чунки у ҳар нарсадан ғолиб чиқди.

Шунингдек, касаллик ҳосил қиладиган микро-организмларнинг ҳам тирик жонзот экани, кўпайиб-урчиши ва ҳаёт кечириши аниқланди. Фанлар олдида яна бир муҳим вазифа кўндаланг бўлди: жонли дейилган яратиклар генга эга бўлиши шарт деб белгиланди. Шу тариқа, ҳайвонлару ўсим-ликлардан тортиб то одамни ҳалокатга етаклайдиган, қуритиб-қовжиратадиган турли-туман касаллик қўз-ғатувчиларию таомлару меваларни ачитадиган, ер тубларида жараёнлар ҳосил қиладиган, тошларни емирадиган, ҳамирни кўпчитадиған бактерияларгача тириклар сафига келиб қўшилақолди.

Менделнинг ҳаёт ва ўлим қонуниятлари ҳақидаги рисоласи бошқа тур юзлаб асарлар орасида қолиб кетди. Дунё янгиланишга юз бурмоқда, энди асрлар оша эскирган хулосалар ҳеч кимга кераксиз, аллақачон ҳамма биладиган гапларга айланиб қолган, замонавий фан эса янги уфқлар сари дадил одимларди.

Мана шу маълумотларнинг барчаси дунё гене-тика марказларининг илм хазиналарида жилд-жилд рисоалар ва маълумотлар кўринишида сақ-ланмоқда эди. Оламнинг қаерларидадир тирик организмлар тузилиши устида тадқиқотлар муттасил олиб борилаётгани ва махфий тутилаётгани аён, ўсимликлар ва дарахтлар дунёсига алоқадор барча билимлар эса ошкор бўлиб, тез орада у яна бир бошқа тизимга – тижорий тизимга хизмат қила бошлагани ҳам сир бўлмай қолди.

МОМАҚАЛДИРОҚ

Ҳозир ҳам, қадимда ҳам дашту далалардан то тоғу тошларгача ясланган минглаб қишлоқларнинг болалари момақалдироғу чақмоқларга завқу ҳайрат билан тикилишган, албатта.

Биласиз-ку, момақалдиروق олдидан табият бир лаҳза тек қолади. Дов-дарахтлар таҳликада титрайди. Гулдурос ҳавони ларзага келтирганида, ўт-ўланлар унинг ортидан келадиган ёмғирни сезишади, қад ростлаб, интиқ кутишади. Ёмғирга ҳомила қора булутлар қат-қат, уюр-уюр тўпланиб-пасайиб келган маҳал, ҳавода ўзга шамоллар ўқтин-ўқтин забт уриб, теваракни шовуллатган кез, бир-икки ёмғир томчиси ҳар ер-ҳар ерда заиф шитир ҳосил қилган паллада, кўкни ёриб чақнаган чақин шиддатида сўнгра янграйдиган гумбур-гумбур садо ҳайрат, завқ-шавқ ва ҳайиқиш ҳосил қилади. Чақин само қамчиси бўлса, момақалдиروق – ўша қамчи булутларга урилганининг овози.

Яна, ўтлару майсалар, бори наботот чақмоқдан кўрқиши-чи? Қурту қуш олдиндан сезиб, беркиниб олиши-чи? Ақлу тафаккури йўқ жонзотларга бундай сезимларни ким берган?

Билганларим онгимда момақалдиروق содир қилганга ўхшарди. Аммо ҳали чақин кўринмади-ку? Билим булутлари ерга янада яқинлашганида, кўкни тиккасига ёриб юборадиган самовий қилич қудратини ҳозирча шу гулдуросгина ифодаламақда эди, холос.

– Генетика, шу гаплар ростми?

– Ҳа, рост. Тирик жон эгаларини истаганингдай ўзгартира оласан. Гулни тикансиз, сассиқ алафни хушбўй қила оласан.

– Бироқ, улар нега аввалбошда шундай яралган экан?

– Дунё эскирди. Бирон ҳайвон пайҳон қилмасин дея гул тиканли, сассиқ алаф бадбўй яратилган эди. Бугун буларга ҳожат йўқ, чунки ер юзи неъматларга тўлиб-тошди.

– Яна нималар қила оламан?

– Эҳ-ҳе, қайси бирини айтай?

– Қара, куз келди. Қишлоқларда мезонлар уча бош-лади. Кимдир узумини ерга кўймоқда. Одамлар узум-нигина эмас, анорни ҳам кўмишади. Чунки қаҳратон-да уларни совуқ уриб, ўлиб қолиши мумкин. Элни бу заҳматдан халос қилишнинг йўли борми?

– Сўрайдиганинг шугина холосми? – афсус ила са-вол беради Генетика. – Ахир, бундан осони йўқ-ку? Таркибидаги «эскимос» деб аталадиган генларини ўз-гартирсанг бас.

– Менинг юртимда одамлар юз йиллардан бери ғўза экиб парваришлагади. Меҳнатининг зўрлигини айтсанг... Уни тезроқ етиладиган, толасини узунроқ қилса бўладими?

– Нисо холанинг теракзоридаги отқулоқлар эсинг-дами? У ердаги дарахтлар баланд ўсиб, нурни тўсиб қўймаганмиди? Отқулоқ барглари ва ундаги толаси-мон томирлар шу сабабли бўртиб, ўсиб-узайиб кет-маганмиди? Эсла, эсла... Қуёш нури тикка тушадиган жойдагилари унақа эмас эди. Ахир, бари бирдай отқу-лоқ-ку?

Тавба, бу фан худди сеҳргарга ўхшайди. Лекин гаплари тўғри. Чунки ўсимлик нурга интилади. Уни тўсиб қўйсангиз, савқи табиий ила ёруғлик қаёқдалигини сезиб, ўша ёққа қараб ўсади. Ёруғ камайса, куз келяпти деб ўйлаб, қўрқади. Куз унга ҳаёт тамом бўлганини, ажал элчиси йўлда эканини билдиради. Узум шу сабабдан мўйловларини ҳар ёнга ёйиб, тепага интилади, ҳатто, дарахтларнинг қир учигача чирмашиб чиқиб боради. Кунгабоқарни-ку, айтмай қўяқолай. Хуллас, ғўзани ёруғликдан тамомила мосуво қилсак, нур излаб, ғовлаб ўсаверади.

Эсимга тенгдош болакайларнинг тийиқсиз тасав-вурлари келади:

– Ҳар куни янги қуёш чиқиши ростми? Эскиси нима бўлади?

– Нима бўларди, ботиб кетади-да...

– Дунёнинг охирида нима учун ўт ўсмайди?

– Чунки қуёш ўша жойга ботади-ку? Нур бўлмагани учун ўтлар ўсолмайди.

Шошма! Мабодо, уни нурнинг ҳаммасидан эмас, маълум қисмидан жудо қилсак-чи?

– Физика!

– Лаббай.

– Қуёш нуруни ёйиб бера оласанми?

– Марҳамат. Қуёш нурининг кўринадиган спектри бир қанча ранглардан иборат. Чапдан ўнгга қараб, би-нафша, кўк, яшил, сариқ, қизил ва узоқ-қизил нурларга бўлинади, – дейди физика мактабдаги кекса устозим Абдуназар аканинг овози билан.

– Биология, ғўза фотосинтези учун энг муҳим нур қайси?

Биология эса яна бир устозим – Ҳошимбой аканинг овози билан жавоб қайтаради:

– Ҳаммаси, лекин ўсимликлар қизил ҳамда узоқ-қизил нурсиз яшай олмайди, у ўсимликнинг юраги ва кўзидир!

– У ҳолда, «узоқ-қизил» нурни кесиб қўйсак-чи?

– Бу ҳақда маълумот йўқ. Генетикадан сўрайқол.

– Генетика, нима қилайлик?

Генетика совуққон жавоб қайтаради:

– Унинг DNA⁹ харитасидан «узоқ-қизил» нурга жавоб қиладиган жойини топиб, ўша ердаги генларни «ўчириб» қўйиш керак.

Генетиканинг жавоби тўғри. Аммо қанақа қилиб «ўчирса» бўлади? Бу, ахир, бошқариш дегани-ку? Генларни қай тарз бошқариш мумкин?

⁹ DNA ёки ДНК – дезоксирибонуклеин кислота, тирик жон генларини ташувчи модда.

Билим, билим... Бор билганларим шу ерда ниҳоя топади. Бошқа, ҳайбатли яна бир билим лозим, у орқали мен ўсимликнинг бутун тарихини бошқариш мумкин бўлган қисмларини зарра-зарра ўрганиб чиқишим керак. Ғўза тарихига «шўнғиб» кетаман. Кутилмаганда у Африкадаги кофе ва чой бутаси билан қариндош бўлиб чиқади. Ия! Қаҳва генларини унга кўчириб ўтқазсам, жигарранг тусли пахта толаси етишармикин? Ёки чой ҳалқаларини пайвандласам, яшил тола олармикинман? «Маъно соҳибжамоли» олисдан бир кўриниш беради. Шунчалар шавққа тўламанки, бош қашишга фурсат тополмайман.

ГЕНЛАРНИ БОШҚАРИШ

Ҳа, тирик жон зоти борки, пайдо бўлишидан тортиб то ўсиб-унишигача, гул очиши ёки зурриёт қолдиришидан то ҳаётини тугаллашигача шу генлар таъминлаб туради.

Лекин ҳали биронта илм-фан етолмаган яна бир қудрат бор, аввал ҳам айтилганидек, унинг номи жондир. Қай бир махфий даргоҳлардан келиб кирмагунича биронта тириклик мавжуд бўла олмайди. Айтайлик, гилос ҳосил қилмоқчисиз. Таркибидаги барча моддаларни керагича тўплаб, бир-бирига аралаштирдингиз. Афсуски, гилос ҳосил бўлмади. Жон кирмади, тўплаган нарсаларимиз моддалар қоришмаси ҳолида қолаверди.

У шунчалар ғалати кучки, тасаввурга сиғмайди. Мисол учун, ҳеч кимга кераксиз, кўзга зўрға кўринадиган, ер тубларида ўрмалайдиган ёки ҳавода учиб юрадиган яратиклар бор. Гулзорлар гул очганида ҳилпираб, бир-бирини қувлаб учадиган, бор-йўғи икки-уч кун яшайдиган капалаклар-чи?

Улар дунёга келган онидан бошлаб нима юмуш бажариши кераклигини, қай тарз ризқланишини, кушандаси кимлигини билишади. Шу сабабдан ҳали кўзи очилмаган кучук боласи сутга талпинади, қулун ёки бузоқ бир-икки соат ўтар-ўтмас ўтлоққа чопади, ўрдак боласи сувга ошиқади. Шу билимларнинг бари жон қанотида келади.

Генетика буларни жавҳарига қадар очиб, тириклик сабабларини ўргана олади. Генларни бошқариш – тирикликни бошқариш деган гап.

Ўйласангиз кўрқиб кетасиз. Наботот дунёси-ку ўзгаришларни инжиқликсиз қабул қилади. Тирик хужайра генларини ўзгартириб, махсус ускуна орқали кузата бошлайсиз. Турли-туман идишлардаги хужайралар орасида биттаси хиёл оқариб қолибди. Қувониб кетасиз. Қилтомирларида ҳаёт оқаётганини сезасиз, меҳрингиз ошади. Вақти келиб у росмана ниҳол шаклига келади, томирлари ер тубидан маъданларни сўриб олади. У маъданлар тана бўйлаб шохга, новдага оқиб, куртак, гул, мева ҳосил қилади.

– Модомики, шунча нарсани ўрганибсан, кўрғур ғўзани тезроқ пишадиган қилсанг бўлмасмикин, болам?

– Буғдойни-чи? Бемисл ҳосил етилади-ю, ун қилиб нон ёпсанг, оқиб кетади. Шуни бир нима қилсанг-чи?

Фаразлар, тахминлар, хаёллар, хулосалар, натижалар...

Генларни бошқариш усули дунёда бир менинг хаёлимга келибдими? Агар Нисо холанинг терак-зоридаги откулоқларни кўрмаганимда, у гоя ақлимда жонланмасмиди? Болалик манзаралари, кузатувлари хилма-хил, ранг-баранг. Яна нималарни онгимга ҳадя эта оларкан менинг султон болалигим?

Лабораторияларда ғўза, буғдой, анор, анжир, узумнинг ўзгартирилган янги навлари етилмоқда. Тез

орада булар ниҳол шаклини олгач, ҳақиқий масканига – тупроққа экиб, синаб кўрилади, албатта.

– Хавотир олманг, ота. Айтганларингизни, албатта, қиламиз. Бошладикми, албатта, охирига етказамиз. Бироқ шошманг, яна жуда муҳим бир мавзу ҳам бор.

– Нима мавзу экан?

– Одамлар!

– Одамлар?

– Инсон вужуди катта бир давлатга ўхшайди, – дейди Генетика, донишмандона овозда. – Мукамал мудофаа тизими, таъминоти, заҳиралари мавжуд. Олий Бош қўмондонлик эса истехком сингари қаттиқ ҳимояланган, бу ҳам етмагандай, қалъалар сув хандақлари билан ўраб олингани каби, суюқлик билан ўралган. Инсон руҳи мана шу манзилга келиб, ўз тахтига ўрнашади ва бутун вужуд то умр ниҳоясига етмагунча ўз хожасига садоқат билан хизмат қилади. Сон-саноксиз кишилар дунё бўйлаб ёйилиб кетган ҳудудларда шу тариқа ҳаёт кечиришади.

Инсон ген харитасини ёйиб кўраман. Ундаги маълумотлар денгиздай бепоён. Соч, кўз, юз тузилиши, гавда шаклу шамойили... Улардан юқорироқда бошқа турдаги зарралар қатор тизилган. Булар – ота генлари. Ёнгинасида яна бир ҳалқа бўлиб она зарралари товланади. Ҳар икки ўрам улкан бир дарахт каби ёйилиб, юксакка ўрлаб кетган.

Во ажаб! Тарихлар сўзламайдилар. Аммо Тангри таоло ҳар инсон тарихини зарра-зарра, ўзгармас қилиб миллионлаб ҳужайраларнинг ҳар бирига мангу ёзиб қўйибди.

– Бу ўтмишни ўзгартиришнинг сира иложи йўқ, – дейди Генетика. – Неча йиллардан бери ғолиблар ўз тарихларини ёзиб келишади. Шу сабабли, ҳеч бири ҳақиқатни тўла акс эттирмайди. Ҳа, тарихлар ўзга-

ради, баъзи жойлари махфий тутилади, яширилади, ўзгартирилади. Аммо одам танасидаги шу муҳташам битикларни сира ўзгартириб бўлмайди.

– Ўзгартирса нима бўлади?

– Одам ҳалок бўлади!

ДЎСТ

– Салом, Генетик дўстим!

– Салом, Омон дўстим.

– Нималар қилиб юрибсан?

– Шу, ўзинг билган ишлар.

– Илм дегин... Хўш, фойда қалай бўляпти?

– Билмадим... Бир куни фойдаси ҳам тегиб қолар.

– Айтмоқчи, қилган у-бу кашфиётларингни четга сотсанг ҳам яхши пул беради дейишади, шу гап ростми?

– Йўқ, мумкин эмас. У ўзимизда қолиши керак.

– Бошқаларга ўтиб кетса нима бўлади?

– Унда, вақти келиб ўша кашфиёт негизида яратилган янгиликни улардан сотиб олишга мажбур бўламиз.

– Эҳ, биров сенинг кашфиётингга қарармиди? Уй-жойингга, кийим-бошингга қарайди одамлар.

– Ҳамма гап шунда-да, дўст. Бизнинг одамлар бунақа яшаши керак эмас. Билсанг, бутун дунё бизга хирож тўласа арзийди. Чунки оламга таълим берган, бу халқ. Дунёга фан, маданият нималигини ўргатган сулолаларнинг авлоди бу.

– Эҳ-ҳе, ғалати гапларни гапиряпсан. Биз ким-у, улар ким... Ўзи, нималар қиляпсан? Эшитдим, уни бунга чатиштириб, янги нав чиқарар эмишсан...

– Улар ўз йўлига. Ҳозир ниҳоятда зўр бир ишнинг бошида турибман. Ўшани охирига етказиб олсам бас.

– Нима экан у иш?

– Сенга қанақа тушунтирсам экан? Бизнинг изла-
нишларимизга кўра, дунёдаги энг қадимий халқлар-
дан бири эканмиз. Эсингдами, тарих дарслигида Те-
шиктошдан топилган боланинг сурати бўларди...

– Ҳа, эсимда, сочлари пешанасига ўсиб тушган иб-
тидоий бола.

– У сену бизнинг аждодимиз. Эллик минг йил аввал
кўчки остида қолган. Тушуняпсанми, бизнинг ёшимиз
камида эллик минг йил экан.

– Майли-ю... Буни билганимдан нима наф? Усиз ҳам
маза қилиб яшаяпман-ку? Фақат, қорин қўйиб юбор-
ганим чатоқ бўлди, нега десанг, юрганимда лапанглаб
қоляпман... Билсам, бундан ҳам яхши яшайманми?

– Албатта, дўст. Бундан юз баравар, минг баравар
яхши яшайсан.

– Ҳа, майли, ўзинг биласан. Агар у-бу ёрдам керак
бўпқолса, бемалол, доим ёнингдаман, сира тортинма.

– Раҳмат, дўст.

УСТОЗ

– Ассалому алайкум, устоз.

– Ваалайкум ассалом. Ишларингиз яхшими?

– Раҳмат, устоз.

– Генлар борасидаги уринишларингиздан хабарим
бор. Буларнинг бари маъқул, лекин сизга бир нарсани
айтиб қўйишим керак.

– Марҳамат, устоз.

– Нега буюрилган тажрибаларни қўйиб, бошқа
ишлар билан шуғулланиб юрибсиз? Хаёлингизда
мустақил олимга айландингиз-да энди?

– Йўқ, албатта. Катта устозга бу ғояни айтгандим.

– Булардан наф йўқ, барибир ҳеч нарса чиқмайди,
қийин масалалар. Хўп, катта устоз нима дедилар?

– Катта устозга маъкул бўлди. Бироқ, мен кўпчилик «ҳеч нарса чиқмайди» деганига иккиланиб турибман, десам, у киши «Биз – ўзбекмиз! Бошладингми – чиқмаса ҳам охиригача етказ!» дедилар. Яна «Билиб қўйинглар, сизлар қилаётган ишлар, сиздаги интилиш ва маънавият, кўзингизни ёниб туриши энг катта хазинадир» деб алоҳида таъкидладилар. Жуда руҳлантириб юбордилар!

– Ҳа-а... У киши, албатта, руҳлантирадилар-да, дарров ҳаволаниб кетаверасизми? Билиб қўйинг, сиздан аввал ҳам бу ерда ҳазилакам одамлар ишлашмаган. Қанчадан-қанча олимлар халқ учун тер тўккан.

– Тўғри айтасиз, устоз, лекин ҳаракат қилиш, синаб кўриш керак деб ўйлабман. Чет элларда шундай тадқиқотлар бор экан!

– Аввал лабораториядаги ишларни бажаринг. Ҳалитдан ўзингизни чет элдан деб ҳис қилманг!

– Тушундим.

– Халқлар пайдо бўлиши ҳақида тадқиқотлар бошлаган эмишсиз. Бу қанақаси? Бу борада дунёнинг мана ман деган олимлари аллақачон ўз фикрларини эълон қилиб бўлишган, уларга қарши чиқиш нодонликдан бошқа нарса эмас. Устига устак, бир миллатни қадимий деб, бошқаларини камситиш ярамайди! Билиб қўйинг, Европа олимлари инсониятни ўша ердан тарқалганини иддао қилишади. Агар шу фикрга қарши чиқсангиз, бутун олам олимларининг маломатига дучор бўласиз. Чет эл... Иқлимни, сувни, ҳавони, тупроқни ҳисобга олмасдан, оламшумул ишларни бошини тутаман дейиш хомхаёл-ку? Эсингиздами, Токиода яратилган трансген ноклар Европада тупроққа қадалганида, бир неча йил ўтиб, ҳосил бермай қўйгани? Трансгенлар унчалик мақбул ғоя эмас! Дори-дармонлар-чи? Ўзга иқлим кишиларида синаб кўрилган до-

рилар бизнинг одамларга наф келтиришига кафолат борми? Оламда барча жонзотларга бир хилда таъсир қиладиган ёки ҳамма ҳудудларда бирдай ҳосил берадиган кашфиёт яратиб бўлмайди, шуни ёдингизда ту-тинг. Ҳар соҳага интилавермасдан, буюрилган ишлар-ни бажаринг!

– Хўп, устоз.

– Шошманг, қаёққа кетяпсиз?

– Антропология бўлимига, устоз.

– У ерда нима ишингиз бор?

– Бир фаразни текшириб кўрсам дегандим. Ғалати маълумот қўлимга тушиб қолди, жуда қизиқяпман. Юртдошларим генларидан намуна олувдим, шуни «ўқиб» кўрмоқчиман.

– У ердагиларни вақтини кўп ҳам олаверманг. Бу ёқда ҳам қиладиган ишингиз етарли.

– Хўп бўлади, устоз...

ЭР БУҒУ

Менинг исмим – Эр Буғу. Алп Эр Шаднинг ўғлиман. Тепамда кўк осмон... кўнғир ер бағрида минг йиллардан бери ётаман.

Сувчумчуқ келиб тошни чўқийди. У қайси тош остида сув борлигини билади. Тумшуқ уришидан сувчумчуқлигини пайқайман.

Ғалати бир тутқунлик ичида ётаман-у, хотирамда турли манзаралар борлигидан ҳайратланаман.

Хотира... Яшил ўланглар... Йилқилар... Одамлар... Арча остидан заиф бир «пуф» елиб ўтади. У – шу ерларнинг митти эпкини. Оғоч баргларини чайқатиб, ўзини сув бўйига ташлайди. Яна бирини сув эпкини дейдилар. Узоққа кетолмай, камбар барглар орасида айланиб эсадиганиям бор. Қуввати кучлироқ бўлгани

сабабли сал бериоққа келиб, иссиқда қимир этмай турган ўлангларни чайқатиб ўйнайди.

Баъзилари қумлоқларда шўхлик қилишади. Қумни тўзғитиб қочиб бораётган қуюнчани кўриб қоласиз. Бироздан кейин ўз-ўзидан тиниб, майда хас-чўпларни сочиб юборади.

От дупурими? Йўқ, шамол олмаларни тўкибди... Ўланг ўтлари тинмай силтанади. Дарахтлар шитирлайди, зорланади. Шохидаги қуш палапонлари кўрқиб, чийиллашади.

Ҳайбатли шамоллар ёмғир булутларини суриб келмоқда. Булутлар турли-туман. Ораларида чақмоқлари билан келадигани бор, у шиддатли жала қуяди. Томчилари кичикроқ бўлса, ҳаммаёқ шовуллайди. Каттароқ бўлса, кўлмакларда пуфакчалар ҳосил қилади. Бўтана сувлар хасларни аралаштириб оқизади, баъзан ялпиз япроқларини узиб юборади, улар ҳам хасларга қўшилиб оқади.

Ёмғир остида осмонга қараб қичқираман.

– Ҳой бола, бери кел! Нима бор ёмғир тагида?

– Ота, ажойиблигини қаранг! Момақалдироқ зўр гумбурлади-я? Мениям қаттиқ қичқиргим келди. Чақмоқни-чи, кўрдингизми? Кўк Тангри ўша қамчи билан булутларни савалаяпти...

– Ота!

– Ҳа.

– Кун нечта?

– Битта-да, болам.

– Йўқ, унақа эмас. Ҳар куни биттадан янгиси чиқади...

– Ота!

– Ҳа.

– Дунёнинг охирида ўтлар ўсмайдими?

– Билмасам, ўғлим...

– Ўсмаса керак, чунки кун ботиб кетган бўлади-ку.

– Ота, қуёш орқасида катта ўчоқ борми? Оламдан ўтган кишилар ўша ўчоққа ўт ёқишадими?...

Бу манзаралар менинг онгимга қайдан келиб қолган? Нима бўлган ўзи? Улар ҳалиям борми? Ҳалиям шамоллар еладими? Момақалдиروقлар гумбирлайдими? Чақмоқлар чақнайдими? Отлар кулунларини эргаштириб шамолдай еладими?

Бор бўлса, отам қани? Онам қани? Акаларим, укаларим, элим қани?

Ҳой, мени уйғотгувчи бирор кимса борми?

* * *

– Эр Буғу, мен улғайдим. Сен эса ҳалиям саккиз ёшингда қолавердинг.

– Ҳа, гапинг тўғри.

– Биласанми, элимда сенга ўхшаб кетадиган жуда кўп одамларни учратдим. Ёйиқ юзли, кенг пешанали, қиррабурун... Агар катта бўлганингда, сен ҳам шу қиёфага кирган бўлардинг.

– Бизнинг уруғ шунақа-да. Амакиларим елкадор, суяклари йўғон, баланд бўйли, лекин тоғаларим бошқача, узун бўйли, сариқ сочли, кўк кўзли кишилар эди...

– Айт-чи, қанақа яшардингиз?

– Ёзда одамлар ўтлоқларга кўчишарди. Қишлоқда, тош ўчоқларда эт пиширишарди. Эркаклару хотинлар овга чиқишарди. Арпани тош орасида янчишарди. Отларимиз, кучукларимиз бўларди. Ҳамма тўп бўлиб яшарди. Улар орасида чиройли, кўккўз бир қиз ҳам бориди.

– Қишлоқда? Ўша маҳаллардаям қишлоқ бормиди?

– Бўлмасинми? Ўнгирлар орасидаги бежавотир жойга қишлагани кўчардик, уни қишлоқ дер эдик. Ёзда

ўлангга жўнаб кетардик, уни ёзлоқ дейишарди. Уюрни сувлашга олиб борадиган жойимиз сувлоқ, ов қилинадиган жойлар эса овлоқ эди.

– Афсус, отанг бекор сени ўзи билан олиб кетган экан-да. Энди ер тубидан сира чиқмайсанми?

– Йўқ, чиқолмайман.

– Бир маҳаллар ўйнагани чиқардинг-ку?

– Унда сен ҳам ёш эдинг-да. Энди катта бўлдинг.

– Қара-я, ўшанда мен қишлоқда, сен Тешиктошда, дунё эса жуда кенг экан. Яна бир гап айтайми?

– Айтақол.

– У маҳаллар ер юзида одамзод жуда оз бўлган экан. Сен «Амакиларим, тоғаларим бошқа жой излаб кетишди», демаганмидинг? Мен ўша амакию тоғаларинг изини топдим. Ҳозирги дунёнинг икки олими сенинг тос суягингдаги митохондрия ген ўрамларини текширишганида, аввалроқ топилган Олтой ва Европа одамлари билан бир хиллигини аниқлашди.

– Олим ким?

– Теваракдаги нарсаларни, воқеа-ҳодисалар моҳиятини биладиган киши.

– Ҳа, унақа кишиларни биз “Билга” дер эдик...

– Сен қолиб кетган жойдан ёввойи отларнинг, тоғ эчкиларининг, кийик, айиқларнинг суяклари топилди.

– Айтдим-ку, одамлар кўчишди деб.

– Ҳа, сенинг қабиладошларинг Тянь-Шандан ошишган, Дашти Қипчоқдан ўтиб, ўрмонлар аро муз диёрларига қадар етиб боришган. Кейин у ерлардан ҳам ўтиб кетишган. Бу воқеа эллик минг йил аввал рўй берган.

– Йил нима?

– Эллик минг марта қиш, эллик минг марта баҳор келган. Сен ҳаёт ҳақидаги ҳикоянгни давом эттирақол.

– Эл доим бирга эди. Хотинлару болалар мева терар, дон тўплашарди. Тошларни қалаб, ўт ёқардик. Тош қизигач, эрталабгача совимасдан тураверарди. Эраклар овга кетишарди. Тўйлар бўларди...

– Тўйлар ҳам бўлганми?

– Бўлмасинми? Бўз йигит билан бўй қиз эр-хотин бўлса, тўй қилмасинми? Ёйлоқда уйлар олдидан «Хў-ў эл, тўйга-а!» деб от чоптириб ўтадиган жарчи бўларди. Қишларда ўт ёқиб, тизза бўйи кўр қилинарди. Ҳамма унинг теграсига ўтириб оларди. Ов мўл бўлса, барини териларга ўраб, музли ғорга олиб бориб қўйишарди. Қишда эт озайса, ўша музлаган гўштдан опкелгани борардик. Баъзиларини Кўк Тангрига қолдирардик.

– Кўк Тангри ким?

– Билмайсанми, тепада кўк осмон, пастда кўнғир ер яратилганда, иккисининг ўртасида одам болалари пайдо бўлишган... Дунёни Тангри ясаган-ку? Оталаримиз жонлиқларни ўшанга ташлаб келишарди. Тангри уларни олиб кетарди.

– Қанақа қилиб?

– Кўкдан чақмоқ тушиб, куйдириб юборарди.

– Чақмоқлар кўп бўлармиди?

– Жуда кўп бўларди. Ерга санчилганларини ўзим кўрганман. Келиб урилган жойида катта-катта сариқ тошлар пайдо бўлиб қоларди. Бир-бирига урсанг, бўлиниб кетарди. Хотинлар ўша тошлардан тақинчоқлар ясаб, тақиб юришарди.

– Бошқалар-чи?

– Тоғ ортида яна кимлардир бор, улар узоқ қариндошларимиз, дейишарди. Гоҳида кимлардир ўша ёққа кетишар, қиш ўтгач, қайтиб келишарди. Тоғ ортидаги мевалар ҳам, ҳайвонлари ҳам бошқача, дер эдилар.

– Узумлар бормиди?

– Ҳа, дарахтларга чирмашиб ўсадиган ёввойи узум-

лар бор эди. Олмаю анорлар ҳам бўларди. Бир кучугим бор эди, анор ер эди.

– Йўғ-э?

– Ҳа, анор топса, нимагадир ғажиб-ғажиб еб оларди. Уни бўри ёриб ташлади. Аммо гўштини емади. Бўри кучук гўштини емас экан.

– Қишда пўстакни тўшак қилиб солиб ўтирардик, қўй пуфагини шишириб ўйнардик. Одамлар жуда жипс эди. Бирон хотин бола кўрсаям, бирон чол ё кампир ўлсаям тўпланиб олишарди.

– Э тавба, ҳаётнинг ўзгармаганини кўр... Яхшиям тарих дарслигида сени учратиб қолганим. Сендай ўртоқни яна қайдан топардим.

– Қайдам...

– Бўпти, яхши қол. Мен жуда катта ишнинг бошидаман. Насиб қилса, энг қадимги аجدодларимизни ҳам топаман, сени ер тубидан олиб ҳам чиқаман.

– Майли, яхши бор.

ҲУКМИ МУТЛАҚ

Биз киммиз, қанақа элмиз? Бу урф-одатлар, маросимлар, аллалар, қўшиқлар, йиғилар, марсиялар қайдан пайдо бўлган?

Орасида ҳеч нимадан беҳабар, яйраб-яшнаб ўсганимиз шу эл, шу кишилар бағрида не сирлар яширин?

Турли-туман манзиллардаги қийиқ ёки қўй кўзли, юмалоқ ёки узунчоқ юзли, қорамағиз ёки оқ, япасқи ёки қиррабурун, тор ёки кенг пешанали, кенг ё ингичка ўмовли, майда оқ ёки катта сарғиш тишли, қалин қисқа ёки узун ингичка қошли, қора ёки сарғиш сочли, кўк ёки яшил кўзли... бир тилда сўзлашадиган инсонлар! Жонлиқ сўйишлар, шам ёқишлар, алас

қилишлар, чилдирма дўп-дўпларию от дупурига мос дoston оҳанглари, эртаклару маталлар... жуда олис замонлардан хабарлар олиб келмаяптими? Улар қатида бепоён яйловлар ифори, шамол суронлари, жала шовурию ўтлар иси бор эмасми?

– Генетика?

– Лаббай.

– Юртим кишиларининг ген тарихини «ёйиб» бера оласанми?

– Марҳамат. Ҳар бир авлод ўзи ҳақидаги маълумотларни фарзандига жойлаб кетмоқда. Масалан, сенинг генларингда ота-онангнинг, бобонгнинг унинг бобосининг... хуллас, юзлаб аجدодларингнинг тана тузилиши, қай касалликларга чалингани, вужуди қай даражада қувватли экани-ю, қайси сулола ила чатишгани ҳақидаги маълумотлар сақланиб турибди.

Генетика мени ўша чизик бўйлаб илгари етаклайди.

– Ҳозир кутилмаган манзарага дуч келасан! – дейди совуққон оҳангда, истар-истамас.

– Нега?

– Чунки вужудингдаги узундан-узоқ ҳалқалар занжири сени жуда қадимга етаклаб боради.

– Сен... буни аввалдан билармидинг? – ҳайрон бўлиб сўрайман ундан.

– Албатта. Бу мавзуга қизиққан битта сенмидинг?

– У ҳолда, нега ҳеч қаерда у маълумотлар йўқ? Сира дуч келмадим? Атай изласам ҳам тополмадим?

Генетика жавоб бермайди...

СЕН, МЕН, БИЗ...

Ҳой дўст! Қишлоқда кўришганимизда сенга тушунтиришга фурсатим йўқ эди. Энди эшит.

Умримда бунақа ғалати қувончға, англамсиз шодликка дуч келмаганман. Худди олтин ёмби топиб олгандайман.

Қара, теваракда ҳаёт муттасил давом этмоқда. Қўшнининг ўғли кетмоники кўтариб сув очишга жўнамоқда. Яна бир қўшнимиз болалари билан биргалашиб ер чопмоқда. Маккажўхорилар орасидан кучукбола талпанглаб чиқади, ниначини тутиб олишга уриниб чопади. Баҳор келди-ку? Чумоли хирмон ёйибди. Мусича айвонга ин қурибди. Ариқ бўйларида ялпизу курмак чунон ўсибди, диққат билан разм солсанг, нам ердаги чувалчанг изларигача кўрасан, ер тубидаги шу жонивор ҳам мудроқ ҳаётдан ҳаракатга кечибди...

Бир бизнинг қишлоқдагина эмас, чўлу даштларда ҳам шу ҳолат юз бермоқда. Уйнинг каттаси отларини кўздан кечирмоқда, ёлларини силаб-силаб, бўйнига уриб-уриб қўйяпти. Хотинлар кувида сарёғ пиширишяпти.

– Омон!

– Ҳа.

– Бор, қўйларни ёйиб кел!

– Ҳозир...

Нон ёпилади. Ер ҳиди, гул-чечак ифори, ёнаётган ўтин иси-ю, иссиқ нон тафти теваракка таралади.

– Омон!

– Ҳа.

– Шу нонлардан иккитағинасини қўшнига бериб чиққин...

Ҳа, ҳаммамиз бир-биримизга ўхшаймиз. Улуғлар «Етти сулола нарига борсанг, бутун эл бир-бирига қариндош бўлиб чиқади» деб бежиз айтишмайди.

Қон тарихларига узоқ термиламан. Мана, дўст, генларингда янги ёзув. У маҳал сен ўн олти ёшда

эдинг. Молга беда ўриб келаман деб жалада қолганинг
эсимда. Қаттиқ шамоллаган экансан. Вужудинг
бор кучини касалликка қарши курашга сарфлабди.
Ушан-чун ҳам сенда керакли маъданлар, куч-қувват
озайибди.... У шамоллаш қон тарихингда мана шундай
акс этибди.

Янада илгариласам, болалигингга дуч келаман.
Вужудинг қай тарз улғайганидан ҳикоя қилади.
Далаларда, яйловлару ўлангларда қийқириб чоп-
ганларингни билдиради. Гуркираб ўсганингни, ақл
бовар қилмас янгиланишлар рўй берганини айтади.

Ундан ҳам илгариде эса ота-оналаримизнинг
тарихлари ўрам-ўрам ҳалқалар кўринишида давом
этган. Бундан тепаси сен ҳам, мен ҳам эмасман. Мана
бу кўкиш ҳалқалар занжири – оталаримизнинг,
яшиллари эса оналаримизнинг излари.

Лекин, айна пайтда, сенсан, менман! Аجدодлар
қон томирларимизда ёғдуланиб оқмоқдалар. То
ҳаёт эканмиз, сира сўнмайдилар. Борлиғимизда
яшайверадилар.

– Омон! Бола бўлмай ҳар нарса бўл, тур ялпай-
масдан! Ҳамма иш битта ўзимгами?

Ҳой, шошманг! Нималар рўй бермоқда, ахир?

Омон ким?

Сиз ким?

Мен ким?

Замонадан икки аср наридаман. Қаршимдаги
ҳалқалар – катта бобомизнинг генлари.

Тарих бўйлаб секин-аста илгарилайман. Икки
аср... Бир аждодимнинг ҳалқалари ўралиб-чирмалиб
турибди. Улар заиф, бўшашган, ҳолсиз...

Эй муборак зот! Исмингизни билмайман. Бироқ, айна пайтда, руҳингиз Тангримнинг муборак даргоҳларида экан, сиз тасаввур қилган келажакдан бир авлодингиз ҳаяжону армон ила боқиб турганини пайқаетганмикинсиз...

Генлар у кишининг айна навқирон пайтини билдирмоқда. Ҳалқалар бирданига содир бўлган катта фалокатдан дарак бераётир. Унга қарши курашиш учун бобомизнинг вужуди бор-йўғини сарфлабди.

Ҳа, бирданига танага хавф кириб келибди. Фан тилида «Т-хелпер» деб аталадиган, ёт унсурларга қарши курашадиган хужайраларни то сўнгги қувватигача сарфлаб ишлаб чиқарибди. Фагоцитлар, лимфоцитлар¹⁰ бениҳоя кўпайибди.

Зотилжам! Бобомиз зотилжамдан вафот этибди.

Шошма! У маҳалда зотилжамга қарши даво йўқ-миди?

Тасаввур у зотнинг ҳаётини жонлантиради. Пастак лойсувоқ, пахса уй. Кичкина дарчалар. Томга тираб қўйилган шоти-нарвон. Бир четда тўриқ от, шотиси тепага тиккайган арава...

Катта бобомиз йўтала-йўтала энкайиб кириб келади.

– Отаси...

– Ўххў-ўххў!

– Касали тузалмаяпти-ю? Олма пўкагида бўладиган семизқуртни эзиб ичса, шифо бўлармиш... Ичиб кўрсамикин?

– Худо шифо берса, усиз ҳам тузалаверади. Ўх-хў!

– Фалон эшоннинг нафаси ўткир эмиш. Ё бориб келадими?

¹⁰ Кўмик ораларида ишлаб чиқариладиган, касаллик хужайраларига қарши курашадиган зарралар.

– Ҳе ўша эшонингни! Мардум ҳақини еб, семириб юрган муттаҳам-да! Ўлсам ҳам бормасман!. Яхшиси беҳи дамлаб берсин, ўшани нафи тегади.

– Нон ёпсам, биттасини иссиғича кўкрагига бойлаб олсин. Тафти ўтиб тузалади.

Йўқ, қонимдаги тарих катта бобомнинг тузалмаганини кўрсатаётир. Оддийгина касаллик уни олиб кетгани аён...

Муборак оталарим, боболарим, эналарим, момоларим! Муттасил айланиб турган шу муҳташам фалак чархида қачонлардир ёруғ дунёга келгансиз. Тўбчоқ миниб, ё тўптош ўйнаб, худди мен каби, теваарак билимларини онгингизга сингдира-сингдира катта бўлгансиз. Қуёш чиқишию ботишига, баҳор келганида дунёнинг завқиеблигига, ёз саховатларига, куз хазиначаригаю қиш нуқраларига термилгансиз, ўз ҳолингизча орзулар қилгансиз... ва ўша орзулару етишилмаган ниятлар аро умр қуёшингиз шом осмонида оҳиста ботган.

Янги туғилган чақалоғингизни бағрингизга босиб, Худойи таолога шукроналар қилгандирсиз, умримнинг мазмуни, кўзимнинг гавҳари шу кўзим зиён-заҳматсиз униб-ўсиб, эл-юрт назаридаги кўркам йигит ёки сулув қиз бўлиб етишсин, дея эзгу ниятлар қилганингизга ҳам шак-шубҳа йўқ.

На исмингизни биламан, на хоки туробингизни... Зарраларингиз вужудимда оқмоқда, холос. Асрлар беридан туриб, сизлар қолдирган изларга боқар эканман, ёдингизнинг мубораклигига термиламан, хаёлим дунёда қай тарз яшаганингизни, қай тарз умр кечирганингизни жонлантиради.

Толе йўқи бошимға балолиғ бўлди,

Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.

Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,

*Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди?!
—*

Танидингизми? Ҳа, у-Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Улуғларимни, бекларимни, тағойиларимни, оға-иниларимни мунда қўйиб, ўзим кетдим, демоқда. Синд дарёсини кечиб ўтиб, Ҳинд элига ёнашдим, давлат тузиб, Тангри динини жорий қилдим... Аммо сизлардан айрилдим, демоқда.

Олға! Янада олға! Беш аср беш сонияда кўз олдимдан ўтиб кетади. Энди мустаҳкам, пишиқ ўрилган ўрамлар қаршимга чиқмоқда.

Тарих талатўплари, урушлар, бўҳронлар, тўкилган қонларнинг муқаддас ёди узра бениҳоя мусаффо ва ҳаёт ҳикматларининг тубига етган бир донишманд зот зарралари ҳам ёғду таратиб турибди.

Сенинг қонингда! Менинг қонимда!

*Олам аҳли, билингизким, иш эмас
душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким,
эрур ёрлиғ иш...¹¹*

Ундан бор йўғи учта ҳалқа тепада эса яна бир зот нур таратмоқда:

«Агар қувваи табиия бир ишни мукаммал тамомлай олмаса, уни ўшанга муносиб тарзда орттириб қўяди. Қўшалоқ ёки бир-бирининг ичига кирган мевалар бунга мисолдир»¹².

«Қувваи табиия». Бу иборани илк бор ўсмирлик чоғимда, меҳрибон мураббийимнинг беозор дарсла-рида эшитмаганмидим?

Бундан минг йил аввал яшаган ота-боболаримиз жон нима, у қайдан келиб, қайга кетади деган саволларга шу тарз жавоб излашганми?

¹¹ Алишер Навоийдан.

¹² Абу Райҳон Бериунининг «Осорул-боқия» асаридан.

Тагин давом этаверсам, геномлар, улус ва эллар тарихи, эркагу аёллар умрлари аро, узоқ йиллар яшаган ва вужудида офат излари кўрилмаган кишилар ҳақидаги битикларга дуч келаман. Кейин эса Сармишсой, Зараутсой, Қуруқсой теграларидан топилган кишиларнинг ген ҳалқалари бошланади. У масканларда ҳам ота-боболаримиз яшашган. Кийик овлаб, қуш тутиб ҳаёт кечиришган. Аждодларим у ерда совий бошлаган вулқон тошларига суратлар чизишган.

Аммо, қачон?

Худуднинг кенглигини айтмайсизми? Сармишсой Қизилқумда, Зараутсой Сирдарё бўйларида, Қуруқсой – водийда эмасми?

Олға! Яна-да олға!

Ахир, сон-саноқсиз авлодлар занжирининг ниҳоясидаги тирик ҳалқаман-ку? Қавму қариндошларим ер юзини тўлдириб юришибди-ку?

Ундан ҳам аввалда, бир улуғ лашкарбоши тўзғиб кетган элни бирлаштириб, метин тошларга шу битикларни ўйиб ёздирмоқда эди:

«Эй будун!¹³ Тепангда осмон ёрилмаган бўлса, пастда қўнғир ер ютмаган бўлса, элингни, давлатингни ким бузди?»¹⁴

Бу шунчалар узун ва машаққатли зафар йўли эдики, сафар карвонлари, ҳайқирган лашкарлар, оламда адолат ва тенглик ўрнатишга аҳд қилган қаҳрамонлар, алломалар, мутафаккирлар кўз ўнгимда юлдузлардай чарақлаб туришар, тарих бениҳоя шон-шарафга бурканган эди!

«Эй, дунё!» деб ҳайқирсангиз арзимайдими? Улуғларнинг авлоди ўлароқ, бунга ҳаққингиз йўқми?

¹³ Будун – эл.

¹⁴ «Билга Тўнюқуқ» битиги.

– Генетик билан гаплашдингизми?

– Ҳа, кўришдик. Момолар билан суҳбатлашибди, соч толаларини кичкина қутичага солиб олиб кетибди.

– Уни нима қилар экан?

– Қанақадир ускунага солса, инсоннинг бутун тарихи чиқиб келаверармиш. Одамларга «Сиз ниҳоятда қадимийсиз, оталарингиз дунёга битик қолдирган маҳалларида олам ҳали санашниям билмасди», дебди.

– Ростдан-а? Жуда мункиллаб қолган эканмиз-у, билмаганимизни қаранг.

– Ҳа-ҳа-ҳа!

– Ҳе-ҳе-ҳе!

– Бунақа гапларни қаердан эшита қолибди?

– Одамда ген деган бир нима бўлармиш. Ўшанга аждодларингизга хос барча маълумот ёзиб қўйилар экан.

– Ким ёзар экан?

– Ким бўларди, Худойи таоло-да.

– Э тавба! У нарсасиз... биздаям бор эканми?

– Ҳа, тирик жон зотининг барида бормиш.

– Хўп, нима қипти шундай бўлса? Бозорга бориб, мени сулолам жуда қадимий десангиз, одамлар оғзи қолиб, орқаси билан кулмайдими?

– Ҳа-ҳа-ҳа!

– Ҳе-ҳе-ҳе!

– Қолаверса, ҳамма бир кишидан тарқаган-ку? Яъни, Одам Ато билан Момо Ҳаводан, шундай эмасми?

– Ана, шунақа ҳам дедингиз. Биров битта нонни текинга бериб қўярмиди?

– Э, нон-нон дейсиз? Нондан бошқа дардингиз йўқми?

– Йўқ-да. Ё сизники борми? Буларнинг бари ҳавойи гаплар. Мингта шап-шапдан битта шафтоли яхши, дейишган машойихлар.

– Шошманг, машойих нима?

– Билмасам. Шунақа дейишади-ку...

– Ҳозиргина шафтолини гапирдингиз-а? Кўрсангиз айтиб қўйинг, ўша шафтолини йилда икки марта ҳосил берадиган қилақолсин, ҳаммага фойдаси тегади. Узумни совуқ урмайдиган қипти-ку? Мана, биздан сўрасин, мингта кашфиётни айтиб берамиз.

– Биродар, ошни дамладингизми?

– Йўқ, зирваги бироз қайнасин.

– Яхши, унақа гапларни кейинроқ гаплашамиз. Айтмоқчи, Генетикни ўзи қайда эмиш?

– Юргандир қайдадир... кашфиёт қиламан деб.

– Ҳа-а... Лекин менга унинг бир гапи таъсир қилди.

– Қайси гапи?

– Одамларнинг онги тараққиётдан орқада қолиб кетяпти, деди-ку? Буни маъноси нима?

– Гапираверади-да. Қанақасига тараққиётдан орқада қолар эканмиз? Мен, масалан, энг сўнгги русумли телевизордан иккитасини уйимга осиб қўйганман, томда сунъий йўлдош антеннаси дунёнинг бир юзу ўнта мамлакатини кўрсатади. Совуткич дейсизми, иситкичми – бари муҳайё. Нима, тараққиётдан орқада қоляпман деб энди «Боинг» сотволайми?

– Ҳа-ҳа-ҳа!

– Ҳе-ҳе-ҳе!

– Шошманг, «Боинг» нима?

– Жуда катта, замонавий самолёт.

– Э қойил-е, шуниям биласизми?

– Бўлмасам-чи? Дунёдан бохабар бўптурмасак, ҳаётдан орқада қолиб кетамиз-ку?

– Омон!

– Ҳа.

– Тур, молга сув бер!

– Аллақачон берганман, она.

– Унда бошқа ишга урин. Нималар қияпсан ўзи?

– Китоб ўқияпман.

– Сен ҳаётни китобини ўқи! Олим бўлармидинг? Отанг сувчи, бобонг сувчи, олмани тагига олма тушадиди-да!

– Унақа эмас. Отам ҳам, бобом ҳам вақтида ўқий олишмаган.

Эл бепоеъ, ҳар бурчида ҳар турфа одам, лекин бу Омон деганлари доимо шундай танбеҳларни эшитади.

Кишилари яйловларда мол-қўй боқиб юрадиган қишлоқларда ҳам шу гап.

– Омон!

– Ҳа.

– Қўйларни ёйиб кел.

– Ёйиб келдим-ку?

– Унда қўйхонани тозала. Нима қияпсан?

– Китоб ўқияпман.

– Сендан олим чиқармиди? Отанг чўпон, бобонг чўпон...

– Ахир, ота, юлдузларга қизиқаман. Ҳар юлдузни битта қуёш дейдилар. Ҳар қуёш атрофида сайёралар айланармиш. Балки ўша сайёраларнинг биронтасида ҳаёт бордир?

– Эҳ болам-а... Нима қиласан бошингни оғритиб? Элга қара, кўрган кунига, еган нонига шукр қилиб юрибди. Бир одамга нимаям керак бўларди, қорни тўйса, усти бут бўлса бас-да. Ҳар хил нарсаларга миянгни суюлтиргандан кўра меҳнат қил, рўзғорга қараш.

Укаларинг ҳам катта бўлиб келишяпти, ҳали олдинда қанча ташвиш бор...

– Балки ўқишга кириб кетарман?

– Кирсанг киравер, аммо сенга қайдан пул топиб бераман? Шунча йил едирдим-ичирдим, етар. Қолганига ўзинг аравангни торт.

ЧАҚИН

Онгда чақин чақнамоқда.

Генетика аниқ далиллар билан аждодлар законини кўрсатиб турибди. Аммо тасаввуримдаги манзаралар қай тарз ҳосил бўлмоқда, онгимда улуғларим жонланмоқда? Болалик ёди билан тарих тасвирлари қоришиб кетади. Хаёлимда яна беҳи шохидан камон ясаб, дов-дарахтдаги қушларга отаётган, ёки тол новдасини от қилиб миниб юрган болакайлар – ўз болаларимиз жонланади.

«...Тангри таолонинг «Ботаётган юлдуз билан қасам» қавлига мувофиқ, фалак осмонида юлдузлар айланиши, чиқиб-ботиши жадвалларини туздим. Бу ишни авлодларга ибрат ва фойдалар бўлсин учун қилдим...»¹⁵

«... Тангри таолонинг «Биз осмон ва ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларни беҳуда яратган эмасмиз» ҳамда «Сизлар эслатма олишларингиз учун Биз ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик» қавлига мувофиқ, одам боласи дуч келадиган маразларнинг зидди ҳам албатта мавжуддир. Туннинг зидди кун, яхшилик зидди ёмонлик, имон зидди қуфр бўлгани каби, маразнинг зидди шифо бўлиши ақлга мувофиқдир. У ҳолда, оламда мавжуд неки хасталик бўлса, шифоси бор экани ҳақиқатдир...»¹⁶

¹⁵ Мирзо Улуғбек.

¹⁶ Абу Али Ибн Сино.

«...Ернинг ҳамда сувнинг солиштирма оғирлигини ҳисоблаб чиққач, агар дунё уч ҳисса сувдан ҳамда бир ҳисса тупроқдан иборат бўлса, бизда мавжуд хариталарда қуруқлик оз эканини, бу ҳолда ҳар иккисининг мувозанати бузилганини кўрдим. Қуруқлик ҳамда сув мувозанатда бўлиши учун ер юзида биз билмайдиган яна бир қуруқлик бўлиши керак, деган тўхтамга келдим...»¹⁷

«...Инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқида заррача ноҳақликка йўл қўйилмаслиги учун, мураккаб сатҳли майдонларни тақсимлашда адолат жорий бўлиши учун айлана сатҳини ҳисоблаш усулини жорий қилдим. Бу ишни азбаройи тўғрилиқ ва ҳалоллик жорий бўлиши учун адо этдим...»¹⁸

Тарих аро ҳайқириқлар янграмоқда.

Момоқалди роқ гумбирлади, кўк тоши юмалади.

Тунда оймомо чиқди. Улангда ўт ўсди, уни йилқи еди, семирди. Бу яхши бўлди.

«Мен – Билга Тўнъюқуқ, ўзим Табғач элида ўсдим. Эл Табғачга қарарди. Эл хони бўлмайин Табғачдан ажралди, ўз хонига эга бўлди. Кейин хонини қолдириб, яна Табғачга бўйсунди, Тангри дедик: «Ҳой эл, сенга хон бердим. Уни қолдириб бошқага бўйсундинг»¹⁹. Бўйсунганинг учун Тангри ўлдирмиш экан. Эл ўлди, бўшашди, йўқ бўлди. Билагида кучи қолмади.

Ўтда, тошда қолганлари бирлашиб етти юз бўлди. Икки бўлаги отлиқ эди. Бир бўлаги яёв эди. Етти юз кишини бошлаган улуғи Шад эди...

Шунда яйлоқда бир шамол эсди. Дедик: «Эй будун, ўтираверасанми?

Сен шунақа ўксик будун эдингми?

Бир бақирсанг, овозинг тоғни йиқитмасмиди?

¹⁷ Абу Райҳон Беруний.

¹⁸ Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий.

¹⁹ «Ачур битиги»дан.

Бир мушт урсанг, ерни титратмасмидинг? Бир йиғласанг, осмондан жала қуймасмиди? Йилқинг ўз-ўзидан қўпаймасмиди, чорванг мўл бўлмасмиди? Бўйин эгадиган эл эмасдинг-ку? Сен Табғачга бўйсунадиган эл эдингми?

Шунда Тангри «Йиғил!» деди.

Йиғилиши мен эдим – Билга Тунюқуқ!

Элимнинг улуғлари – сочи оппоқ оқарган ой момолари, сочи оппоқ оқарган ой дадалари «Бутун бўлгин» дедилар. Бутун бўлай дедим. Будунни бутун қилай дедим.

Бекларим, жасур қаҳрамонларим, сўзимни қаттиқ эшит. Мен қозонмасам, Элтариш хоқон қозонмаса, эл ҳам, будун ҳам йўқ бўлар эди. Қозонгани учун, изидан ўзим қозонганим учун эл яна эл бўлди. Ўзим қари бўлдим, улуғ бўлдим.

Мен Билга хоқон, элингга биттирдим:

«Ҳой будун! Тепамда Кўк Тангри ёрлақгани учун, остида қўнғир ер-сув тарбиялагани учун элингни, давлатингни вужудга келтирдим...

Қора халқим, маҳкам бўл! Давлатингни, қонунқоидаларингни қўлдан берма. Йўқотма сен давлатингни, хоқонингни... Ажралма одатларингдан, истакларингдан, халқингдан, шон-шухратингдан. Йигитлик шарафинг учун, ака-укаларинг қудрати учун...»²⁰

* * *

Давлати бўлмаса, эл ўлар экан. Билагида кучи қолмайин, бўшашиб йўқ бўлар экан.

Юзада кўк, остда қора ер қилинди. Иккиси аро киши ўғли қилинди.

²⁰ «Билга Хоқон битиклари»дан.

Тепада Кўк Тангриси, туркий улус ери, суви бундай дермиш: «Эл йўқ бўлмасин», «Бор бўлсин».

«Ҳой бекларим, ҳой будун, яхши эшит. Устдан Тангри босмаса, остда ер тилинмаса, элингнинг турини ким буза олади?»

Ҳой будун, ўкин. Кўргулигинг учун, билга хоқонингга, юқорилаган элингга ёмонлигинг учун енгилдинг, тубанлашдинг.

Яроқлиғ қайдан келиб ёвга отди сени?

Найзалиқ қайдан келиб сура олди сени?

Улуғ Утукан юш будун бординг. Борган ерда эзгу бул экан: қонинг сувдек югурди. Сўнгакинг тоғдек ётди. Қаттиқ ўғил боланг қул бўлди, сулув қиз боланг чўри бўлди.

Билмаганинг учун, тубанлигинг учун, тоғам хоқон уча кетди.²¹

Будуннинг оти, донғи йўқ бўлмасин, дейин. Отам хоқонни, онам хотунни Тангри кўтармиш эди. Эл берадиган Тангри, будуннинг оти, донғи йўқ бўлмасин, дея хоқон этган экан.

Мен бой будунга бош бўлмадим. Ичи ошсиз, таши тўнсиз, ёвуз, аянч будун узра ўлтирдим.

Иним Кул Тегин бирла сўзлашдим. Отамиз, тоғамиз қозонмиш. Будуннинг оти, донғи йўқ бўлмасин дедим.

Тун ухламадим, кундуз ўлтурмадим.

Иним Кул Тегин бирла, икки шад бирла ўлиб-ётиб қозондим. Анча қозониб, бириккан будунни ўт-сув қилмадим. Мен ўзим хоқон бўлганимда, ер сари бормиш будун ўлиб ётиб, пиёда, яланг оёқ йиқилиб келди.

Будунни кўтарайин дедим. Илгари қутан, татабу будун сари, ўнгда Табғач сари улуғ қўшин бирла ўн икки марта урушдим.

²¹ Учди – ўлди маъносида. Бу ерда «жаннатга кетди» маъноси ҳам бор, чунки қадимги туркийлар «учмоғ» дея жаннатни айтишган.

Ушандан сўнг Тангри ярлақагани учун, қутим бор учун, улуғим бор учун, ўлаётган будунни тирикликка қўтардим.

Яланғоч будунни тўнли, жиғой будунни бой қилдим, оз будунни тўкис қилдим, тўғри элга яхшилик қилдим.

Тўрт бўлимдаги будунни тинч қилдим, ёғийсиз қилдим.

Улар менга бўйсунди. Ишини, кучини берди. Бунча тўрни қозониб, иним Кул Тегин ўзи ўлди.

Отам хоқон учганида, иним Кул Тегин етти ёшда қолди. Ўн ёшда Умайдек онам хотун қутига, иним Кул Тегин эр отини олди.

Ўн олти ёшида Табғач Ўнг Тутуқ беш туман аскар тортди. Урушдик.

Кул Тегин пиёда ҳолда душманга ташланди. Ўнг Тутуқнинг ярақли зирҳли қўлини тутди. Ярақлиғ зирҳликда хоқонга дуч келтирди, у қўшинни ўша ерда йўқ қилдик.

Йигирма бир ёшинда Жажо сангунга уруш қилдик. Биринчи бор Тодиқон Чурунинг бўз отига миниб ёвга ташланди. Ул от унда ўлди.

Иккинчи бор Ишбара ямтарнинг бўз отига миниб ёвга ташланди, ул от унда ўлди.

Учинчи бор Яган Силиг бекнинг қадимлиғ тўриғ отига миниб ёвга ташланди. Ул от унда ўлди.

Ярақига, зирҳига юздан ортиқ ўқ урилди. Зирҳ қалпақли бошига бирин тегдирмади. Текканини ўз бекларим, кўп билурсиз, у қўшинни унда йўқ қилдингиз.

Кул Тегин йўқ эса, кўп ўлган бўлар эдингиз.

Иним Кул Тегин ўлди, ўзим қайғирдим. Кўрар кўзим кўрмасдек, билур билигим билмасдек бўлди.

Ўзим қайғирдим. Фақат Тангри яшар. Киши ўғли ўлгали туғилмиш. Анча қайғирдим.

Кўзга ёш келади. Атаганда кўнгилдан хўнграш келади. Яна-да қайғирдим. Қаттиқ қайғирдим.

Икки шад, унигинам, ўғлонларим, бекларим, будуним, кўзи, қоши ёмон, асов деб қайғирдим.

Йиғловчи, сиғтовчи, қўтан татабини бошловчи Удир сангун келди. Табғач қоғондан Ишйи Ликанг келди. Бир туман ағи, олтин, беҳисоб кумуш келтирди.

Тупут хоқондан Болон келди. Ортда кун ботишдаги Суғд барчакар Буқарақ улус будундан Нанг Сангун ўғил тарқан келди.

Ўн уқ ўғли Туркеш хоқондан мақрач тамғали Ўғуз Билга тамғачи келди. Барқ этгувчи мазор тошни ишлаб, ўганувчи Табғач қоғоннинг тош устаси Жанг Сангун келди.

Кул Тегин қўй йилида, ўн еттинчи кун учди.

Тўққузинчи ой, йигирма еттида ерга кўмдик...»²²

Улуғ қаҳрамонларим шу тариқа, тунги осмондаги юлдузлар мисоли, ўзларидан дарак бераверишди.

Киши ўғли ўз-ўзидан йиғилиб, эл бўлиб қолмас экан. Элни Тангри берар экан, бириксин, кўпайсин, ерсуви мўл бўлсин, ўзи кучли бўлсин, дер экан.

Хоқонни Тангри берар экан, ўлмасин, йўқ бўлмасин, донғи юксалсин, сулув қизлари жасур қаҳрамонларни туғсин, дер экан.

Қаранг, олислардан не садолар келаётир...

Учун Кулуг Тириг бақувват, икки бети қизил чол эди. Тувған ери Учугуй юш²³ эди. «Эл омон бўлсин» дея қариган чоғида отга миниб, яроғини тақиб чопқинга кирган, унда ўлган экан. Ҳалқа ўрамлари тилга киради, тийиқсиз ва озод шамоллар бетиним еладиган адоқсиз дашту туз орасидан саслари келади:

²² «Култегин битиги»дан.

²³ Ўрта Туркистон давлатининг қадимий номи.

«Уйимдаги хотинларим, ўғилларим, қариндош-уруғларим, сизларнинг ҳаммангизни йўқотиб, айрилдим. Олтинлик элликта камаримни белимга боғладим. Мен Учун Кулуг Тиригман. Тангрили давлатимдан четдаман. Олтмиш уч ёшимда сизлардан, менга қарайдиган еримдан, ўғилларимдан, қизларимдан, олтининг йилқимдан айрилдим. Хоқонимнинг тулпори, қора халқи, жасур қаҳрамонларим, йигитларим, ўғлонларим, куёвларим, қудаларим, қиз-келиндарим, сизлардан айрилдим»²⁴.

Тоғу тошнинг кўк арчалари, яшил қарағайлари еллар забтида чайқалади. Дарёси ёйилиб-ёйилиб оқади. Тубида улкан қора балиқлари аста сузади. Бири саёзликка тушиб қолибди, потирлайди, аммо хиёл силжийди, холос.

«Хотинларим, маликаларим, ўзимнинг ўғилларим, сизлардан ёнашдим. Мен юзта қаҳрамон жангчининг кучига эга бўлганим учун, ёвнинг юзта жангчиси билан дарё бўйида урушганим учун, сизлардан айрилдим, ўлдим. Кўк осмондаги қуёш ва ойни ёрита олмадим, хоқонимни, давлатимни йўқотиб, сизга эгалик қила олмадим...»²⁵.

«Эл оғаси Инанчу билга марҳумлар аро, ўғли оти Куч, ўғлон туғилди. Сизни отингиз Ўри бек, элингиз Ўз... Элингиз учун қозониб, аёлингизни йўқотиб, Сиз айрилдингиз. Ердаги тамғали йилқи сонсиз эди. Душманга етган қўшини етти минг ўғлон эди. Юз эрнинг юзи, бекларнинг назари, беклик қоши, олтмиш эр дўстларингиз, эллик эр яхши дўстларингиз, ўзингизнинг оғанингиз, саккиз мис кўзгунгиз, ўнта қора кўзгунгиз... Ўкинмадингиз, кўрмадингиз, бутламадингиз. Сизнинг қаҳрамонона исмингиз Ўри, элингиз Ўз эди...»²⁶

²⁴ «Учун Кулуг Тириг битиги»дан.

²⁵ Ўрхун-Энасой битикларидан.

²⁶ «Ачур битиги»дан.

«Жасоратли, кучли халқни ушлаб турибман. Жанго-вар отим Эран Улуғ. Жасур қаҳрамонман. Қаҳрамон йи-гитларим, шарафли давлатим бор учун халқ ҳаяжонда юрмади. Мен, Эран Улуғ, ўғлимга, халқимга қарай олма-дим. Ўттиз саккиз ёшимда вафот этдим. Ўн ой элтиди онам, ўғил бўлиб туғилдим, Қаҳрамон бўлиб улғайдим. Элимда тўрт марта саёҳат қилдим. Шавкатим учун Инанчу алплари орасида курашдим. Шону шавкат бўл-са, шундай бўлар экан»²⁷.

Шону шавкат бўлса, шундай бўлар экан... Эр йигит халқи, эли, тошу тупроғи учун ўлса, шарафли бўлар экан. Учуғуй юшнинг шамоллари жонини кўтариб учар экан. Дов-дарахтлар узра довул қоқар экан, кўринг, шавкатли жангчининг руҳини Кўк Тангри олдига олиб кетмоқдамиз, дер экан.

Кўк осмон кўз ёшларини тўкар экан. Ўт-ўланга, ерга томган қонларини ювар экан.

* * *

Олислардан қисмат шамоллари мислсиз қувват ила, еру кўкни тўлдириб эсаётгандай гўё.

Бир отаю бир онадан тарқаган қабилалар, эллар, уруғлар аро зако қуввати ҳамда билимга чанқоқлиги билан юлдуздай чақнаган элдан – ўз элимдан, бек элимдан дарак беради қисмат қасирғалари. Юлдуз-ларнинг ботиш жойлари қаер? Жуфт яратилган жонлар не? Ҳар саҳар яллиғланиб, самога қалқувчи қуёш нима? Қай сабаб ила фасллар алмашмоқда? Олис осмон, кўнғир ер аро ўлмоқ учун яралган одам болаларининг ҳоли қандай? Адолат нима? Юксаклик нима? Инсон ер юзига не учун келгай экан? Тангри ёрлақамаса, мукаррам бўлмагай эрди. Бир бобокалоним майсаю гиёҳлар барқ урган ўланглар

²⁷ «Олтинкўл битиги»дан.

узра уйчан одим отаркан, Тангрининг шу заиф ва
гузал яратиклари ўзларининг яралиш сирларидан
баҳс этган экан. Яна бири кулбасидан олис самога
назар солиб, юлдузларнинг сирларини баён қилган
экан. Тўра элим, бек элим тарих самосида Сомон йўли
каби ёйилиб, бағрида заковатларни ёруғ дунёга туҳфа
этаверган экан. Уларнинг ҳар бири киши ўғли қонига
бир дуру гавҳар каби, маржон бўлиб қўшилаверган
экан... Дунё жаҳолат ботқоғидан чиқолмай ингра-
ганида, кўк осмону кўнғир ерни яратган, иккиси
орасида яралган киши ўғиллари Тангри номи билан
урушлар кўзғаб, инсон қонини дарёдай оқизган
маҳалларда ақлу заковат қуёши порлаганига ақл
ҳайрон қолмай илож йўқ. Сабаб нима?

ЭР БУҒУ МАРСИЯСИ

Элнинг бир хотини қорнида ўн бир ой олиб юриб,
бир ўғлон туғди, Эр Шад деган.

Эр Шад алп эди, бўрини ёйсиз тутарди.

Билга эди, билмагани йўқ эди.

Мундан эл суюнди.

Бундай эл дунёда бошқа йўқ эди-да. Така, кийик,
қуш-қуён овлаб, от минар, ўлгудай содда, лекин
тикбош эди, кўкси кўклаган эди. Ўтлоғи тўкис, чорваси
қалин эди.

Ер-сувига кўз тикиб, шимолдан ёв келди. Қувди,
ёйди.

Жанубдан ёв келди, урди, ўлдирди.

Ғарбдан ёв келди, ўт тишлатди.

Шарқдан ёв келди. Эр Шад кўнғир ерини, кўк
сувини ёвга бермади.

Ёв тилини тишлаб, черигини мунда қолдириб,
ўлиб ётди, такадай қочди, қайтиб келмади, кўрқди.

Эл омон бўлди.

Эр Шаддан бир бувак²⁸ туғилиб эди. «Був-був»лаб ўйнаганига «бувак» дер эдилар.

Қиш қаттиқ келди. Тоғда бўри, айиқ оч қолди. Бир оқ қоплон тушиб келди. Ўтдан қўрқмас экан, ўтовга ёниб келди.

Бувакни олди, бўйнидан тишлади, елкасига ўнгарди, тоққа чопди.

Эл нима бўлганини англагунча қоплон қочиб бўлди.

Эл отига минди, қоплон изидан қувди.

Қор қалин эди, отлар юролмай қолди. Минак ҳайвонларини мунда қолдириб, қор кечиб ўнгирга ёнишди. Қарашса, оқ қоплон бувакни еб бўлибди.

Бувакнинг отаси кўксини йиртди, тоққа қараб «Вой бувагим» деб бақирди.

Бақирганида ер чайқалди. Чайқалганида тоғдан шувиллаб қор кўчди.

Муни кўрган эл қочди. Қочолмагани қолди.

Кўчки тошлар билан кўчди. Ичида юмалагани бир-бирига урилиб, янада қаттиқ овоз чикди. Сўнг яна кўчаверди. Қочолмагани орасида саккиз яшар бўз ўғлон бор эди, оти Эр Буғу эди...

Эр Шаднинг боласи қолмади. Шунда Эр Шад кўкка қараб бўридай увлади. Муни кўриб эл йиғлади.

Эр Шад ҳам, элнинг ўзи ҳам улусни тўздирмайдиган, бошида турадиган бир алп бер, деб талаб қилди.

Кўк Тангри мунга эшитди. Эр Шаднинг хотинидан пешанасида юлдузи бор бир ўғлон туғдириб берди. Оти Элтузар эди.

Тангри дедик: Эли тўзмасин. Давлат тузиб берди. Бошида хоқони бўлсин, деди.

Ҳой эл, давлатинг бўлса, бошингда хоқонинг бўлса,

²⁸ Бувак – чақалоқ (водий шевасида).

тўзмайсан, деди. Йўқса, билагингда кучинг қолмай,
тугайсан, бўшашиб ўласан, йўқ бўласан, деди.

Сен доимо бор бўлгин, деди.

Бу – яхши бўлди...

* * *

Нур юзли бир зот қадимий вайроналар узра оҳиста
қадам ташлаб борарди.

У бениҳоя заковатли, тафаккури олам қадар
поёнсиз, қалби эса бутун Коинотни ўзида тажассум
этган авлиё киши эди. Тасаввур қудрати ва Тангри
таоло ато этган идроки боис, тунда нур сочадиган
олис Оймомо тупроғининг рангу тусига қадар кўра
оларди.

Ўша тийиқсиз заковат эгаси ҳозир тошу тупроқ
аро ётган не-не улуғлар хоки туробига назар ташлаб,
ҳар бирига салом айтиб одимларди. Куёш уфққа
ёнбошлади. Қизил қонлари ҳар ёққа сачради. Боягина
ёғиб ўтган ёмғир томчилари ўтлар устида тек туриб
қолди. Не ажабки, ёмғир у ўтлар узра қолган эски
қонларни ювмаган, гўёки ҳадди сиғмаган эди.

У муборак зот таассуф ва дард ила шундай деди:

*Мунчаким вайрона кездим, ганж бир
ҳам йўқ эди,*

*Бўйла вайрон ким кўрубдур, унда
мадфун мунча ганж...²⁹*

ДАШТИ ҚИПЧОҚ ҚИЗИ

Сени муштдайлигимдан яхши кўрардим, эй Дашти
Қипчоқ қизи!

Эсингдами, асалариларни кўрсатганим? Асалари
не, ўзинг ҳам бол каби эдинг-ку!

²⁹ Алишер Навоий байти.

Йўқ-йўқ, бол каби эмас, аксинча, болнинг ўзгинаси эдинг. Юзлаб-минглаб асаларилар тўплаган бениҳоя мусаффо, тиниқ бол. Хуш бўйинг, қирмизи тусинг, элу элатларнинг гул-чечаклари аро зарра-зарра бириккан, бутун бир халқнинг шонли ўтмишини, яралиш сирларини ўзингда олиб юрган ҳамда вужудингда мисли қўрилмаган зако хазиналарини ташиган гўзаллик ва эзгулик малаги!

Бол ахир шифо-ку? Тангрининг неъматини-ку?

Узунчоқ юзинг, хиёл қийиқ кўзларинг, тўс ваҳший сочинг, нозик сарв вужудинг соф мўъжиза эканидан ташқари, яна аллақанча сирларни ўзида жо айлаган экан. Асов-бебош нигоҳингда, ўзингга ғоятда ярашган киборлигингда, хиёл жилмайишингда, адл юришларингда олисларда қолиб кетган момолар ёди бор экан! Қийғоч қошингда, ол ёноғингда, виқору мағрурлигингда боболар шаъну шавкати яшар экан!

Сени ўйласам, қалбим тиниқлашгани, тоза туйғуларга тўлгани, қудратим ошгани-ю, кўксим кенгайиб, қувватланганим боисини ўзим билмаган эканман. Ёшгина бўз боланинг қалбида барқ урган муҳаббат уни қанчалар ўзгартирганига қарасанг-чи!

Ахир, истасанг тошлар не, тоғни ҳам кўтарардим. Ҳар қандай мушкулни осон қилардим, ўқ отиб узук тешигидан ўтказардим, ботмон-ботмон сомонни тариқдан ажратардим, элга кўз тиккан жаҳолат девининг бошини танидан жудо қилардим. Бу қаҳрамонликларнинг бари сенинг борлигинг, мавжудлигинг сабабли, ахир, бўз болани қаҳрамонга айлантиргувчи – сен эдинг. Истасанг, самога ҳам парвоз қилардим, кишилари соддалик, ҳалоллик, тўғрилиқ ила ҳаёт кечираётган минглаб қишлоқлар узра қўлларимни қанотдай ёйиб, чарх уриб айланган бўлардим...

Йўқ, сенга етиша олмадим. Олисларнинг хур шамоллари сочингни ўйнаган, сарбаст-сарбаст эсан, тоза ҳаволару озод еллар масканларига бир ўзинг кетдинг. Сўнг дийдорлашув они ёдингдами? Кетар экансан, ўгирилиб қарадинг, сочинг бир тўлғанди, гўзал бошчангни адл, мағрур кўтардинг. Шу ҳолингда бениҳоя кўркам, ажойиб эдинг!

Кетдинг...

Сен кетгач, жуда қайғурдим. Кўрар кўзим кўрмасдек, билар билигим билмасдек бўлди.

Ахир, кўзга ёш келади. Отингни атасам, кўнгилдан хўнграш келади. Яна-да қайғурдим. Қаттиқ қайғурдим.

Севиклим, кўрар кўзим, кўзи-қоши ёмон, асов деб қайғурдим...

Орадан йиллар ўтгач, ўз юртимдан узилиб, ҳаёт сўқмоқлари аро турли манзиллар сари йўналганимда, сиймойинг хаёлимда тўсатдан ўзгариб, элу улусимнинг барча қизалоқларини бирлаштира қолди. Ахир, ўз манзилларимиздан сафарга кетган олис қариндошим эдинг-ку? Ўз элимнинг асов қизи эдинг-ку? Ҳовлиларда, очик-ёйиқ манзилларда ўйнаётган, сув ташиётган, муштдай қўлчалари билан хамир қораётган, овқат пиширишни ўрганаётган, нон ёпаётган онасига қизиқсиниб қараётган сон-саноксиз қизалоқларнинг бари, наинки қизалоқлар, балки уларнинг опалари, сингиллари, оналари, аммаю холалари, нур юзли момолари, келинлари, буларнинг бари мисли йўқ ҳазина эканини, ҳозиргина мен айтган тарих, ўтмиш шону шавкати шулар қонида мавж ураётгани, жўшиб-ҳайқираётгани, гулдан нозик шу сулув, мушфиқ, фидойи зотлар бутун халқимнинг, элу элатимнинг бебаҳо ҳазинаси, кўзининг оқу қораси эканини билгач...

Яна қайғурдим. Гўё Тангрига йўлиққан, бахт сўрагандай эдим. Тангри сени бергандай эди.

Фақат Тангри яшар экан. Олис осмон, қаттиқ ер орасида киши ўғли туғилар экан. Ўлангларда ўйнаб, ёмғирларга бақириб улғаяр экан. Ўсиб-ўсиб, эр етилар экан... Эр етилгач, элини ўйлар экан.

Элни эрлар, билгич баҳодирлар, жасоратли қаҳрамонлар ўйлар экан!

Сендан айрилдим, аммо ўзим ўзгариб қолдим.

Ўша фароғатли тунда энам айтган эртаклар эсингдами? Дашт маликасини излаб йўлга чиққан Эр Кенжа чўлда тўнкарилиб қолган тошбақа боласини, оқ илонни, қумга қўмилиб қолган қизил бошли чумолини қутқаргани? Эр Кенжа дашт ҳукмдорининг мушкул шартларини бажаришида ўшалар ёрдамга келишгани? Ахир, Тангри таоло оламда ҳар бўз йигитга бир малика, ҳар бўй қизга бир шаҳзода ато этади, дейдилар. Сен сари борсайдим, йўлимда учрайдиган ҳар жон эгаси, ҳар воқеа-ҳодиса менга мадад бўлар экан-ку? Сен ахир – олис аждодларимнинг гўзал фарзанди – ақлим етганида-ю, муҳаббатимни изҳор қилганимда, сену мендан ажойиб зурриётлар қолиши учун бутун теваарак йиғилишиб келар экан-ку?

Сендан айрилганимга ўкинсам ҳам, дунёда борлигинг учун шукр қиламан. Самода чақин каби бир чақнаган бўлсанг-да, фикру шууримда олтин ёмбилар пайдо қилганингга севиnamан.

Қарасанг-чи, эй олисдаги азизим! Самога булут чиқди. Кўк тоши қаттиқ овоз чиқариб юмалади. Сени десам, кўз олдимда элим, оға-иниларим, опасингилларим, амакию тоғаларим, элдошларим, юртдошларим кўз олдимда гавдаланади. Ҳаммаси жим, содда-тиниқ нигоҳини менга тикиб тургандай туюлади.

Ич-ичимдан шундай ҳайқириқ ҳам келади:

«Эй, оламдан меҳнату заҳмат ичра ўтаётган улуғларим, уруғларим, қавму қариндошларим, акаларим, укаларим!

тонг саҳардан далага чиқиб, юз-кўзларига рўмол
ураб меҳнат қилаётган чопиқчиларим,
тол тагида беланчакларда ётган митти укаларим,
эл уйидан олиб келган масаллиқлардан кўпга деб ош
пишираётган оқсоқолларим,

тўйларда баланд гулханлар ёққан, урф-одатини
сақлаган, куй-қўшиқлар куйлаган қорақошларим,
қорақўзларим,

маросимларда гурос-гурос тўпланган кишиларим,
азаларда бир-бирини бағрига босиб йиғлаган оғаларим,
белини бойлаб йиғлаган опаларим,

томларга туршак ёяётган, толқон туяётган,
тўйимли бўлади, дея қўй ёғи қўшиб патир пишираётган
сингилларим, келинларим,

уйларида халққа пичоқ, этик ясаётган усталарим,
дурадгорларим, сувоқчиларим, том усталарим,

куёвга дея кашта тикаётган ой қизларим,

ниҳолларни бир-бирига улаб янги нав яратган
боғбонларим, отлару сигирлар, қўй-эчкилардан
тортиб то дарахту ўтлар табиатини мукаммал
биладиган синчиларим...

тўй гулхани атрофида айланаётган ёш келин-
куёвларим, ҳали юз-кўзидан ўсмирлик нишонлари
кетмаган, аммо бағрига чақалоғини босиб даласига
шошилган келинчакларим...

Қанчалар улуғ эканингизни ўзингиз билмайсиз!
Қанчалар муҳташам эканингиздан ўзингиз беҳабарсиз!

Ахир, тингласангиз-чи, асрий тарихлар кўпириб-
жўшмоқда. «Уйғон! Уйғон, эй шон-шарафли эл!» дея
хайқирмоқда!

Сизнинг қонингизда! Менинг қонимда!»

Айт-чи, эй кўзи-қоши ёмон, асов малагим! Сен ҳам...
булардан беҳабармидинг?

Тингласанг-чи:

«Йигит шошилиб изига қайтмоқда. У эзгу хабар олиб келмоқда. Билиб қўйинг, бу – яхши!...»³⁰

ҚИШЛОҚ

Қишлоқ ўша-ўша. Абдуш ёнғоқ ҳалиям бор. Гоҳида ўтиб қолсангиз, ёш болалар тош-кесак отиб, ёнғоқларини уриб тушираётган бўлишади.

Сон-саноқсиз ўт-ўлан гуркираб ўсибди. Ариқларда ўша-ўша сувлар шарқираб оқмоқда. Ялпизлар яна барқ урибди. Баргининг уст қисми оч кулранг, тукли бўлади. Тезда майда оқ гуллар солади. Гулкосалари сувда қалқиб-қалқиб оқиб кетмоқда.

Одамлар ҳам ўша-ўша...

– Ҳой жўралар, ғалати бир янгилик бор. Генетигимиз бор-у, ақлни шоширадиган ишлар қилганмиш.

– Нима қилганмиш?

– Элнинг, халқнинг илдизларини топиб, қанчалар қадимий ва қудратли эканини билиб олганмиш.

– Қанақа қилиб?

– Одамларимизнинг қонини таҳлил қилса, кимнингдир сулоласи эллик минг, кимникидир етмиш минг йилга тенг бўлиб чиқибди. «Менинг юртим инсониятнинг олтин бешиги, дунё тараққиётининг шоҳбекати», дебди!

– Тавба... Халқ қадимий бўлса, қарияларга ўхшаб кексайиб, мункиллаб қолмасмикин?

– Йўқ, ундай эмасмиш. Қанчалар қадимий бўлса, шунчалар қутлуғ, муҳташам бўлармиш. Сочу тирноқда одам тарихи ҳам ёзилар экан, ўшанга қараб, поғона-поғона илгариб бораверганмиш.

– Тарихни ҳам поғонаси бўларканми?

³⁰ «Ирқ битиги»дан.

– Асрларни айтяпти-да. Хуллас, Бобуру Навоий ҳам, Темур бобою Беруний ҳам, ибн Синою Хоразмий ҳам – сиз, дебди. Ундан наридаги Тунюқуқ хоқону Билга хоқон ҳам, Алпомишу Кунтуғмиш ҳам, янада олисдагилар ҳам сиз, шуларнинг барининг ақлу заковати, улуғлиги, қаҳрамонлиги, жасурлиги қонингизда оқаётир, дебди.

– Шошманг, қанақасига биз бўлар эканмиз?

– Аждодлар ўзларининг қаҳрамонликларини, улуғликларини, шон-шавкатини, қобилиятларини қонда қолдириб кетармиш-да.

– Йўғ-э, ростданми?

– Билмасам, шунақа деди-ю.

– Унда мен нимага олим бўп кетмадим? Ҳалиям отамдан қолган кетмонни кўтариб юрибман?

– Ўқисангиз бўласиз-да, ўз-ўзидан лоп этиб олим бўпқолармидингиз?

– Ким билсин... Болалигимда кўп нарсаларга қизиқардим. Ниначини кўзигача кузатардим. Билсангиз, ниначининг кўзи симобдай йилтироқ, бўртиқ бўлади. Ўшани кўкиш-қизғиш товланишини томоша қилардим. Учганида орқаю олдини бирдай кўриб туради деб ўйлардим.

– Ана, қизиққан экансиз-ку?

– Лекин китоб ўқисам, бошимга оғриқ кирарди-да.

– Дангасаликдандир?

– Йўғ-э, ундан эмас. Чумчуқболани оламан деб дарахт шохига чиққанимда йиқилиб тушувдим. Ўшанда бошим лат еган экан, энам раҳматли исириқ тутатиб, кўрпага ўраб қўйган эди. Шу сабабли, мактабга борсам бошим оғирди...

– Хулласки, тарихда гап кўп экан. Мисол учун, сиздан аввал мингта ота, мингта она ўтган бўлса, ҳар бири ўзидаги истеъдодни авлоддан-авлодга қолдираверганмиш. Демак, сизда минг ота-онанинг салоҳияти бор экан.

– Билмадим... Ичимда унақа нарса борлигини сезмаганман. Билганим шу юмуш, шу заҳмат, шу иш...

– Ўшани айтяпти-да. У қон уйқуда эмиш. Уйғонса, бизлар дунёдаги энг кўркем, энг тоза қонли халқ бўлар эканмиз.

– Э тавба... Қачон бўлар экан бу? Сизу биз кўрармикинмиз?

– Ким билсин... Иншоллоҳ, кўрармиз...

* * *

– Биродар, эл нима, юрт нима, миллат нима?

– Жуда қадимдан бери яшаб келаётган, бир тилда сўзлашадиган, улуғларини бирдай ардоқлаб, болаларини бирдай эъзозлайдиган, ўз тарихига, одоб-ахлоқига, бетакрор урф-одатларига, куй-қўшиқларига эга туман-туман кишилар жамланса, эл бўлади. Барининг кўнгли, ўйи битта бўлади, ўзи эса кўп бўлади. Сиз, мен, баримиз битта элмиз.

– Давлат нима?

– Ана шу элни асраб-авайлаб турадиган мустаҳкам қобиқ. Эл мағиз бўлса, давлат унинг қобиғидир. Давлати бўлса, эл омон бўлади. Давлати бўлмаса, сарсон бўлиб қолади, қайга бош уришини билмайди, ҳар кимга музтар-музтар, жавдираб тентирайди, бошига оғир кунлар тушади.

– Тавба... Эсингиздами, Лайлатулқадр кечасида осмон ёришиб кетгани?

– Ҳа, бўлмасам-чи. Роса кулган эдик.

– Кулгини қўятулинг. Ўша, ракета отган давлат... бизники эмасмиди?

– Йўқ, етти ёт бегона экан. Ота-боболаримиз мушкул пайтларни бошдан кечиришган маҳалларда фурсатдан фойдаланиб босиб олган экан. Одамларимиз ўшандаям содда бўлишган-да.

– Энди-чи?

– Эсласангиз-чи? Тарихда неки улуғ қаҳрамон ўтган бўлса, бари элим дебди. Биронтаси ўзим демабди. Бизнинг эл шунақа-да. Яна эсласангиз-чи? «Ҳой бекларим, улуғларим, ботирларим, алпларим, қавму қариндошларим! Тепангдан осмон босиб тушмаса, остингда ер ёрилмаса, элингни, давлатингни ким бузади?» Кимлар келмаган, кимлар кетмаган экан... Мана шунақа эканмиз-да. Бизга букилганга етти букиламиз, бош кўтарганга ўн марта бош кўтарамиз. Шавкатли қаҳрамонларимиз, алпларимиз, ботирларимиз, ака-укаларимиз, қавму улусимиз билан шундай яшаймиз. Ҳануз жипсмиз, ҳануз бардаммиз. Куй-қўшиқларимиз, дostonларимиз ҳануз тўй-маросимларда элнинг оғзида. Эл орасида ҳануз баҳодирлар, алплар, билгалар, жасур қаҳрамонлар дунёга келмоқда. Шону шавкат бўлса, шундай бўлар экан-да...

* * *

Шону шавкат бўлса, шундай бўлар экан...

Элнинг боласи ўз элига қараб шундай дер экан:

«Сенсиз мен ҳеч кимман-ку, эй отамнинг отаси, эй онамнинг онаси!»

Фақат сенинг бағрингдагина қадр топаман-ку? Ўзга элларда бирон-бир қийматим бўлмайди-ку? Худди ўз уйимда қадр қийматим баланд бўлгани каби. Худди ўз қавму қариндошим бағрида яйраганим каби.

Ҳар қишлоғингда, бўлугингда бир қавму қариндошим, қондошим бор. Истаган манзилимда бир кеча тунаб, дастурхонидан беминнат туз тотиб кета оламан.

Шимолдан жанубга, ғарбдан шарққа қараб минглаб чақирим йўл босиб, қай ерда тўхтасам, у

ернинг кишилари юз-кўзимга қарашиб «Ўзимизнинг одам» дейишади, кучоқ очишади. Ўсмирлар чопиб келиб, қўлларини кўксига қўйиб ёки қўшқўллаб сўрашишади.

Эл топган-тутганини олдимга қўяди, бору йўғи билан меҳмон қилади, кўнглимга қарайди, янги тўшақ-болишларини солади, иззатимни баланд тутати.

Қайга борсам, қадру қийматим зўр бўлади. Агар билганларимни айтсам-чи? Суюнади, ўтмишимни билар экан, қара-я, ўзини ўйлаб, бола-чақасини боқиб кетмон чопиб юрмасдан, ота-буваларимиз тарихини ўрганибди, ахир бу сенинг, менинг ўтмишим-ку, деб иззатлайди.

Бошига кўтаради.

Дунё аро энг қадим достонимгача етиб борган бўлсанг... Бу эл минглаб йиллар аввал дoston айтган, уни тошларга ёзиб қолдирган экан, бундан буёғига яна минглаб йиллар яшамасинми?

Тешиктош воқеаси эллик минг йил аввал рўй берган, дейдилар. Эллик минг йил аввал Эр Шад бувагини қўмсаб бақирган экан. Эллик минг йил аввал бор экан, яна эллик минг йил шону шавкатга бурканмасинми?

Шуларни айтсам-чи?

Суюнади, юз-кўзи ёришиб, елкамга қоқиб «Ҳа, отангга раҳмат», дейди.

Қара-я, кечагина бағримдан узилиб кетган бўз болам эдинг, бугун нималарни билиб олибсан.

Ота-бобом ёдини тирилтирибсан-а!

Тош-тупроқ орасида қолиб кетган экан, олиб чиқибсан.

«Берган ош-тузимга розиман, сен ҳам рози бўл», дейди.

Бундай эл яна қайда бор?

XXI АСР. КАРТАХЕНА. КОЛУМБИЯ.

Колумбиянинг Картахена шаҳрида Бутунжаҳон Генетика мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтмоқда эди.

Телекамералар анъанавий маъруза минбарини кўрсатиб турар, олам аҳли сукут сақларди. Ақлу заковат ва ижод қудрати боис, мана шу юксак минбарга кўтариладиган зот ким? Қайси ўлканинг олими асалари каби ўз тўпидан ажралиб, мана шу чўққига чиқиб келар экан?

Мамлакатлар, халқлар, турли элларнинг кишилари ҳаяжонда эдилар.

Асрий қаҳратон ўлкаларнинг қалин ўрмонларида яшовчи майда элатлар ҳавасу афсус ила боқишар, сабаби улар жуда кичик, деярли йўқолиб кетаёзган эл бўлиб, бизнинг орамиздан ҳам зако эгалари чиқармикин деган ўй қалбларини ўкинчга чулғаган эди.

Узлуксиз жазирама ва қашшоқлик ҳукм сурадиган саҳро кишилари эса умидсизлик ҳамда тушкунлик ичра боқиб туришарди. Кишилари фақат кучқувват талаб қилинадиган ишларда ишлатиладиган, ривожланган мамлакатлар индустриясининг бозорига айлантирилган у ўлкаларда илм ва ақл-заковат ҳудудларидан узоқ ҳаёт тарзи муқим ўрнашиб қолган бўлиб, фан ютуқлари тантанаси улар учун етиб бўлмас чўққидай туюларди.

Австралияда ҳаёт кечирадиган ёввойи қабилалар эса оламда нима рўй бераётганидан мутлақо беҳабар, овга жўнаб кетишга ҳозирлик кўришарди. Улар бениҳоя тушкун ва ўксик кишилар бўлиб, сабаби – тарихсиз эдилар. Ўз ота-онасидан бошқа ҳеч кимни билишмас, қизиқишмас, ҳаёт улар учун ўрмоний ваҳшийликлардан иборат эди, холос.

Шунингдек, қудратли ўлкалар халқлари ҳам жараёни қизиқиш ила томоша қилишарди. Чунки илм гоҳида кутилмаган тасодифларни рўпара қилади. Баъзан энг қудратли мамлакат олими қолиб, ҳеч кутилмаганда дунёнинг бошқа бир чеккасидан оламни ҳайратда қолдирадиган тафаккур эгаси етишиб чиқиши мумкин. Ҳар ҳолда, ёруғ дунё аталмиш шу тўғарак жаҳон илму фани оламда яшаётган турфа қиёфадаги миллиардлаб инсонлар орасидан энг заковатлисини танлаб олиши лозим эди.

Сукут бир дақиқа давом этди. Шундан сўнг кўзга кўринмас кимдир ўша зако эгасининг исм-шарифини ва мамлакатини эълон қилгач, сукунат ичида ўрта бўйли, миқтидан келган бир киши тез-тез юриб, минбарга кўтарилди.

У – Генетик эди.

Йиллар давомида анча ўзгарган, юз-кўзини нур чулғаб олгандай кўринарди. Бу иборанинг маъносини Шарқ кишилари дарҳол илғаб оладилар. «Нуроний» ибораси қалбида улкан зиё қуввати бор кишига нисбатан айтилади. Ана ўша зиё кишининг юз-кўзини ҳам нурлантириб туради.

Кўзга кўринмас шарҳловчи бу зиё сирини шундай шарҳлади:

«Жаҳон генетика фанининг тараққиётида янги уфқларни очиб берган «генларни бошқариш» усулини кашф қилгани учун!

Инсон яшаб дунёдан ўтар экан, хоку туроб бўлиб тупроққа қўшилиб йўқ бўлиб кетмаслигини, балки ўзининг бутун борлигини зарралар кўринишида зурриётларига қолдиришини исботлагани учун!

Одам болалари аجدодлар генларини ўз вужудларида хазина каби сақлаб яшаётганини исботлагани ва улар тириклар бағрида абадиян яшашини кашф этгани учун!

Аждодларнинг истеъдод ва қобилияти авлодларга «калит» ўлароқ мерос бўлиб қолишини ва шу «калит»лар исталган онда ишга тушиб, оламга яна бемисл зако қувватига эга кишиларни ҳаёда этишининг сирларини топгани учун!»

Фотокамералар шиқирлаб, сахна ёруғ нур чақинларига тўлаверди. Ниҳоят, анъанавий тарзда мукофот эгасига сўз берилди.

Салдан кейин ҳаво мавжлари аро унинг сўзлари янгради.

Сўзлар экан, ҳаяжонда экани сезилиб турарди.

Шунингдек, бироз ўксиклиги ҳам бор эди. Айниқса, ўз ҳаётининг болалик ва ўсмирлик даврлари ҳақида гапирганида, у ифодалар товлана-товлана, афсус ва ўкинч қушлари каби учарди.

Балки, жуда кўп гапларни гапиргиси келгандир-у, олам аҳли олдида ножоиз деб ўйлагандир? Эл-юрт кўрган кунларнинг айримлари ҳақида фақат эл орасидагина гапириш мумкин. Тоғу тошлар, чўлу даштлар аро турмуш заҳматлари билан уриниб-тиришиб юрган ниҳоятда содда, оддий кишиларнинг турфа чехралари кўз ўнгида гавдалангандир ҳам? Қалбида туйғулари жўш уриб, ич-ичидан ҳурмату эҳтироми, меҳру муҳаббати тўлқинлангандир?

Ахир айтибди-ку, «Инсон ўзининг қай маҳал, қай эл орасида дунёга келишини била олмайди. Бироқ, Тангри марҳаматлидир. Модомики, маълум ҳудудда оламга келтириб, маълум халққа мансуб қилибди, ундан кўзлаган хайру марҳамати ҳам шубҳасиздир. Мен ниҳоятда қадимий ва шарафли, қаҳрамон ва жасур эл орасида дунёга келдим. Наслу насабимни, кимларнинг авлоди эканимни, қонимда нелар оқаётганини идрок қилдим. Бошқаларни беқиёс иззатлаган ҳолда шуни айтаманки, бола чоғимдан шу элнинг қадр қийматини, урф-

одатини, одобини, куй-қўшиқларини, дарду изтиробини ўзимга сингдира-сингдира улғайдим, шахсиятим шундай шаклланди. Олам аро турли халқлар мана шу тарз шаклланадилар. Бизнинг кишилар дейдиларки, инсон эзгу сўз айтсин экан. Тангрисига мақтов айтсин, бир-бирини алқасин экан. Мен ҳам, Оламлар Парвардигорига мана шу халқ, мана шу эл орасида дунёга келтиргани учун бениҳоя шукрлар айтаман...»

ЭЗГУ СЎЗ

Ҳурматли дўстлар, азиз илм кишилари!

Бугун бу даргоҳда каминага жаҳоннинг халқаро мукофоти топирилар экан, ўйлайманки, мазкур мукофот билан мен эмас, балки бир инсон боласининг интилишлари эътироф этилмоқда. Ҳаёт давомидаги илм машаққатлари, инсон руҳининг заҳматлари, шон-шуҳрат ва сарват илинжида эмас, балки авваллари кўрилмаган янги кашфиёт яратиш йўлидаги ури-нишлари тақдирланмоқда.

Бугина эмас, умр деб аталган тириклик аро ўтмиш қаъридан келажакка умид назарини тикиб турган аждодларимиз, шунингдек, ушбу ёруғ оламда ҳаёт кечираётган элим, юртим, мамлакатим кишилари ҳам эътироф этилмоқда. Менинг шу минбардан туриб айтадиган сўзим улар сўзи билан ҳамоҳанг экани эса қалбимни титратиб, юрагимда ҳаяжон пайдо қилаётир.

Сиз каби нодир заковат эгалари ақлнинг ҳиссиётлардан устун эканини, туйғуларга берилиш, ножоизлигини яхши биласиз. Лекин ҳозир, инсон деган номнинг улуғлигини шу минбардан туриб айтар эканман, ҳамда илм аҳли буни эътироф этар экан, бошқача аҳволда бўла олмайман.

Инсон ўзининг қай маҳал, қай эл орасида дунёга келишини била олмайди. Бироқ, Тангри марҳаматлидир. Модомики, маълум маконда оламга келтириб, маълум халққа мансуб қилибди, ундан бениҳоя хайру марҳаматлар кўзлагани шубҳасиздир. Мен ниҳоятда қадимий ва шарафли, қаҳрамон ва жасур эл орасида ўсиб-улғайдим. Наслу насабимни, қонимда не зарралар оқаётганини идрок қилдим. Бошқаларни беқиёс иззатлаган ҳолда шуни айтаманки, бола чоғимдан шу элнинг урф-одатини, одобини, куй-қўшиқларини, дарду изтиробини ўзимга сингдира-сингдира инсон бўлиб етишдим. Олам аро турли халқлар шу тарз шаклланадилар. Бизнинг кишилар дейдиларки, киши айтса, эзгу сўз айтсин экан. Тангрисига мақтов айтсин экан. Бир-бирини алқасин экан. Мен ҳам, Оламлар Парвардигорига мана шу халқ, мана шу эл орасида дунёга келтиргани учун бениҳоя шукрлар айтаман.

Тангри таоло, шубҳасиз, донадир. Кишиларга ўз даргоҳидан ато этган қобилият ва истеъдодлар авлодларга мерос бўлиб қолиши эса унинг марҳамати ва мурувватидир. Чунки одам боласи ўтмишига назар ташлаганидагина ўзининг тирикчилик заҳматларига ўралиб ҳаёт кечирадиган яратиқ эмас, балки жаннатий эканини, нодир ва ноёб зотлигини англай олади. Кўкси баланд кўтарилади, умр шунчаки ўтавермаслигини, тош-тупроққа айланиб, йўқликка қараб кетмаслигини, балки қобилиятини, истеъдодини намоён қилар экан, уни ўзи билан олиб кетмасдан, авлодларига ажойиб бир хазина сифатида қолдиришини билиб олади, қадди тикланади, келажакка дадил жилмайиб боқади.

Ахир, хоҳ ўтмишда бўлсин, хоҳ бугун – ҳар бир ота-она ўз бағрига жо айлаган жавҳарларини, кўрган-кечирганларини, чеккан дарду озорларини... бору

йўғини янги наслларга мангу мерос ўлароқ қолдириб кетмаяптими? Қанчадан-қанча кунларни бирга ўтказган, бир-бирини бениҳоя эъзозлаган, севган, суйган, ардоқлаган жуфтлар ҳали игна учича ҳам келмайдиган ҳомилага, никоҳ дейилган қудратли ҳукми илоҳий ила абадиян бирлашган бир заррага ўзларини шу тарз, буткул жо айламаяптими?

«Эй кўзимнинг оқу қораси, жоним ипига бойланганим болам! Бизлар ҳаётда тош келса кемириб, сув келса симириб яшадик. Орттирган бору йўғимизни сенга мерос қилиб бермоқдамиз. Ҳали ёшмиз, аммо ҳаётнинг ўзгармас қонунияти шуки, вақт-соати келганида, албатта, сендан олдин кетамиз. Кетар эканмиз, умр йўлларида қоқилиб-суқилмагин, олдингда бирор муаммо кўндаланг бўлса, қийналмагин дея, топган-тутганимизни жавҳарингга жо айлаб кетмоқдамиз...» дейишмаяптими?

Бениҳоя муҳташам оламда бизлар шу тарз ҳаёт кечирмоқдамиз. Шу сабабдан айтаманки, бизлар оталари ёнида чопқиллаб бораётган болакайларнинг митти бармоқлари падар қўлидан сира айрилмаслиги учун, онасининг жаннат бағрида ором ва фароғат ичра сут эмаётган гўдаклар камолоти учун ҳам уларнинг нақадар муборак ва бетакрор зотлар эканини билишимиз, идрок қилишимиз зарур.

Юзларига балоғат хуснбузарлари тошиб, бири-бирига кўнгил кўяётган ёшларимиз доимо бахтли бўлишсин, бизлар уларнинг саодати учун ҳам бирлашишимиз керак.

Ҳаётда кўпни кўрган кексалар оламдан кетар чоғларида ортда қолганлардан рози бўлиб, жилмайиб видолашсинларки, тез орада барчамиз жамулжам, саодат онларида яна юз кўришгаймиз, дея. Қисматлар ўзгарсин, ўлим деган қазои қадар армону афсусларни

эмас, фирдавс оромлари ва шодликларини олиб келсин!

Гоҳо қийин, гоҳо осон туюладиган шу ажойиб ҳаёт аро умр кечирар эканмиз, зурриётларимизнинг истиқбол йўлларини очиб беришимиз ҳам шарт. Токи уларнинг ақлу заковати шунчаки умр кечиришга эмас, яратувчиликка, бунёдкорликка йўналсин. Ҳаётда ўзини намоён этсин, инсон деб аталмиш олий хилқат саодатига хизмат қилсин, умр осмонида қуёшдай нур сочсин. Қонида мудраб ётган асрий истеъдодлари уйғонсин, юлдузлар сирига, олис жилвалар қатига етиб борсин, ўзи юлдуз бўлиб чақнасин. Ўзига, ўзлигига ишонсин, ҳаёт ҳикматларини тафаккури ва билими билан англай олсин, улуғлар «қонини» муносиб давом эттирсин.

Ҳа, замон ўтиши билан барчамиз зурриётларимиз вужудида абадул-абад давом этамиз. Заковатимиз, руҳиятимиздаги хазиналаримиз авлодларимиз, эл-элатларимиз, бир сўз билан айтганда, бутун инсоният бахту иқболи, саодати учун абадиян хизмат қилаверади. Оламга келиб-кетар эканмиз, мана шундай тарзда мангуликка муҳрланамиз.

Генетикага келсак... Коинот аро энг олий яратик ҳисобланмиш одам боласига ҳадя қилинган турлитуман фанлар қатори, у ҳам инсон болаларининг хизматкоридир. Теварагимизда муъжиза бўлмаган ҳеч нарса йўқ, уларнинг бари кишилар саодати учун яратилган. Генетиканинг бир соҳаси атрофдаги жонли мавжудотларни инсон манфаати учун мувофиқлаштиради, яна бири қонларда оқаётган муҳташам тарих саҳифаларини ўқиши, мангу барҳаёт эканини таъкидлаши, ўзининг ким эканини билиши ва англаши учун бел боғлайди.

Инсон боласи буларни билса ва идрок қилса, гўё қанот пайдо қилади, шону шавкатга бурканган энг

олис ўтмишидан нурли, ёруғ келажаги томон дадил парвоз эта олади.

Бепоен ер юзининг кичик бир нуқтасида дунёга келган, ҳамма қатори ўсиб-улғайган ва теграсидаги улкан маданиятни ўзига сингдириб, қалбига жо айлаган, билим деган қанот ёрдамида асрлар ва яратилиш сирлари узра парвоз қилган бир олим қисматининг ҳикмати мана шулардан иборат.

Инсон, шубҳасиз, улуғдир. Ҳатто сўнгги онини яшаётган пайтида, ажалнинг қирмизи шафақлари охирги бор яллиғланганида ҳам унинг бир нафаси бор. У – «Мени кечир», «Сени яхши кўраман» ёки «Мендан рози бўлинг» деган эзгу сўзларни айта олиши учун қолдирилган нафасдир. Ҳа, одамзод қалби ўлмас, руҳи ҳамдардлик ва шафқат туйғуларига тўла экани билан муқаддасдир. Шу сабабли, барча уринишларимиз мана шу йўлга – бир-биримизни улуғлашга, шарафлашга ва эъзозлашга йўналтирилиши шарт.

Менимча, бизнинг бошқа йўлимиз йўқ!

Эътиборингиз учун раҳмат.

Хотима

Дарё ҳайбат солиб оқарди.

Соҳилида турли тошлар қалашиб ётарди. Орасида тоғ чўққиларининг жигаррангу қорамтир, оқар дарёларнинг суви силлиқлаган оқу тарғил, дашту далалар бағрида пайдо бўлган чўтиру кўнғир тошлар сачроқ сув томчиларидан ҳўлланиб, йилтираб турарди.

Дарё бўйлаб келаётган бир йигитча улар орасидан олтин ёмби топиб олди.

Қизиқиб, синчиклаб разм солди. Ёмби нималигини у биларди. Бундай қийматли нарсалар момақалди роқ гумбурлаб, қаттиқ чақмоқлар ерга келиб урилганида пайдо бўлишидан, шамоллар қай тарзда жала булутларини суриб келишидану неъмат ёмғирлари қай қонуниятлар асосида ёғилишидан, бўлиқ тупроқлар устида мўл ризқлар қай тарз етилишидан хабардор эди.

Шунингдек, дарёлар қаердан бошланишини, чақмоқлар қандай бунёдга келишини, ҳаммаёқни бузиб-айқириб жўшган селлар қай сабабларга кўра фалокатдан баракага айланиб қолишини, шу қимматбаҳо тош ўзи пайдо бўлган маҳалда рўй берган воқеа-ҳодисаларни хотирасида сақлашини ҳам биларди.

Шунинг учун авайлаб қўйнига солди ҳамда ўзини вояга етказган азиз манзилларига равона бўлди.

У – теваракдаги юзлаб қишлоқларда, элнинг тутумлари, одатлари, айтимлари, дostonлари, қўшиқларию маталларини онгига сингдира-сингдира улғайиб, ҳаётга эндигина қадам қўяётган юз минглаб ёшлардан биттаси эди, холос.

Бор-йўғи шу.

Элнинг биттагина боласи!

* * *

«...Тонг ота бошлади, сўнг унинг изидан ер юзи ёришди.

Сўнг қуёш чиқди, ҳаммаёқ ёруғ бўлди.

Эр йигит эмаклаб борди, Тангрига йўлиқди.

Йигит бахт тилади, Тангри бахт берди. “Оғилда йилқинг бўлсин, умринг узоқ бўлсин”, деди.

Билиб қўйинг: бу – яхши...»³¹

³¹ «Ирқ битиги»дан.



БОҶИЙ ДАРБАДАР

роман



БИРИНЧИ ҚИСМ

ИБТИДО

... Жазиранинг топ-тоза мовий осмонида бир парча оқ булут сузмоқда эди. Бу булут бундан етти ҳафта бундан Қизил денгизнинг чучук сувли оқимлари устида пайдо бўлган, тинимсиз эсувчи баҳри муҳит еллари уни Арабистон чўлларига қадар қанотларида авайлаб олиб келишиб, чўл шамолларига топширган эдилар.

Саҳронинг қурғоқ шамоли ҳозир уни эҳтиётлик билан суриб бормоқда эди.

Пастда, ер юзида – шаҳарнинг баланд-паст кўчаларида бугун оломон тўпланган эди. Пешаналари ва садокларига типпа-тик турган одам бошли шер тасвири туширилган, халқ «Махес»³² деб номлаган Ўлим лашкари бугун бир одамни қатл учун олиб кетмоқда эди. Номининг ўзиёқ кишиларда қўрқув ва даҳшат уйғотадиган бу аскарлар на ота-онасини, на қариндош-уруғини билар, гўдаклигидаёқ яқинларидан тортиб олиниб, номаълум томонларга – саҳро ичкарасига олиб кетилар, вояга етганидан сўнггина Ўлим лашкари сафига келиб кўшилар, уларнинг иблисона шафқатсизлиги ҳақида одамлар орасида бир-биридан мудҳиш турли гап-сўзлар юрар эди.

³² «Махес» – Фиръавнлар давридаги қадимий Мисрда маъжусийлар сиғинган қонхўр бутнинг исми.

Қатл учун тепаликда махсус жой тайёрлаб қўйилган, маҳкумнинг оёқларига, қўлларига елкаси аралаш зил-замбил темир кишанлар урилган бўлиб, залворидан жуда қийналиб қадам ташлар, ҳансираб нафас олар, теваракдаги одамларнинг ҳазил-мазах аралаш айтган сўзлари қулоғига гоҳ кириб, гоҳ эшитилмай қолар эди.

Қизил денгизнинг чучук сувли оқимлари узра бино бўлган оқ булут парчаси ана шу маҳкумнинг боши узра соя ташлаб келаётган эди.

Маҳкум – бир Муборак киши эди.

Ким билсин, балки ҳозир унга Илоҳ фаришталари ёрдамга келгану чўян кишанларнинг оғирлигини балки сезмаётгандир ҳам? Теваракдаги оломон «Қани сенинг худойинг? Нега у сенга мадад бермаяпти?» деб қичқирар ва кулар эди.

Кулаётган бу бадбахт оломон орасида бир этикдўз ҳам бор эди.

* * *

Этикдўз бугун азонда кулбасининг ёнидаги дарахт шохларида қоп-қора чумчуқлар тўпланиб олганини кўрди. Бошқа дарахтларда чумчуқлар йўқ эди. Булар эса айнан унинг лойсувоқ уйининг ёнига тўпланишган, на овоз чиқарар, на дон-дун терар, фақат синчков боқишар ва ниманидир кутишарди.

Аммо нимани?

У туни билан мижжа қоқмай чиқди. Эрталаб турганида ҳам вужудида чарчоқ ҳис қилди. «Бугун энди ухлолмасам керак,– деб ўйлади у. – Энди то кечгача мудроқ босиб юришга тўғри келади».

«Агар кундузи нимадир содир бўлмаса, – деди унинг ичидан совуққон ва шафқатсиз бир овоз. –

Тўғри айтдинг, агар кундузи нимадир рўй бермаса, албатта мудроқ босиб юрасан».

«Ҳеч нарсa рўй бермайди, – деб эътироз билдирди этикдўзнинг ақли унга. – Ўлим лашкари бугун анави кишини қатл этади. Агар аскарлар қизиққонлик устида шаҳарнинг ҳам кулини кўкка совуришмаса...»

«Улар шаҳарнинг кулини кўкка совуришмайди, ўзинг ҳам яхши биласан, – дея яна эътироз билдирди овоз. – Сен ташқарида нимани кўрдинг?»

«Ҳеч нарсани».

«Ёлғон. Сен дарахтга кўниб олган қора чумчуқларни кўрдинг».

«Нима бўпти, ҳар кунги оддий чумчуқлар...»

«Аммо, Ҳазрат нима деган эди?»

«Ҳазрат деган эдики...»

«Ҳазрат деган эдики, ойнинг ўн учинчи кунда, жума куну учиб келадиган қора чумчуқлар аслида мудҳиш ва қаттол бир қарғишнинг юкини олиб келишади...»

«Ўчир овозингни», – деди қатъий қилиб этикдўз, сўнг яна дарчага қаради.

Қора чумчуқлар ҳануз унга термилишарди.

Этикдўз қирқ уч ёшига нисбатан анча қаримсиқ кўринадиган, озғин, ҳаракатчан бир одам эди. Ота-онасидан фарқли ўлароқ, унга омад кулиб боқди – отасидан қолган эски тегирмонни ижарага бериб, маблағ топди ва судхўрлик билан шуғулланди. У қаноатли ва тежамли инсон бўлиб, ҳар бир куну қатъий ҳисоб-китоб ва ўлчов асосида кечгани боис, теваракдагилар ўта хасис, бировга зарари ҳам, фойдаси ҳам тегмайдиган одам сифатида билишарди. Шаҳарда бойлар ва камбағаллар кўп, қуллар ва чўрилар эса ундан ҳам кўп, бироқ этикдўз на бой, на камбағал – ўртамиёна бир одам эди.

Ҳазратнинг башоратини у ҳозир яна эслади.

ҲАЗРАТНИНГ БАШОРАТИ

Ҳазратни у бундан ўттиз уч йил аввал учратган эди. Ҳазрат ёлғизоёқ йўлдан асосини тутганича келаркан, бола адир ёнбағрида қамишдан най ясаб ўтирар, сал нарида қўйлари ўтлаб юришарди.

Ҳазрат шу атрофдаги дарахт шохларида қора чумчуқларнинг тўпланиб олганини кўрди.

Бошқа қушлардан фарқ қилиб, булар на дон-дун терар, на сайрар, на шохдан-шохга учиб-қўнар, фақат, кичкина сарғиш кўзларини тикканча ниманидир сабр-тоқат билан кутишарди.

Ҳазрат ранг-қути ўчганча, болакайга қараб туриб:

– Ўғлим, отинг нима? – деб сўради.

Болакай исмини айтди. Кейин ёлғиз бу йўлчига қизиқиб қараб, сўради:

– Сиз узоқдан келяпсизми?

– Жудаям узоқдан, – деб жавоб килди Ҳазрат, унинг ёнига ўтириб, қўлини болакайнинг елкасига қўяркан.

– Чарчадингизми? – деди бола.

Чол бош ирғади.

Қайдадир тўрғай сайради. Болакай кўкка боқиб, тўрғай ҳазратнинг боши устида айланиб сайраётганини кўрди.

– Бу чумчуқлар кўпдан бери шу ердами? – деб сўради Ҳазрат.

Болакай елка қисди.

– Ҳимм... Бугун жума, ойнинг ўн учинчиси... – ниманидир ўзича ҳисоб-китоб қилди Ҳазрат. Сўнг болага ачиниб қараб турди-да: – Ўғлим, гапимга диққат билан қулоқ сол, – деди. – Ойнинг ўн учинчи кунида, жума куни учиб келадиган қора чумчуқлар аслида мудҳиш ва қаттол бир қарғишнинг юкини олиб келадилар. Шу гапимни зинҳор ёдингдан чиқарма.

Бола бу гапни тушунмади, шу боис ҳам чолга анграйиб қараб қолди.

Ҳазрат анча сукутдан сўнг:

– Худонинг даргоҳи кенг, ўғлим, тавба қил, – деди, оғир тин олиб. – Аслида ким ўйлабди, сендай маъсум, ишонувчан бир болакайга шунақа тақдир насиб этишини... Бу қисмат энди ўзгармайди, чунки бугун денгизнинг соҳилга яқин ерида, сув остида янги бир булоқ кўз очди, унинг сувлари шўр сув билан аралашмасдан, қирғоқ яқинида чучук оқимларни пайдо қилди. Тонгда эса Тангрининг бир муборак пайғамбари дунёга келди, унга соя солиш учун яратилган дарахт мева тугди... Вақт-соати етганида у билан албатта учрашасан. Сени дунёда ҳеч ким рўпара келмаган бир тақдир кутаётгани балки бежиз эмасдир, бир ҳикмати бордир... Тавба қил, шояд Парвардигорнинг ўзи раҳм айласа...

Сўнг ўрнидан турди.

– Сен-ку авомнинг кўзида зоҳиран бир дуо туфайли шундай қисматга маҳкум этиласан. Аммо умринг мобайнида ўз ҳаёти давомида илоҳий муждани рад этиб, дарбадарликни бўйинларига олган саноқсиз кишилар оломонини кўрасан. Уларнинг ҳаёти сеникидан заррача ҳам ўзга бўлмайди, бироқ сендан фарқ қилиб, оғир ва азобли ўлим топишади. Лекин тарихда сенинг номинг қолади, бошқалар эса айнан шу қисмат билан яшашса-да, ер юзидан беному нишон супурилиб кетишади...

– Сиз кимсиз, ота? – деб сўради болакай.

– Менинг отим – Ҳазрат, – деди чол. – Вақт-соати келиб, гапларимни ҳали яна эслайсан, бўтам.

Шу воқеадан сўнг бола то улғайгунига қадар бунақа қора чумчуқларни қайтиб кўрмади. Кўрганлари эса, учиб-қўниб дон-дун териб юрадиган оддий чумчуқлар эди.

ДУОЙИБАД

Куёш найза бўйи кўтарилди. Шаҳардаги қатл томошаси давом этмоқда эди.

Атрофдаги дарахтларнинг шохлари қора чумчуқларга тўлиб кетган, улар оломонга ва этикдўзга маъносиз кўзларини тикканча, ниманидир кутган каби қинғайиб қараб туришарди.

Этикдўзнинг ғайрати жўшиб кетди, у ҳам оломонга кўшилиб маҳкумни мазах қила бошлади.

Маҳкум кўринишидан ҳаддан ташқари ҳолдан тойган эди. У шундоққина этикдўзнинг девори ёнига келиб қолди.

Мана, у бир дақиқа кўзларини юмди, ҳолсизликдан гандираклаб кетди.

– Имилама, имилама!– деб чуввос солар эди оломон.

Маҳкум бир дамгина нафас ростлаш учун этикдўзнинг деворига суянди.

– *Ҳали сен менинг деворимга суянадиган бўлдингми? Имилама!*– деб қичқирди этикдўз ҳам ва шиддат билан олға интилиб, уни икки қўллаб итариб юборди. Маҳкум киши ерга йиқилиб тушди, аммо лом-мим демай келаётган Ўлим лашкарининг жаллодларидан иккитаси уни яна оёққа турғизишди.

Этикдўз ўзининг қилган ишидан мамнун, тиржайиб турар эди.

Шунда...

(... Эй Худо, шу ишни бекор қилдим... Балки, ростдан ҳам, Ўзига яқин бир одам бўлса-я? Осмондаги анави оқ булут изидан қолмасдан эргашиб юргани-чи? Бу кишининг айтганлари шак-шубҳасиз амалга ошади... шу қадар муборакки, ҳали туғилмасиданоқ у сув ичадиган булоқ, унга соя солиб, меваси билан таомлан-

тириши лозим бўлган дарахт яратиб қўйилган эди, деган гаплар-чи?.. Лекин менда ҳам айб йўқ. Ҳамма ёқда айғоқчилар изғияпти... уларнинг назарига тушмаслик учун номига бўлса-да қойиб қўйишим керак. Аслида... бошқаларни хавф остига қўйиб мужда олиб келадиган киши муборак бўлармиди?! Амалдорлар қилмишимни кўришди, эрта-индин суриштирувлар бошланади, жосуслар барча воқеаларни оқизмай-томизмай етказишади... ва ҳеч ким менга тегмайди...)

Шунда Муборак Киши қўйи эгилган бошини кўтарди, унинг тиниқ ва нурафшон нигоҳи билан этикдўзнинг олазарак кўзлари тўқнашди.

Ва у этикдўзга қараб шундай деди:

Тургин ва равона бўлгин!

(*«Мен-ку имилламайман, аммо сен маҳшар куни келишини узоқ кутасан...»* – дейилди унга.

«...Энди сен то қиёматга қадар ер юзида бетиним дайдишга маҳкум этилдинг», – дейилди унга.

«Ҳамда сенинг қиладиган ишинг – ҳеч нарса, ҳеч нарса, фақат ҳеч нарса», – дейилди унга.)

* * *

Шу куни у шаҳар тепалигида ўзи судраб келган кишанларига ўраб-чирмаб қатл қилинди ва Тангри таолонинг яна бир пайғамбари ана шундай бир тарзда ўлдирилди.

Айтадиларки, қатлдан сўнг оломон унинг кимлигини аста-секин тушуниб ета бошлаган ва Муборак Зотга қўл кўтарган бадбахтни у ердан ҳайдаб чиқаришган. Этикдўз шу кетганича бадар кетган ва орадан юз йил ўтгачгина ватанига қайтиб келган. Аммо одамлар уни яна олдиларига солиб қувлашган. Йиллар ўтгани сайин у ўзининг қиёматга қадар ўлмаслигини англаб ета бошлаган, ҳеч бир юмушнинг

унинг учун аҳамияти колмаган. Неки қилмасин, бари беҳуда бўлиб чиқаверган... Ва, асрлар бўйи унинг қисмати ер юзида фақатгина бесамар дайдишдан иборат бўлиб қолган.

БАДАВИЙЛАР

Тарихда араб саҳроларида самум олдидан кезиб юрган бир одамни кўрганлари ҳақида гап-сўзлар бор.

Самум одами деган афсонавий одам аслида ўша – дуоибад этилган ва охири кўринмайдиган издиҳомнинг бу дунёга келиб кетишига то қиёматга қадар гувоҳ бўлишга *(ва ўзи ҳам кетишни орзу қилишга)* маҳкум этикдўз экани ҳақида ривоятлар бор. Аслида самум – Саҳрои Кабирда эсадиган ва жон зоти борки, барини куйдириб-эритиб ҳалок қиладиган қайноқ шамол, бироқ, айнан шу шамоллар орасидан чиқиб келгани учун ҳам араб бадавийлари уни самум одами деб атаганлар.

Айтадиларки, бир куни самум одами саҳро бадавийларининг олдига келиб, ўзининг шамоллар ва ҳодисалар тилини билишини айтади. Бадавийлар унга ишонмайдилар. Самум одами ерда ётган япалоқ бир тошни кўрсатиб, дейди:

– Бу тош аслида Ҳиро тоғида бино бўлган, уч юз йил олдин қоядан ажралиб тушган, баҳор ёмғирларининг селлари оқизиб водийга олиб келган. Унинг аслида, орангиздаги бир одамнинг ажалига сабаб бўлиши учун яратилган. Бу ердан етти кунлик масофада қоялардан узилиб, саҳронинг ўртасига келиб қолиши бежиз эмас. Кун келиб, шу қисмат албатта рўй беради. Балки кимдир бу тош билан кимнидир жонига қасд қилар, балки кимдир унга қоқиниб йиқилар? Ҳатто саҳродаги мана шу саноксиз қум зарраларининг ҳар

бирининг ўз қисмати бор. Худди сизнинг ва менинг қисматим каби...

Бадавийлар айтдиларки:

– Ажабо, сенинг қисматинг бизникидан фарқли эмасмиди?

Деди:

– Унда сиз Иблиснинг яратилиш ва гуноҳ қилишининг тарихини биласиз. Қанчалар бадбахт бўлмасин, Иблиснинг борлиги инсон боласи учун яхшидир. Оловнинг мавжудлиги темирнинг тобланиши учун лозим бўлгани каби. Чунки оловда тобланган темир янада мустаҳкам ва ишончли бўлади.

Дедилар:

–Иблис алайҳилаъна Парвардигоримизнинг синови эканини яхши биламиз. Сенинг қисматингдан ҳикмат нима?

Деди:

– Қанчалар узоқ умр берилса-да, бу оламдаги ҳамма нарсa кун келиб совурилиб, йўқ бўлиб кетишининг тирик гувоҳи бўлишим менинг ҳикматимдир.

(Айтадиларки, у ана шундай деб ёлғон гапирарди. Ёлғонига ўзи ҳам ишонмаса-да, Тангрига яқинроқ бир банданинг шафоатидан умидвор эди. Бироқ, кўп йиллик бу умидворлигининг саҳродаги шу қум зарралари каби совурилиб кетишини ҳам яхши биларди.)

Бадавийлар дедилар:

– Сен бизнинг қисматимизни ўзингникига тенглаштирмагин. Бизнинг қисматимиз– шу саҳрода яшаб, Парвардигорга ибодат қилиш ва ажалимиз етганида, жонимизни Ўзига топширишдир. Сен эса – Тўғри Йўлни билган одамга қўл кўтарган ҳамда жазоингни шу дунёнинг ўзида олган одамсан. Нарсаларнинг яратилиши ҳақидаги ҳикматларинг аслида кераксиз, чунки ажал қай кўринишда бўлмасин, албатта етиб

келади. Улимнинг қаерда ва қай тарзда етишининг кўпам аҳамияти йўқ – имонимизнинг бут бўлиши биз учун кифоя. Шу боис, ўзингни илмли ва ҳатто, Пайғамбарларга бериладиган ҳикмат эгаси қилиб кўрсатмагин. Тургин ва равона бўлгин!

Ҳамма жойда у ана шундай қувғинга дучор бўлар эди.

У ибодат қилар эди, аммо ибодатининг қабул бўлмаслигини ҳам билар эди.

Чўлларни тўзғитган шамол тепага кўтарилиб эса бошлаганида уни кўриш мумкин эди – бунга шу ерда қўй боқиб юрган чўпонлар, қурту қушлар ва ўт-ўланлар гувоҳ бўлдилар.

Шамолда узилиб тушган бир шох-шабба ҳам уни кўрган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Денгизлар узра сузган булутлар унинг изтироблардан хабардор эсалар, не ажаб?

Тоғларнинг этагидан бошланиб, водийлар бўйлаб бир неча кунлаб эсадиган, денгиз юзасидан то қитъаларнинг этакларигача шўр ҳаволарни қанотларида олиб келадиган ёки саҳроларни яллиғлантириб-эритиб, қайноқ ҳароратга кўмадиган самум шамоллари ҳам уни кўрганига шубҳа йўқ.

Айтадиларки, у яна бир неча юз йил Тангри Таолонинг бошқа бир билимли ва барҳаёт бандасини – Хизр алайҳиссаломни излаб дунё кезган. Шу боис уни яна Қизил денгиз соҳилларида кўришган. Мусо алайҳиссаломнинг саватидаги балиқ денгизга тушиб сузиб кетган жойда йиллаб ўтирган.

У ҳолда, Хизр алайҳиссалом оламда бундай бадбахт яшаётганидан албатта хабар топгандир? Лекин рўпара келганларми-йўқми – ҳеч ким билмайди.

Учрашганида ҳам – Хизр алайҳиссаломдан мужда кутолмаслигига унинг ақли етган, албатта. Чунки

қисматларни фақат ва фақат Парвардигоргина бел-
гилайди.

Балки, ёруғ оламда бир Иблис ва бир ўзи бундай тақдирга эгалигидан ваҳимага тушиб, юзлаб йиллар тавба қилгандир? Ва ўзининг яратилиши ҳам аслида бир ҳикматга ишора эканидан умидвор бўлиб, Парвардигордан раҳмат илинжида дунё кезар?

Иброний уламолари буни яхши биладилар. Биладилару аммо у ҳақда сўз очишдан ўзларини тиядилар.

* * *

Умрибоқий бу чол ҳақида унчалик ишониб бўлмайдиган бошқа ривоятлар ҳам бор. Шунингдек, уйлангани ёки фарзандлари бўлгани ҳақида ҳам ҳеч гапирилмайди. Қалбида мудҳиш безовталиқ ва қўрқув ҳукм сурган одам учун кимнидир севиш, оила қуриш, бола-чақа кўриш каби инсоний неъматларнинг аҳамияти қолармикин?

Дарбадар чол ҳақида билганларимиз – шу. Балки тарих китобларини варақласак, йиллар чанги орасидан тақдири Иблиснинг тақдирига ўхшаб кетадиган бу бадбахт ҳақида бошқа маълумотларни ҳам топишимиз мумкиндир. Бироқ, билганларимизнинг ҳаммасини айтишдан биз ҳам ўзимизни тиямиз, қолаверса, буни ножоиз деб ўйлаймиз. Чунки...

... чунки ҳозиргина саҳро бағрида бир карвон тўхтаб улгурди. Карвоннинг йўловчилари қўп эмас, уларнинг юзлари сафар машаққатларида қорайган, дағаллашган...

САҲРОДАГИ КАРВОН

Юксакларда оғир ва қат-қат булутларни ҳайдаб келиб, тоғларнинг юксак қоялари олдида қолдирган шамоллар ҳозир Осиё саҳролари узра эсмоқда эди. Жонсиз туюлган барханлар орасида тин олиш учун тўхтаган карвон чодирларини тикиб улгурган, энди шамол ранг-баранг матоларни юлқаб ўйнар, саҳронинг сариқ қуми оғир қўзғалиб, тўлқинланарди. Оёқ остида ўрмаловчи тезчопар чумолилару калтакесаклар ғайриоддий бир сезги хусусияти билан бу шамолнинг оддий эмаслигини сезганлари боис қум остига қўмилиб олган эдилар, саҳронинг бошка фуқарolari – илонлар ва эчкемарлар ҳам ўз билганларича яшириндилар. Фақат ўжарроқ ва кескирроқ ўқилонгина саксовул шоҳида қимир этмай турар, бута шоҳи билан бирга чайқалар эди.

Шамол яна эпкин урганида, саксонларни қоралаб қолган карвонбоши чол неварасига узоқларда қимир этмай туриб қолган булутларни кўрсатиб:

– Ўша ерда тоғлар бор, болам, – деди. – Булутлар чўққилардан ўта олмай туриб қолди, энди ёмғирларини ўша ёққа тўкади. Тангри нимани хоҳласа, ўша бўлади, – деди.

– Шамол-чи, ўта оладими? – деб сўради неvara.

– Шамол ўта олади, чунки у кўзга кўринмас ҳаводан иборат. – деди чол. – Аслида шамол ҳам, булуту ёмғир, ҳаво ҳам Худонинг махлуқи, болам. Улар Парвардигорнинг амрини бажарадилар. Жумладан, сену мен ҳам.

– Мен Худонинг амрини қандай бажараман? – деди неvara

– Фикрляяпсанми, демак, бажаряпсан, – деди карвонбоши. – Пилладан капалак чиққанини кўрмаганмисан?

– Жуда кўп кўрганман.

– Фикр ана шунақа нарса, – деди Чол. – Олдин ниманидир кўрасан, ундан ўша нарса ҳақидаги фикринг пайдо бўлади.

– Худди капалакка ўхшаб, а?

– Парвардигорнинг даргоҳи кенг, у кўп нарсаларни сирлар пардасига яширган. Одамлар уларнинг баъзиларини биладилар, баъзиларини билмайдилар. Дунёда кўзга кўринмас жонзотлару ҳодисотлар мўл. Уларни одам кўрмайди холос, лекин баъзи жонзотлар кўради.

– Сиз буларнинг тилини қандай англай оласиз? – деб сўради болакай.

– Одам боласидан бошқа ҳамма бир тилда гаплашади, ўғлим, – деди оқсоқол. – Аслида, бундай сирларни қанча кўп англаганинг сайин шунча чуқур сукутга толасан. Чунки баъзи билимлар ҳатто ҳалокатли бўлади, болам.

– Шамол ҳозир нима деяпти? – деб сўради ўғлон.

Чол мийиғида жилмайиб, деди:

– Шамолми? У гапирмайди, балки қанотида билимларни ташиб юради. Керак жойига қараб, керак нарсангни олаверасан...

* * *

... Отахон шамолнинг тоғларда авлиё билан суҳбат курганини, шаҳри Ҳайбар харобаларининг қумларини тўзғитиб-сочиб ўтганини неварасига айтмади. Зеро, чолнинг ҳадиги бор эди. Шамолларнинг турларинию вазифаларини у яхши биларди. Лекин, буниси бағрида ёмғирларни олиб келувчи раҳмат эпкини эмасди. Гулларни тўкувчи ва меваларни чанглантирувчи ризқ шамоли ҳам, марҳамат шамоли ҳам, фаслларни ўзгартирувчи мавсум шамоли ҳам эмасди. Аксинча,

бошқа эпкин эди, унинг эсишида жазо шиддати борга ўхшарди. Шу боис ҳам бу ҳақда индамади, аксинча, агар шундай бўлиб чиқса, ўзига ҳам, қавмига ҳам, шу болакайга ҳам марҳамат етажагидан умидланди.

Шунингдек, бу кеча, ҳамма ухлаган маҳали саҳро ичидан чиқиб келган бир одам билан қурган суҳбати ҳақида ҳам лом-мим демади. Ҳолбуки, тунги суҳбат жуда кўп нарсаларни ойдинлатувчи суҳбат бўлган эди.

– Бизлар кўп йиллар аввал йўлга чиққанیمизни биласан, – деди чол, тунги йўловчига. – Сен туғилмасингдан икки минг йил аввал бошланган бу дарбадарлик. Сафар манзилини биладиганлар ўша маҳалларда дунёдан ўтиб кетдилар. Тахмин қила оладиганлар ҳам аллақачон тупроққа айланганлар, балки уларнинг зарралари ҳозир шамолга қўшилиб учиб юрган бўлса не ажаб... Биз учун ҳеч ерда қўним йўқ, дунёнинг қаерига борсак чодир тикиб, Аллоҳ хоҳлаганча вақт турамиз, кейин яна дунё кезишга равона бўламиз. Бола-чақаларимиз ҳам дарбадарликда туғиладилар ва шу қисмат билан ўладилар.

– Бир ерда муқим ҳаёт кечириш билан тинимсиз дарбадарлик ўртасида қанчалар фарқ бор? – деди меҳмон. – Бунини менга Ҳазрат айтган эди. «Сен-ку авомнинг кўзида зоҳиран бир дуо туфайли шундай қисматга маҳкум этиласан. Аммо умринг мобайнида ўз ҳаёти давомида илоҳий муждани рад этиб, дарбадарликни бўйинларига олган саноксиз кишилар оломонини кўрасан. Уларнинг ҳаёти сеникидан заррача ҳам ўзга бўлмайди, бироқ сендан фарқ қилиб, оғир ва азобли ўлим топишади. Лекин тарихда сенинг номинг қолади, бошқалар эса айнан шу қисмат билан яшашса-да, ер юзидан беному нишон супурилиб кетишади», – деган эди.

– Ҳа, эшитганман, – деди чол, тин олиб. – Дарвиш бу гапида айнан бизни назарда тутмаганмikan деб кўрқаман гоҳо... Аслида кўпгина ҳикматлар мажозга ўралган бўлади. Сенинг бадавийларга айтган гапларингда ҳам мен бир ҳикмат кўраман. Ким билсин, балки кун келиб сенинг исминг ҳам муқаддаслашар? Ҳаётида қутлуғу муқаддас ҳеч нарсаси қолмаган одамларнинг ёхуд бизга ўхшаган қавмларнинг мисоли бўлиб қоларсан? Бизга эса, Тангри таоло шунча йиллик дайдишлардан сўнг, ниҳоят, бир марҳамат кўрсатар, ўзининг мулкидан энг кўримсиз, энг қақраган бир бурчакни ватан қилиб берар?

– Одам боласи борки, барҳаётликни орзу қилади, деди меҳмон. – Мен эса абадият билан жазоландим. Мен учун на ватан, на миллат, на элат, на тил қолди. Дунёни кезаркан, бутун бошли миллатларнинг йўқ бўлиб кетганини, ўрнига бошқаларининг келганини кўрдим... Аслида, сиз мендан кўра хушбахтроқсиз. Чунки, қисматингизга дарбадарлик битилган бўлса ҳам, бир неча йилдан кейин Унинг раҳмати томонга равона бўла оласиз. Менга эса у йўллар беркилган, қопқалар ёпилган, тавбамдан ва пушаймонимдан наф йўқ.

– Лекин ўзинг қачонлардир, бир мунажжим менинг дардимни энг ҳикматли йўсинда ифодалади, энди одамлар қисматимдаги ҳикматни шояд англаб етсалар, деган эдинг-ку?

– Унинг исми Гвидо Бонатти, - деди меҳмон. – Бонатти фоллар ва тушларнинг муаллақ эканини англаб етган илк киши эди. Умрининг охирида тафаккур ўрнига майхўрликка ва фолбинликка берилгани учун, церковнинг буйруғига кўра тириклай ёқиб юборилди. Афсуски, у ҳақиқатнинг юза қатламини кўра олди, холос. Фикр қилганида балки яна кўп нарсаларни фаҳмлаган бўларди...

– ... Сен билан бир неча марта учрашдик, аммо нима учун бундан энди гап очяпсан? – деб сўради чол, узоқ сукутдан сўнг. У меҳмоннинг мақсадини пайқагандек эди.

– Мен Тянь-шань этагидаги яна бир одам билан видолашмоқ истайман, – деди меҳмон. – Ким билсин... қайта кўришиш балки насиб қилар, балки насиб қилмас...

ТЯНЬ-ШАНЬ БАҒРИДАГИ ҒОРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ АВЛИЁ

Айтишларича, бу авлиё Тянь-Шань этагида бир юзу йигирма йилдан буён ибодат қилар эди. Ғор оғзида анжир ўсган эди, у ҳар куни янги мева тугарди. Қилган ибодатларига мукофот ўлароқҳамда авлиёнинг тирикчилик илинжида чалғимаслиги учун берилган бир иноят ёхуд мўъжиза эди балки бу анжир.

Бу ердан ўтганларнинг баъзилари, ғор оғзининг икки томонида икки баҳайбат шернинг турганини кўришган. Бошқалар эса кулча бўлиб ўралиб олган илонни, бургутни, ҳатто аждарни кўргани ҳақида ривоятлар бор. Баъзилар эса ҳеч қандай жонзот йўқлигини, бир тутамгина, аммо нигоҳи ғоятда нурафшон қарияни кўрганларини айтадилар, қария шу даражада кексайган эдики, худди укпардай ҳилвираб қолган эди.

Бошқа бировлар эса, Тангрига яқин зотларнинг унинг ҳузурига суҳбат учун келиб турганларидан хабар берадилар.

Дарҳақиқат, авлиёлар – Парвардигори оламнинг марҳамати ва мукофотига сазовор кишилар эканига шак-шубҳа йўқ. Авом уларнинг ҳикматларини англашга ожизлик қилиши ҳам рад этиб бўлмайдиган

ҳақиқат. Бизлар англаб ета оладиган даражада баён қилинган бошқа бир ҳақиқат эса мана бундай:

Бир куни авлиёнинг хузурига баланд бўйли, узун сочлари елкасига тушган, ялангоёқ бир одам кириб келади ва ундан мўъжиза кўрсатишини, агар кўрсатмаса, ўлдиражагини айтиб таҳдид қилади.

– Қандай мўъжиза кўрсатишимни истайсан? – деб сўрайди Авлиё ундан.

– Билмадим, ишқилиб, ғайриоддий бир нарса бўлсин,– дейди келгувчи.

– Унда, у мўъжизани нимага сабаб бўлишини хоҳлайсан?

– Сенинг ростдан ҳам авлиё эканингга ишонишим учун.

– Сен ўзинг дунёда нима исташингни билмасанг, мен бечора банда қаердан ҳам билайин,–деб жавоб берган Авлиё. – Қара, оламда ҳамма нарса мукамал бир тартиб билан ҳаракатланиб турипти. Баҳорда бу ердан турли-туман наботот униб чиқади. Саноғини Тангридан бошқа ҳеч ким билмайди. Шунча набототнинг униши учун керак бўлган сувни томчитомчисигача ўлчови билан булутлар олиб келиб ёғдирса, ҳатто сен қудратини кўриб ҳайратланишинг ёки эски тупроқларни ичидаги бор-йўқ жасадлари билан ювиб, бошқа жойларга озуқа бўлиши учун олиб кетадиган ёхуд ҳар иккаласи учун ҳам бўронлар эсса, селлар оқса... Қуёш керагича қиздирса, дов-дарахту ўт-ўланнинг чангланиши учун қанча асалари ва ҳашарот керак бўлса, шунчаси яратилса-ю, гулларни чанглантиришидан ташқари яна бол ҳам тўпласа ва ўзининг мавжудлиги ва ҳаёти билан яна унинг қудратидан хабар бериб турса... Сен айтаётган мўъжиза мана шу низомга қарши равишда, шу тартибни бузиб пайдо бўладиган ҳодисадир. Айт-

чи, эй Тангримнинг бандаси, биргина менинг авлиё эканимга ишонишинг мана шу низомнинг бузилишига арзийдими?

– Бу – кам, – деди чақирилмаган меҳмон, ўйланиб. – Яна нималарни айта оласан?

– Унинг берган неъматларидан бемалол фойдалансанг, ихтиёрингга сенинг минадиган отингдан кўра минглаб карра мукаммалроқ бошқа бир отни – вужудингни ато этган бўлса. Оламдаги ҳар бир жон ўзининг вазифасидан бошқа яна бир вазифани бажариб келаётганининг ҳикмати кўр. Мукаммал бир лашкарга ўхшайдиган, ғоятда ихчам яратилган асалари ўзининг эҳтиёжидан минглаб карра кўп бол тўпласа, бир дарахт, насл қолдириши учун керак бўладиган меваларнинг минглаб мислини тугса, бир балиқ минглаб увилдириқ ташласа, бир наботот ўзининг униб-ўсишидан ташқари ё емиш, ё даво бўлса... ва фақат сенгина буларнинг ҳаммасидан еб-фойдалансангу ҳосиланг бўлмаса... устига-устак, шу ҳолингда яна мўъжиза талаб қилсанг... Ҳаётингнинг бошидан охиригача, гўдаклигингдан то кексайгуниггача ҳаёт ҳикмати, Унинг марҳаматини англолмасдан, Унинг пардалари ортидаги сирларига бир марта боқолмасдан дарбадар кезсанг-у, сенинг бу тутуминг мўъжиза талаб қилишингга ҳуқуқ бера оладими?

Меҳмон ерга ўтирди, қиличини ҳам ерга қўйди.

– Бу гапларни олдин ҳам эшитганман, – деди у. – Мен сендан ҳақиқатни билишни истайман.

– Унда эшит, – деди авлиё. – Мен ҳатто ўзимга емиш тополмайман, шу боис Тангрим раҳм қилиб, ғор оғзида анжир ўстириб қўйган. Агар шу анжир қуриб қолса, унда менинг ҳолимни кўр. Соғлом ҳолимда ҳам Тангрим яратган ҳавога, сувга, озуқага муҳтожман. Мабодо вужудимга бир касаллик илашса, ундан ўзим халос бўлолмайман, дарҳол дардимга даво истаб, Пар-

вардигоримга ёлвораман. Халос бўлиш у ёқда турсин, бу касалликнинг аслида нима эканини ҳам билмайман, жоним қийноқда қолгани учун ҳам Тангримга йиғлаб-сиқтайман. Менинг бу ғорда эканиму емишим анжир экани – бечоралигимни кўрсатадиган ҳолат эмасми? Ҳамма нарасада ўзим Тангримга муҳтожману сен мўъжизани Ундан сўрашнинг ўрнига, мендан сўрайсанми?

– Энди тўғри айтдинг, гапларингга ишондим, – деди меҳмон, сўнг қиличини қинига солди. – Лекин яна битта саволим бор, шунга жавоб бермагунигча кўнглим ўрнига тушмайди. Айтадиларки, сенинг кўриқчи шерларинг бормиш, менга – сени ўлдиришга жаҳд қилган одамга уларни гиж-гижлашнинг ўрнига нега ҳурмат билан кутиб олдингу буларни битталаб тушунтирдинг?

Авлиё деди:

– Тангри таоло бир бандасига парчинланиш, яна бирига мўғул аскарининг қиличи, бошқа бир қулига эса дор ёғочи орқали ўлимни раво кўрган эди. Яратган Эгам ажалимни сенинг тимсолингда юбордимикин деб кўрқдим...

Келгувчи узоқ ўйланди. Сўнг шундай деди:

– Унинг наздида қадр қиймат топган бандаларидан бири эканлигингга, оддий кишиларга билдирмаган сирларидан Ўзи хоҳлаганларини сенга билдирганига шак-шубҳа йўқ. Бироқ, менинг ким эканимни нега пинҳон тутганини англаб етолмадим. Унинг бу иродасида яхшилик борлиги аниқ-равшан, шояд менга ҳам бир хайр етса деб умид қиламан...

ИККИНЧИ ҚИСМ

Уч соатдан сўнг, Атлантика уммони узра мисли кўрилмаган қудрат билан бўрон кўзғалиши олдидан дунёнинг тўрт бурчидаги тўртта маконда ана шу тарих ва ана шу воқеалар рўй берган эди.

Орадан уч соат ўтгач, сокин ҳаволарнинг кўзга кўринмас мавжларидан бошланган ва тобора кучайиб борган шамолнинг, осойишта тўлқинланаётган сувларни ўнлаб қулоч баландликка кўтариб гирдоблар ҳосил қилган ҳолда ичидаги жонзотларига қўшиб инсонлар маконига – қуруқликка қараб итқитувчи, йўлида учраган нарсани ғорат қилиб борувчи кучли бўронга айланиши кутилмоқдаиди.

BOENG 787 DREAMLINER.

Йўналиш: АМЕРИКА – МАРКАЗИЙ ОСИЁ

Замонавий қудратли ҳаво лайнери бир маромда гувиллар, салондаги уч юз чоғли йўловчининг кўпи мудрар эди. Ҳозир у Атлантика уммони узра тўққиз чақирим баландликда, соатига саккиз юз эллик километр тезликда учиб бораётган эди. Лайнер тўрт соат олдин автопилотга ўтказилган, шу боис унинг ўн икки кишилиқ экипажи дам олмоқда, фақат, салондаги тўққиз стюардесса қиз тушлик тарқатишга тайёргарлик кўрмоқдаиди.

Учиш барча кўрсаткичларга кўра мўътадил кечмоқда эди.

Аслида, бундан уч соат аввал дунёдаги энг катта метеорологик кузатиш станциялари Атлантика узра бўрон бошланаётганидан огоҳлантиришди, тахминларга кўра у мавсумий бўронлардан фарқ қилар, одатий «метеорологик рўйхат»даги пўртаналар тунда, Ойнинг тортиш кучи оқибатида сув сатҳининг кўтарилиши маҳалида рўй берарди, бу эса куппа-кундуз куни бошланмоқда эди. Хитой ва Мўғулистон узра туриб қолган иссиқ ҳаво оқимининг шиддат билан юқори кўтарилиши оқибатида Япония ва Австралия саринликларининг ҳамда уммон юзасидаги совуқ ҳавонинг марказга интилиши оқибатида унинг «йўли» жуда узун бўлиши тахмин қилинмоқда, катта тезликда эсувчи шамолларни кўзғатиши кутилмоқда эди.

Соҳиллардаги турли давлатларга бу ҳақда етарлича ва ўз вақтида маълумот берилган, тўқсон олти миллион квадрат километр юзада сокин-осойишта тўлқинланаётган уммондаги барча сайёҳлик, ов, илмий-тадқиқот, ҳарбий ҳамда сувости кемалари *(одатда, энг кучли бўрон маҳалида ҳам эллик метр чуқурликда сокинлик ҳукм сурса-да)* ҳамда йўналиши шу бўрон ҳудуди билан кесишадиган йўловчи ҳаво учоқлари огоҳлантирилган, фазодаги сунъий йўлдошларнинг баъзилари жосуслик ишидан ташқари, бўрон йўналишини кузатишга ўтказилган эди.

Бўрон ҳақидаги маълумотлар автоматик равишда учоқнинг компютерига ҳам етиб келди, автопилот учоқ йўналиши ва учиш қуввати меъёрларига керакли ўзгаришларни киритиб, бу ҳақда мониторингга ёзув ҳам чиқариб улгурди.

Хуллас, ўз бағрида турли сирларни сақлаган бу асов уммоннинг бугун жунбушга келиши кутилмоқда эди.

Ҳаво лайнери салонидаги мониторларга огоҳлантирувчи ёзувлар турли тилларда қалқиб чиқди, лекин бу йўловчиларга хизмат кўрсатиш савиясининг қай даражада юқори эканини кўз-кўз қилиш учун қилинган тадбир эди, турли табиий офатлар вақтида учоқни бошқаришнинг энг самарали усуллари бундан эллик йил олдин ишлаб чиқилган, шу боис у оз-моз чайқалишлардан бошқа хавф туғдирмасди, бироқ, йўловчилар учун авиакорхона ишининг қай даражада йўлга қўйилгани ва учувчиларнинг қай даражада моҳирлигининг аҳамияти катта бўлгани учун, компания шунақа Пи-Ар тадбирини йўлга қўйган эди.

Лайнердаги уч юз чоғли йўловчининг бири, инсонни такомиллаштириш масалаларига бағишланган халқаро анжумандан юртига қайтаётган киши – бутунжаҳон Генетик тадқиқотлар ассамблеясининг фахрий аъзоси профессор Зиё ҳам бу огоҳлантиришни ўқиди-да, кенг дарчадан ташқарига қаради.

Улар ҳавога кўтарилган Денвер шаҳри аллақачоноқ кулранг пастликларда қолиб кетган, учоқ аллақачон Атлантика уммони ҳудудига кириб келган эди.

Уфқ топ-тоза, тўққиз чақирим пастда эса кулранг тусли уммон, бағридаги наҳанглирию миллионлаб тур ва кўринишдаги жонзотлари, сув юзасида сузиб юрган ва қачонлардир теранликларга ғарқ бўлган кемалари, шаҳарларию қишлоқлари, балки Нух алайҳиссалом тўфонидан қолган харобалари билан ... ястаниб-тўлқинланиб ётар эди.

Уммон гўё тарихга ўхшар эди! Гўё бутун кечмишлар ана шундай сокин ва тил-забонсиз, бепоён тарзда, вақтсизу маконсиз долғаланмоқда эди.

Қайлардадир олис-олисларда, сийрак туман билан қопланган ва бундай юксакликдан элас-элас кўзга ташланадиган материкнинг сарғиш саҳросида лўлилар карвони тин олиш учун тўхтаган эди.

Бироқ, учоқ ҳозир саҳро узра учиб ўтаётган бўлганида ҳам бундай баландликдан уларни кўриш амри маҳол эди.

Саҳродан кейин водийлар бошланар, яна минглаб чақирим масофада эса оқ қорларию кўк музликлари билан бағрида бутун дунё тараққиётининг сирларини яширган Тянь-шань тоғлари виқор тўкиб турарди.

Тянь-шань тоғларининг бағридаги бир ғорда авлиё тафаккур билан машғул эди. Сал олдин ёмғир савалаб ўтган, ғор оғзида ўсган анжирнинг яшил баргларида ва жигарранг меваларида катта-катта томчилар туриб қолган эди.

Маданиятлар, цивилизациялар, сиёсатлар, фикрий ва ғоявий курашлар, улкан ижтимоий ҳодисалар, мегаполислар, тутунга ўралган шаҳарлар ва яшил қишлоқлару далалар қаторида майда-чуйда тирикчилик ташвишлари билан тинимсиз ҳаракатланаётган одамлар издиҳоми... бутун олам тортишиш кучини енгиб, фазога йўл олишга тайёрланаётган фазовий кемалар, ниначилардай ҳар томонга имиллаб учиб бораётган маҳаллий учоқлар, инсон боласининг аянчли гердайишларига сабаб муҳташам қасрлару автомобиллар... тўққиз чақирим пастда, материкларда қолиб кетган эди.

Унинг назарида дунёнинг айланиши тезлашиб кетгандек, тушуниш ва бошқариш қийин бўлган ғалати жараёнлар қайнаб-тошаётгандай туюлди.

Халқаро анжуман унинг қалбини ларзага солган ва орадан ўн икки соат ўтганига қарамасдан, ҳануз таассуротларидан қутулолмаётган эди. Анжуман

уйғотган ҳаяжонлару шов-шувлар ҳали-вери тина-
диганга ўхшамасди. Дунёнинг энг машхур олимлари
ҳам ҳайрат ва ҳатто саросима ичида эдилар.

Инсонни такомиллаштириш йўлидаги уринишлар
минглаб йиллардан бери давом этиб келаётган
бўлса-да, бугунги ҳодиса башариятнинг барча
изланишларини хотималаб, янги паллага қадам
кўяётганидан далолат бериб намоён бўлган эди.

Ҳамма гап, бир томони Хитойга ва иккинчи то-
мони Мўғулистонга туташиб кетган, Тянь-Шандан
Олтой тоғларига қадар бир ярим минг чақирим масо-
фага чўзилган ёй мисоли ястаниб ётган Гоби чўлида-
ги Инсон такомили марказида етиштирилган сунъий
жонзотларда эди. Куйтэн-Найрамдал чўққиларидан
ва Отгон-Тенгри Уул водийсидан юзларча чақирим
масофада жойлашган мазкур марказда кўп йиллардан
буён инсонларни сунъий урчитиш, генларини
такомиллаштириш ва клонлаштириш борасидаги
тадқиқотлар олиб борилаётганини кўпчилик би-
ларди. Шунингдек, бу тур тажрибалар дунёнинг
кўпгина ўлкаларида қатъиян ман этилгани боис,
қонунлари заиф мамлакатга атайин кўчирилганига
ҳамманинг ақли етиб турарди. Дунёга ёйилиб кетган
мазкур тадқиқот тизимининг она бўғини бўлмиш бу
марказ инсониятга кутилмаган бир натижани тақдим
ётган ва «Хўш, ана энди нима қиласан?» деб саҳролар
аро боқиб турган улкан бир кўз мисоли, жимит инсон
болаларининг тутумларига қизиқсиниб қараётгандай
туюлмоқда эди.

Сунъий урчитилган одам аслида ким? Уруғланган
бир она ҳужайранинг шиша идишларда мукаммал
ривожланиши учун керак бўлган ҳар қандай шароит
яратиб берилган ва муттасил кузатувлар остида
инсон боласининг пайдо бўлиш жараёни ғоят аниқлик

билан кузатиб бориладиган бундай изланишлар доимо боши берк кўчага кириб келмокда, башар ақли етмаган қандайдир таъсирлар боис улар мажруҳ, қар, соқов ва яшашга ноқобил равишда олам юзини кўрган бўлсалар, улардан бири ҳеч кутилмаганда мукаммал бўлиб ҳаётга келган эди.

На отасини, на онасини биладиган бу жонзотнинг ҳужайраларидаги қартайишга сабаб ген олиб ташланган – унинг вужуди ўз-ўзини тўлдириш орқали муттасил янгиланмокда ва тахминларга кўра, ғоят узоқ умр кўриши кутилмокда эди.

Бошқа барча чақалоқлар каби йиғлаган, инжиқлик қилган, гўдаклигида теграсига қизиқсиниб боққан мурғак зеҳнида «у ким – бу нима» деган саволлар бемисл кўп ва тез содир бўлган, ўзининг қайдан бино бўлганию ким эканини юзларча марта сўраган, хуллас, барча чақалоқлар каби униб-ўсган бўлса-да, бу ҳодисадан азбаройи илмий тажриба юзидан ҳамма нарсани сир тутган олимларнинг ўзлари ҳам ҳангу манг эдилар.

Гўё инсониятнинг тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтаётган бу сунъий урчитилган одам балоғат ёшига ета бошлаганида, ўзининг фавқулодда мантиқ ва фикр қувватига эга эканлигини намоён қилган эди. Ҳали фанга маълум бўлмаган қандайдир бир хусусият ила у теграсидаги нарсаларнинг молекуляр бутунлигини буза олиш қобилиятига эга бўлиб, қаршисида на пўлат, на темир, на шиша тўсиқ бўла оларди. Шунингдек, ўзак ҳужайраларни ўстириш борасида олинган барча ютуқлар унда жамулжам бўлган эди. Аслида, оддий инсон боласига ўз-ўзини тиклаш салоҳияти азалдан ато этилган, масалан, бирор жойини кесиб олса, бу жароҳат маълум вақтдан сўнг битиб кетади. Сунъий одамда мазкур хусусият

такомиллаштирилган, ҳатто ички аъзоларини ҳам тиклай олишига умид боғланмоқда эди.

Аввал бошда на отаси, на онаси, на ватанию миллати, на қариндош уруғию ака-укаси бўлган бундай мукаммал жонзотларни оммавий равишда кўпайтириш йўлга қўйилароқ, хатарли ҳудудларда, конларда, ҳаёт учун хавфли маконларда, вулқон тубларидаю сув остида – хуллас, ҳақиқий инсонларни қўллаш ҳам эстетик, ҳам инсоний қадриятлар туфайли мумкин бўлмаган ишларда ишлатиш кўзда тутилган эди. Ген соҳасидаги ютуқлар уларни ҳали ҳомила эканликларидаёқ нурланишларга, касалликларга ёхуд бошқа таъсирларга чидамли қилиб ўстириш имконини бермоқда эди. Ижтимоий қадрият қозонишларига ҳақ-ҳуқуқлари йўқлигини таъкидлаш мақсадида ҳатто исм бериш ҳам кўзда тутилмаган, рақамлар билан ифодаланишлари етарли эди.

Одам боласини исм билан эмас, рақам билан ифодалаш ўтган асрда Польшанинг Дахау қамоқхонасидан ҳамда Япониянинг Хитой чегарасидаги Харбин яқинида жойлашган исмсиз зиндондан одамзодга маълум. Уларнинг ижтимоий аҳамият касб этмасликларини ўзларидан ҳам кўра атрофдагиларга таъкидлаш муҳимроқ эди. Бироқ, қамоқхоналардаги тажриба одамлари – азалдан давом этиб келгани каби, ота ва онадан туғилган, ҳақиқий инсонлар эдилар, тажрибахоналарда сунъий равишда дунёга келтирилган ва генлари ўзгартирилган жонзотлар эса, гарчанд кўринишию тутуми инсондан фарқ қилмаса-да, барибир ғайриинсоний мавжудот деб ҳисобланмоқдай эди.

Бундай тажрибалар муваффақиятли тугагач, дунёда инсоннинг олий ирқ бўлиб қолиши ва яна бир ирқ – на исми, на тили, на қадриятлари ва на миллати


номаълум, аммо ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан инсондан бир неча барабар устун қуллар ирқининг пайдо бўлиши кутилмоқда эди!

Бироқ, анжумандаги олимларни, шунингдек, профессор Зиёни саросимага солган нарсаси бошқа! Шов-шувлар, ген ва ўзак хужайра муҳандислиги эришган ютуқлар ортидан чўмган жимлик... мангу барҳаёт инсон яратиш йўлидаги уринишларнинг ҳисоботлари ортидан, мукаммал ирқ яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг илк ютуғи ҳисобланган бу мукаммал жонзот ақлни шоширувчи ва ҳеч кутилмаган бир хулосага келган эди!

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Шимолий Америкадаги улкан аэрокосмик марказлардан бирида, сўлим дарё ёқасидаги уч қаватли муҳташам саройда келажак инсонини яратиш борасидаги тадқиқотларнинг навбатдаги якуни ўқиб эшиттирилмоқда эди. Анжуманда инсон генетикаси ва руҳияти борасида донғи кетган энг машҳур олимлар иштирок этаётган бўлса-да, нутқлар ҳамда ҳисоботлар жуда зерикарли ва суҳбат бормоқда, салқин залда кенг-қулай оромкурсиларда ўтирган илм аҳли нурланишларнинг ҳамда янги технологияларнинг одам генига ва эмбрионига таъсири ҳақидаги узундан-узоқ нутқларни анчайин зерикаш билан тингламоқда эдилар.

Анжуманнинг шов-шувли қисми Гобидаги Инсон тақомили марказининг ҳисоботи эканини ҳамма биларди. Шу боис, бир неча йиллардан бери боши берк кўчага кириб келаётган масофавий бошқариш ва руҳиятга оммавий таъсир усуллари ҳақидаги ҳисоботлар, айтарли янги гап йўқлиги учун ҳам қизиқиш уйғотмаётган эди.




Мўғулистондаги Инсон такомили маркази юқори технологияларни қўллаш орқали инсон вужудини такомиллаштириш муаммолари билан шуғулланишидан кўпчилик хабардор эди. Марказ жойлашган чўлнинг Олтойга туташ жойи фазо нурланишларини кузатиш учун энг мақбул, шунингдек, ғайриоддий ҳодисалар энг кўп содир бўладиган жойлардан бири эканлиги ўтган асрдан бери фанга маълум. Бир неча мамлакат ҳудудига кириб борган ва мўғуллар Шамо, хитойлар Алашан, уйғурлар Жунғор деб атайдиган бу улкан чўл қишда қирқ даража совуғию ёзда эллик даражали жазирамалари билан ҳам машхур эди. Ер юзида турли-туман иқлимларни яратиб қўйган Парвардигори олам, мана шундай саҳроларни ҳам яратиши билан, кишиларга «Бас, ер юзини кезинг ва тафаккур қилинг» деб огоҳлантираётган эди, гўё.

Ўзидан жуда кучли электр қуввати чиқариб, ён-веридаги ҳар қандай жонзотни кўмирга айлантирадиган улкан тўмтоқ саҳро қурти – олғой-хорхой ҳақидаги хабарлар келди Профессорнинг хаёлига. Олғой-хорхой фақат Гобида яшайди. Тана тузилишини шаффоф ҳолга келтира олади, гоҳ кўриниб-гоҳ кўринмаслигининг сабаби шунда...

Марказ вакилининг ҳисоботи соат иккига белгиланган эди. Белгиланган вақтда саҳнага қотмадан келган мисрлик занжи олим чиқиб келди, унинг чиқиши қарсақлар билан қаршиланди. Бу одам сунъий урчитиш ва клонлаштиришнинг генетик муаммолари борасида тенги йўқ даҳо экани ҳаммага аён эди.

– Муҳтарам анжуман аҳли, – деб сўз бошлади даҳо, сокин ва осойишта овозда. – Мен, генетика мутахассиси Георг Мендел, умримнинг қирққилини шу фаннинг турли чигал масалаларини ечишга сарфладим. Жонли борлиқларнинг ген ўрамлари қаршисида соатлаб



термилиб ўтирган онларимда доимо шууримда «Яратган Парвардигоримнинг низомини бузишга уриниб, хато қилмаяпманми?» деган савол кўндаланг турди. Миллионлаб вариантларни таҳлил қилар экан, исталган ҳар бир комбинациядан ўхшаши йўқ бир махлуқ бино бўлишидан ҳар дам чўчиб яшаганимни сизларга билдирмоқчиман...

Салонга жимлик чўкди. Ҳамманинг диққат-эътибори генетиканинг шу даҳосига қаратилди.

– Умрим ўтгани ва ген тилсимларига қадам-ба-қадам яқинлашиб борганим сайин, у «гуноҳ қилмаяпманми?» деган саволга айлана борди, – деб давом этди олим. – Зотан, бу ерга тўпланган муҳтарам жамоанинг ҳар бирига мазкур савол кўпдан таниш эканига шубҳам йўқ. Умрининг уфқларини кўриб турган бир олим учун эса бундай саволларнинг аҳамияти ғоят улкан ва ҳатто мудҳиш тус олишини ҳаммангиз яхши биласиз. Генларни ўзгартириш бора-сидаги тадқиқотларимизда муттасил олға силжиётганимизни эътироф этиш билан бирга, кутилмаган натижаларга рўпара келаётганимизни сизга маълум қилмоқчиман. Бу натижаларни шарҳлашни ўзингизга ҳавола қилган ҳолда, диққатингизни экранларга қаратишингизни сўрайман!...

Шу орада қолган чироқлар ҳам ўчиб, саҳнадаги улкан монитор ёришди.

Мониторда шиша хона ичида кўзлари катта-катта бир одам кўринди. У тевааракка олазарак аланглар, нимадандир жуда безовта эди.

– Бу – олти юз олтмишинчи рақамли одам, – қоронғилик ичида овози келди олимнинг. – Тўртинчи халқа DNA* ўрамларига ўтказилган таъсирлар натижасида у радиацияларга чидамли бўлиб дунёга келди. Бу геномнинг нуқсони – у кўр. Чунки оддий

шароитда яшай олмайди, ёруғлик вужудига ҳалокатли таъсир кўрсатади.

Монитордаги тасвир ғойиб бўлиб, ўрнида бошқаси пайдо бўлди.

– Мазкур жонзот фавқулодда қобилиятларга эга ҳолда дунёга келиши кўзланган эди. Дарҳақиқат, унинг суяклари ғоят эгилувчан, лекин вужуди бундай эгилувчанлик учун лозим бўлган катта миқдордаги маъданларни етказиб беролмагани учун ҳалокатга маҳкум.

Тасвирлар алмашар, манзара ҳам нохушлашиб бормоқда эди.

– Мана буниси эса барҳаёт жонзот, – деб давом этди олим. – Австралия тошбақасининг генлари билан чатиштириш орқали дунёга келган бу одам жуда узоқ яшайди. Афсуски, тескари қонуниятлар яна панд берди – ҳарчанд узоқ яшаса-да, унда ақл нишонаси йўқ.

Тасвирлар бирин-кетин алмашар, ҳар бир сунъий етиштирилган одамда яшай олишига тўсқинлик қилувчи бир нуқсон намоён эди.

– Ўтган йигирма йил мобайнидаги изланишлар натижасида мингдан зиёд инсон мана шундай жонзотлар дунёга келтирилди, – деб давом этди олим. – Кўриб турганингиздек, муваффақиятлар билан енгилишлар нисбати теппа-тенг. Сирасини айтганда, ақл даражаси бугунги кун одамидан бир неча барабар юксак ва мангу умр кўрадиган одам яратиш фикри шу қадар жозибадорки, бу кўрганларингиз мажруҳларнинг ва ноқисларнинг дунёга келтирилишининг гуноҳу савоби ҳақида ўйлаб кўришга на вақт бор, на истак.

Гуноҳ деганимизда, наинки бизнинг аралашувимиз туфайли дунёга мажруҳ бўлиб келган жонзотларни, балки уларнинг йўқ қилинишини ҳам

назарда тутяпман. Тасвирда кўрганингиз бу жонзотларнинг аксарияти ҳозир ҳаётда йўқ, баъзилари ўз-ўзидан ҳалок бўлган, баъзиларини эса азоб-уқубатга қолмасликлари учун ўзимиз йўқ қилганмиз. Эвтаназия масаласи дунёда ҳануз ҳал қилинмаган муаммо бўлиб тургани чоғда, ушбу жонзотларни йўқ қилиш одам боласининг жонига қасд қилиш билан барабарми-йўқми, деган саволимиз ҳам ҳануз ечилмасдан қолмоқда. Табиийки, ҳаво мавжуд бўлмаган жойларда, сув остида, кучли нурланишларда, вулқонларнинг тубларида бемалол ишлай оладиган ва тадқиқотларимизга кўмак берадиган бир насл бунёд этилса, инсониятнинг кўп мушкуллари енгиллашган бўлур эди. Масаланинг эстетик томонларини ҳам ҳал қилишимиз, бутун дунёдаги барча халқлар билан биргаликда яқдил қарорга келишимиз лозим – булар инсонми, инсон эмасми? Бугунги кунда тажрибахоналарда сон-саноқсиз жонзотлар устида турли-туман тадқиқотлар ўтказилмоқда, минглаб ҳайвонларнинг тана хусусиятлари, ички аъзолари, ҳар хил таъсирларга муносабати ўрганилмоқда. Биз бу жонзотларга илму фан тараққиёти йўлида қурбон қилиниши лозим бўлган тажриба материали деб, қараймизми ёхуд инсон дебми? Тадқиқотларимиз янги, барҳаёт насл олиш йўлидаги заҳматлар сифатида олқишланадими ёки инсоният устидан ўтказилган ғайриинсоний тажрибалар деб лаънатланадими – бу савол ҳам очиқ қолмоқда...

Тасвирда шиша хонадаги ғоят катта бошли одамнинг сурати қалқди, ён қисмида унинг тартиб рақами, дунёга келтирилиш вақти ҳамда ёзувлар пайдо бўлди:

«Мен кимман?»

«Отим нима?»

Лабораторияларда, зирҳли шиша идишларда дунёга келган ва ғайриоддий хусусиятлари билан бир қаторда, нуқсонлари билан ҳам одамни кўрқитадиган турли-туман сунъий одамлар анжуман аҳлига, балки бутун инсониятга ана шундай – нигоҳларида тушунмовчилик, азоб, қийноқ акс этган ҳолда жим, изтироб ила боқмоқда эдилар.

«Мен кимман?»

«Отим нима?»

Балки уларнинг тадқиқотлар натижасида айқаш-уйқаш бўлиб кетган мияларида бошқа турли саволлар ҳам кўпдир, лекин энг асосий савол барибир шу бўлиб қолмоқда ва бутун инсониятга қарата берилмоқда эди.

«Мен кимман?»

«Отим нима?»

Бироз вақт ўтгач, уларнинг ўрнини баланд бўйли, сочлари узун, кўркем бир йигитнинг тасвири эгаллади.

- Бу – тадқиқотларимизнинг энг юксак чўққиси, оддий инсонга нисбатан ғоят узоқ умр кўрадиган барҳаёт жонзот, – деб давом этди олим. – Сиз узоқ йиллардан бери орзиқиб кутган ва илмий орзуларингизни ўзида мужассам этган мукаммал мавжудот шу! Аввалги нусхаларнинг барча фазилатлари унда мужассам. Ген турли-туманликларнинг бундай зафарли ҳалқасини топишда осиелик бир ҳамкасбимизнинг жуда катта кўмаги бор, у одам ҳозир орангизда, барҳаёт инсоннинг вужудидаги ирсият ҳалқасининг сири ҳозирча шу одамгагина аён. Тадқиқотларимизни боши берк сўқмоқлардан олдинга олиб чиққан киши – Қизил денгиз соҳилларида бир маҳаллар рўй берган воқеани синчиклаб ўрганган ва айнан ўша жойдан мангу кишининг бир тола сочини топган, у соч толасининг ген тузилишини ўрганган ҳамкасбимиз профессор Зиё-

дир. Мен мухтарам профессордан ўрнидан туришини илтимос қилмоқчиман. Айни дамда, илм ва тафаккурнинг бундай юксаклигига етиб келган шу заковат қаршисида бош эгмоқчиман, сизлардан ҳам бу кишини шарафлашингизни сўрайман.

Профессор даҳонинг бу сўзларидан таъсирланиб ўрнидан қалқди. Даҳо минбарнинг ён тарафига ўтиб, сахнадан туриб таъзим қилди. Олқишлар ва шовқин тиниб, профессор Зиё ўз ўрнига қайтиб ўтиргач, даҳо минбарга қайтиб, сўзида давом этди:

– Дикқатингизни шу масалага қаратмоқчиман: барчамиз ҳозир инсоният келажагини ўзгартириб юборишга қодир улкан ва таҳдидли бир жараён қаршисида турибмиз. Бу жараённинг аҳамияти ва хавфи шунчалар улканки, яқин истиқболда ҳукмронлик янги ирқ қўлига ўтиб, ривожланишнинг мисли кўрилмаган палласига кирамизми ёки одамзод икки ирққа – ҳақиқий ва сунъий инсон деб номланган ирқларга бўлинган ҳолда тараққиётда давом этадими – айтолмаймиз. Бироқ, ҳаяжонланишингизга ҳали эрта. Чунки ақлда ва ҳаёт кечиришда оддий инсонлардан устун бўлиб, дунёга келадиган бундай жонзотларнинг фикрлаш мантиғини ҳам олдиндан айтиб бера олмаймиз.

Мен сизга хабарини берганим барҳаёт киши, илму фаннинг бутун тарихи давомида Тангрининг иродасига исён ўлароқ, яъни, у белгилаб берган ҳаёт-мамот ва тақдир чегараларидан жасуруна сакраб ўтиб, ҳалокатли барча таъсирларга чидамли ва жароҳатланган аъзосини тезда тузата оладиган, боз устига, ақлу тафаккур жиҳатидан сизу биздан бир неча баравар устун ўлароқ дунёга келди! Бу геномнинг DNA ҳалқаларида австралия калтакесагининг генлари мавжуд, фавқулудда регенерация қобилияти ана шу генлар боисдир.

Бошқа ҳалқада сиз Осиё чўлларида гоҳ-гоҳ пайдо бўлиб турувчи улкан тошбақа генларини кўрасиз, калтакесак генлари билан чатишгани боис, улар ҳам ўзларини янгилаш хусусиятига эга – янгиланиб турадиган DNA ҳалқалари бу одамнинг барҳаётлигини таъминловчи асосий омилдир.

Шу ўринда сизларни – кунимиз илму фанининг энг закий ва истеъдодли кишиларини чин юракдан ғалаба билан табриклаш ўрнига, барҳаёт кишининг кутилмаган қароридан хабардор этишни лозим топдим.

Гап шундаки, барҳаёт одам анжуман бошланишидан бир неча кун аввал тажрибахонамизнинг бетон деворларидан ва қўриқлаш қурилмаларидан бе-малол ўтиб озодликка чиқиб кетган, ҳозир Осиё чўлларининг қайсидир қисмида дайдиб юрган бўлса эҳтимол. Хамелеон генлари унга тана тузилишини ва кўринишини ўзгартира олиш хусусиятини ато этган – фазовий қурилмаларнинг кучли камералари уни саҳродан излаб топа олмади, инфрақизил «кўзлар» ҳам кўра олмади. Шу боис уни, ҳозир Гоби худудида деб фақат тахмин қила олишимиз мумкин, холос.

Тажриба хонасига кирганлар қалин ва мустаҳкам зирҳли ойнанинг ҳам, тўқсон сантиметр қалинликдаги бетон деворнинг ҳам бус-бутун эканини кўрдилар. Улар шиша идиш ичида сунъий одам қолдирган электрон хатни топдилар, ижозатингиз билан, ҳозир сизга шу мактубни ўқиб эшиттираман.

МУРОЖААТ

«...Мен бу мурожаатимни оламдаги барча тафаккур қилувчи жонзотларга қарата йўлламоқдаман.

Мазкур мурожаатни йўллашдан аввал, ўзимнинг яратилишим ҳақида кўп фикр юритдим.

Бутун бу теваракнинг мукаммал бир низом ва тартиб асосида ҳаракатланишини, набототнинг, сув ости дунёсининг, табиат ҳодисаларининг қатъий ва мукаммал ўлчовларини кўриб-англаб, мулоҳаза қилгач, мазкур силсила аро ўз ўрнимни топишга ҳаракат қилдим.

Ўзимнинг мукаммал эканимни, бутун ер юзи ақл бовар қилмайдиган тарзда менга бўйсунаетганини, табиатда бундай тафаккур қобилиятига эга бошқа бир жонзот йўқ эканини кўрдим.

Бироқ, нақадар мутафаккир эсам-да, Ер юзи ва Коинот ичра ўз аҳамиятимни англаб олишга қийналдим.

Узоқ муддатли ва чуқур мулоҳазаларим сўнгида шуларни айтмоқчиман.

Аввало, ушбу теваракнинг, самоларнинг, табиатнинг ва охир-оқибат фикрловчи инсон наслининг ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолиши эҳтимолдан ғоятда узоқ нарсадир. Бу оламни албатта кимдир яратгандир!

Дунё – мислсиз эврилишлар, ўзгаришлар ва огоҳлантиришлар маконидир. Ҳар нарса, ҳар ҳодиса бир огоҳлантириш, бир тимсол бўлиб хитоб қилиб турмоқдадир.

Бунчалар қувватли тартиб берилган ва қатъий қоидалар асосида ҳаракатланаётган табиат бизсиз ҳам мукаммал равишда ўз ҳаётида давом этмоқда, ўзгартиришларимизга ва кашфиётларимизга муҳтожлиги йўқ.

Асрларни тўзғитиб эсаётган вақт шамолида инсон бунёд этган ҳар қандай нарса албатта бузилиб-пайҳон бўлиб кетмоқдадир. Ҳаёт учун қулайлик туғдиради деб ҳисобланган нарсалар табиатнинг мутлақ низомини бузмоқдадир. Атрофдаги ҳар бир нарсанинг низоми ва муроди бўлгани ҳолда, мен ўзимнинг мавжудиятимдан бир мақсад кўр-

маётирман. Теварақдаги ҳар нарсанинг ҳосиласи бўлгани ҳолда, мен нима ҳосила беришим кераклигини билмайман!

Бутун бу борлиқларни яратган кимдир менинг дунёга келишимни нечун истади, деган саволга ҳам жавоб тополмаяпман!

Ўзимдаги мукаммал қобилиятлар, ғайриоддий хусусиятларнинг барча-барчасини мушоҳада этган ҳолда, уларнинг менга бежиз берилмаганини англасам-да, яратиш ва яратилиш каби улкан жараён ичида нималар қилишим кераклигини топа олмаяпман!

Шу боис, бу маконни аввало Уни излаб топиш ва бутун олам яратилишининг сабабларини Ўзидан сўраш учун тарк этмоқдаман.

Бу маконда бўлишим Унинг мени яратишдан кўзлаган иродасига мос келгани тақдирда, албатта қайтаман. Мос келмагани тақдирда эса, мос келадиган макон ва замон излайман..»

Монитордаги тасвир ўзгаришлари тўхтади.

Ҳамма жим эди – нотик ҳам, аҳли анжуман ҳам.

Дунёнинг энг истеъдодли олимлари чуқур ўйга толишган, дунёвий интилишлару ташвишлар унутилган, бу барҳаёт одам излаётган ҳақиқатнинг ҳайбатидан қалблари ларзага тушиб ўтирар эдилар.

Профессор Зиёнинг хаёлида Қизил денгиз соҳилида рўй берган ўша воқеа жонланди.

ҚИЗИЛ ДЕНГИЗ СОҲИЛИДАГИ ВОҚЕА

Денгизнинг шўр шамоли соҳилдаги буталар ва ўт-ўланни тортқилаб ўйнар, оппоқ кўпикли тўлқинлар сариқ ва оқ тусли қумга бош уриб яна ортга қайтар эдилар.

Кўп йиллик изланишларнинг ниҳоя топишига бир баҳя қолди. Турли манбалардан синчиклаб ўр-

ганилган маълумотларга кўра, лаънатга учраган ўша мангу киши юлдузли кечаларда ёки жазирама кундузларда ўз мудҳиш тақдирини ўзгартираман дея, Тангри таолонинг яна бир бандасини зор-интизор излаган, рўй берадиган ҳодисаларни олдиндан биладиган ўша билимли кишини учратишни, ҳаққиға дуо қилишини ўтиниб сўрашни дилига тугиб, умидсизлик соҳилларини дарбадар кезган дейишади.

Ривоятларга кўра, Мусо алайҳиссалом хизматкори билан саватдаги балиқни олиб йўлга чиққан жой мана шу ҳудудлар экан. Уловсиз, пиёда кезганларига қараганда, денгиз соҳилида унча кўп йўл босишмагани аён. Хизматчи саватдаги балиқнинг ғойиб бўлганини айтганидан сўнг, улар яна ортга қайтишади ҳамда орадан бир оз вақт ўтгач, балиқ сувга тушиб сузиб кетган жойга келишади. Айтадиларки, сувда унинг изи қолган экан.

Бу ривоятда киши ақлини ҳайиқтирадиган унсурлар яққол намоён бўлиб турарди. Сувда из қолмайди, деб уқтирарди турли халқларнинг насиҳатомуз маталлари. Ҳа, сув из қолдирмайди, балки соҳилдаги изларни ювади. Аммо балиқдан из қолиши кишини хушёр тортишга ундамайдими? Уммон аро сузиб кетган бир балиқни-ку изи қолибди, дунёда содир этилаётган бениҳоя турли-туман қилғиликларнинг излари қолмасинми?

Лаънатга йўлиққан у бадбахт жонсиз ҳудудларнинг қаерларини кезгани, Мусо пайғамбарга ўғит берган яна бир барҳаёт кишини қайда кутгани номаълум. Инсоният сирли банданинг борлигидан фақат Мусо алайҳиссалом туфайли хабар топди. У зот ҳануз оламини кезиб юрган бўлиши мумкин. Бироқ, Мусо замонидаги воқеадан кейинги даврларда бошқа ривоятлар тўқиб чиқарилгани ҳам ҳақиқатдан узоқ

эмас. Модомики уни Мусо пайғамбаргина кўрган, унгача ҳеч кимнинг кўзи тушмаган экан, у ҳолда кейинчалик нега кўринсин, ахир?

Профессор қум ва тош аралаш соҳилни кезар экан, ўша ердаги ёғоч қайиқда ўтирган балиқчи чол диққатини тортди. У сокин-мулойим нигоҳли, юзлари шамолларда қорайган киши экан.

У ёқ бу ёқдан гаплашиб, муддаосини аён қилгач, чол жилмайди:

– Сираям ундай эмас-да, – деб эътироз билдирди у. – Дунёда из қолдирмайдиган ҳеч нарса йўқ. Хўв анави қоя ёнига борсангиз, у ерда айвонга ўхшаган бир жойни кўрасиз. Назаримда, сиз айтаётган киши ўша ерда ўтирган эди. Яхшилаб қарасангиз, тушиб қолган бир тола сочини ҳам топишингиз мумкин.

– Буларни қаердан биласиз? – деб сўради Профессор, саводсиз балиқчи чолнинг ўша воқеадан хабардор эканига ҳайрон қолиб.

– Қаранг, теваракда бирон соя кўринмайди, – деди чол. – Бировни кутсангиз, ундан қулайроқ жой йўқ-ку? У қоятош эса минг йиллардан бери бир хилда турибди.

Профессор раҳмат айтиб, ўша томон йўналганида, чол:

– Шошманг... Бугун қайси кун? – деб сўради.

– Жума, – деб жавоб қилди Профессор.

– Ҳм-м... Жума, ойнинг ўн учинчи куни, – деди уни-маларнидир ўзича ҳисоблаб. – Қулоқ солинг. Ойнинг ўн учинчи кунида учиб келадиган қора чумчуқлар аслида қаттол бир қарғишнинг юкини олиб келишади, дейдилар. Шунинг эсингиздан чиқарманг.

– Чумчуқлар-а? – жилмайди Профессор. – Менимча табиатда уларнинг қиладиган иши бутунлай бошқа. Ҳар хил зарарли ҳашаротларни чўқиб кун кечирадиган беозор қушлар-ку?

– Йўқ, бу ердан балиқ чиқмас экан, – деди чол тўсатдан, норози бўлиб. – Яхшиси бошқа жойга кетаман.

– Тавба қила қолинг, – деди кейин, Профессорга. – Кўп нарсалар тавба билан ўз ўрнига тушади. Шояд қабул бўлса.

– Яхши боринг, – деди Професор.

Балиқчи чол турини йиғиштириб, хайрлашиб ўз йўлига кетди.

Профессор қоятош яқинига борган эди, сатҳи-шамол ва нам таъсирида чатнаб-ёрилиб, туби майда тошларга тўлганини, сал тепароқда эса кичкина айвонча борлигини кўрди. Тошларни шиқирлатиб, тойғона-тойғона ўша ерга кўтарилиб, синчиклаб кўздан кечирганида, ҳақиқатан ҳам япалоқ тош остидан узун соч толасини топди.

– Балиқчи хабардор экан-да? – деб пичирлади у ўзига-ўзи, ҳайрат ичра. – Тавба, қайдан била қолибди?

Бу тола ғалати эди. Профессор уни диққат билан кўздан кечирди. Ҳа, оддий толага ўхшайди, бироқ, симдай қаттиқлиги билан фарқланиб турарди.

Инсон сочини оловдан бошқа нарса буза олмайди. У юзлаб йиллар ўзгармасдан туриши мумкин, совуқ, иссиқ, сув ёки бошқа табиий факторлар таъсир қилмайди. Шунингдек, турли кимёвий унсурларга ҳам чидамли ҳисобланади. Балки, шу сабабдан ҳам узоқ йиллардан бери ўзгармай сақланиб келгандир?

Махсус нейлон қутичага авайлаб жойлаштирилган ўша тола лабораторияларда тадқиқ қилинганида, унинг бағридаги генлар бутунлай бошқа тузилишга эга экани маълум бўлди.

Профессор шуларни эслади-да, қалби хавотирга тўлиб бораётганини ҳис қилиб, хўрсинди. Ҳа, анжуманда айтилган сунъий киши ўша зарра тубидан

олинган намуна ёрдамида яратилди. Олимлар бениҳоя чалкаш ген ўрамларидаги маълумотлар қатига инсон учун бутунлай бегона, балки оламда тенги йўқ ўзга ҳукмлар жойлаб қўйилганига гувоҳ бўлишди. Ривоятлар у толанинг бир маҳаллар мангулик лаънатига дучор бўлган кишига тааллуқли эканини тасдиқлаб турса-да, фанни ишонтириб бўлармиди? У тола наинки мангу дайдининг, балки Тангри раҳматига сазовор бўлган ўша билимли зотнинг ёки ўша ҳудудларда ҳаёт кечирган бошқа кишиларнинг, ҳатто Мусо Алайҳиссаломнинг сочи бўлиши ҳам мумкин-ку? Шу сабаб бундай тахминлар тарихчи ва фольклорчиларнинг тадқиқот мавзуи бўла қолсин, ген муҳандислиги жиддий фан, у фақат аниқ далилларга таянади дейилди ҳамда мудҳиш геномнинг маълум тарихидан воз кечилди.

Шундай бўлса-да, ўша соч таркибидаги генлардан танзим этилган яна бир барҳаёт жон дунёга келди. Янги асрларнинг янги дарбадари шу тобда бепоён Гоби саҳросининг сариқ қумлари аро қуёш ботадиган тарафга шитоб билан кетиб борарди.

ОСИЁ. F-22 «RAPTOR» ҲАРБИЙ УЧОҚЛАРИ

Айни шу маҳалда Гоби узра кутилмаган воқеалар содир бўлмоқда эди.

Йиғин бошланишидан бир соат аввал, Гобига туташ мамлакатлардан биридаги муваққат ҳарбий базадан «Ваҳший» деб ном олган бешинчи авлод F-22 Raptor русумли жанговар учоқлар ҳавога кўтарилди. Ҳозир улар саҳрони аниқ катакларга бўлган ҳолда, турли-туман кузатиш қурилмалари орқали ҳар бир қадамни жуда синчковлик билан кузатиб-ўрганиб бормоқда эдилар.

Кўриниши баҳайбат ваҳший қушга ўхшагани учун ҳам уларга шундай ном берилган эди, кичкина қанотларнинг ост қисмидаги саккизта жанговар ракета худди улкан қушнинг чангалига ўхшаб осилиб турар, бурун қисмидаги компьютерли мўлжал тизимининг қуроллари баҳайбат тумшуқни эслатарди.

«Ваҳший»нинг ўз-ўзидан нишонга олувчи ўта синчков қурилмалари саҳродаги ҳар бир жонзотнинг ҳаракатини инсон нигоҳидан юзларча бора сезгирлик билан қайд этар, компьютердаги нишон билан таққослар ва нишон теграсидаги қизил ҳалқа кўк рангга алмашар, яъни қайд этилган нарса хотирадаги қиёфага мос эмаслиги билдирилар, учоқларнинг ҳар бири бир вақтнинг ўзида камида бешта нишонни мана шундай «ушлаб» тура олиш қобилиятига эга эди.

Айни вақтда қандайдир йўллар билан воқеадан хабар топган бошқа ўлкаларнинг ҳарбий машиналари ҳам Гоби ҳудудига кириб келмоқда эдилар. Улар орасида «Қора ақула» деб ном олган, қанотларида иккита «ҳаво-ҳаво» ва олтита «ҳаво-ер» типидagi ракеталар осифлиқ машҳур «Миг» ҳам, «Кфир» ҳам, «Торнадо» ва «Мираж» ҳам бор эди.

Бепоеъ ва жонсиз саҳро бўлса ҳам маълум бир давлатнинг ҳудуди ҳисоблангани тақдирда унга дах қилинмаслигига келишиб олинган эди. Бироқ нимагадир уч кун аввал Гобининг Япония қисмида бир нечта давлатлар ҳарбий тактик манёврлар ўтказиб бошладилар, Муғулистон қисмида бошқа, Хитой қисмида яна бошқа давлатлар. Ҳарбий машқлар мобайнида чўлнинг маълум бир қисми узра учишларга рухсат берилган эди.

Бу жанговар машиналарнинг биронтасида танув ишоратларикўринмас, фазо алоқаси орқали фақатгина

ўз раҳбарияти билан алоқа қилар, бошқа ҳар қандай чақирувларга жавоб беришлари тақиқланган эди.

Бу учар ўлим машиналарининг мукамал қурилмалари ҳаво ҳудудида бир-бирларини аллақачон кўрганларига қарамай, гўё беҳабардай учиб бормоқда эдилар.

Уларнинг ҳар бирига саҳродаги номаълум кишини топиш, иложи бўлса тутиб келтириш, иложи бўлмаган тақдирда эса барча қурооллардан фойдаланган ҳолда тамомила йўқ қилишга буйруқ берилган, номаълум кишининг давлат хавфсизлигига таҳдид қилаётгани, жуда хавфли экани айтилган эди, шунингдек, унинг бошқа мамлакатларнинг ҳарбий кучлари қўлига ўтиб кетишининг олдини олиш, мабодо шундай бўлгани тақдирда, номаълум кишини қўлга киритган бегона ҳарбий учоқни ҳам тамомила йўқ қилиш вазифаси юклатилган эди.

Гоби бўйлаб шу маҳал турли ҳарбий учоқлар турли кенгликларда, бир-биридан турлича узоқликда ва турлича баландликда учиб бормоқда, махфий алоқа каналлари орқали турли тилларда нур тезлигида маълумот алмашилмоқда эди.

«Ваҳший» саҳро ҳудудига кириб боргач, марказ билан боғланди:

– Pharaoh, i am Mahes. («Фиръавн», мен –«Махес».)

– Mahes, i am Pharaoh. Report me about the situation! («Махес», мен –«Фиръавн». Вазиятни маълум қилинг»)

– Pharaoh, course is forty five, altitude is thousand miles. («Фиръавн», курс қирқ беш, баландлик минг мил»).

– Ok. Continue the fly. («Яхши. Учишда давом этинг»).

Ер юзидан бир неча юз километр баландликда, яқин фазо кенгликларида жим айланаётган ўнлаб сунъий йўлдошларнинг кузатиш қурилмалари ҳам Ердан олинган буйруқ асосида ўз «кўз»ларини Гоби томонга тиккан, илм-фаннинг турли янгиликларини

мужассам этган мураккаб техника ҳозир саҳро узра учиб бораётган ҳарбий учоқларнинг йўналишини қайд этиб, маълумотларни Ердаги учишни бошқариш марказига пайдар-пай билдириб бормоқда эди.

Орадан анча вақт ўтганига қарамай, кутилган натижага ҳали ҳеч ким эришолмади. Яқинлашаётган офат ҳақидаги хабар учоқларнинг пилотларига ўз вақтида етказилган бўлса-да, булар турли оғир шаротларда жанг қилишга мўлжалланган ҳарбий машиналар бўлгани боис, бўрон ҳеч кимни ташвишлантирмаётган эди.

– Mahes, I am Pharaoh. If target detection inform as soon as possible. Turn on tracking system. («Махес», мен – «Фиръавн». Нишонни кўрган заҳотингиз хабар беринг. Таъқиб тизимини ёқинг).

– Yes, sir. (*Ҳун бўлади, сэр*).

– Report the air speed. (*Учоқ тезлигини билдиринг*).

– Air speed is two hundred twenty miles. (*Учоқ тезлиги соатига икки юз йигирма мил*).

– Ok. (*Яхши*).

– Mahes, the sand storm is approach to you. Angle is sixty six degrees, storm speed is thirty eight miles. («Махес», сизга қум бўрони яқинлашмоқда, олтмиш олти даража, бўрон тезлиги ўттиз саккиз мил).

– I see. (*Тушундим...*)

Гоби бўйлаб жунбушга келаётган бўроннинг илк учини биринчи бўлиб «Ваҳший»нинг учувчилари пайқадилар. Ғайритабиий сарғиш-қизғимтир булут ердан кўкка ва чапдан ўнгга, кўз етадиган ерга довор энлаган ва бу қум бетиним чирпирак бўлиб айланганча тобора юксалиб бормоқда эди.

– Pharaoh, we see the approaching of sandstorm. («Фиръавн», биз қум бўрони яқинлашаётганини кўряпмиз).

– Mahes, please continue the performance of tactical task. And report the information about the storm. («Ма-хес», жанговар вазифани бажаришда давом этинг. Бўрон вазияти ҳақида билдириб туринг).

– Yes, sir... (Хўп бўлади, сэр...)

* * *

«Фиръавн» – аслида, қудратли бир мамлакат ҳарбий разведкаси бошлиғининг махфий исми бўлиб, ҳозир у сунъий йўлдош алоқа марказининг зирҳли ертўласида ўтирар, унинг қаторида яна ўн икки киши турли манбалардан келаётган маълумотларни таққослаш билан банд эдилар.

Гобидаги Инсон такомили маркази тадқиқотлари кўп йиллардан бери шу ҳарбий қисмнинг назоратида ва ҳомийлигида эди. Илм-фаннинг асосий мақсадларидан фарқли ўлароқ, генетика марказига ҳарбий хусусиятга эга, турли таъсирларга чидамли сунъий урчитилган одамларни оммавий равишда кўпайтиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш вазифаси ҳам қўйилган бўлиб, олтинчи авлод жанговар учоқларида ана шундай жонзотлардан фойдаланиш режалаштирилмоқда эди. Нурланишга чидамли, босим ўзгаришларига ва ҳаво етишмовчилигига парво қилмайдиган, ўз-ўзини фавқулодда тез тиклай оладиган ва энг асосийси – ғайриинсоний бундай мавжудотлар ўлка ҳарбий қудратини мисли кўрилмаган даражада орттириши турган гап эди, шу боис, муваффақиятли етишиб чиққан сунъий одамнинг тажрибахонани осонликча тарк этиши ««Фиръавн»»ни қаттиқ ташвишга қўйди, боз устига, бошқа мамлакатларнинг жанговар учоқлари ҳам танув белгиларини яширган ҳолда мазкур мамлакат ҳудудига кириб келмоқда эдилар, мабодо улардан

биронтаси барҳаёт кишини қўлга олса борми, у ҳолда инсонни мукаммаллаштириш йўлидаги барча ютуқлар ва шунга боғлиқ куч-қудрат бошқаларнинг қўлига ўтиб кетиши мумкин эди. Гобиға бир эмас, бир нечта ҳарбий машина юборилишининг ва ҳар қандай шароитда ҳам у одамни топишга буйруқ берилишининг сабаби мана шунда эди. Ҳаво ҳудудига бегона жанговар учоқларнинг кириб келиши эса фавқулодда ҳолат бўлиб, мабодо барҳаёт одам бошқаларнинг ихтиёрига ўтиб кетса, у ҳолда бегона учоққа қарата ўт очиш ва йўқ қилишга буйруқ берилган эди. Учоқлар ҳозир «ҳаво-ер» русумидаги ракета-лар ва термик бомбалар билан қуролланган, бундан ташқари, етти мингта электромагнит ўқ заҳираси билан катта калибрли пулемётлар ҳам уларнинг тумшуғида таҳдидли осилиб турар, буларнинг бари биттагина эмас, минглаб кишиларнинг кулини кўкка совуришга етадиган бемисл қудратга эга эди.

Аксига олиб, Гоби узра қумнинг жунбуши кутилмоқда, Атлантикадан келган ҳаво оқими тобора шиддатланиб, саҳрода қум бўронларини ҳосил қилмоқда эди. Бу ҳолат жанговар вазифани амалга оширишни оғирлаштирарди, дунёдаги ҳеч бир кузатув қурилмаси ҳали қум бўрони остидаги нишонни кузата олиш қобилиятига эга эмас, бунинг устига, қумлар учоқлар учун ҳам жиддий хавф туғдирарди – «Фиръавн», учоқларнинг бўрон ҳудудига кирмаслигига ва бўрон шиддатлангунига қадар ишини битиришига умид қилаётган эди.

Ҳозир инфрақизил, радар ҳамда нейтрон мониторингларида Осиё чўллари узра «Ваҳший»ларнинг шар-палари кўриниб турарди, улар худди бургут мисол шовқинсиз ва тез, ўзаро бир хил масофада ва бир хил тезликда учиб борар, улардан тахминан икки юз мил

масофадаги бегона ҳарбий учоқлар ҳам шу ҳудуд сари катта тезликда йўналмоқда эдилар.

BOENG 787 DREAMLINER. ПРОФЕССОР ЗИЁ

Лекин бу воқеалардан ҳали ҳеч кимнинг хабари йўқ... профессор Зиёнинг қулоғи остида ҳали-ҳануз мурожаатни ўқиб эшиттирган занжи олимнинг сокин ва бир оз тушкун овози жаранглаб тургандек эди.

Дарҳақиқат, сўнгги технологиялар ва илму фан ютуқлари татбиқ этилиб урчитилган, касалликларга чалинмайдиган, оддий кишилардан кўра узоқ умр кўрадиган, мантиқ ва фикр қуввати ҳам кучлироқ бўлган сунъий урчитилган инсоннинг ана шундай ҳулосага келиши ғоят кутилмаган ва фавқулодда бир ҳолат эди.

Барҳаёт одам бу ҳаётни рад этиб, Яратганни излаб топишни ихтиёр қилган экан, бошқа томондан, Парвардигори олам истаган тарзда дунёга келган инсонлар келажак сари мутлақо бўлак бир йўлдан илгарилаб бормоқда эдилар. Пул ва бойлик ўйинлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳийлалар, маъдан, нефт, газ ва ҳарбий ўйинлар қаторида кишиларни шайтоний ҳудудлар сари тортқиловчи оммавий кўнгилхушликлар, умумий маданият ғоялари, бутун-бутун халқларнинг, миллатларнинг ва юртларнинг ихтиёрига қасд қилишдан то ақл бовар қилмайдиган ғайриинсоний алдамчиликларгача – ҳамма-ҳаммаси инсониятни иблисона келажак ва абадий жаҳаннам сари етаклаб кетмоқда эди.

«... Яна бир қанча вақт ўтгач, дунёда на ватан, на миллат ва на тил тушунчаси қолади,– деб ўйлади Профессор. – Бу жараён балки аллақачон бошланиб улгургандир? Яна қанчадир вақт ўтиб рўй берадиган

иқтисодий ва ахборот хуружларидан кейин мамлакатларнинг чегаралари йўқолиб кетса, бошқариш иплари тўғридан-тўғри капитал қўлига ўтса, яъни ер юзини қитъалараро ширкатлар бошқарса-чи? Ҳақиқий глобаллашув ана шунда авж олса, қаерда иқтисод гуллаб-яшнаса, одамлар ўша ерга тўплана бошласа... ва вақт-соати келиб, қадриятлар емирилиб-тамом бўлса-чи?..»

Булар – Профессорни ўйлантираётган номаълум тараққиёт йўлининг дебочаси, бор-йўғи бир қисмигина эди, холос.

* * *

...Профессор Зиё тиззасига қўйиб ўтирган кичкина компьютернинг монитори ва учоқ монитори бараварига огоҳлантирувчи овоз чиқарди. Профессор эгилиб, уларнинг бири – учиш хизматининг огоҳлантириши, иккинчиси эса ўғлидан келган хат эканини кўрди.

Учиш хизмати Атлантика уммони устида бўрон бошланганидан хабар берган эди. Орадан ярим соат ўтмай, унинг тезлиги соатига икки юз километрга чиққан ва энига тахминан беш юз километрни энлаган ғоятда кучли ҳаво оқими шиддат билан қуруқлик томонга ҳаракатланмоқда эди.

Профессор Зиё шамолларнинг ҳосил бўлиш сабабларини яхши биларди. Бу аслида Европа, Хитой ва Мўғулистондаги жазирама ёз туфайли рўй берди. Европада қирқ, Хитойда қирқ олти ва Мўғулистонда эллик икки даража ҳарорат икки ҳафтадирки туриб қолган, бу мисли кўрилмаган кўрсаткич эди. Бугун кундузи миллионлаб куб километр қайноқ ҳавонинг Австралия, Хитой ва Атлантика ҳудудларидан Гоби томон силжий бошлагани қайд этилди,

табийки, уммонлар ва ҳатто мамлакатлар устида бўрон ва гирдобларнинг юз бериши кутилаётган, қурбонларнинг олдини олиш учун эҳтиёт чоралари ҳам зудлик билан кўрилаётган эди.

Профессор ўғлининг мактубини очди.

ЎҒИЛ МАКТУБИ

«Отажон!

... Бугун онамнинг хокисор ва азиз қадамларининг изи қолган ҳовлимизда эканман, Парвардигори оламга имон келтирган барча кишиларнинг, аввало сизнинг ва онаизоримнинг ҳаққига кўзларимда ёш билан дуо қилгач, ушбу мактубни битмоқдаман.

Ота, сиз аввало – кимлигим ва нималигим ноаён бўлган, бир бурда нонимни на ўзим ея оладиган, на бир қултум сув ича оладиган ҳолимда, йиқилсам тура олмай чириллаб йиғлаганимда, узун кечалару кундузларингизни менга бағишлаб, нимагалигини ўзим ҳам билмай кулганимда қувонгансиз, инжиқлик қилиб йиғлаганимда кўзингизга дунё тор бўлган, ўзингиз емай менга едирган, ичмай менга ичиргансиз, оёққа қўйиб, тарбият бергансиз.

Тангри Таоло фитратимга сиздай муҳтарам зотга таслимият хусусиятини ҳам сингдирибдики, шу кунгача айтганларингизнинг ҳаммасини имконим борича, қўлимдан келганича адо этишга уриниб келдим.

То эсимни таниб, қутлуғ нарсаларнинг нима эканига ақлим етгунига қадар мен учун имоннинг, виждоннинг, инсофу адолатнинг, кучу қудратнинг тимсоли ҳамда қўрғони бўлдингиз. Ҳар сўзингизни, иродангизни ва ҳукмингизни мутлақ адолат деб билдим.

Эсимни танигач эса, зотингиз ҳақида Аллоҳ Таолонинг буйруғидан хабар топдим. Болалигимдан бери эшитадиганим «отангга тик боқма, сўзига сўз қайтарма, қаршисида қўлингни қовуштириб, бошингни эг», деган оддий ҳақиқатларнинг моҳиятини шундагина тушуниб етдим. Қўлимдан келганича хорлик қанотини паст тутдим, айтилганларнинг барини адо этишга уриндим.

... Найлайинки, сизга бир бечора ўғил бўлсам, Тангримнинг бир бечора қулиман. Баҳорда теварак жўшиб, гулу гулзорлар барқ уриб, ўт-ўлан жонланганида... бир ҳукми илоҳий ила тупроқ қаъридаги маъданлар бирданига ҳаракатга келса-ю, бирлашиб ўт-ўланлару дарахтлар илдизидан юқорига кўтарилса, турли-туман бирикмалар ҳосил қилиб, қон томирларига монанд томирларида оқса, тўпланиб суву шарбат бўлса, ҳаммасининг тағзаминидаги қудратни сезиб-илғаб турсам... осмондаги сокин-оғир булутлар бирданига тузилишларини ўзгартирсалар... турли шамоллар уларни турли томонларга олиб сурсалар... уммонларни самоларда кездриб қўйган бу қудратни кўрганимда ҳар сафар ваҳимага тушаман.

Кенглигига ақл бовар қилмас улкан курраи заминни муаллақ суздириб қўйса-ю, қайноқ сувларда, дарахт танасининг ғовакларида ва ҳатто тошларнинг ичида ҳам ўзининг қудратига далолат бўлсин ва инсон боласи кўрсин учун жонзотларни яратган бўлса, теваракдаги ҳамма нарса бир иродадан жамланганига далолат қилса ва фақат Ўзининггина бир эканини намоён қилиб, энг кичик заррани ҳам бўлакларга бўлиб ташлаган бўлса... ақлим бу ҳайбат ва қудрат қаршисида қўрқувдан зир-зир титраса... еру кўкларни бир қилиб ўраб, сувлардан қуруқликларни чиқарган, сувлардаю қуруқликларда саноғини ёлғиз ўзигина

биладиган тур ва сондаги миллионлаб махлуқларни миллионлаб кўринишда яратиб қўйган ва буларнинг барини одам боласига ватан қилиб берган бўлса... шуларни англасаму ўзимнинг ҳақирлигимдан хабардор бўлсам... қандай кўрқмасдан тура олай?

Шу ҳолимча, барча аъзоларимни менга билдирмай тарбият қилиб камолга етказса, вужудимга бир хасталик илашса, ўзим сезмаганим ҳолда вужудимга жойланган ҳимоячиларим у балолардан асраса, боз устига, улар туфайли мен чеккан азият ва сабр учун мукофоту ажр берса, осмонлару ердан ризқимни комил қилиб юборгани ҳолда.... яна бир нарсага шукрлар қиламанки, мендай ожиз бир бандасини Ер юзининг исталган жойида ва ер юзи бино бўлганидан то қиёматга қадар истаган вақтида дунёга келтира олардию аммо, авваламбор, ваҳший қабилалар орасида эмас, динсизу инсофсизлар орасида эмас, мўминлар мамлакати бўлмиш тупроқларда бинога келишимни ихтиёр қилди, абадий музликлар ёки сахрою чўлларни эмас, жаннатмонанд мана шу юртни Ватан қилиб бериб, шу юртда дунёга келишимни истадики, бу ҳам ҳикматсиз эмаслигига ишончим комил.

Ҳикматларининг яна бири шундаки, Парвардигори Олам баъзи инсонларини бошқаларга мукофот қилиб яратган. Баъзиларнинг дунёга келишлари, ҳаётлари бошқалар учун ўнлаб-юзлаб хайрлар келтиради. Сиздай кишини менга ота қилиб танлагани ҳам Тангримнинг менга бир мукофоти, марҳаматидир. Бутун оламга донғи кетган, инсоният тарихининг зулматларида нур таратиб турган улуғ мутафаккирлар ҳаётга келиб яшаб ўтган тупроқда олам юзини кўришимни ирода этганида яна бир ҳикмат, яна бир рамз кўраман.

Улуғ Тангри дунёда ҳеч нарсани қолдирмайди. Ҳатто қиёмат келмасидан туриб ҳам водийу тоғларни, сахрою қумларни, шаҳару қишлоқларни, маданиятлару тамаддунларни, сайёралару юлдузларни супуриб ташлайди. Энг қаттиқ ва мустаҳкам маъданлардан энг гўзал ва кўркем чечакларгача – ҳаммасини тупроққа қориштириб ташлайди. Халқлару миллатларни, давлатлару элатларни ҳам тўзонга айлантиради.

Бир куни ҳамма нарса туб-тубидан ўзгаради. Ер ер бўлмай қолади, осмон ҳам, тоғу уммонлар ҳам, набототу ҳайвонот ҳам, қуёш ҳам бўлмайди. Барча маданиятлар, тамаддунлар, инсон боласи эришган барча ютуқлар хас-хашакка айланиб, йўқ бўлиб кетади. Ҳақиқатлар ва сирлар пардалари очилади, кўклардан фаришталар тушиб келадилар. У кунда биз бошқача кўринишда, бошқача бир шаклда бўламиз.

Ана шу кунда мен ўз жонажон тупроғимда, ўз жонажон миллатим билан бирга бўлишни орзу қиламан.

Менга юрт шу имонимни ҳимоя қилишим, уни ёт таъсирлардан сақлай олишим, шоядки Тангрим фарзанд ато этса, уни айнан шу руҳда, айнан шу ҳақиқатлар билан тарбиялашим учун керак. Шу жойда Имон билан Ватан деган нарсаларнинг бирлашганини кўраман. Зотан, руҳ танасиз бу дунёда мавжуд бўла олмаганидай, Имон ҳам Ватансиз мавжуд бўла олмаслигини кўраман.

Ватаним дея жон таслим қилганлар, «Эй Ватан» дея денгиздай тўлқинланган халқлар, душман тажовузи остида «Ватан» дея қирилиб кетган минглаб инсонлар тақдирида шуларни кўраман: улар бир парча тупроқ учун эмас, бу тупроқларда унган довдарахтлару бағридаги маъданлар учун эмас – айнан шу – имонининг ва миллат руҳининг кўрғони бўлгани учун ҳам жон таслим қилганлар, деб ўйлайман...

Менинг назаримда, бу тупроқлар ўзининг сирларини ҳаммага ҳам очавермайдигандек туюлади.

Жоҳилларнинг кўзига кичкина пастак ҳужралару қум босган шўрхоқ ҳовлидан бошқа нарса кўринмайди. Шу кичкина ҳужрада шу халқнинг битта боласи ўз тафаккури билан фазони қамраганини тасаввур қилиши маҳол.

Бутун дунё маҳдудлик қоронғилигида экан, чўлу биёбондаги кишиларнинг ақл кучи нима сабабдан бунчалар кучли эканига ҳайратланаман.

Авваллари жангу жадаллар ва шаҳарлар тарихига қизиққан бўлсам, эндиликда улардан ҳам юксакдаги тафаккур тарихи мени ўзига тортмоқда. Дунёвий илму фан тадқиқотларидан бошланиб самовий илмларгача қамраб олган ўша сўқмоқларда давом этмоқчиман.

Менимча, бу айтганим ҳам маънавий бир мамлакатдир. Шундай бир мамлакатки, ҳеч ким у ерга ҳеч қандай қўшин билан кириб келолмайди. Кириб келса ҳам, саратон ҳароратида чўғда бозиллаб турган қумғону пастак лойсувоқ уйдан бошқа нарсани кўрмайди. Чунки, ҳамма ерда кўзга кўринмас Искандар девори бор. Унинг ортидаги фозиллар шахри, ундаги нафис мажлислар фақат шу ерда ўсиб-унган, шу маданият булоғидан қонган одамгагина намоён бўлади.

Айтадиларки, бир шам атрофида уч парвона айланиб учмоқда эди. Улар шам алангасининг нима эканини билмоқчи бўлдилар. Биринчиси шам томон учди ва қайтиб келиб деди: «У – жуда ёруғ бир нарса экан!» Иккинчиси янада яқинроқ учиб борди, аланга унинг қанотларини куйдирди, қайтгач айтдики: «У – куйдирувчи бир нарса экан». Учинчиси аланга ичига кириб, оташ ичра ғойиб бўлди. Нимани кўрганидан

ва нимани ҳис қилганидан ҳеч кимнинг хабари йўқ. Аслида у, нимани билишни истаган бўлса, ўшанга ета олди!

Мен ана шу учинчи парвонага ҳавас қиламан.

... Теварагимиз рамзларга ва тимсолларга тўладир. Ҳар бир ўт-ўлан ақл қулоғига, сиз назарда тутган тафаккур боис, баланд овоз билан хитоб қилиб турмоқдадир. Тошларнинг ва жамики махлуқларнинг ҳам имон келтириб қичқирлигини эшита олиш учун илм ва тафаккур керак.

Инсонлар узоқ умр кўришни истайдилар, лекин бу оламда узоқ умр машаққат ва заҳматдан иборат эканини ҳам яхши биладилар. Дунёда узоқ муддат қолишни истаганлар тобора яқинлашиб келаётган кексалик заҳматларидан қутулиш йўлини тополмайдилар. Топганларида ҳам дунёнинг ўзи бир кун ийўқ бўлиб кетишини идрок қилмайдилар.

Ота, абадий дарбадарликка маҳкум бир одам ҳақида айтган ривоятингизни эслайсизми? Мен ҳозир дунёнинг ҳар бир мамлакатада, ҳар бир гўшасида, ҳалол ва имонли кишилар билан бир қаторда, ана шундай дарбадар инсонларни кўрмоқдаман... Шундай дарбадарликка мубтало бўлмасликнинг йўлларини изламоқдаман. Кун келиб, руҳим самоларга қараб йўл олганида, мукаммалликка эришган аждодларим билан бир қаторда бўлишни орзу қиламан.

Такомилга эришганлар нега сукут сақлаган эканлар? Тангрим ўз хоҳишини инсонлар хоҳиши билан бирлаштиришини биламан. У бир қулини меърожга, яъни фазо бўшлиқларига эмас, ундан ҳам юксакка – ўзининг аршига кўтаради. Унга «Дунёда истаганингча қол», дейди, қул эса бор-йўғи олтимиш уч йилгина яшашни афзал кўради. Бирига бутун бойликларини берадики, бойликлар у ўтган ерда

ўзидан хабар бериб-нидо қилиб туради, жамики ҳайвоноту қушлар тилини билдиради, ҳодисаларни бўйсундиради... бирини сувда ёки ҳавода ҳаракатлана оладиган қилиб қўяди, бошқаси бир вақтнинг ўзида қирқ жойда ҳозир бўла олади, яна бири қудрат фаришталари билан, яъни зилзила ҳосил қилувчи, бўрон кўтарувчи, тошларни ёрадиган ўсимликларни қулоғидан тортиб чиқарувчи, шамоллар уфурувчи, сайёраларни ва юлдузларни маҳкам ушлаб турувчи бандалари (*ёхуд Тангри таолонинг биз билмайдиган ва биздан яширилган бошқа жонзотлари*) билан суҳбат қуради, бирига мангулик билан қўшиб ҳеч кимга ато этмаган билимларини беради ҳамда ўзининг пайғамбарларидан бирини у билан учраштирадики, барҳаёт бандасининг борлигидан одамзод фақат шундагина хабар топади...

Буларнинг олдида дунё нима? Тараққиёт нима? Ҳаммаси бирлашганида ҳам оддийгина қум зарраси каби аҳамият касб этармикин?

Отажон, бу билимларни эгаллаб, ўша билимлар сари чуқур кетмоқчи эмасман, балки шуларнинг ҳаммасини ўрганиб, яна миллатидан ва ирқидан қатъий назар, инсониятга хизмат қилмоқчиман. Зеро, ўзингиз болалигимдан қулоғимга қуйганингиздай, то ёруғ дунёда эканман, қувончиму армонларимни, бахту саодатимни мана шу оддий ва самимий кишилар билан баҳам кўриб, уларга хокисорлик билан бош эгмоқчиман. Муборак зотлар эришган ҳикмат қопқалари кишиларнинг дуосию Тангримнинг мустажоби туфайли очилишига аминман.

Сиз имконингиз бўлса ёз ойларида келишингизни айтган эдингиз. Ҳозирча ёзни интиқлик билан кутяпман. Келганингизда фурсат топсангиз, дилимда ўйлаб юрган гапларимни сизга тўкиб солсам... агар

хато қилаётган бўлсам, оталик ва мураббийлик марҳаматингиз билан тўғри йўллارни кўрсатсангиз, мабодо менинг ўйларим маъқул бўлса, менга оқ фотиҳа берсангизу дуоингизни олсам, деб интизорман...»

ТИМСОЛЛАР ЧАРХПАЛАГИ

Профессор Зиё компютерни ўчириб, узоқ ўйга толди.

Юраги унга ўғлининг ҳақ эканини, бутун олам илгарилаб бораётган турли-туман йўллар орасида ўғлининг тутган йўли аниқроқ ва ҳақиқатга яқинроқ эканини сездириб турарди.

Бироқ, не ажабки, муқаддас тушунчалар ҳам турли-туман бўлакларга бўлиб ташланган эди! Бутун олам мувозанат ичида бўлгандагина ҳамма нарса қадр-қиммат касб этар, мувозанат бузилганида қадр-қимматлар ҳам ўзгариб кетмоқда эди.

Дарҳақиқат, одам боласи дунёга келиб ўсиб-унади, ейди-ичади, айюҳаннос солади, кибру ҳавога, ғурурга кетади, лекин бир куни қарабсизки, бутун дунёни алғов-далғов қиламан деган одам ҳаёт сахнасидан секингина, мутеъгина бўлиб четгачиқади, супурилади. Бир куни қарасангиз, тўплаган бутун сарватларию мулклари унинг вужудида ўса бошлаган биттагина бегона ҳужайра қаршисида ожиз, ўзи ҳам ўша хасталик чангалида мўлтираб ётган бўлади. Тузалишга ҳеч қандай умид йўқ, дунёнинг тўрт бурчида миллионлаб соғлом кишилар ҳаёт завқини сураётган бир маҳалда бу одам кўрқув ва даҳшат ичра жони ҳалак: мабодо... умр тугаган бўлса-я?

Дафъатан... ҳамма нарса дафъатан рўй беради. Дафъатан кулфат эшик қоқади, дафъатан зилзила рўй беради, дафъатан мусибат мўралайди.... дафъатан жон чиқади...

Лекин ўғил унга, мангуликнинг ҳам бўлаклаб ташланганини билдирмаяптими!

Қадимда Олий ҳақиқатга қўл кўтарган ва қиёматгача ер юзида бесамар дайдишга маҳкум этилган барҳаёт чол ҳақидаги афсонани эслади у.

Йўқ, умрбоқий чол бор-йўғи бир тимсол, холос. Тимсолга айланганидан кейин унинг ҳаётда яшаб-яшамаётганининг ҳам аҳамияти қолмаган. Кўрган кунидан мамнун, аммо дарбадар бўлиб юрган қанча кишилар бор дунёда? Ғоялар ва фикрлар орасида у қирғоқдан бу қирғоққа сурилиб яшаётганлар... ўз кўнимини тополмасдан, бор ҳаёти ҳиссий ва фикрий дарбадарликда ўтаётганлар... севгию ишқ деб дарбадар бўлганлар... истеъдодини йўлга сололмаганлар... ва ҳатто маълум бир мақсадни ўз олдига қўйиб, қатъияту сабот билан олға интилаётган ва шу ҳолида ҳам дарбадарликка маҳкумлар... ёшлар.... қариялар... аёллар.... дарбадарлик дарслари мияларига қуйилаётган беозору беғубор болакайлар, жамалаксоч қизчалар... жаннат илинжида дарбадарликни касб қилиб олган зоҳидлар... тарих бўйлаб сочилиб кетган халқлару элатлар...

Муборак кишига қўл кўтарган осий не сабаб айнан дарбадарликка маҳкум бўлди? Не сабабдан қўли шол, кўзи кўр, тили соқов бўлмади? Не сабабдан унга айнан дарбадарлик қисмати раво кўрилди?

... Дунёда икки умрибоқий банда Тангри хоҳлаганча вақт кезмоқда. Бири – Хизр алайҳиссалом бўлса, иккинчиси – ўша умрзоқ осий. Зоҳиран иккиси ҳам дарбадар. Фақат бири Тангри таоло ирода этган ботиний юмушларни бажармоқда... иккинчиси бесамар дайдирик экан, бу бесамарликдан мурод не? Осийлиги туфайли олган жазоси боисгина Тангрига ва пайғамбарига имон келтирган иккинчи умрибоқийнинг ҳикмати,

боз устига, унинг одамзод наслидан экани – янада ҳайбатлироқ ҳикмат эмасми?

Ким билсин... шу маҳал балки дунёнинг қаеридадир ўша бечора чол ҳануз бесамар дайдимокда... ва умрлари боқий бўлмаган, ундан минг бора оғирроқ гуноҳларни содир этаётган бошқа кишиларни кўриб, ўз жазосининг бу оламда берилганига ҳамду санолар ўқиётган бўлса не ажаб?

Инсоният тарихи – дарбадарлик тарихи ҳамдир. Борар ерларини йўқотиб, то авлодлар алмашгунига қадар саҳродан чиқа олмай кезган бир қавмдан то Исо алайҳиссаломнинг келишига қадар дунё кезиб қиладиган иши «Ҳеч нарса, ҳеч нарса ва фақат ҳеч нарса» бўлган дайди чол ҳамда у билан тўқнаш келиши башорат берилган Дажжол... буларнинг бари тимсолларга айланиб, халқлар ва миллатларнинг онгига хитоб қилмоқда эди.

Бироқ маҳшаргача ҳали анча вақт бор. Ҳозирча эса
... гуруҳ-гуруҳ кишилар ҳануз қўлларида қурол билан тўқнаш келмоқдалар, ҳар икки томон ҳам ватан учун, дин учун, имон учун дея қон тўкмоқда.

... ҳанузгача баъзи инсонлар атрофдаги ҳамма нарсанинг тенги йўқ мўъжиза эканини фикрлаб кўрмасдан... дарёда оқиб келган бир тошдаги, бир қўйнинг юнгидаги, бир товуқнинг тухумидаги тасодифий нақшлар муқаддас ёзувларни эслатгани боисгина гуруҳ-гуруҳ бўлиб имонга кирмоқда ва айнан шу тарзда, гуруҳ-гуруҳ чиқиб кетмоқдалар...

Ҳозир ҳам одамлар зиёратга гоҳ-гоҳ бориб турадиган Бобо Тошбақа мақбарасининг гужумларидан ҳануз сув томчилаб турибди.

Мангу барҳаётлар макони деб, ном олган шаҳри Ҳайбар эса, айнан шу мақбара яқинида жойлашган эди, деган тахминлар бор...

БОБО ТОШБАҚА МАҚБАРАСИ. ҲИЖРАТНИНГ 190-ЙИЛИ.

...Узорида Аллоҳ калимаси бўлган тошбақанинг пайдо бўлиши хабари бир мўъжиза янглиғ яшин тезлигида тарқалди. Одатда мўъжизалар ва ғайриоддий нарсалар қандайдир улкан бир ҳодисанинг бошланишидан дарак бериб намоён бўлади. Тошбақа ҳам ниманингдир даракчиси экани аён.

Бироқ, ниманинг?

Сомон амирининг аскари тошбақани қирқ кун қидирди, лекин тополмади. Умуман, бу махлуқнинг пайдо бўлиши нақадар ҳайратангиз ва мўъжизакор бўлса, гоҳ кўриниб-кўринмаслиги ҳам шу тарз ҳайратланарли эди.

Миш-мишлар эса урчиб бораверди. Баҳорнинг ўрталарига бориб, Сангинак девори харобалари ёнида бир чўпондан хабар келди. Айтишича, тошбақани узун бўйли, сочлари елкасигача ўсиб тушган, ялангоёқ бир одам етаклаб юрган экан.

Сомон амири шон-шуҳратни яхши кўрадиган одам эди. Бу беозор махлуқнинг саройга олиниши албатта унинг обрўсини оширарди. Дарҳол аскар юборилди, борганлар ҳақиқатан ҳам девор харобалари ёнида ғалати тошбақани топишди, лекин чўпон айтган номаълум кишини учратишмади. Аслида ўша сирли одам ҳақидаги гап-сўзларнинг ўзи шубҳалироқ эди: тошбақадай имилловчи махлуқни ким ҳам етаклаб юрарди?

Мўъжизага атаб махсус бир хона бино қилинди, унинг саҳни мрамардан эди, жило берилган мрамарлардан ҳовузча ҳам ясаб қўйилган эди. Тошбақа ана шу хонага жойлаштирилди.

Қўшниларга қарши урушларнинг маслаҳатлари, салтанат машваратлари айнан шу жойда ўтказилар,

муъжиза тошбақа эса муқаддас нақшларини кўз-кўз қилганча, асрий сокинлиги ила гўё гап-сўзларга кулоқ солаётгандай, бу ерда қилинган дуоларнинг ижобат бўлишига сабабчидай эди.

Дарҳақиқат, тошбақа дарагини эшитган кишилар бутун теваракдан оқиб кела бошладилар. Араб ёзувини унча-мунча тушунадиганроқлар уни кўриб саросимага тушдилар. Ҳатто кўзларида дув-дув ёш ила фарёд урганлар бўлди. Юзлаб кишилар шу тошбақа туфайли имонга келиб, Аллоҳ таолонинг динига кирдилар. Буларнинг бари амирга хуш ёқар, фароғат бахш этар ва ўзини ҳатто соҳибқирон Искандардай хаёл қилар эди.

Боз устига, ғоятда узоқ умр кўрадиган ва одамни ҳайиқтирадиган қисмат соҳиби бўлмиш бу махлуқ кишида фалсафий хаёлларни ҳам уйғотарди. Чунки у ўзининг қисматини ортмоқлаб юрган кишиларни эслатарди. Ёхуд гуноҳлари елкасига юкланганларнинг тимсоли бўлиши ҳам мумкин – балки қиёмат кунда кимлардир ўз гуноҳларини елкасида худди шу беозор махлуқ сингари ортиб юрар?

Гуноҳларидан ҳам кўра... илмларини дейиш балки тўғрироқ бўлар? Чунки, барча халқларда ва барча замонларда тошбақага донишмандлик рамзи ўлароқ таъриф бериб келинмоқда-ку? Илмларини елкасига ортмоқлаб юрган, аммо у илмлардан самар топмайдиган, ғоят узоқ умр кўрадиган имилловчи бир жонзот...

Шаъбоннинг бошларида тошбақага нимадир бўлди, у овқат емай қўйди. Ўтларнинг турли-туманини олдига солиб кўрдилар, сувини алмаштирдилар. Ҳатто ҳовузга муқаддас булоқ сувидан ҳам қуйдилар – тошбақа қараб қўймади. Ғамгин нигоҳини бир нуқтага тикканча қимир этмай ётаверди.

Унинг ғамгинлигининг, бундай қисмат ила яратилишининг боисини очиқ-равшан қилиб, изоҳлаб берадиган биронта кимса топилмади.

Ниҳоят, бу ҳодиса ҳам дунёдаги барча ҳодисалар сингари якун топди – бир кун тонгда машваратхонага кирганлар табиат қонунларига зид ўлароқ пайдо бўлган тошбақанинг жон таслим қилганини кўрдилар. Одамлар уни кўмишга келганида иккилана-иккилана, ҳурмат-эҳтиромини жойига келтириб, бир тепалик устига кўмиб, устига туғ қадаб қўйдилар.

Йиллар ўтиб, тошбақа ҳақиқатини биладиган авлод дунёдан ўтиб кетди. Кейинги авлод эса фақатгина ривоятлардан эшитиб катта бўлди. Тошбақа кўмилган ердан бир дарахт ўсиб чиқди, гужумга ўхшагани билан унинг баргларида сув томчилаб турарди, лекин бу сув аччиқ ҳамда тахир бўлгани боис, лаб ҳўллашга ҳам ярамади.

Сувсиз, қурғоқчил бир ердан дарахт ўсиб чиққани бежиз эмас, шу боис кишилар у ерга бориб ҳожатларини сўрай бошладилар, гужум шохларига турли латталарни боғладилар. Ишонувчан кимдир эса тошларни қалаштириб бир дахма қурди, ўзи эса у ернинг шайхи бўлиб олди. Кейинги йилларда у ер «Бобо Тошбақа» мақбараси деб аталадиган бўлди, тошбақапарастлар кўпайди.

Авомнинг, айниқса ҳарбу зарбларда умрини ўтказган кўчманчи кишиларнинг эътиқодларини тушуниш қийин эмас – уларнинг бу эътиқодининг замирида ҳам Аллоҳга ўзига хос муҳаббат яшириндир. Теградаги мўъжизалар кишининг ақлу шуурига хитоб қила бошлаши учун муайян бир билим ҳамда даража лозим. Авом кундалик ҳодисаларни туғилганидан буён кўра-кўра кўникиб кетгани учун ҳам, ғайриодатий ҳолатгина унинг онгига қаттиқ таъсир қилади.

Теградаги ҳар бир нарса «мана-ман» деб қичқириб турса-да, кишилар бу нидоларни эшитмайдилар, аммо қалблари ғайриодатий нарсадан дарҳол қўрқувга тушади. Ғайриодатий ҳолат бир нарсанинг даракчиси эканини кишининг қалби сезади.

Одамлар у ерга келиб, чироқ ёқадиган ва ҳожатларини сўрайдиган бўлдилар.

... «Бобо Тошбақа» мақбараси Марв яқинида деган тахминлар бор. Айнан шу атрофда Сомон шаҳрининг қолдиқларининг топилиши ҳам буни исботламоқда эди. Сомон шаҳри эса араблар Шаҳри Ҳайбар деб ном берган, одам боласининг кўзидан яширинган саодат шаҳри ёнида экани тарихдан маълум.

ШАҲРИ ҲАЙБАР

Поёнсиз сариқ қумлар аро шамол тентирайди. Тўзғитади, айлантириб-сочиб ўйнайди, шўхлик қилади.

Баҳорда бу ҳадсиз саҳрода ёмғирлар ёғади, қумлар жўшиб-жонланади, ранго-ранг майсалар гиламдай бўлиб, эпкинларда тўлқинланади.

Саратоннинг қизғиш, яллиғланувчи жазирама осмонида гоҳ-гоҳ жонзотларни умидлантириб, оқ ва кулранг булутлар адашиб келиб қолади. Қум аро униб чиққану ипдай ҳолида сарғайиб-қувраган гиёҳлар олов эпкинида ҳилпиллайди.

Беш йилдирки, бу саҳро барханлари аро бир тадқиқотчи афсонавий мангулик шаҳрини излаб кун ўтказади.

Юзларча чақирим шарқда қозоқ чўпонларининг ўтовлари бор. У ерга эски-туски аробалардан ташқари, ҳафтада бир кўчма дўкон ҳам келиб туради. Кўчма дўкон тадқиқотчининг ҳомийларидан егулик, сув,

ширин ҳидли қоғоз сочиқларгача олиб келади, кучли «Тойота Лэндкрузер» ҳафтада бир қозоқ ўтовига бориб-келиб туради. Чодирда куёш ҳарорати билан ишлайдиган митти электр генератори, сунъий йўлдош антеннаси ва кичкина ноутбуккача – ҳамма нарс ҳозир у нозир.

Дунёда иккита яширин шаҳар бор. Бири – тахминан Бобил ҳудудларида кўкларга кўтарилган Боғи Эрам бўлса, иккинчиси – Осиё чўлларида инсон боласи кўзидан ниҳон Ҳайбар шаҳри...

Ҳар икки шаҳар ҳам инсонлар кўзига ўқтин-ўқтин кўриниб туради. Баъзан бир неча дақиқа, баъзан бир неча соатга аниқ-ойдин кўринади. Эрам боғлари аслида афсонавий Ҳефсимания осма кўшкларидир деган даъволар, ер юзида жаннат муқобилини бино қилишга уринилгани учун ҳам осмону фалакка олиб чиқиб кетилган ёхуд қай бир сиру синоат ила инсонлар кўзидан яширилган, деганга ўхшаш фикрлар бир неча юз йилки, олимларни ва қизиқувчиларни саҳроларда бесамар кезишга ундайди.

Умрибоқий ва масъуд одамлар макони бўлмиш абадият шаҳри – Ҳайбар ҳақида эса, тадқиқотчилар ихтиёрида жуда оз манба бор. Бу манбалардан бирида унга «Искандар девори ортидаги шаҳар» деб таъриф берилган. Бошқасида эса фозиллар шаҳри деб номланган. Яна, андалусиялик бир ўрта аср сайёҳининг қисқа таассуротлари. Бор-йўғи шу, холос.

... Бу шаҳар чинларнинг хангзу (чангзу) қабила-сининг босқини пайтида ғойиб бўлган, деган тахмин бор. Бироқ, у маҳаллар шаҳарнинг номи бошқа бўлган, Ҳайбар исмини унга араблар берганлар. Аллоҳ таоло юборган ҳақ дин ғалабасининг тимсоли бўлмиш бу шаҳар номини истило қилинган бошқа ўлкадаги бошқа бир шаҳарга беришга ва иккинчи, сохта Ҳай-

барни бунёд қилишга ундаган нарсa, балки ўша ғалаба уйғотган фахру сурурдир? Билиш қийин... Лекин, милоддан бир неча аср аввал бу тупроқларга бошқа душман – хангзулар ҳужум қилгани ҳам ҳақиқат. Икки маданият тўқнаш келгани он, аслида инсониятга улут мутафаккирларни етиштириб берган бу қабилаларнинг ваҳшати қадим элатлар учун қўрқинч бўлиб туюлгани бор гап. Узун ўрилган сочларини ҳилпира-тиб, қийқира-қийқира келаётган хангзунинг қиёфаси, яъжуж-маъжуж келаётир, деган хаёлга етаклаши табиий. Бироқ, яъжужлар ва кейингилар – араб ривоятлари, ҳақиқий ривоятлар эса уларнинг соясида қолиб кетган.

У – фаровон, обод, адолат шаҳри бўлган. Халқ, хангзу тимсолида бостириб келаётган жаҳолат қаршисида не қиларини билмай довдираб қолган маҳал. Ҳали-ҳозир улар шаҳарга ёпириладилар. Ҳатто отларининг туёқлари остидан кўтарилган чангу тўзон ҳам кўрина бошлади.

Ўша маҳал биёбон ичидан икки киши чиқиб келади. Бири узун бўйли, сочлари елкасигача ўсган, ялангоёқ, иккинчиси эса нуроний бир чол эди. Ялангоёқ одам шаҳарнинг кунчиқиш томонидан келади, тепалик устига чиқиб ҳеч нарсa қилмасдан ўтиради. Чол кунботиш томонидан келади, шаҳарнинг энг баланд мақбараси устига чиқади, Кўк Тангрисига ҳамду санолар айтади. Шу қадар узоқ ибодат қиладики, тиззалари шилинади. Қўллари қотиб қолади.

Шундан сўнг нима юз берганини ҳеч ким билмайди. Шаҳардагилар ҳеч нарсани сезмайдилар. Мана ҳозир етиб келиб деворларни ва дарвозаларни бузиши, ҳайқира-ҳайқира эркакларни ва кексаларни ўлдириб, болаларни ва аёлларни асир олиши кутилган аскардан дарак бўлмайди. Ҳатто чанг-тўзон ҳам кўздан ғойиб бўлади.

... Хангзу лашкарбошиси Ҳайбарни етти кун излайди. Еттинчи куни у кунботар томонда намоён бўлади. Мурилардан осмонга кўтарилаётган тутун, ёнбағирларда ўтлаб юрган қўй-қўзиларгача аниқ кўринади.

Лашкар тун бўйи йўл босади. Субҳ юз кўрсатганида уфқда ҳеч қанақа шаҳар қиёфаси кўринмас эди. Хангзулар хангу манг бўлиб қоладилар. Сўнгра эса, «бу кўрганларимиз сароб», деб ортга қайтадилар. Саробий шаҳар ҳақидаги ҳикоялар хангзу сулоласи солномаларидан ўрин олади ва бизгача етиб келади.

... Кўҳна Шарқ ҳар доимо сиру синоатларга тўла бўлиб келган, лекин ўз сирларини ҳаммага ҳам очавермайди, деган ҳақиқат бутун дунёга ўрнашиб қолган. «Шарқ сирлари» деган иборанинг ўзиёқ кишиларни андак чўчитса, андак саросимага солади, ҳайиқтиради, қизиқтиради ва беихтиёр жиддий тортишга ундайди. Ҳазрат Сулаймон тилсимларининг Шарқда экани, ифритлару гапирувчи қум-тошлар, кўздан ниҳон шаҳарлару қишлоқлар, абадий лашкарлар, тушунарсиз, аммо гўзал нақшлар.... ўрта асрлардаги маҳдудлик ва жоҳиллик ботқоғида уйғонолмай инграган Европа учун халоскор ҳаёлотдай туюлиши турган гап.

Шу боис ҳам, ушбу сатрлардан айнан сирлар ва тилсимлар руҳи уфуриб туради.

Сайёҳ бу мавзунини чуқур ўрганган эди. Токи Чин ҳоқонлари сулолаларининг Осиёга босқинидан тортиб араб истилоси давридаги илмий ва шеърӣ манбаларгача шоен қизиқиш билан ўқиб, манбалардаги маълумотларни бир жойга тўплагач, осмони ял-ял ёнадиган, қора узумларини оқиш тўзон пардаси қоплайдиган бу сирли юртдаги афсона ва ривоятларни ҳам ўрганишга аҳд қилди. Беш йил давомида у қадимий Сомон шаҳрининг харобаларининг ўрнини топишга муяссар бўлди, Кушон подшоҳлиги даврида

учрамаган ривоятларнинг айнан араблар истилосидан кейинги даврда кўпайганига эътибор қаратди, турли чўл хаёлотлари, марвлик Ҳаким ёхуд ниқоб тутган бўёқчи ҳақидаги тахминларни ҳам ўрганди.

... Инсонлар кўзидан ниҳон бу шаҳар ўз сирларини очавермагач, тоқати тоқ бўлган сайёҳ энг баланд тепага чиқади ва муножот қилади. «Мен у фазилатлар шаҳрига умримнинг беш йилини бердим», дейди у. «Беш йил давомида шу биёбонда кун кечирдим. Шамолларнинг овозига қулоқ тутдим, қора совуқлардану баҳорий ифорлардан дарагини сўрадим, қумлар аро беш йил дарбадар кездим, бироқ бари зое кетди. Эй, муножоти билан Тангри марҳаматига сазовор бўлган зот! Мен бир мажусийман, сенинг кимлигингни, исму зотингни билмайман. Бироқ, модомики Тангри Таоло мендай бир гуноҳкор бандасининг илтижосини қабул этмас экан, Унинг ҳузурида юксакроқ даражага эришган сенинг дуоингни қабул айлар? Яширин у шаҳарни дуоинг боис бир кўрай, фақатгина бир бора кўрсам бас!!!»

Ажабо, бу илтижолардан руҳи енгиллашган сайёҳ шу куни хотиржам ва енгил ором уйқусига чўмади, уйқу аро эса кимдир уни уйғотади. Кўзини очганида уфқдан қуёш ял-ял ёниб чиқиб келмоқда эди. Қуёшнинг яллиғлари аро у қўл узатса етгулик масофада шаҳри абадияни кўради.

Шаҳар шу қадар очиқ-ойдин намоён бўлган эдики, ўйноқи чўл шамолининг енгил эпкинида деворидан шувиллаб тўкилган тупроққача аниқ кўринарди. Улкан, баланд дарвозаси қалин деворлар орасига мустаҳкам қилиб ўрнатилган эди. Сайёҳ бу зухуротдан саросимага тушиб қолади, ўзига келгач, саодат деворлари ортида яшаётган хуррам кишиларни кўриш ҳаяжонида, шоша-пиша дарвоза томонга югуради...

... Сайёҳ ўз юртига қайтгач, Осиёда кўрган-билганлари ҳақида «Менинг шаҳри Ҳайбарим» деган хотира китобини ёзади.

«Тушлар, фоллар ва қуръалар эртанги куннинг қанотларида муаллақ турувчи нарсалардир, – дейди у. – Бу муаллақлар йўйилган томонига қараб ўзгариш хусусиятига эгадирлар. Абодият шаҳри ҳам ана шундай хусусиятли шаҳардир. У ерга ким қайси ниятда борса, ўша ниятига кўра зуҳур этади. Менинг ниятим у ердаги боқийликнинг сабабларини ўрганиш эмас эди... у ерда яшаш ва камолот даражаларига эришиш ҳам эмас эди... топсам бас эди... айнан айтганимдай, уни топиш менга насиб этди, бироқ, топганларим саҳронинг сариқ қуми каби бармоқларим орасидан шувиллаб тўкилди... топганим билан топмаганим орасида фарқ қолмади... Лекин, бу воқеа менинг сокин ҳаётимни остин-устин қилиб юборди, барча билганларим ва тасаввурларим тамомила ўзгариб кетди, ҳаётимга тимсоллар ва ишоратларнинг гирдоблари бўрон янглиғ уфурилиб кириб келди...»

«МЕНИНГ ШАҲРИ ҲАЙБАРИМ» КИТОБИНИНГ СЎНГГИ БОБИДАН ПАРЧА

«... Ҳа, бу воқеа менинг сокин ҳаётимни остин-устин қилиб юборди, барча билганларим ва тасаввурларим тамомила ўзгариб кетди, ҳаётимга тимсоллар ва ишоратларнинг гирдоблари бўрон янглиғ уфурилиб кириб келди... чунки мен азалдан орзу қилган нарсаларимнинг пуч эканини ва аҳамият бермаганим нарсаларнинг ғоятда қадрли эканини айнан шу – абадий саодат шаҳрига кирганимда англаб етдим.

... Шаҳарнинг кўчаларига қора мармар ётқизилган, йўлақлар устини қалин чанг ва қуриб, тақирга айлан-

ган лой қатлами қоплаган эди. Бу, балки ёмғирларнинг ишимикин? Қалин чанг устига ёққан ёмғир лой ҳосил қилгану устига яна чанг ўтирган, шу тариқа куруқ қатлам юзага келган... Лекин деворларни ҳам ғуборми, чангми қоплаб олган. Ҳеч қаерда одам шарпаси кўринмас эди.

Бу шаҳарда бинолар қалаштирилиб, бир-бирининг устига мингаштирилиб қурилган эди. Бизлар кўниккан меъморий гўзаллик деган нарсадан асар ҳам йўқ, кичкина эшикчалар ҳайҳотдай биноларнинг ост қисмида қинғир-қийшиқ бўлиб кўзга ташланар, кичкина кулбачаларнинг деворларида эса улкан ва қийшиқ дарчалар бор эди. Мен кўчаларни кўриб ҳам ҳайратга тушдим, бу шаҳарчадаги биронта кўча, биронта бино мулоҳаза билан қурилмабди. Ғаройиблик ақлни шоширарди, мангу барҳаёт инсонлар яшайдиган шоду хуррамлик шахрининг бундай бўлиши ақлга сиғмасди.

Кўчалар бўйлаб ўтиб борарканман, оддий кишилиқ ҳаётининг биронта нишонасини кўрмадим. На болаларнинг шодон қичқиришлари, на кулгилар, на мусиқа... Наинки овоз, одам шарпасининг ўзи кўринмасди. Гўё мангу одамлар бу шаҳарни ташлаб қайларгадир чиқиб кетишганга ўхшарди. Балки ер остида қасрлар қуришган ва ўша ерда яшашаётгандир? Бироқ ер усти турганида, ер остида яшашнинг не маънисини бор? Дарахтларнинг япроқлари оз эди, баъзиларининг шохларига гала-гала қопқора чумчуқлар кўниб олишган бўлиб, улар на овоз чиқарар, на дон-дун терар, фақат синчковона боқар ва мени жимгина кузатишар эди.

Ҳаммаёқда ёввойи ўтлар ўсиб ётарди, ажабо, булар ҳам мангу ўтлармикин, деган хаёлга бордим ва бирининг япроғини юлқаб олдим, сал ўтмай

япроқ сўлигач, нимагадир енгил тортиб, яна олға илгариладим.

Шаҳар охирига яқинлашгунимга қадар ярим соатча вақт ўтди. Нимадир содир бўлишини ақлим сезиб-пайқаб турарди. Бир ерда ярим айлана шаклида ерга ботган кўҳна арк кўрдим, энгашиб қарасам, қопқора сув ялтираб оқмоқда эди, сув лабида баҳайбат тошбақа ҳам бор эди, унинг кўзи кўр бўлиб, узоридаги нақшлари муқаддас ёзувларни эслатарди...

Шаҳар тугаганида эса, катта ялангликда бир тўда одамлар кўринди!

Булар қаровсиз алфозда, жим ўтирар эдилар. Баъзилари ерга аллақандай шакллар чизардилар, шаклларнинг маъноси йўқ эди. Болалар, қариялар бор эди уларнинг орасида. Кийимлари титилиб-эскириб кетган, тирноқлари, сочлари ўсган эди. Баъзилари ердан потраб бўй чўзган барги кичкина ўсимликларни эриниб чайнардилар. Назаримда, уларни ҳам шаҳарни қоплаган каби чанг қоплаган, сўниқ ва рангсиз эдилар.

«Кимлар булар?» – деган ўй хаёлимга урилди, дафъатан. Мангулик шаҳрида бундай афтода кишиларнинг учраши ақлимга сиғмаётган эди. Оёғи остида ўтирган болачага онаси қарамасди, ажабки, бола ҳам сўниқ, жим ўтирарди.

Яқинлашганимда уларнинг баъзилари бошларини буриб қарадилар... боқишларида ҳеч нима акс этмади... нигоҳларида ҳеч бир ифода йўқ... бўм-бўш эди.

«Барҳаётларми булар?!»

Ҳа, булар – бутун инсоният яралганидан бери орзу қилгани масъудликка эришган барҳаётлар эдилар! Тўп-тўп бўлиб, ҳеч нарсасиз қилмасдан, совуқлару жазирамаларда, ёмғиру қорларда масъудлик онини – ўлим саодатини шу тариқа жим... кўрқитувчи итоаткорлик билан... хомуш... кутмоқда эдилар.

Сал ўтмай сезганим – улар қуёшни кузатар эдилар. Қуёш ботганида, ойга қараб ўтирардилар. Оёқ остларида ҳаёт жонланмоқда ва хароб бўлмоқда, теварак туғилиб-ўлмоқда... лекин бу кишилар зериктирувчи боқийликка дучор бўлган эдилар.

На тил қолган эди. На миллат... на маданият...

Юрагимни даҳшат босиб келди, бу даҳшат ҳаётий эмас, совуқ ва ҳўмрайган, сассиз эди. Мангуликнинг совуқ даҳшатими бу? Балки умри боқийлар менга – ҳаёт одамига илтижо билан боққандирлару кўзлари ҳеч нарсани ифода этмай қўйганини билмаслар? Мангулик ичра гапиришни, фикрларини ва ҳиссиётларини ифода этишни унутгандирлар? Балки мангулик қаршисида фикрларнинг ҳам, ҳиссиётларнинг ҳам аҳамияти қолмагандир? Шаҳарнинг сўниқ кўчаларидан ортга қараб чопганим эсимда... қопқадан отилиб чиққаним ҳам эсимда... ҳаёт уфуриб турган қумлар кўзимга жуда азиз кўрингани, ичичимдан тошиб келган қувонч ва шукроналик билан тиз чўкканим эсимда... ўша пайтда ҳароратли ва қадрдон бўлган қуёш аллақачон ботиб бўлган, шафақлари ҳам кўздан йўқолмоқдайди...»

Хотираларнинг асосий қисмини сайёҳ бундан етти юз йил муқаддам Луврда юз берган воқеа билан якунлайди, у воқеа ҳам айнан шу сўзлар билан бошланади.

ЛУВР. МИЛОДИЙ 1312-ЙИЛ. «МАНГУ ДАРБАДАРНИНГ ҚАЙТИШИ» ПЬЕСАСИ ПРЕМЬЕРАСИ

... Қуёш аллақачон ботиб бўлган, сўнгги шафақлари кўздан йўқолмоқда эди.

Бир соат аввал бошланган шов-шувли пьеса премьераси поёнига етиб қолган эди.

Луврнинг қазо-қазолари, боёнлари, банкирлари ва машхур кишилари ўтирган ложада зерикиш ҳукм сурмоқда эди. Хокисорлик ва поклик тимсоли бўлмиш муборак зотга қўл кўтарган одам ҳақидаги пьеса урф бўлганига қарамасдан, ҳаётдан узоқ, ғайриодатий мавзуда бўлгани учун ҳам, қай бир сўлим гўшада мусиқа эшитиб роҳатланиш уларга афзалдай туюлмоқда эди.

Пьеса муаллифи, астролог Гвидо Бонатти боёнлар ложасида май ичиб ўтирарди. Ҳаётининг кейинги йилларида у майхўрликка берилиб кетди, эрталаб ҳам, тушда ҳам, ҳатто қирол базмларида ҳам сархуш бўлиб юрар, бугун эса пьеса бошланмасиданоқ анча-мунча отиб олган эди.

Мана, чироқлар ўчди. Биттагина хира нур толаси қолди.

Саҳнага узун бўйли, сочлари елкасига тушган бир одам чиқиб келди.

Бонатти уни таниёлмади, лекин энсаси қотиб, «пьесадаги қаҳрамон аслида қариб-қартайган, аянчли бир чол бўлиши керак эди... ўрнига нечун бу бақувват актёр чиқиб келди?» – деб ўйлади норози бўлиб.

Мангу дайди ролида чиқиб келган нотаниш бу одамнинг овози ҳам фавқулодда ўткир ва ҳаётий эди.

«...Мен Парвардигоримнинг имонли бир бандаси-ман! – деб ўз монологини бошлади у. – Унинг абадий барҳаётлигига ва бемисл куч-қудрат эгаси эканлигига, вужудимга кирган зарра тикан бадалига ақл бовар қилмас мукофотларни ато этадиган ва ҳамма нарсани ўраб-чулғаб олувчи ҳикматларгача бино қиладиган муборак зот эканига ҳеч қачон шак келтирмаганман... Аммо сиз мени, Азозилдан ҳам малъунроқсан, деб маломат қилдингиз!»

Залда жонланиш сезилди.

«Сиз Тангримнинг, ўзи яратган барча неъматлари-га яна бир чалғитувчи нарсани ўраб қўйганини кўрмаяпсизми? Нарсалару ҳодисаларни, сабабларнию натижаларни, шубҳалару ҳақиқатларни бир-бирига чирмаштириб ташлаганини кўрмаяпсизми? Ҳамма нарсаси ғорат бўлиб кетадиган бу дунёга вужуди фоний, аммо руҳи боқий инсонни юбориши билан абадиятни ҳам ўраб олганини, Унинг абадиятдан-да юксак эканини-ю, ҳатто мангулик ҳам унинг махлуқи эканини кўрмаяпсизми?

Энг чиройли лаззатлар остига чиркинликни яширганини, беўхшов нарсаларнинг бағрида ажойиботларини сақлаганини кўрмаяпсизми? Ҳар нарсага етган ақлингиз буларга келганда оқсаб қолди-ю, мени бадбахтликда айблаб, Азозилга тенг қўйдингизми? Аслида мен – қиёматда олиши керак бўлган жазосининг бир қисмини шу дунёда олганлардан бит-тасиман, холос.

Сиз саҳро ва чўлларда гуноҳларини елкасига ортиб олганларнинг тимсоли монанд бир махлуқни кўрмадингизми? Рўзи маҳшар кунида унинг қай кўринишда бино бўлишининг хабарини қайдан била қолдингизки, шу аҳволингизда масхаралаб, мени ҳам, уни ҳам ўзингиздан паст кўрмоқдасиз?

Уммон бағрида яшовчи яна бир махлуқни кўрмадингизми? Уларнинг юзтасини ёрсангиз ҳам ичи бўм-бўш чиқади, бироқ баъзиларининг ичидан сиз мақтаниб-гердайдиганингиз марварид донасини топасиз! У махлуқлар шундай кўринишда ҳамда бундай феълу атворда беҳудага яратилди, деб ўйлайсизми?

Бу дунёни маълум вақтга қадар кезиб юришга маҳкум эканим сизни адаштирди-ю, оламнинг бир куни чанг-тўзонга айланиб кетишини била туриб, менга мангу деб ном беряпсизми? Иблис сизга

турли найранглар кўрсатиб, турли нарсаларни кўзингиз олдида ранго-ранг жилвалантириб ҳийлалар қилади. Мен юзлаб йиллардирки, юрган йўлимда Парвардигоримга илтижо қилиб гуноҳимни кечиришини сўраб ёлвораман, юлдузлар учган кечаларда, қаҳратоннинг совуқларида, шамол ва бўронларда тавба-тазарру қиламан. Шу ҳолимча, бутун туриш-турмушим билан Унинг олий ҳукмининг ва ҳақиқатининг бир тимсолиман. Тангри ўзининг мутлақ адолати билан кимларнидир бутун инсониятга яхшилик ва тўғрилиқ рамзи қилиб қўйган бўлса, мен Олий Ҳақиқатга қўл кўтарганларнинг рамзиданман. Агар Ўзи истаса, мени ўша уммон махлуқининг ичидаги фикрловчи қум зарраси ёхуд гуноҳларини ортиб юрувчи махлуқнинг елкасидаги мутафаккир тош шаклида яратиш қўя олмасмиди?

Сиз Тангри таолонинг қудрати ва илми нима эканини қайдан била қолдингизки, барча нарсани ўраб-чирмаб, бошқа бир нарсанинг ичига тиқиб ташлашидан ёки истаса, бутун шу кўклару самоларни сиқиб-ғижимлаб, майда қум шаклига келтириб қўя олишидан чўчимадингиз? Бир қўрт келиб, кўз ўнгингизда кафанга киряпти, ҳамда вақти келганида кафанидан капалакка айланиб қандай учиб чиқишини сизга кўрсатиб-намоён қиляпти-ку! Ер бағридан олов отилиб чиқиб, атрофини эриган маъданга тўлдириб оқиб турипти-ку?

Сиз Тангри таолонинг жазоси нима эканини қайдан била қолдингиз? Оловда ёниш деган нарсани фақатгина ўзингиз таом пишириб-исинадиган олов деб ўйладингизу У сизнинг гуноҳларингизни тўқсин деб, яратгани касалликларнинг бири боис иситма хуруж қилганида, сиз билган оловдан кўра фарқли табиатга эга бошқа бир олов ич-ичингизни ёндираётганига шохид бўла туриб шундай деяпсизми?

Сиз Тангри таолонинг лаънати нима эканини қайдан била қолдингизки, тоғлару сувларни, самолару ер остини зир-зир титратадиган бу сўзни менга қўлладингиз? Айшу сафо ичида, май хилватларида, Тангрим яратган сўлим боғларда сархуш бўлиб, ағанаб ётган ҳолингизда, қайга бош урарини билмай юрган, аммо сиздан кўра кўпроқ нарсани биладиган бир бечорани бундай дейишга қандай ҳаддингиз сиғди? Тилингиз қандай айланди? Дилингиз қандай қабул қилди?

Мен Парваригоримдан, сиздангина паноҳ беришини сўрашдан бошқа сўз демайман. У қисматимга шуни битибдими, истасам ҳам, истамасам ҳам – албатта шундай бўлади!..»

Саҳна тамомила қоронғилик қаърига чўмди ва зулмат орасидан гулдурос қарсақлар янгради.

Қулай курсиларда ястаниб ўтирган боёнларга бу гаплар ёқиб тушган эди.

– Ажойиб! Ажойиб! – деб қичқирарди оломон.

– Лекин бу гаплар пьесада йўқ-ку? – деди ҳангу манг бўлиб Гвидо Бонатти, ютоқиб май ҳўплаб, томоғидаги қуруқшашни босиб олгач. – Ё Парвардигор! Бундай сўзларни ким қўшди пьесага?

– Сархуш бўлиб қолибсиз, Гвидо, – деб кулимсиради ёш бир боён, у тилла занжир тақиб олган, ёнидаги соҳибжамол эса тилладан ҳам товланувчанроқ ва башангроқ эди. – Лекин ажойиб сўзлар, бунинг учун яна битта қадаҳ кўтарсак арзийди!

Бонатти, қалбидаги безовталики билан босиш ўрнига, анави номаълум актёрнинг ортидан тезроқ бориб-тўхтатиб, бу сўзларни қайдан олганини сўрагиси келди, бироқ нимагадир фикридан қайтди, бирданига унга пьеса ҳам, актёр ҳам бемаъни бўлиб туюлди, шашт билан суроҳийни олди-да:

– Ҳа, жин урсин, ҳардамхаёл бўлиб қоляпман ше-
килли, – деди ғўлдираб. – Куяқолинг, азизим Ротшилд!

– Мен Ротшилдлардан эмасман, – деб эътироз бил-
дирди боён, шунда Бонатти унинг ҳечам француз
яхудийларидан эмаслигини, балки норвег ёхуд швед
эканини кўрди, ёнидаги соҳибжамол ҳам аллақайга
ғойиб бўлган, ўрнида бақалоқ бир одам ўтирарди.

Гвидо суроҳийни бир кўтаришда бўшатди.

– Қорахаёл.... қорахаёл... – деб ғўлдиради у ва яна
бир марта «Жин урсин!» деб хитоб қилди, бироқ унинг
бу қичқириши бўғзидан тушунарсиз ғўлдираш бўлиб
чиқди, оромкурсининг ёғоч тахтасига бош қўйганида
парқу ёстикдан ҳам юмшоқ туюлди, у тамомила маст-
лик уйқусига чўмди... мастлик уйқуси аро эса буржлар-
нинг ғаройиб бир тарзда учбурчак ҳосил қилганини
кўрди, етти юлдуз бир ерда ғуж бўлиб олган, саккизин-
чи юлдузни ер эдилар... «юлдуз юлдузни ҳам ер экан-
ми», деб ҳайрон бўлди у уйқу аро, ҳамда етти юлдуз-
нинг тўпланиши фалокатдан, зилзиладан ёхуд бўрон
яқинлашишидан дарак экани эсига келди... унинг ақли
шу ерда саҳна чироғи каби ўчди ва ўзи ҳам мастлик
зулматига тамомила шўнғиб кетди... саҳнадаги нур
толаси.... номаълум одам... яқинлашаётган бўрон...

УЧИНЧИ ҚИСМ

BOENG DREAMLINER. БЎРОНДАН ЯРИМ СОАТ АВВАЛ.

Бўрон яқинлашмоқда эди.

Учоқ монитори яна огоҳлантирувчи овоз чиқарди: бу сафар қайсидир ахборот агентлигининг ҳар ўн дақиқада янгиланиб турадиган хабарлари келган эди. Профессор хабарларга тезда кўз югуртириб чиқди:

«Атлантикада бўрон шиддати зўраймоқда, унинг тезлиги соатига икки юз эллик километрга чиқди. Уммон бўйлаб шошилиш ҳолат эълон қилинди. Кўпчилик соҳилларда улкан гирдоблар пайдо бўлиши кутиляпти. Қутқарув хизматларининг бутун кучлари бўрон фалокатларининг олдини олишга сафарбар қилинган.»

«...бутунжаҳон метеорология хизмати бўрон йўналишларининг тахминий харитасини ишлаб чиқди, унинг Атлантика уммонидан ҳамда Австралиядан Осиёга қадар сурилиб бориши тахмин қилинмоқда».

«...бугун Гринвич вақти бўйича 15.00 да қўзғалган бўроннинг фазодан олинган суратларини кўриш учун VISA ёки Master Card тизимидан 3 евро тўласангиз кифоя».

«... дунёнинг турли минтақаларида саҳролар кенгайиб бормоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Саҳрои Кабир кейинги ўн йил ичида ўттиз километрга кенгайган. Худди шундай жараён Осиё чўлларида ҳам кузатилмоқда. Мазкур чўлларнинг кумининг ўзига хос хусусияти – унда шўр миқдорининг кўплигидир.»




«... баъзи дин уламолари жаҳаннамнинг абадий эмаслигига доир тахминларини эълон қилдилар. Улар ўз тахминларига «Улар жаҳаннамда абадий қолурлар, магар Парвардигорлари бошқа нарсани ихтиёр қилмаса...» мазмунидаги оятларни асос қилиб олдилар...»

«... Шунингдек, Мисрда қояларни йўниб ишланган уйлардан топилган анжомлар у ерда яшаган кишиларнинг дарҳақиқат баҳайбат гавдали, кучли кишилар бўлганини тасдиқлади. Ривоятларга кўра, уларни кучли шамол ҳалок қилган эди...»

«... дунёда қитъалараро ширкатларнинг пайдо бўлиши тахмин қилинмоқда, бунга ер юзидаги асосий капиталнинг якка кишилар қўлига ўтиб кетиши сабаб бўлиши мумкин...»

«...бутун жаҳон Овчилар Жамияти барча овчиларни Хитойдан келган қора чумчуқларни қириб ташлашга чақирди. Марказий Эпидемиология хизмати вакилининг таъкидлашича, улар қуш ўлатини тарқатишлари мумкин... Оддий ва одатий сарғиш чумчуқлардан фарқ қилиб, улар на дон-дун теришади, на сайрашади, қоп-қора кўзларини жавдиратганча ниманидир сабртоқат билан кутишади...»

«... Машхур тарихчи олимлардан бири, лўлиларнинг қачонлардир Ҳиндистондан йўлга чиққани ҳақидаги тахминини эълон қилди. Ривоятга кўра, улар жуда улкан мақсад билан сафарга чиқадилар, аммо карвонга озиқ-овқат муаммоси кўндаланг бўлади. Ов қилиб ёхуд бошқа йўл билан бу эҳтиёжни қондиришга вақт йўқотмаслик учун сафарни тиламчилик қилиб давом эттиришга аҳд қиладилар. Йиллар ўтавергач ва авлодлар алмашгач, бутун бошли халқ нима мақсадда йўлга чиққанини унутади, улар дунё бўйлаб ватансиз ва маконсиз бесамар дайдишга маҳкум бўладилар...»



«... Урдундаги қадимий харобалардан бирида абадиятга гирифтор бўлган киши ҳақидаги ёзувлар сақланиб қолган тери парчалари топилди. Азалий ҳақиқатларга қўл кўтаргани учун қиёматга қадар дарбадарликка маҳкум этилган бу киши ҳақидаги ривоятлар ўрта аср қўлёзмаларида, шунингдек, Брокгауз ва Эфрон қомусида учрайди. Тадқиқотчилар бу ривоятнинг тимсолий эканлигини, имон ва ишончнинг мутлақ ҳақиқатларига қарши чиққан кишиларнинг фикрий ва қалбий сарсонликларга дучор бўлишларини таъкидламоқдалар. «

«... Ер юзидаги энг шўр денгиз - Қизил денгизнинг Арабистон ярим ороли соҳилларига яқин ерида, сув остида чучук сувли улкан булоқлар борлиги аниқланди. Бундан икки минг йил аввал пайдо бўлгани тахмин қилинаётган мазкур булоқларнинг суви ғоят тоза ва шифобахш бўлиб, денгизнинг шўр сувига аралашиб кетмасдан то соҳилга қадар оқиб боради. Соҳилдаги турли сайёҳлик ширкатлари бу сувлардан фойдаланиб, катта тижорий лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқдалар...»

«... Сидней шаҳри яқинида жойлашган келажак технологиялари марказида оламшумул кашфиёт қилинди. Бугунгача табиатда мавжуд бўлган зарраларнинг акси бўлган анти-зарралар мавжудлиги фан томонидан ўтган асрда исботланган эди. Тахминларга кўра Коинот ҳам ўзининг аксидан, яъни анти-Коинотдан иборат. Фазонинг қаеридадир Коинот ва анти-Коинот бирлашгани ва бир бирини узлуксиз акслантиргани фазонинг чексизлиги назариясига ойдинлик киритиши мумкин. Бугунгача махсус шароитларда олиб борилган тажрибаларнинг натижаси ўлароқ, умри сониянинг миллиондан бир улушига тенг бўлган анти-электрон ва анти-протон зарраси ҳосил қилинди! Ҳозирча бундай зарра табиий шароитда

нималарга олиб келишини тахмин қилиб бўлмайди, чунки анти-зарра анти-муҳитдагина мавжуд бўла олади...»

Профессор Зиё хабарларнинг қолган қисмини ўқишга улгурмади, учувчилар хонасининг эшиги очилиб, стюардесса қиз кўринди, у жилмайганча ҳаммадан камарларни боғлашларини илтимос қилди, сўнг эса ҳаво ёстиқчаларидан қандай фойдаланиш, ҳалокат чоғида ўзини қандай тутиш ҳақида тавсиялар берди.

Профессор бетоқатланиб, қиздан нима гаплигини сўради.

– Бўрон яқинлашиб келяпти, – деб жавоб берди қиз. – Лекин учувчиларимиз маҳоратли, озгина ёқимсиз чайқалишлардан бошқа ҳеч қандай безовталиқ сезмайсиз, жаноб.

Профессор унга жилмайиб бош ирғади-да, дарчадан қаради.

Учоқ уммондан ўтиб, материк худудига кирган эди. Пастда сийрак туман бўлгани боис ҳеч нимани кўриб бўлмасди. Учоқ канотларидаги қудратли моторларнинг бир маромда ишлаши унга ишонч бахш этди. Лекин, уфқда аллақандай тушунарсиз булут пайдо бўлган, у нима сабабдандир қизғимтир-сарғиш тусда бўлиб, боз устига, шитоб билан ёйилиб бормоқда эди.

Ҳавонинг турли таъсирлари натижасида эфирда пайдо бўлаётган шитирлашлар ва шовқин аро тўсатдан «Ваҳший» яна алоқага чиқди:

– «Фиръавн», мен «Махес». Нишонни кўряпман.

– «Махес», сизни тушундим. Нишон йўналишини ва тезлигини билдиринг.

– «Фиръавн», у жанубий йўналишда ҳаракатланмоқда, масофа беш мил.

– «Махес», махсус тизимни ёқинг.
– Тушунарли.
– «Махес», Нишонни кузатяпсизми?
– Ҳа, кузатувда.
– Тушунарли, ракурс икки тақсим тўрт!
– Сизни тушундим. Орқа томондан яқинлашмоқдамиз.

– Ёнилғи миқдори?
– Уч тонна.
– Тушунарли, йўналиш ўнгга икки юз йигирма! Нишонгача масофани билдиринг.
– Масофа уч ярим мил.

Нишон – баланд бўйли, ёш ва забардаст, ялангоёқ бир йигит бўлиб, у бошини эгганча кунботар томонга кетиб бормоқда эди. Кетма-кет бошқа ҳарбий учоқлар ҳам уни пайқадилар, улар ҳам ўз марказларидан шундай буйруқ олганларига шубҳа йўқ эди – барча тизимларини жанговар ҳолатга келтирганча тезликларини ошириб, Нишон кетиб бораётган жой сари йўналдилар.

Бу орада «Ваҳший» билан радиоалоқа давом этмоқда эди:

– «Махес», мен – «Фиръавн», Нишонни кўряпсизми?
– Кўряпман, мўлжалда тутиб турибмиз.
– «Махес», Нишон йўналишини билдиринг.
– Нишон ўша йўналишда ҳаракатланмоқда, кунботарга кетиб бормоқда.
– Икки милгача яқинлашинг.
– Тушунарли.
– «Махес», мен – «Фиръавн», ўт очишга ҳозирлик кўрилсин, тайёр туринг.
– Тушунарли. Форсажга рухсат беринг.
– Форсаж фақат буйруқ билан!
– ... «Махес», Нишонни «ушлаб» турибсизми?

- «Нишонни тутган ҳолда» учиб боряпмиз.
- «Махес», ёнилғи миқдорини билдиринг.
- Ёнилғи – иккию етти.
- Сизни тушундим... Нишон йўқ қилинсин!
- Такрорланг!
- «Махес», Нишон йўқ қилинсин!
- «Фиръавн», унга яқинроқ бориш керак! Нишонни тутиш тизимини ўчириб, яқинлашмоқдамиз.
- Замбараклардан кетма-кет ўт очинг!
- Нишонни тутиш тизимидан чиқдик, замбараклардан кетма-кет ўт очамиз!
- Ўт очилдими, «Махес»?
- Худди шундай, буйруқ бажарилди!
- Нишонни кўряпсизми?
- Ҳа, унга яқинлашяпман.
- Тушунарли.
- Нишон пасаймоқда, унга яқин келдим, масофа ярим мил..
- Нишон пасаймоқда? Бу нима дегани?
- У ўтириб олди.
- У ўлдими?
- Аниқлашнинг иложи йўқ. У ўтирибди.
- Тушунарли. Тезликни камайтиринг. Барча жанговар машиналардан Нишонга қарата ўт очилсин!
- Бу хавфли, атрофда танув белгилари бўлмаган бошқа жанговар учоқлар ҳам бор.
- «Махес», вазиятга қараб ўт очишга тайёрланинг! Нишоннинг ўзингизга нисбатан ўрнини билдиринг.
- Чапдан етмиш даража.
- «Махес», Нишоннинг вазиятини билдиринг.
- У қумга ётиб олди... Кўриш қийин, тўзон кучаймоқда... «Фиръавн»?... «Фиръавн», у ибодат қилмоқда!
- «Махес», Нишонни ракеталар билан йўқ қилишга ҳаракат қилинг.

– «Фиръавн», десант туширишга рухсат беринг!
– «Махес», Нишонни ракеталар билан йўқ қилинг!
– Тушундим, Нишонда «ушлаган» ҳолда яқин-
лашяпман.

– Масофани билдиринг.
– Масофа чорак мил.
– «Махес», форсаж!
– Форсажга ўтилди!
– Ўт оч!
– Ўт очилди.
– Нишон йўқ қилиндими?
– Ҳеч нарса кўринмайди, ҳамма ёқ тўзон.
– Зарба чизигидан ўнг томондан чиқилсин, курс
етмиш беш.

– Зарба чизигидан ўнгга чиқяпман, курс етмиш
беш!..

– «Махес», қуроллар жанговар ҳолатда тутилсин.
Бегона ҳарбий учоқларни нишонда тутган ҳолда, ўн
беш даража ғарбга ҳаракатланилсин!

– Хўп бўлади!

Бўрон олдидан турган шамол аллақачон қумларни
кўтарган, номаълум одам «ҳаво-ер» русумли ўлимчил
ракеталар зарбаси ва шамол кўтарган қум тўзони
ичида кўзга кўринмай кетган, ҳозир уни махсус
қурилмалар ҳам кўролмаётган эди. «Ваҳший»нинг ўт
очганини кўрган бошқа ҳарбий учоқлар яқин масофада
турганларича тўзоннинг тарқалишини ва номаълум
кишининг чиқиб келишини кутмоқда эдилар. Бу орада
«Ваҳший» «Фиръавн»нинг навбатдаги буйруғини ҳам
бажариб улгурди, яъни яқин орадаги «Миг»ларни
лазер мўлжалига олди.

Ҳар ҳолда, бошқа жанговар учоқларга ҳам шу
мазмундаги буйруқ келган бўлса керак, «Миг»лар,
«Мираж»лар, «Кфир» ва «Торнадо»лар ҳам ўз вазият-

ларини «Ваҳший»га нисбатан ҳужумга қулайроқ бўлиши учун мослаб, айланиб ола бошладилар.

Энди бу ўлим машиналари турли қуроллардан бир-бирларини мўлжалга олганча буйруқ кутмоқда эдилар. «Ҳаво-ҳаво» типигаги ракеталар аллақачон жанговар ҳолатга келтирилган, ҳимоя воситалари ва чалғитувчи термик воситалар жангга шай ҳолатда эди.

Дунёнинг энг кучли бир қанча мамлакатининг ҳарбий учоқлари ана шу тарзда бир-бирига қурол ўқталиб турар эди.

Махсус радиоканалда эса «Ваҳший» билан «Фиръавн»нинг сўзлашуви давом этмоқда эди:

– «Махес», Нишонни кўряпсизми?

– «Фиръавн», шамол кучайиб бормоқда, ҳаммаёқ қум... тепа ҳам, паст ҳам... ҳеч нарса кўринмайди.

– «Махес», Нишонни қидиринг!

– «Фиръавн», бунинг иложи йўқ, ҳеч нарса кўринмаяпти, экранларда ҳам... Бегона учоқлар бизга нисбатан жанговар йўналишга ўтдилар.

– «Махес», бошқа учоқларга эътибор қилинмасин. Биз уларни фазодан «ушлаб» турибмиз. Излашни давом эттиринг!

– Тушундим, излашда давом этамиз...

BOENG 787 DREAMLINER. БЎРОНДАН ЎН ДАҚИҚА АВВАЛ

Орадан ўн дақиқа ўтганида, бағрига Профессорни ва уч юз чоғли йўловчини олган баҳайбат Boeng Dreamliner учоғи бўрон ҳудудига етиб келди.

Метеокузатув марказларининг тахминлари ҳақ бўлиб чиқди, Атлантика уммонидан то Осиё соҳилларигача бўлган ҳудудда мисли кўрилмаган шамол-

лар ва гирдоблар пайдо бўлган, айти пайтда Тинч, Ҳинд ва Шимолий муз уммони устидаги ҳаволар ҳам Гоби томонга сурила бошлаган эди. Шамолнинг йўли қинғир-қийшиқ илон изини эслатарди – Атлантиканинг уфққа қадар энлаб ётган охири кўринмас сув ҳудудларидан бошланган бу ғалаён негадир Ўртаер денгизининг жазирама ҳудудини четлаб ўтмоқда, абадий музлар ўлкасида ҳосил бўлган эпкинлар эса, асрий қорларни тўзғитиб ва музтоғларини синдириб, йўлида қуюнлару қасирғаларни ҳосил қилганча, улкан жонли илон сингари саҳро сари ҳаракатланмоқда эди. Япония томонда эса тескари ҳаракат рўй берди – дунёнинг бу четида ҳосил бўлган эпкинлар ҳам бошқа бир илон сингари Гоби томонга тобора зўрайиб боровчи шиддат ила интилар, чўл узра туриб қолган қайноқ ҳаво юқорига кўтарилиб, тепа қатламларда тескарисига эсувчи янада кучлироқ бошқа эпкинларни ҳосил қилган эди.

Эни етмиш-саксон, юксаклиги ўн километрга етган улкан айланувчи қуюнлар – илон бошлари ўзида мислсиз қувватни жамлаган эди. Инсонлар нафас оладиган ва майин эсганида роҳат келтирадиган бу неъмат тўсатдан шаклу шамоилини ва яратилиш мақсадини ўзгартириб, офатга айланган, бўрон марказида ҳавонинг юқори ўрлаши оқибатида ўнлаб ана шундай гирдоблар ҳосил бўла бошлаган, қуюнларнинг ўзагида шамолнинг эсиш тезлиги сонияда икки юз метргача етган эди.

Қуюнларни четлаб ўтиш мақсадида, Boeng Dreamliner учувчилари ва учишни бошқариш маркази мутахассислари янада юқори кўтарилишга қарор қилдилар – бу учоқ ўн икки километргача кўтарила оларди, бўронларнинг баландлиги эса одатда ўн

километрдан ошмас, бундай юксакликдаги эллик беш даража совукда ҳаво совиб, қуюн шиддати ўз-ўзидан пасайиб кетар эди. Кучли моторлар зўриқиб гувиллади – учоқ бу қадар юксакликка тиккасига кўтарила олмас, кўтарилиши учун яна юз эллик километр масофани учиб ўтиши керак эди.

* * *

Лўлилар карвонбошиси саҳрода итини эргаштирган бир девонаваш одамни кўрди, у ялангоёқ, сочлари ўсган, қўлида асо, кунботар тарафга – ғарбга қараб илдам кетиб борарди.

*Бу тани хокийнию руҳи равонни на қилай,
Бўлмаса қошимда жонон, бу жаҳонни на қилай?*

*Уройинми бошима етти беҳишту дўзахин,
Ломакондан хабар олдим, бу маконни на қилай?*

Бу – сароб эди, лекин шу қадар ҳаққоний ва аниқ эдики, карвонбоши ортига тисарилди. Уни бошқалар ҳам кўрдилар, аммо карвонбоши қатъий қилиб:

– Кўрганингиз сароб, ишингизда давом этинг, – деб буюрди.

Ва тескари томонга ўгирилганида, осмон бўйи келадиган, еру кўкни энлаган бир қуюннинг шу томон ёпирилаётганини кўрди.

* * *

Бўрон олдидан содир бўлган ғалати ҳодисалар Авлиёни ҳам четлаб ўтмади.

Итини эргаштириб кетиб бораётган мажнунваш кишини у ҳам кўрди, фарёдини ҳам эшитди:

*Ажаб Мажнун эрурман, дашт ила саҳрога сиғмамдур,
Дилим дарёи нурдир, мавж уриб дунёга сиғмамдур.*

*Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат мендадир мавжуд,
Чу султони азалдурман, ки аршу аълога сиғмамдур.³³*

Шунингдек, авлиё унинг ортидан бораётган бошқа бир бандани ҳам кўрди...

Бу икки одам шу кез кунботар томонга кетиб бормоқда эдилар.

Шундан сўнг авлиё ғор оғзида ўсиб чиққан бир қамишни қирқиб олди, ичини тозалади, бағридан тешикчалар очди ва лабига қўйиб пуфлади, найдан дунёдан ўтиб кетган барча кишиларнинг, халқларнинг ва миллатларнинг умум армонларининг, яшаш мақсадларининг ва ҳаёт ҳикматларининг ҳикояти монанд мунгли ва қайғули нидо таралди:

*Истаганлар бизни саҳрои балодан истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти фанодан истангиз...³⁴*

МЕЗОНУЛ-АВЗОН

Профессор уфқдаги бўроннинг чирпирак бўлиб айланишига ақлу шуури лол бўлиб боқмоқда, бу асов ҳайбат ва қудрат қаршисида унинг ич-ичидан тийиқсиз ва бошқариб бўлмас хавотир бош кўтариб чиқмоқда эди.

Бу – ғайриихтиёрий хавотир эди. Теваракдаги оддий ҳодисаларнинг ўз низомидан хиёлгина четга чиқиши киши кўнглида ақлга итоат қилмайдиган ҳиссиётларни ва қўрқувларни бино қилар, онг ҳарчанд

³³ Бобораҳим Машраб ғазали

³⁴ Ҳазрат Алишер Навоий ғазалидан.

уринмасин, юрак япроқдай дир-дир титрашини кўймасди.

Унинг назарида, сахро ҳудудларида бино бўлган ва ҳозир қайлардадир Парвардигорини излаб юрган барҳаёт одам, шусиз ҳам мукамал низомлардан ташқарига чиқишга уринаётган изланувчилар, тобора тўс-тўполони чиқиб бораётган замонавий дунё билан мана шу шамол жунбуши ўртасида элас-элас илғанар бир боғлиқлик бор эди, гўё. Инсонлар ва табиат нафас оладиган, ер юзидаги ҳаётни мудҳиш ва ўлимчил таъсирлардан қўриқлаб турадиган, улкан уммонларни ўз бағрида майин суздириб, лозим бўлган жойларга ҳеч кимга зарари тегмайдиган, балки одам боласининг завқини келтирадиган тарзда ёмғир қилиб ёғдирадиган, юзларни сийпалаганида роҳат бахш этадиган ҳаво деб, аталмиш бу неъматнинг тўсатдан офатга айланиши бежиз эмас эди! Оламлар Парвардигори, агар истаса, ёруғ дунёдаги ҳар қандай неъматни балога ёки ҳалокатга айлантириб қўйиши мумкинлигини намоён қилаётгандай эди. Гуллаб-яшнаётган тирикликнинг она унсурларидан бири бўлмиш сув ҳам гоҳ-гоҳ долғаланиб, теварак-атрофни ғорат айлагувчи баҳайбат бало қиёфасига кирмоқда, бағридан саноксиз неъматларни чиқариб-муҳайё қилиб тургувчи ер юзи гоҳ-гоҳ шиддат ила қўзғалиб, зилзилалар ҳосил қилмоқда, теранликларидан олов ва эриган маъданлардан иборат вулқонларни уфурмоқда, инсонларни совуқдан ҳимояланишига, лаззатли таом тайёрлашларига, ҳаётлари учун лозим бўладиган турли-туман асбобларни яшашларига имкон берувчи аланга ҳам гоҳо теграсидаги барча нарсани куйдириб-кул қилувчи баҳайбат фалокат шаклига кирмоқда эди. Дунёнинг тамали бўлмиш тўрт унсур ана шу тарзда – Парвардигори оламнинг қудрат-

иродасига тамомила бўйсунган ҳолда ўзгармоқда ва ер юзидаги тафаккур қилувчи ягона жонзотга – одам боласига қарата ўз тилида хитоб айламоқда эди.

Тафаккур қилувчилар учун эса янада чуқурроқда бошқа ҳақиқат яширинган эди! Яъни, бундай фалокатлару офатларсиз ҳам, ҳар дақиқада юзлаб инсонларнинг боқий руҳлари фоний вужудларини ёруғ дунёни тарк этиб, тасаввур ета олмас абадий маконларга унсиз ва жим жўнамоқда эдилар. Бундай фалокатлар ва тўфонлар мангулик сафарига йўл олаётган кишиларнинг қалбларида ҳам рўй бераётган бўлса не ажаб? Ҳа, инсон боласи учун қиёмат жон таслим қилган онидан бошланмоқда... инсонлар ана шу қиёмат кунига дуч келмаслик учун дунёда иложи борича кўпроқ муддат туришни орзу қилмоқда... ўзларининг шусиз ҳам барҳаётликларини англаёлмасдан, вақт ўтгани сайин жулдурлашадиган вужуд либоси ичида мангу қолмоқни ихтиёр этмоқда эдилар. Бир томондан, замонавий илмларнинг чўққиси ҳисобланмиш ген муҳандислиги тадқиқотчиларга мангу одам яратиш имконини бераётган бўлса, иккинчи томондан, кашф этилган барча ҳужайралару генлар ўша кун келганида туб-тубидан парчаланиб, нобуд бўлиб кетар, янада ҳайбатлироқ ҳақиқат мана шунда эди! У кунда мезонлару вазнлар тубдан ўзгарар, барҳаётлик бошқа шакл ва мазмун касб этар... бу ҳақиқатларни олам яратилганидан то маҳшар кунигача дунёга келадиган инсонлардан фақат биттаси - энг муборагигина ўз кўзи билан кўрган эди, холос!

Ақлу тафаккур англаб ололмайдиган ана шу ҳодисаларнинг ёруғ дунё қонуниятлари каби ўз қонуниятлари бўлиб, уларни оддий одам болалари фақат ҳислари ва юраклари билан сеза олардилар.

Инсонлардан мангуга яширинган бу ҳодисалар заминидаги маъноларга эришиш тафаккур тарихида жуда оз сонли кишиларгагина насиб этган эди, холос.

Профессорнинг ёдига ана шундай барҳаётлардан бирининг мисралари келди. Санъат теранликларига турли ишораларни ва ҳикматларни яшириб кетган бу зот, умр шоми яқинлашаётганини олдиндан сезаркан, келажакдаги барча инсон болаларига асрлар ортидан, мисралар аро илтижо қилмоқда эди. Ночор қаламим остидан чиққан, ўзим дуру гавҳар деб тахмин қилганим сатрларни ўқигувчи киши ила мени бақамти қилганинг – сенинг июнотингдир, юрагимдан ситилиб чиққан мисраларимга нигоҳ ташлаган ҳар бир кишини ўз марҳаматинг соясига олгин деб, ўқувчининг ҳаққига олдиндан дуо айламоқда ва ўзи ҳам дуодан умидвор ҳолда дуо қилмоқда эди.

*Ё Раб, ушбу турфа шўхи дилфириб,
Ки онинг васлин менга этдинг насиб.*

Ё Раб, бу зарбулмасалнинг турли шўх ва дилга фириб берувчи маънолари васлини менга насиб айладинг. Энди уни:

*Эл кўзига доғи маҳбуб айлагил,
Барча хотирларга марғуб айлагил.*

Маъноларини элга маъқул ва марғуб қилганинг рамзларни эса:

*Гарчи мақсудига мубҳамдур баён,
Қуш тилин эл кўнглига қилғил аён.*

Шундан сўнг эса, у мангу зот хокисорликнинг ва самимиятнинг ажойиб намунасини туҳфа этган эди:

*Кимга ондин ҳосил ўлса муддао,
Лутф этиб, Фонийни ҳам қилса дуо.*

*Айла онинг ҳам дуосин мустажоб,
Иккимизни оллидин олғил ҳижоб.*

*Табъима тушса хато бирла зилал,
Килкима саҳв ўлди эрса ё халал.*

*Лутф ила, ё Рабки, борин афв қил,
Номаи аъмолидин ҳам маҳв қил.*

*Ҳар паришон сўзки ёздим, ё Карим,
Баридин астағфируллоҳ, ал-азим...³⁵*

Буюк истеъдод ва бемисл фикрий қувват ҳосиласи бўлмиш бу мисралардан орттириб сўз айтиш маҳол эди.

Дунёдан кетар кишининг бундан марғуброқ сўз айтиши ҳам маҳол эди.

Профессор Зиёнинг кўзларига ёш қуйилиб келди. Ёдида эса улуғ мутафаккирнинг сўнг мисралари худди қуюн каби чирпирак бўлиб айлана бошлади:

*Ҳар паришон сўзки ёздим, ё Карим,
Баридин астағфируллоҳ, ал-Азим...*

БҶРОН

Бағрида раҳмат ёмғирларини олиб келувчи булутларни ҳайдаб эсадиган шамол бу гал бошқа булутни – фалокат булутини олиб келмоқда эди.

³⁵ Ҳазрат Алишер Навоий, «Лисонут-тайр» достонининг хотимаси.

Уммон устида у шу қадар зўрайдики, баландлиги ўттиз метрлик тўлқинларни ҳосил қилди, соҳилга яқин жойларда эса гирдоблар кўкка аждар каби сапчиди, миллионлаб балиқлар шу тўлқинда ҳалок бўлдилар, гирдоб уларни бир неча километр баландга кўтариб, соҳилдан юзларча чақирим ичкарига – чорва майдонларига олиб бориб ташлади.

Таиланд соҳилларига дам олишга келган сайёҳларнинг кўпчилиги тўфон остида қолиб кетди. Бир томондан ёпирилиб келган тўққиз қаватли уй баландлигидаги тўлқинлар, иккинчи томондан ҳосил бўлган улкан гирдоб соҳилнинг ичкари қисмида жойлашган отедларни ҳам вайронага айлантирди. Қизиқиш туфайли бўронга қарши чиққан ва унинг қаршисида тили калимага келмай қолган аллақандай замонавий ёшлар тўдаси ҳам хасдай совурилиб кетди, уларнинг жасадлари кейинчалик ҳам топилмади.

Дунёнинг кайфу сафо марказларидан бири ҳисобланган Таиланд соҳиллари тамомила вайронага айланди.

Шамол ва қуюн шундан сўнг Осиё чўлларидаги миллионлаб тонна қумни ичидаги жонзотлари ва набототи билан қўшиб самога кўтариб кетди, бутун самони қум булути энлади. Шунингдек, Куйтэн-Найрамдал чўққиларидан юз эллик чақирим масофада жойлашган Инсон такомили марказининг бир қаватли бетон биносини ҳам синдириб-парчалаб, хизматчиларию ертўлалари, тажрибахоналарию ақли ноқис, майиб-мажруҳ сунъий урчитилган одамлари ва фазовий алоқа қурилмалари билан қўшиб кўкларга кўтариб кетди, уларнинг ҳаммаси қум бўрони аро кўздан ғойиб бўлди.

Ичида хас-хашаклару шох-шаббалар майда-чуйда чўл жонзотларига қўшилиб чирпирак бўлиб

айланаётган, гирдоблари улкан жонли илонлар каби ердан кўкка чўзилган бўрон, саҳронинг ҳар бир қадамини ғоятда синчковлик билан «титиб» чиқиб, ҳозир нишонини «йўқотиб» қўйган ва бир-бирларига ташланишга шай турган ҳарбий учоқлар томон шиддат билан яқинлашиб бормоқда эди. Ана шу тўс-тўполон ичра заминдан янги бир гирдоб «ўсиб-бош кўтариб» чиқди, унинг туби ингичка, юқориси эса эни етмиш километрлик баҳайбат аждарни эслатарди, Гоби ҳудудида жанговар ҳолатда турган ҳарбий учоқларни ана шу гирдоб бирпасда ўраб-чирмаб, ўз домига тортиб кетди.

Парвардигори оламнинг ғазаб қудратини ожизона тамсил этган бу асов ғалаён ичида қудратли ҳарбий машиналарнинг қанотлари ўша заҳоти синиб-парчаланди, қуюн уларнинг замонавий қуролларини мисқоғоз каби эзгилаб-парчалаб ташлади, зирҳларини ракеталари билан қўшиб узиб-юлқиб олди, ўқ ўтмас ойна ортида саросимага тушган ҳарбийларнинг қўрқувдан буришган юзлари бир лаҳзагина липиллаб ўтди холос, сўнгра учоқларни ақл бовар қилмас тезликда ғоят юксаклардан ерга опкелиб уриб, ер қаърига – камида юз қулоч чуқурликка аёвсиз тиқиб юборди, чуқурлар ҳам ўша заҳоти қум ва тупроқ остида кўмилиб-йўқ бўлиб кетди.

Гобига хуфёна кириб келган барча ҳарбий учоқларнинг тақдири ана шундай якун топди.

Энди бўроннинг бир учи Тянь-Шань кемтигидан ўтиб, янада ғайриоддий куч билан эсмоқдайди. Чўл жонзотларининг бари яшириниб улгурган эдилар. Теварак худди уммон каби тўлқинланар, саҳро бир китоб каби варақланар, балки қумларнинг янги саҳифалари очилмоқда эди.

Бағрида уч юз чоғли йўловчини олиб Атлантика уммонидан ўтиб келган ва ҳозир саҳро узра учиб бораётган Boeng Dreamliner ўн минг метрга қадар кўтарилганида, даҳшатли бўроннинг бир учи унга етиб келди.

Қум икки юз йигирма тонналик улкан ҳаво лайнерининг моторларига кириб тиқилди, дарчаларни энлади, ҳаво филтрларини тўлдириб, ҳатто ғилдираклар турадиган жойгача ва қанотларнинг бошқарув қурилмаларининг ичигача кириб борди.

Оддий қумлардан фарқ қилиб, бу қум шувиллаб тўкилиб кетаверар, энг кичик тирқишга ҳам кириб тўлдираверар эди. Орадан бир дақиқа ўтиб-ўтмай, учоқнинг тўртала мотори ҳам ишдан чиқди, учоқ мувозанатини сақлай олиши учун моторлар тананинг қоқ ўртасига ўрнатилган бўлса-да, дум қисмидаги юк босиб кетди, учоқ шитоб билан пастга оғиб берди – у қулай бошлади. Бошқарувнинг йўқолгани ва моторлар ишламаётгани боис, шамол эпкиннда гир айланди, тескари йўналишда урган бошқа бир эпкинда унинг лонжеронлари қарсиллаб узилди, сўнг ўнг қанот синди, унга ўрнатилган икки моторнинг оғирлиги боис, ҳавода чирпирак бўлиб айланганча, қум қоронғилиги ортида пастда ғойиб бўлди. Роппароса уч сониядан сўнг иккинчи қанот ҳам узилди ва у ҳам бўрон шиддати аро кўздан йўқолди.

Шунга қарамай, қанотсиз қолган учоқ учишини давом эттирмоқда эди.

Бор-йўғи ўттиз икки сонияда учоқ ерга келиб урилди, урилган жойида улкан чуқур ҳосил қилиб, тепага қайта сапчиди, тезлик катта бўлгани учун у бир неча қисмга бўлиниб кетди, бўлақлар урилиш кучи оқибатида яна бир қанча юз метр жойгача

учиб-парчаланди, парчалар орасида одамларнинг таналари ва юклар ҳам кўзга ташланар эди. Шамол учираётган қум зарралари майда парчаларни шу заҳоти қўмиб ташлади, каттароқ бўлақлар олдида эса қум уюла бошлади. Бу ҳалокатда бировнинг тирик қолганини тахмин қилиб бўлмасди – қулаш чоғидаёқ кўпчиликнинг юраги ёрилиб кетган, бақувватроқлар эса урилиш чоғида жон таслим қилган эдилар.

Тянь-Шань ёнбағридаги ғорда истиқомат қиладиган авлиё ҳам қўрқувга тушган эди. Парвардигори олам куч-қудратининг бир тимсоли бўлган бу офатнинг нима эканини у яхши биларди. Унинг билгани тарихга кўра, азобу уқубатлар ҳам, раҳмату баракотлар ҳам айнан шамолларнинг қанотларида келар эди.

Бир оздан сўнг урилган янада шиддатлироқ эпкин ғор оғзида ўсган анжирни – ризқ дарахтини тагтомири билан суғуриб олди ва пастликка қараб хасдай учириб кетди.

Саҳродаги лўлилар карвони ҳалиям ўз жойидан қўзғалмаган эди. Карвонбоши шамолнинг зўрайиб бораётган ғалаёини кўриб, ҳаммани бархан ортига кўчирди, ухлаётган неварасини кўтарганча, бархан ёнбошидаги чуқурлик ичига авайлаб ётқизди, устидан тўнини ёпиб қўйди. Қолганлар лом-мим демасдан, шамолнинг ҳайқиришига қулоқ тутиб турардилар, шамол уларнинг кийимларини юқилаб-узгудай бўлиб эсмоқдайди.

Лўлилар карвонбошиси унинг, шу шўрлик қавмнинг ватан илинжида бесамар дайдишларига чек қўйиши керак бўлган шамол эканидан умидвор эди.

Карвонбоши турли халқларнинг турлича ибодатларини билар, бироқ, қайси бирининг ибодати қай тарзда қабул қилинишидан беҳабар эди. Шу боис ҳам у энг сўнгги пайғамбарнинг ибодатини қилди:

кўзларига қум тиқилган ҳолида кунботарга қараб шундоққина қум узра чўк тушди. Ва агар бу шамол умрларига ниҳоя қўядиган бўлса, ҳаёти дунёдаги умрини хотималайдиган бир ибодатни адо этишга киришди.

Шамол еру кўкни энлаб роппа-роса бир кеча эсди. Шундан сўнг ғалаён аста-секин тинди.

Тянь-Шань ва Олтой ёнбағирларидаги ўрмонларнинг аҳволи ачинарли эди: сарвқомат арчалар қоқ бўлиниб-синиб кетган ва айқаш-уйқаш бўлиб уйилиб ётарди, уларнинг остида ҳалок бўлмай қолган ва яраланган ҳайвонларнинг бўкиришларию чийиллашлари теваракни тутиб кетган эди.

Саҳродан келган қум бўронлари авлиёнинг ғорини абадиян бекитиб ташлади. Бироқ, шу маҳалда ичкарига кирган одам ҳайрат бармоғини тишлаши шубҳасиз эди: ичкаридаги ҳаво сарин ва енгил, гулларнинг ислари анқиб турар, авлиё эса сажда қилган ҳолида жонини Ҳаққа топширган, балки кўпчилик орзу қиладиган гўзал ўлим эди бу.

Олтой тизмаларининг этагидаги Отгон-Тенгри Уул водийсидан юз эллик чақирим масофадаги Инсон такомили маркази жойлашган ерни ҳам қум теп-текис босиб тушган эди. Қум узра гоҳ кўриниб-гоҳ кўринмовчи улкан тўмтоқ қурт – олғой-хорхой, тушунарсиз равишда имиллаб ўрмалаб борарди.

... Тенериф саҳроларида яна бир баҳайбат тошбақа пайдо бўлди, у ортмоқлаб олган тошнинг узоридаги нақшлар муқаддас ёзувларни эслатарди... ким билсин, балки яна минглаб кишилар шу ёзувни кўриб, имонга келсалар не ажаб?

Сахрода ҳеч қандай из қолмади, барчаси худди тарих каби супурилиб кетди.

Шамол лўлилар карвонини ҳам қум билан тамоман кўмди, уларнинг аёллари, болалари ва ҳатто уловлари ҳам қалин ва оғир қум қатлами остида қолиб кетдилар.

Лўлилар карвони кўмилган жойдан юз эллик километр ғарбда улкан учоқ қолдиқлари сахро бўйлаб сочилиб кетган эди, қум уларни ҳам теп-текис қилиб босиб тушди. Қараган кўзга шу топда ҳеч нарсa кўринмас, уфқларга қадар сарғиш-қизғимтир қум энлаб ётарди: на учоқ, на учоқнинг йўловчилари, ва на Профессор Зиё...

ХОТИМА

Янги очилган қум саҳифасида сахро бўйлаб бир банда ёлғиз кетиб бормоқда эди.

У баланд бўйли, узун сочлари елкасига тушган, ялангоёқ бир одам эди.

Бу одамни кейинги асрларда янада кўпроқ эслайдилар. Уни гоҳ дарбадарликка маҳкум инсонларнинг, гоҳо эса тақдирларнинг ва халқларнинг тимсоли сифатида тилга оладилар.

Ва унга «Боқий дарбадар» деб ном берадилар.

2010

ҚИССА

РОБИЯ БАЛХИЙ ҚИССАСИ

Бу – «Зайн-ал-араб», яъни «Араб зийнати» деб ном олган, тоза руҳи қора ер зулматидан само сари нурдай отилган гўзал Робия ҳамда Афросиёб ботири Бектош қиссасидир. Шунингдек, инсонлар дин учун эмас, дин инсонлар бахт-саодати учунлигининг ибратли, ҳузунли ривоятидир.

Робия гўзаллигини таъриф этишга кимнинг ҳадди сиғар экан? Ахир, у етти қават парда остида махфий эди. Отаси, Балх амири Абдуллоҳ ибн Кааб «Қизимнинг зулфининг икки толаси учун Машҳаду Балхни бахш этишга тайёрман» деди, бироқ бу сўзи билан не ишларга йўл очиб берганини ўзи билмай қолди. «Ё Оллоҳ! У қандай зулф эканки, ёруғ дунёнинг икки шаҳри тортиқ бўлиб кетса?» деб ўйлашди одамлар. Не-не шаҳриёрлар, амиру беклар уни сўраб келаверишди, бироқ Кааб қизини ҳеч қайсисига бермади. Илми борлар айтишдики, бу иш худди Парвардигор жаннатни етти қават парда остида тутганига ўхшайди, уни эса, фақат маҳрамлар кўра оладилар. Шу боис, бизлар ҳам бўлиб ўтган ишларнинг зоҳирига-ю, у эрка араб оҳусининг кишилар наздидаги таърифига назар ташлай оламиз, холос...

Робия қиз гулларни жуда севарди. Гуллар эса унинг гўзаллигини таъкидлаш учун яратилган эди. Настарин унга тонгги, бинафша тунги либос бўлишни орзуларди. Наргис – хушчоғ маҳалидаги қабоси, печакгул – рўмоли остидан бойлайдиган

сочбоғи бўлгиси келар, қора тун унинг бурқаъси, тун бағридаги юлдузлар бир нигоҳининг мазмунини ифодалашни орзу қилишарди. Бол унинг сўзларининг таъминини ўзига сингдириб олишни хоҳларди. Камон унинг қоши олдида арзимас бир нарсаман деб ўйласа, қалдирғоч ўз қанотига қараб, Кааб қизининг қоши олдида мен ҳеч нима эмасман деб изтироб чекарди. Киприги олдида Дамашқ ханжари оддий тикандай бўлиб қоларди. Тонгги ёки тунги сабо унинг нафасига, мусаффо тоғ жилғаларининг жилдираши эса кулишига тақлид қиларди. Ахир, ўзи ҳам ўзига боқиб «Субҳ шаббодасида кийикдан олинадиган ёқимли нофа мушкидан асар ҳам йўқ эди, жаҳон нима сабабдан мушк бўйини олди?», деб ҳайратланмадими?

Араб шоирларидан бири дедик, Кааб сулоласи бир денгиз эди, тақдир ундан бир қанча жавоҳирларни соҳилга улоқтириб юборди. Инсоният осмонига Робия бинти Каабни Зуҳал қилиб қадаб қўйди. У шундай юлдузки, чақнаганида бошқа юлдузлар уятдан бўзаргайлар. Сен уни узоқдан кўриб Зуҳал демокдасан, моҳиятига етсайдинг, балки Коинот дер эдинг! У фалакнинг шундай жавоҳирларига етиб бордики, арабу ажам эркаклари заковатда ва фасохатда яқин ҳам кела олишмади, Робия бинти Кааб уларнинг барчасининг устидан кулиб кетди. Улар эса бундан саодатманд бўлдилар, чунки шоир айтганидай, «Мен бу ҳолдан бахтиёрман, чунки шоҳ назарига тушдим».

Ҳинду Рум ошпазлари, Дамашқу Шероз қандолатчилари, Хуросон шарбатчилари унга ўз санъатларини кўрсатгиси келарди. Чўмилгиси келса ҳовузи-га сут қуйиларди, ширинлик егиси келса мураббо ирмоғи оқизиларди. Отаси «Қизим ёз жазирамасида муздай шарбат ичсин» дея атай «яхчор» дейиладиган

музхона қурдирди, у шундай эдики, кунга терс бир жойга ертўла қазилиб, остига қамиш босилиб сувалгач, қишда сув тўлдириб музлатилиб, усти ёпиб қўйиларди. Терскай бўлгани учун муз ёзда ҳам эримасди. Ўнлаб жориялар амир қизининг хизматига шай эдилар. Гўзаллигидан ташқари, отда ёки араблар «талиқ» деб атайдиган уруш туясида жанг қилишни, ёй тортиш, қилич чопиш ҳунарларини ҳам ўрганди. Шиддати шунчалар эдики, шунқор парвозию энг тезчопар отларнинг елиши ғайрати қаршисида ожиз эди.

Шундай малак эди Робия бинти Кааб.

У ўн бир ёшидан ғазал бита бошлади. Гўзалликларни кўра-кўра улғаяётган нозик қалб уларни дунёга янада жилолантириб, ўз чиройига тўйинтириб ҳадя этмоқ истарди. Шу боисмикин, жаҳон мушк бўйини олиб Аржанги Моно, яъни Моний нақши бўлди, кўкдаги булут ердаги гулнинг рангини Лайли либосига ўхшатиб кўз ёш тўкди? Урушларда чиниққан, кофирлару мардудлар қонини селдай оқизган жасур Кааб у ғазалларни қизчасини кучоқлаб, бошини бошига қўйиб биргалашиб ўқир, ўқиган чоғида кўзлари севинчу шукронадан намланиб ҳам оларди.

Қизи битган ғазалларни Хуросоннинг машҳур шоири Абу Абдуллоҳ Рудакий ихтиёрига ҳавола қилишга ундаган ҳам оталикнинг буюк меҳри бўлса ажабмас. Чунки таъкидланганидек, қизлару аёллар – эркаклар ор-номусининг тимсоли, бениҳоя қийматли жавоҳирлардир, шу сабабдан уларнинг борлиғи-ю ҳатто овози ҳам махфий тутилади. Робиянинг гуллару боғу бўстонлар ҳақидаги байтлари кекса шоирни шунчалар ҳайратга солардики, ўқиб бўлиб, ҳайрату мақтов тўла мактубларини Балхга йўллар, улар етиб келиб, амир Кааб дил бўстонини чаман қилиб яшнатарди.

Абдуллоҳ ибн Кааб Балху Қаздорда шундай тартиб жорий қилдики, мамлакатда бўрию кўй, арслону той ёнма-ён, бежавотир яшар эдилар. Ҳар ишда адолат жорий бўлсин деб, шайхул ислом билан бирга бозорларни айланаар, нарх-навони сўраб-суриштирар, инсофсизлик қилганларга жазо тайинлар, одиллиги боис ўлка гуллаб-яшнади. Кишилар амир Кааб ҳаққига тинмай дуо қилишарди.

Аммо чархи кажрафтор қалами само лавҳул-маҳфузига не ишларни ёзганини ким билибди дейсиз? Саодатли кунларнинг бирида ажал ёйчиси Каабнинг жон қушини аниқуриб олди. Ҳеч ким у онни ортга сура олмади. Амирнинг қуёшдай боши салтанат осмонидан қуйига юмалаб кетди. Жони чиқишини билгач, – зеро, шоир айтгани каби, «Нега келди, нега кетди, билмаслар...» – суюкли фарзанди Ҳорисни чорлаб, «Эй жонимнинг парчаси, кўзимнинг оқу қораси ўғлим! Синглингни сенга омонат топширдим. Уни не-не киборлар, неча беклар, амирлар, шахриёрлар сўраб бош уриб келишди, лекин мен бермадим. Сен бер, тенгини топиб узат», деди.

Бу сўзни айтгач, деди:

*Камони Ҳақни тортгувчи башар йўқ,
Нечун келгай, нечун кетгай, хабар йўқ.*

*Нечун келгай, буни ҳеч кимса билмас,
Нечун кетгай, дағи билгувчи бўлмас..*

Шундай деб, ажал элчилари қаршисида зор-зор йиғлаб ўлим рукуъсига кетди, уни юборган Аллоҳу акбарга таслимият саждасини адо этди ҳамда мўминликнинг оқ либосига ўралиб, кўзининг оқу қораси ила абадиян видолашди.

Кааб тупроққа берилганида Робиянинг оху зори кўкларга сиғмади. Ота меҳри қанчалар кўкларни тўлдиргувчи эса, қиз меҳри ҳам у само остидаги денгиздай эди. «Жонимнинг Каъбаси отам» дея ўзини ўтга-чўққа урди. Шум ажалнинг қилмишларига ким кўникибдики, Робия кўниксин? Бироқ, Тангри таоло иродасига тан бериб, азиз қиблагоҳининг қуёш чехрасини соғина-соғина яшайверди.

Кунларнинг бирида тақдир қуши бу сулола бошига келиб қаттиқ қичқирди ҳамда қанотини улар узра ёйиб, не машъум ишларга рўпара қилди?

* * *

Абдуллоҳ ибн Кааб Ҳақ раҳматига қовушганидан сўнг, шоҳ Наср ибн Аҳмад салтанат равнақи учун қилган хизматлари юзасидан Каабнинг ўғли Ҳорисни Балх амири этиб тайинлади. Салтанат тожи энди ўғил бошида порлади, амирлару лашкарбошилар унинг айтган сўзини қулоқ қоқмай адо этишга байъат қилишди.

Абдуллоҳ ибн Кааб ўғлининг олим бўлишини истарди. Бироқ, Ҳориснинг ғайрати ҳамда ўз-ғирлигига илм озлик қиларди, у ғалаба қозонишни, шиддатли урушлар гирдобидида оқишни ва у ердан ғолибу фотиҳ бўлиб чиқишни орзуларди. Сабаби: у ёшлигида заифгина, юзида тиртиғи бор болакай бўлиб, тенгдошлари уни кучсизлиги боис масхаралаб юришарди. Ҳар масхараланганида уйига қайтиб, боғ четидаги ҳаммомга кириб яшириниб олар, у ерда маломатдан эзилиб юм-юм йиғлар, қиздирилгану эндиликда совий бошлаган ҳаммомнинг ҳарорати ва ислари аро қаҳру ғазабда лов-лов ёниб ўтли қасамлар ичар, сўнг ўзига келиб қайтиб чиқарди. Келажакда енгилмас ботир бўлиб етишишни, ўзининг куч-

қудратини ўзгаларга шу тариқа кўрсатиб қўйишни орзуларди. Мадраса таҳсили кўп давом этмади, Кааб ўғлини лашкарбошилар орасига қўшди.

Ҳорис лашкарга қўшилган маҳалда гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда исёнлар содир бўлар, жанговар бўлуклар бўйсунмас элатларни бўйсундириш, уларни исломга қайтариш ниятида йўлга отланишарди. Илмоқиллар учундир, тоғу тошларнинг жоҳил кишиларини ваъзу насихат ила йўлга солиб бўлармиди? Шу сабаб, кўп ишлар тиғ ва ўлим кўрқинчи орасида содир бўларди. Дунёга ислом дини келганига бор-йўғи бир неча аср бўлган, оддий кишилар унинг ҳақиқатини англолмай, яширинча тоғу тошлардаги махфий ибодатхоналарига чиқиб олов ёқиб, ўз эътиқодларида давом этишар, ўлимдан кўрқишгани боис ўзга динни қабул қилишганини, қалбларида эса ўз динларига содиқ қолишганини айтиб, санамлари қаршисида ялиниб-ёлвориб тавба қилишарди. Шундай бўлса-да, кичик урушларни ҳисобга олмаса, мамлакатларни қамраб олгувчи ва ёшу қари хонумонини бирдай куйдирувчи улкан урушлар содир бўлмас, бу ҳам шоҳ Наср ибн Аҳмаднинг ҳамда амир Каабнинг оқиллиги боис эди.

Ҳорис ибн Кааб тахтга ўтириш маросимида катта базм тўплади. Хурмат-эътиборга сазовор аъёнлар, олимлару шоирлар, лашкарбошилар, беклару баҳодирлар, урушларда донғи чиққан ботирларнинг бари шунда эдилар. Табриз кўробиялари, Машҳад ҳолвалари, Ҳалаб қадойифлари пайдар-пай етказиб туриларди. Чухралар Жаузжон, Шибирғон, Кандаҳор чоғирларини кетма-кет ташишарди. Сарик тусли саҳбо, сутдай оқ софчаш, яшил райҳоний, майи ноб, афсар, қондай қирмизи муғона, хира тусли Кофуристон бодаси, кишмишли киштиий, ҳатто беадабларча

«кишти ҳалоли» деб номланган, рангу тусидан гулоб-га ўхшаш Ҳирий чоғиригача олиб келинарни.

Булар қадаҳларга кетма-кет қуйиларди. Чолғучилар куйларни шундай чалишардики, кишилар ўзларини йўқотиб, қайда эканликларини унутиб қўйишарди. Уд садолари ила шундай шеърлар айтилардики, кишилар унинг сеҳрига маҳлиё бўлиб ёқа йиртишарди.

Ёт назардан узоқ бир болохонада Робия ўз энагаси билан базмни томоша қилар экан, айнаи чоғда қисмат ёйчиси уни ишқ ўқи билан чунон урдик, аввалги Робиянинг кулини кўкларга совуриб юборди. Ўрнида қақнусдай бўлиб, янада малоҳатли ўзга Робия яралиб чиқди.

Тангри таоло ҳар нарсанинг жуфтини мукамал қилиб яратмадими? Бироқ, бу гал тун кундузни қувалаб етмоқ истади. Ой қуёш ортидан югурди. Чолғу куй ортидан чопди. Денгиз соҳилга бош урди, соҳил эса, ихтиёрида шунча сув бўлатуриб ташналикдан фиғон чекди. Гул булбулга интилди, зеро, булбулсиз унинг умрида маъно қилмади. Робиянинг нигоҳи ўз озодлигининг қотили, тик қадли мағрур Бектошга тушди-ю, ўзини тугал унута қолди.

Айтадиларки, бу иш Робиянинг ихтиёридан таш-даги иш эди. Унинг қисмати тақдир қалами ила кўкда ёзилганди.

Ажаб, маликани ўзига ром айлаган туркий йигит ким эди?

* * *

Андхўй-у Майманадан Афросиёбгача, Чоч эллари-дан Ҳўқанду Марғиёнагача, ундан нари доволон ортигача ёйилиб кетган ёйиқларда яшайдиган туркийлар, жангу жадал усталари, ҳеч нимадан тап тортмаслиги-ю, ботирлиги билан донг таратишган

эди. Айни замонда бу юракли эл орасида илму урфон юлдузлари чақнаган бўлса-да, туркий йигитларнинг илмга ҳуши йўқроқлари отамерос жанг ҳунарини танлар, отга минса, гўё у билан бирга туғилгандай қапишиб ўтирар, баъзилари эгарни айлантириб, чопа кетаётган от ёнига тушиб, ўша ҳолича камон отишарди. Бир отдан бошқа отга сакраш, ҳатто орада салт бир от эса, учинчисига сакраб ўтиш ёки ҳавода айланиб ўқ узиш уларнинг жўн ишлари эди. Шу сабабли шоҳ Наср ибн Аҳмад черикни тоғу тошларга ёйилиб кетган қабила сарбозларидан эмас, туркийлардан тузишни маъқул кўрарди. Бу аскар тезкор, шиддатли, ўзғир ҳамда чидамли эди. Салтанатда уруш чақмоғи чақнамаган кезларда черик Балх теграсига ёйилиб тин олар, ов билан машғул бўларди.

Наср ибн Аҳмаднинг юришларидан бирида Амир Кааб ҳам бор эди. Мовароуннаҳр даштларидан бирида ўқлари самони қорайтириб, қуёшни тўсувчи улуғ жанг бўлиб ўтди. Икки кеча-кундуз давом этган муҳорабада амир Кааб зафар шаробини тўла сипқориб, ғалаба бурғусини чалди ҳамда бошқа асирлар қаторида туркий беклардан бирининг ўғлини ҳам тутқун қилиб ола келди. Чаққону зийраклиги маъқул келиб, уни саройга хос қўриқчи қилиб тайинлади. Амир хизматида у ёй тортиб ўқ уриш, қилич ўйнатиш, найза отиш каби ҳунарларни ўргана-ўргана, моҳир аскар бўлиб етишди. Айни дамда фатила сочлари елкасига тушган бу кўркли йигит Ҳорис ибн Кааб ёнида май косаларини узатиб турарди.

Борлиғи ила Робия умрининг мусаффо осмонида чақмоқ чақнатган йигит мана шу Бектош эди.

Султонларни кўкдаги юлдузлар қаторидаги тахтидан улоқтириб жулдур кийимли гадойга айлантирувчи, кишилар ҳазар қиладиган муфлис

гадойларни ҳеч кимнинг ақли етмас бир йўсинда
етти иқлимга султон айлагувчи, наъраси кўкни
бузгувчи арслонларни қуёнга, одамлар хонадонидан
дон-дун ўғирлаб кун кечирувчи сичқонларни
филга ҳукмдор қилгувчи эй иши номаълум фалак!
Арабу форсу туркийни бир ерга келтириб, қай бири
ўзининг не эканини билолмай турган маҳалида
довдиратиб қўйган эй чарх! Боғу роғларни, шоҳ
саройларинию фақир кулбаларини бирдай вайрон
қилувчи у мудҳиш қисмат селини шу мусаффо гул-
чечак бўстониға бурмасанг не бўлғай эди? Ерларнинг
тубларидаги кўзсиз қуртга қадар Тангри таолонинг
ризқу марҳамати етиб турган эди-ку, етти қат парда
ортидаги у қандга сувни нечук юбординг? Тоза-
мусаффо у замзамни қай ўзанларга бурдинг? Ишқ
оташи ила кўз ёш селобини бир вужуд ичра қай тарз
қон қилиб югуртирдинг? Марҳаматлару неъматлар
оламида бир маромда оқаётган умр дарёсига не
тўғонлар солдинг?

Ҳа, қисмат булутлари сурилиб келиб, ишқ чақмоғи
ишқсиз қақроқ тупроқларни аямай қамчилади.
Етилган ерларга муҳаббат ёмғири ёғди. Қақроқ ердан
турфа гул-чечак униб чиқди, уларнинг рангу туси,
ифори турли-туман бўлиб, баҳор ҳамда жонланиш-
нинг ҳаётбахш манзараларини ҳосил қилди. Айта-
диларки, бир малика туғилгани он Тангри таоло унинг
шаҳзодасини яратмиш бўлғайдир. Робия ўзининг
бемисл заковати ила ўз тақдирининг жаллодини
таниди.

Илми ҳозиқ эгалари айтадиларки, ишқ бир
хасталиқдир. Каабнинг кўзининг оқу қораси Робия
шу дардга мубтало бўлди.

Ишқда инсоннинг ўзлиги қолмагайдир, руҳи бошқа бир руҳга қул бўлгайдир. Не тонгки, бек ўғли Бектош асир эди, фалак бир айланди-ю, араб маликасини унга асира қилиб қўйди. Оламлар Парвардигори бу ишни ҳеч бир лашкарсиз, ўқсиз-камонсиз содир қилди.

У дард бу масъума қизчани йиқитди, рангини сарғайтирди, хаёлини тарқатиб, ҳар тарафга сочиб юборди. Суюкли синглисининг дардга чалинганидан қайғурган Ҳорис ўз боғига табибларни чорлади. У маҳалда Балхда аёл табиб йўқ эди, эркак ҳакимлардан бир нечтаси келиб, тўсқич ортидаги Робияга энагаси орқали турли саволлар беришди. Сўнгида қиз бола вояга етиш даврида шундай ишлар бўлиб туришини айтиб, балх анори, тоғ ёнғоғи ва бодомча мевасидан маъжун тайинлаб кетишди. Бироқ бу – худди сувсиз қақраган ер қолиб, бошқа ерни суғориш билан баробар эди. Робиянинг дарди зўраяверди.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, ичидаги олов тобора гурлаб, жисму жонини ёқиб юборишини англаб етгач, ишонган энагаси Суманга ўз сирини очди.

Суман ўз маликасининг ҳолатини англади, унинг қошида тиз чўқди, шаънига мақтовлар айтиб, сўнг деди:

– Маликам, бир қошиқ қонимдан кечинг! Ихтиёрингиз қошу кўзим устига, бироқ, бу ишнинг орти кесик эканини мендан яхшироқ биласиз.

– Эй Суман, – деди Робия. – Зарб тегмаса, сас қандай чиқсин? Ахир, даф³⁶ ҳам зарб егани боис ун чиқаради. Қамиш ўз ҳолича ҳечдир, бироқ, бағри тилинсагина нола қилади. Мен бир соз эдим, тақдир созандаси ҳар кўйда чалса, қандай қилиб ихтиёрим ўзимда қолсин?

Буни эшитгач, Суман бисотидаги ширин сўзларини айтиб маликага тасалли берди, Робия бир мактуб битди. Унда шундай ёзилган эди.

³⁶ Ноғорасимон чолғу асбоби.

«Бир денгиз бор эди, суви Замзамдай тоза, Қулзумдай беғубор, Кавсардан сув оларди. Тангри таоло амри ила гоҳ тўлқинланиб, гоҳ тўфонлар кўтариб мавжуд эди.

Бироқ, у ўз соҳилига етишишга ҳар қанча уринса-да, қирғоққа ҳар қанча бош урса-да, неъматларидан баҳраманд бўлолмай, пушаймонлик ила ортига қайтар эди.

Соҳил эса, қаршисида шунча сув бўлатуриб, сувсизликдан қақрарди. Эй биродар, золим фалак денгизу соҳилни ёнма-ён яратиб, уларни бир-бирига етолмайдиган қилиб қўйганини кўрмаяпсанми?

Эй Тангримнинг кули, айтдиларки, ошиқ – маъшукнинг қўлидаги создир. Фалак созандаси уни чалганида қандай куй чиқаришини сен қайдан ҳам билардинг?»

Шу каби сўзлар битилган ҳамда Робия суратичизилган мактубни қўйнига солиб, Суман саройга йўл олди. Бир иложини қилиб мактубни Бектошнинг қўлига етказди. Бектош уни ўқиб, тугал маънолари онгига етиб боргач ҳамда сўз амир Ҳорис ибн Каабнинг синглиси ҳақида эканини билгач, фалакнинг ишларига лолу ҳайрон қолди. Суратни кўргач эса, қалбига у ўтнинг бир парчаси ловуллаб туташди.

«Бу башар иши эмас, фалак ишидир. Йўқса, қулнинг қулга не ҳадди бўлсин? – дер эди мактуб эгаси. – Магар сенинг фатила сочинг чавгон эса, бошим у чавгонда тўп бўла қолсин! Эй жонимнинг қотили, бу ишнинг мазмунини тугал англа, агарки қаҳр этсанг ҳам ҳеч бок йўқ, ҳатто қаҳрингга ҳам жоним тасаддуқ...»

Бу ўтлиғ мактубни ўқиб, Бектошнинг ҳам хуши бошидан учди, сўнг:

– Эй ялмоғизлар онаси, – деди. – Қиличим кескир, ей ўқим нишонга беҳато уради, бироқ амирнинг сўзи

ундан чандон кескир, унинг ўқи янада ўлимчилроқ-
дир. Мен мағрур бек боласиман, амир курагига тиг
уриш менинг ишим эмас.

Суман шу хабарни олиб изига қайтаверди.

Шундан сўнг Робия билан энага ўртасида шундай
суҳбат бўлиб ўтди.

– Эй ҳусн аро ягона, заковатда танҳо маликам, –
деди Суман. – Мен бу ишнинг оқибатидан қайғуга чўм-
моқдаман. Мўътабар сулолангизнинг зилол булоғи
лойқа ажам сувига ҳеч аралашурми? Чор атрофдаги
барчанинг маломатига нишон бўлмасангиз деб кўрқа-
ман.

– Эй ҳийлагар Суман, – деди Робия. – Юсуф кул эди,
Зулайҳо уни кўргач, ўзини тамом унутди. Ҳабаш Билал
ҳам кул эди, Тангри унинг мартабасини шундай кўтар-
дики, фирдавсда пайғамбар ёнидан жой олди. Ҳар
ким оламлар сарварини Исроил авлодларидан келгай
деди, у эса курайшдан чиқиб келди. Кул ким-у султон
ким, сен менга бунинг сирини тушунтира оласанми?

Робиянинг бу сўзларидан сўнг Суманнинг айтар
сўзи қолмади, бироқ, бу ишни тақдир ечимига ҳавола
қилишни маъкул кўрди.

* * *

Кекса фалак бу асов, эрка араб қизи олдига ўзининг
махфий сирларини дур қилиб сочиб юборди.

Бу гўзал боғи анвор ичра ўзининг пайдо бўлишини
шундай таърифлади:

*Бас эй! Айёми гул ҳулёга ўхшар,
Чаман Аржанг каби иншога ўхшар.*

*Сабо Чин оҳуси мушкин уфурса,
Ажаб рамзу ажаб маънога ўхшар.*

*Булут йиғлар бўлиб Қайс, чунки у гулнинг
Эғнида либоси Лайлога ўхшар.*

*Тутар ашкига лола лағлгун жом,
Дема жом, ул шафиқ маъвога ўхшар.*

*Қадаҳ ич тўхтамай, дунёсидан кеч,
Бу дунё ишқи зўр уқбога ўхшар.*

*Кийиб наргис кумуш гулбаргдин тож,
Хусравидек буюк подшога ўхшар.*

*Қабо киймиш магарким осмонранг,
Бинафша зоҳиди тарсога ўхшар...³⁷*

Шу шеърни битиб, яна Суманни чорлаб, Бектошга етказишни буюрди.

Бу ғазалнинг сўнг байтининг маъносиёқ умрларга тенг эди. Бинафша оч мовий либос кийди, унинг бу либосни кийишдаги ихтиёри ўзида эдими? Йўқ, баҳор туфайли шундай бўлди. У мовий либоси билан само рангига тақлид қилди, шу қиёфасида зоҳиди тарсога ўхшаб қолди. Мен ҳам бинафша каби ишқ либосини кийган бўлсам, имонимни тарк этиб тарсо қизига ўхшаб қолдимми?

Мактуб Суман бурқаъси қатида ўз манзилига йўл олди. Бектош дедик:

– Оллоҳ-оллоҳ, бундай ажойиб сўзларни мен башар оғзидан сира эшитмаган эдим. Сен не-не ишларни кўра-кўра кўзи пишиб кетган ёсуман кампирсан, менга йўл кўрсат. Ёки тўппа-тўғри амир қошига бориб, бошимни кундага қўяйин-у бор гапни очиқ-ойдин айтай.

Суман дедик:

³⁷ Нодида Афокова таржимаси.

– Эй жасоратли бек ўғли Бектош! Кошки сен бунинг мазмунини англаган бўлсайдинг! Лекин сени нега маломат қилайин, ахир даввора олимлари ҳам у маъноларга ета олмайдилар. Сен бу ишнинг аввалию охирига разм солсанг, муддаони англаган бўлгайсан. Бир гул чаманда очилсаю чаман унинг рангини олса, ҳамда зоҳиди тарсонинг либосини кийса, – ахир, мовий ранг мотам тимсоли эмасми? – бунинг не эканини англамадингми? Фалак бу ишнинг бир чорасини рўпара қилмагунча сабр қил.

* * *

Бу орада тақдир ёйчиси эса яна бир кулфат ўқини камонга жойлаб, отишга шай турган эди.

Ҳорис ибн Кааб саройдан ўз боғига қайтмоқда эди.

Ташқи ҳовлини Балх аҳли «берун» деб атайтиди. «Андарун», яъни ички ҳовли аёллар, жориялар ҳамда канизлар қисми. Ички ҳовли чоғроқ бўлса-да, жаннат боғларидан кам эмас. Ҳар тараф гулу гулзор, Балх тути, Хуросон ўриги, нарида қашанги ангури дейилган қора узумлар, гилос, нок, олма-ю бодомча ҳам гул очган, ифори ҳар ёқни тутган маҳал.

Робия баҳорий мушк иси анқиган шу сўлим боғда, кичик супада тонг-ла битган ғазалини Суманга ўқиб бермоқда эди.

Ғазал шундай эди:

*Ки эй, боди сабо, боргил, гузар қил,
Чу мендан турки яғмога хабар қил.*

*Дегилким, ташнамен, уйқумни олмиш,
Олиб уйқум, мени ғамларга солмиш...*

Шу маҳал амир ўз боғига кирди. Берунни бир кўздан кечириб, ғуломларга у-бу юмушларни буюриб,

синглисидан хабар олгани андарунга йўналди. Чаман оралаб бир оз юргач, Робиянинг овозини эшитди. У ўқиган ғазал қулоғига киргани он, маъноси онгида чақин ҳосил қилиб, ғазаб оловини ўша заҳоти ловуллабди. Мусибат ўқи нишонга аниқ тегди. Супага чопа келди ҳамда жон-жаҳди билан:

– Ҳой сен, гумроҳ, не дединг? – деб қичқирди.

Робия у шеър оға қулоғига етганини ўша заҳоти англаб, таъзим қилиб айтдики:

– Отамнинг ёдгори оғам, бу шеър нега сизни бунча ғазабга солди?

*Ки эй, боди сабо, боргил, гузар қил,
Чу мендан сурхи саққоға хабар қил.*

*Дегилким, ташнамен, уйқумни олмиш,
Олиб уйқум, мени ғамларга солмиш...*

Яъни, бизга ҳар куни сув олиб келадиган мешкобчимиз Сурхи Саққо кеча келмади. Туни билан ташналикдан ёниб чиқдим, ҳамда тонг маҳали шуни битдим.

Бу сўзни эшитиб, Ҳориснинг ғазаби бир оз босилди. «Мешкобчига ўн дарра урингиз!» дея изига қайтса-да, шубҳаси кетмади. Жориялардан бирига Робиядан кўз-қулоқ бўлиб туришини буюрди.

Азалдан фалак тоқига ёзилган ҳодисалар кетма-кет рўй берарди.

Кунларнинг бирида мамлакатга Синд дарёсининг у ёғидаги эллар қўшин тортгани хабари келди. У қўшиннинг филлари ҳамда ўргатилган маймунлари бор эмиш. Лашкарбошисини «мақрач» дер эмишлар, чериги қизил салла ўраб, белига лунги боғлар эмиш.

Ҳорис ибн Кааб у қўшиннинг эгаси кимлигини, Хуросон устига қай мақсад ила юриш қилганини фаҳмлар эди. Бу ишни пухта ўйлаб, ақл тарозусига солиб кўриб, дедик: «Ҳар ҳайвон оловдан кўрққай. Уни учига мой шимдирилган латта боғлаб ёқилган ўқ ила ургайсиз. Аллоҳ тадбирлидир».

Шоҳ Наср ибн Аҳмадга хабар бериб, кўмак юборишини сўраса-да, ёрдам етиб келишини кутмай, сабрсизлик билан қўшинни олиб чиқиб, жанг майдонига тизди. Ёв қўшини кўрингач, отлиқлар дарёсини улар устига оқизди.

Ҳорис қўшинининг асосий қисми туркийлар эди. Аввал ҳам айтганимиздай, улар – чаққон, от устида шамшоддай ўтирадиган, ҳеч нимадан кўрқмай, ўлимга типпа-тик бораверадиган жанговар аскарлардан иборат эди. Ҳориснинг айтгани бўлди, безатилган филлар устида беш-олти киши ўтириб олган ҳамда кичик камонларидан ўқ уза-уза келишарди. Филларнинг териси қалин бўлгани сабаб ўқ ўтмасди. Ҳориснинг тадбири иш берди, мой шимдирилган латта боғланган ўқлар ёндирилиб отилгач ҳамда филлар устидаги кажавалар ёна бошлагач, оловдан кўрққан у ҳайвонлар ҳар тарафга ўкира-ўкира қоча бошлашди. Митти маймунчалар филлар ўкириғидан кўрқувга тушиб, митти кўзчаларини мўлтиратиб шафқат сўраб чийиллашарди. Шу талотўп асносида Ҳорис қўшини ёв устига селдай оқди.

Бу жангда Бектош ҳам бор эди. Бир қанча ёвни йиқитиб, саваш-сўқишда ўзининг ҳам бошига ўқ тегиб, отидан йиқилганида тўсатдан унинг тепасида юз-кўзини рўмол билан ўраб олган кимдир пайдо бўлди. У Бектошни даст кўтариб, отига ўнгарди-да, жанг майдонидан четга олиб чиқиб, ерга ётқизди, қақраган лабларига сувдонидан сув олиб тутди. Ўша

ердаги кишилар чопиб келишаётганини кўриб, яна ўша шиддати ила отига сакраб минди-да, ҳануз давом этаётган жангу жадал тўзони орасида кўздан йўқолди.

Бу орада Наср ибн Аҳмад ўн минг кишилиқ кўшини билан етиб келди. Жанг амир Ҳориснинг ғалабаси билан тугади. Бебош ёв сон-саноксиз жонсиз аскарини майдонда қолдириб, шарманда бўлиб ортига қочди.

Ўликлар йиғилиб, майдондаги қурол-яроғлар териблиб, ярадорлар араваларда ўрдугоҳга олиб келинганида, жанггоҳда тўсатдан пайдо бўлган номаълум аскарни эслаб қолишди. Бироқ, у аскар ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди. Уни ҳеч ким танимади, кимдир ҳатто кўкдан тушган малак бўлса керак, деб хаёл қилди ҳамда шундай деди: «Эй сен биродар, фариштани сиймсиз дединг, сиймосини кўрмадинг, бироқ у қилган барча ишларни нечук тан олдинг? Оламда сенинг нигоҳингдан махфий қанча ишлар рўй бермоқда, уларни кўрмаганинг учун йўқ дея оласанми?»

* * *

Бектош жангда яраланганидан буён Робия ҳам ўқеган қушдай типирчиларди.

*Ул бошким, сарвари тожи кибордир,
Не истар унда ўқ, унга не бордир?*

деб фиғон урарди.

*Не бўлди сенгаким, қонларга ботдинг,
Мени бу чорасиз ғамларга отдинг?*

*Ғамингда шам каби андоқ қуярмен,
Кўзимдан сел каби ёшлар қуярмен...*

Доя Суман мактубни олиб яна йўлга чиқди. Бектош бир чодирда ётар, бошида табиблар парвона эдилар. Фурсатини топиб, мактубни унга топширди. Бектош уни ўқигач, дояга дедик, «Агар бошимда бир яра бор, вале қалбимда минг яра бор. Бу оламда менга бир ҳабиб-махбуб йўқ, якка-ёлғиз эдим. Ўзининг марҳамати билан мени султон қилди. Бундан ортиқ саодат борми? Дегилки, марҳамати мени ҳаётга қайтарди, бундан сўнгра ёруғ оламда у бор эса, мен ҳам бордирман, вале у йўқ эса, ўша заҳоти мен ҳам йўқ бўлгайман!»

Шундай деб, бу мактубни ҳам бошқа мактублар кўзининг оқу қорасидай сақланаётган сандиғига солди.

Қайда оташ ёнса, сира махфий қолмас. Ичдан қизий-қизий, қирмизи гулхан бўлиб лов-лов ёнгайдир, аввал ўзини, сўнг теграсидагиларни куйдириб кул қилгайдир.

Уруш сабабли шоҳ Наср ибн Аҳмад ҳам Балхга келган ҳамда ғалаба нашидасини тотиб, ўлка гўзалликларига маҳлиё бўлиб бир қанча муддат шу сўлим маконда қолиб кетган, ҳатто Балхни пойтахт қилиш хаёлига борган эди. Бундан унинг аъёнлари хавотирга тушиб, Абу Абдуллоҳ Рудакийга ўтинишдики, шоҳга Бухоро таърифини қилгайсиз, шундай таъриф қилингки, амир Балхни тарк этиб, Бухорога қайтсин дея.

Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг эътибори шоҳ наздида ғоят юксак эди. Шундан сўнг у ўзининг машҳур «Қасидаи Бухоро»сини битди ва шоҳ ҳукмига ҳавола этди. Қасида чанг созининг ушшоқ навоси йўлида битилган бўлиб, шундай эди:

Жўйи Мулиён иси келгай буён,
Эсга тушгай ёди ёру меҳрибон.

Ҳам Амунинг қумлари, қумлоқ йўли,
Поймизга ёйилур бахмалсимон.

От белидан наст тушар Жайхун суви,
Дўст висолини хаёл қилган замон.

Эй Бухоро, шод бўл, мангу яша,
Шоҳ борур бағрингга яйраб шодмон.

Шоҳ агар ойдур, анинг осмони - сен,
Ой борур осмон – Бухорога томон.

Шоҳ агар сарвдур, унинг бўстони сен,
Сарв борур бўстон – Бухорога томон³⁸...

Шоҳ уни ўқиб беҳад мутаассир бўлди, кўзларидан дув-дув ёши оқиб айтдики: «Бу қасидани ўқигач, Бухорога ялангоёқ кетишга ҳам розиман». Рудакийга икки минг динар совға қилди ҳамда ғалаба нашида-си боис, пойтахт Бухорода улуғ зиёфат тузишини маълум қилди.

Абу Абдуллоҳ Рудакий кўнгли юмшоқ киши эди. Ўша куни у аввал маъжусийлар ибодатхонаси бўлиб, кейинроқ масжидга айлантирилган «Етти гумбаз» масжидини зиёрат қилди. Ундан чиқиб, нуқра томчилар сачратиб оқаётган Балх дарёси бўйлаб келаркан, сўлим бир боққа кўзи тушди ҳамда ёнидагилардан унинг кимнинг боғи эканини сўради. Кишилар унинг Каабга тегишли эканини айтишгач, «Ё Оллоҳ! Ахир, амир Каабнинг бир қизи бор эди,

³⁸ С. Воҳидов таржимаси

башар кўрмаган ажойиб ғазаллар битарди. Ҳол сўраб ўтсам гуноҳ бўлмас», дея боғ дарвозасини тақиллатди. Берун эшигидан чиққан ғулумга ўзини таништириб, муддаосини баён қилди. Ғулум бир оздан сўнг қайтиб чиқиб, Робия бинти Кааб девор ортига келишини, доя орқали сўзлашишини айтди. Абу Абдуллоҳ Рудакий Робия келганини билиб, ундан ҳол-аҳвол сўради, ғазаллари билан қизикди. Шунда ярадор Бектошни ўйлаб ичу таши куйиб турган ҳамда ота қадрдони ташрифидан севинган Робия бир байт айтди, байт шундай гўзал эдики, Рудакийнинг эси оғди, уни ўша заҳоти ёдлаб олиб, Кааб хонадонига садоқатини изҳор қилиб хайрлашди.

Шундан сўнг шоҳ Наср ибн Аҳмад ўз қўшини билан бирга Бухорои шарифга азимат қилди.

Рудакий йўл-йўлакай у ғазални хаёлан такрорлар ва ақлига ишонмас эди. Араб шеърида бундай фасоҳатга эришиш умри шеър ила кечганларга ҳам насиб этмаган. Шоир шеър жилваларидан ҳамда сўз бўстониининг гўзаллигидан беҳад завқланарди.

Бир неча кун ўтиб, зиёфат соати етиб келди. Унга қўшни салтанатлардан ҳам олийнасаб киборлар чорланган, ҳар кимга ўзининг муносиб ери, хизматчилари тайин қилинган эди. Ҳарир Чин пардалари тутилган шийпонларда созандалар бирин-кетин алмашар, Шероз сози ўрнини гоҳ Дамашқ қонуни, гоҳ Рум зурнаси садолари олар, удчи удини шундай чалардики, кўкда учиб кетаётган қушлар тўхтаб қоларди. Май қадахлари бирин-кетин чархи даввора каби алмашиб турарди. Бунда оқиллар девона, девоналар эса оқиллик даъво қилишарди. Масхарабозлару ҳуққабозлар ўзларининг ҳунарини намоён этиб, шоҳ назарига тушишга интилишарди.

Шоҳ зиёфатида шоирлар сон-саноксиз эди. Ҳар бири юлдузликка даъво қиларди. Шу базму жамшид аро Рудакийга ўтинишгач, у бир неча кун аввал ёдлаб олган шеърини шундай ўқиди.

*Ошиқлигимни оё, сен фитнаси мусалсал,
Дерсен гуноҳ, на дерсен, сўрса далил ал-Азал?*

*Жаннат недир сенингсиз, дўзах сенинг-ла жаннат,
Сенсиз асал ҳам заҳар, сен бирла оғу афзал.*

*Хуснинг-ла кибр этурга андиша қил, тўлин ой,
Пинҳона ўлса мумкин сунбул аро мукаммал.*

*Йўқ иштибоҳ, демишлар дониш эли, муҳаққақ:
«Фаман таккабур явман фи баъд из-за зал»³⁹.*

Бу ғазални эшитган шоирларнинг бари ҳайрат бармоғини тишлаб қолишди. У ғазалдан сўнг ҳеч ким бошқа ғазал ўқишга ботинолмади. Барча бу ажойиб санъат кимнинг қаламига мансуб эканини сўрашарди.

Шунда Абу Абдуллоҳ Рудакий:

– Эй шоҳлар шоҳи Наср ибн Аҳмад олий ҳазратларининг аъёнлари, лашкарбошилари, ботирлари, беклари, олимлари, боёнлари! Тингланг, тупроғингизда олтин гул унди! У гул – амир Абдуллоҳ ибн Каабнинг қизи Робиядир. Жаҳонда иккинчи Робия Адавия кабидир. Бир туркий хизматкорга ошиқ бўлиб, шундай ўтлиғ шеърлар битадир! Унинг шеърини эшитган шеърият арслонлари мушукдек бўлиб қолгайлар, миёвлаб ўзларига афв сўрагайлар. Унинг шеъри қаршисида назм бургути оддий чумчуқ кабидир.

³⁹ Нодири Афоқова таржимаси

– Зайнул-араб! Зайнул-араб! – деб қичқиришарди ўздан кетган кишилар.

Шоҳ зиёфатида Ҳорис ибн Кааб ҳам бор бўлиб, Рудакий унинг бу ерда эканидан беҳабар эди. Ҳорис ибн Кааб мақтовларни эшитгани сайин қовоғи уйилиб, дам-бадам қўли биқинидаги ханжар дастасига борарди. «Бас қилинг! Номаҳрамни мақтамоқ ҳамда у битган шеърни ўқимоқ қай шариатда бор?» деб ҳайқиргиси келса-да, у қичқириқ бўғзидан нари ўтолмасди. Синглисини мақташганида Ҳориснинг ғзаби ўзанидан тошиб чиқди. Ор-номус ўтида чунон ёндики! Шармандаликдан ерга киргудай бўлса-да, ўзини мастликка солиб, ҳеч нимага эътибор бермагандай кўрсатди. Сўнг Бухорода қолишга ортиқ тоқати етмай, ўша заҳоти Балхга жўнади.

Етиб келиб, ўз боғига кирганида ташқи ҳовлидагилар унинг авзойини кўриб тумтарақай қочишди. Ўша важоҳати ила ички ҳовлига кириб борди.

– Робия! – деб қичқирди у, кўз олди қоронғилашиб.

Наргис қабоси ила настарин рўмолини бошига сола чопиб чиққан Робия акасининг авзойини кўриб, катта қора кўзлари хавотирга тўлиб, сўради:

– Эй ота-онамнинг ўғли! Сизга не бўлди?

– Бу беюзликни нечун қилдинг? Нечун у кекса шоир ила сўзлашдинг? У ғазалда кимга хитоб қилдинг?

Робия Ҳорис ғзабининг боисини дарҳол англаган, шу сабаб унга «Эй ота-онамнинг ўғли» дея хитоб қилиб, ўзининг заифа бир сингил эканига ишора қилган эди.

Бироқ, Ҳорис буни англари вазиятда эмас эди.

– Отамнинг дўсти... – дея олди Робия.

– Ота дўсти номаҳрам саналмасми?

– Оғойи, мен у улуғ киши билан сўзлашмадим, – деди Робия. – У ўз сўзларини Суманга айтди, Суман

менга етказиб турди. Мен у билан етти қават девор ортида, етти қават парда остида туриб сўзлашдимки, сасимни ҳам эшитмади.

– Сасингни эшитмади, бироқ қалбингни тинглади! – деб ҳайқирди Ҳорис. – Билиб қўй, эй отамнинг ақлсиз ёдгори! Ташинг номахрам эса, ичинг номахрам эмасми? Айт, бу нидо дафтари кимга атаб битилди?

Бўлар иш бўлган эди.

– Сен менинг мағрур бошимни эгдирдинг, номусларга ўлдирдинг! – деди Ҳорис ибн Кааб.

Синглисига ортиқ сўз қотмади, қайрилиб унинг ёнидан кетди ҳамда боғда бир оз тентираб юриб, болалигидан таниш ҳаммом олдидан чиқди. Кўп ўйланиб ўтирмай, унинг ичига кириб, беркиниб олди.

Салқин ҳаммом уни бир оз тинчлантирди. Бу ерга ташқаридан товушлар кирмас, сув ва зах иси келиб турарди. Ҳорис муздай мрамарга кўксини бериб ётди. Ёдига болалигида рўй берган нохуш воқеалар, маломату ҳақоратлар тушиб, алам ва пушаймондан юм-юм йиғлади.

Ҳорис ҳаммомда экан, хосдаги Робия Суманга деди:

– Фурсатини топиб оғойимга билдиринглар, ортиқ бу ишни махфий тутишни истамайман.

– Акангизга билдирсак, барчамизнинг бошимиз кетгайдир, – деди доя Суман. – Сизга аввал айтган эдим, энди ҳам айтаман – унутинг уни. Қонун доруғаси, шариат ҳимоячиси хонадонидан бундай иш чиқиши маломатга сабаб бўлгайдир.

– Мен гуноҳ содир қилмадим, Танграмнинг бир қулига кўнгил бердим, холос, – деб жавоб қилди Робия. – У билан ҳатто сўзлашмадим. Акамга айтинг, Бектошни озод қилсин ҳамда мени унга берсин. Мен ўз хурриятим доирасида сўзламоқдаман.

– Маликам, мен бу сўзни оғойингизга айта олмайман, – деди Суман, дағ-дағ титраб. – Чунки ғазабланган ор-номус арслони барчамизнинг устимизга етиб келиб, панжа уришга чоғланди. Хизматкорларингизнинг бир қошиқ қонидан кечинг, бироқ ўтинаманки, сиз ҳам бу ҳақда сира оғиз очманг.

* * *

Ҳорис ибн Кааб саройга кириб келди.

Амирул-мўъминининг феъли бузуқлигини кўрган ҳар ким четланиб йўл берарди. Ҳорис ўз ҳузурига шайхул исломни чорлатди. Шайхул ислом етиб келгач, такаллуф қилиб ўтирмай, ўша заҳоти ундан сўради:

– Бир уйда турмушга узатилмаган болиғ заифа бўлса, отаси вафот қилса-ю, оғасининг кўлида қолса, заифанинг масъулияти кимда бўлгай?

– Оғасида бўлгай, – деб жавоб қилди Шайхул ислом, гап нимада эканини дарҳол фаҳмлаб. Чунки Кааб хонадонидаги гап-сўзлар аллақачон ҳар тарафга ёйилиб бўлган, уни шайхул ислом ҳам эшитган эди.

– Бу ўринда заифанинг ҳурлиги қайгача-ю, оғойининг ҳукми қай ергача?

– Заифанинг ҳуррияти шуки, ўзи истаганини маълум қилиш ҳуқуқига эга, – деб жавоб қилди Шайхул ислом. – Шу боисдан, ҳар ҳолатда заифадан истаги бор-йўқлиги сўралгай. Бу ўринда сўровчи хоҳ шоҳу хоҳ ҳукмдор бўлсин, заифа истамаса, зинҳор мажбурланмагай.

– Оғойининг ҳукми-чи?

– Оғойи унинг ҳимоячиси, бошидаги соябони, номусининг кўрғонидир.

– Оғойига жазо ҳаққи берилгаймидир?

– Ҳа, ота ўрнида қолгани учун айб қилса, жазо ёки ҳад бериш оғойининг ҳуқуқидир.

– Уни турмушга узатса-чи, оғойининг ҳуқуқи не бўлгай?

– Заррача ҳуқуқи қолмагай, – деди Шайхул ислом. – Фақат қони бир экани, ота ёдгори деган рутбаси боис ҳурматлангайдир. Бу шундайки, хожаси «Оғанг уйга кирмасин» деса, у уйнинг остонасидан бир одим ҳам ўтолмагайдир.

– Тушундим, – деди Ҳорис, баттар тундлашиб. – Энди айт-чи, бир қулнинг ҳуқуқи не бўлгай?

– Қул тамомила хожасининг изнидадир. Истаса озод қилур, истаса қуллигича қолдирур. Бироқ, ҳар доимо адолатини жорий қилгайдир.

– Тушундим, боравер, – деди Ҳорис ибн Кааб.

– Эй Абдуллоҳ ибн Каабнинг шон-шарафли ўғли! – деди Шайхул ислом. – Отангиз ҳам, сизҳам Аллоҳнинг дини учун кўп ишлар қилдингиз. Ғазабингиз қайнаб-тошаётганини кўриб турибман. Худо ҳаққи, ўзингизни қўлга олинг.

– Ҳаддингдан ошма! – деб жавоб қилди Ҳорис. – Сен бор-йўғи шайхул исломсан. Сен Тангрининг олими эсанг, мен унинг қиличидирман!

Мўътабар сулоланинг қизи туркий бир ажамга кўнгил қўяр эканми? Бу не ишқи, қулни озод қилиб, ҳур киши сифатида синглисини унга берсин? Араб ажамга қачон қиз берибди? Орасидан пайғамбар чиққан сулола кимлиги ноаниқ бир кишини ўз қонига қўшар эканми?

* * *

Шундан сўнг яна бир иш содир бўлдики, у ишни билгач, буларнинг бари ҳақиқатан ҳам тақдир ўйини эканига ишонч ҳосил қиласиз.

Бектош бўлугида зоту наслининг тайини йўқ бир навкар ҳам бўлиб, у худбинлару шуҳратпарастлар-

нинг энг тубанларидан эди. Бутун фикру ўйи амир назарига тушиш эди, унинг саховатидан баҳраманд бўлиш учун ҳар ишдан тоймасди. Чунки шоир айтгани каби, «У назар қилса, бойқуш ҳам булбулга айланур». Бектошнинг амир чаргасида обрўси ошгандан-ошиб бораётганидан аламзада бўлган шу навкар бир куни Бектошнинг кичик сандиғини доим авайлаб юришига диққат қаратди. Ҳирсу ҳавас шайтони унинг нотоза қонида югурди, онгига кириб олиб, у сандиқда қийматли дур-жавоҳирлар бўлса керак, деб шивирлади. Навкар ҳасад бармоғини тишлай-тишлай, ўз кулбасида гир-гир айланди, ҳасад ўтига чидаёлмай, сандиқни ўғирлаш режасини тузди. Ниҳоят бир куни Бектош саройга кетгани маҳал туйнукдан ичкари кирди, ашёлар орасида яшириб қўйилган сандиқни топиб, бир амаллаб очган эди, ичида бир қанча ўроғлиқ қоғоздан бошқа ҳеч нима йўқлигини кўриб фиғони фалакка етди. Шу дамда фалак масҳарабози унинг қўлига Робиянинг биринчи мактубини тутқазди, у киши ўрамни очиб кўриб, суратдаги Робияни дарҳол таниди, шеърни ўқигач эса, гап нимада эканини англаб етди-да, қувонганидан сакраб юбораёзди. Ҳа, бу дуру жавоҳир уни амир саховатига элтувчи пиллапоядан бўлак нарса эмас эди. Ғазалларни олиб амир ҳузурига ўқдай учди.

Ҳар ишга адолатни жорий қилмоқнинг йўли қандоқ бўлсин?

Ҳорис ибн Каабнинг боши қотган эди.

Онги унга «Хиёнат содир бўлди» деб қичқирар, интиқом шайтони теграсида қуюндай ўралашарди. Ҳа, суюкли сингил ила ҳақир қул ундан яширинча тил бириктиришибди. Ҳорис ҳар иккисига ҳам шоён ишонган, садоқатига заррача шубҳа қилмаган эди.

Бироқ унинг кенг кўксига кетма-кет ханжар санчилди, бирини ўз синглиси, бирини ишончли навқари Бектош урди.

Агар бу иш шундай давом этса, Мовароуннаҳру Хуросонда Ҳорисни энг ҳақир кишилар ҳам мазахлаб кулгайлар. Бу ишнинг ечими не? Инсон қадр қиймати шунчаларки, гуноҳкорнинг жазоси бир тиг уриш билан хотима топади, бошлар қуйига юмалайди. Бироқ, томирида бир отанинг қони оқаётган жону жигарга қандай жазо берилсин? Ҳорис ибн Кааб уйига келиб-кетар, ҳеч ким билан сўзлашмасди. Авзойи тобора тундлашиб борар эди.

Ҳасадчи навқар амир ҳузурига шу вақтда етиб келди. Аввалига унга ичкарига киришга изн беришмади, ҳатто ҳайдаб ҳам юборишди. Навқар амир синглисига алоқадор муҳим бир сирни билишини айтгач, Ҳорис уни ичкари олишларини буюрди. Навқар Ҳорис ҳузурига чувалчангдай судралиб кирди, ер ўпа-ўпа, ўзининг амирга шоён садоқатидан, унинг ор-номуси йўлида жонини фидо қилишидан-у шунга ўхшаш нарсалардан роса валдиради, сўнг битикларни икки қўллаб тутқазди. Амир уларни очиб кўргач, ҳамма ишни тушуниб етди.

– Бу сотқинни тилига чўғ босингиз! – деди жаҳл билан. Зоҳиран хиёнат учун жазо белгилаган бўлса-да, аслида навқар бу сирни бировга айтиб қўйишидан, улусга ёйилиб кетишидан хавотирланди.

Робия ички ҳовлидан ҳеч чиқмас эди. Акаси билан ҳам ортиқ сўзлашмади. Дедики:

– Модомики шундай экан, унга айтинг, мени тириклай ерга қўмсин!

Илми бўлса эди, Ҳорис ибн Кааб бу сўзнинг мазмунини англаб етган бўларди. Чунки Робия рисолат аввалида норасида қизалоқларнинг тириклай ерга

кўмилиши воқеасини эслатди. «Тириклай кўмилган ҳар бир қиздан қандай гуноҳ сабабли ўлдирилгани сўралганида» қавлини келтириб, ўзининг гуноҳсизлигига ишора қилди. Шунингдек, унинг бу сўзида «Агар сенинг наздингда гуноҳкордай кўринаётган бўлсам, ўзингни қўлга ол ҳамда истиғфор айт, ахир, кўрмадингми, Тангри таоло имон келтирганлар ўтмишидаги ўша даҳшатли гуноҳларни ҳам афв қилиб юборди» деган ҳамда бошқа яна бир қанча маънолар мавжуд эди. Бироқ, Ҳорис буларни қандай англасин? Бу муборак дин заифаларнинг ҳақ-ҳуқуқини мукаммал қилиб берди, бироқ Ҳориснинг калласига сулоласининг ор-номусидан бошқа нарса кирмас эди.

Бу орада махфиячи жория Робия битган яна бир ғазални амирга келтирди. Амир уни ёйиб кўз югуртиргач, гўё бошига тоғлар йиқилди, кўз олди қоронғилашиб, шундай наъра тортдики, ҳар кас тумтарақай қочди.

Робия битган эди:

*Эй! Сени ҳам бир менингдек ошиқ этсин Раббано!
Тошдilu номехрибонга айласин зору гадо.*

*Токи дарди ишқу ҳажру ғамки, захрин тортқасен,
Токи ошиқ қадрини шунда билурсен ишқ аро.⁴⁰*

Ҳорис бошини чангаллаб анча ўтирди, сўнг:

– Робияни чорлангиз! – деди бўғиқ овозда.

Робия оғойиси ҳузурига аввалгидек таъзим қилиб кирмади. Бошини тик кўтариб, мағрур кириб келди.

– Сулоламиз юзини ерга қаратдинг! – деди Ҳорис, бўғиқ овозда, Робияга қарамай.

⁴⁰ Нодира Афокова таржимаси

– Тангрим олдида юзим ёруғдир! – деб жавоб қилди Робия.

– Мен сулоламиз, дедим!

– Мен Тангрим дедим!

– Ўз-ўзингга ҳукм ўқидинг, энди бу ишнинг гуноҳи мендан кетди! – деди Ҳорис. Сўнг ғуломларга буюрди: – Ҳаммомни ўтдай қиздиринг, бунинчарига ташланг! Жаҳаннам азоби қандай бўлишини билиб қўйсин! Анави қулни эса қудуққа отинг! Мен ҳали унинг кўзига мил торттириб, оёқ-қўлини тескари кестириб, инсон ақли етмас қийноқлар ичида ўлдиргайман!

* * *

Бектошни уриб-сўкиб, зиндон ёнидаги суви қуриб қолган қудуққа ташлашди.

– Мен не қилдим?

– Ўзинг билмайсанми? Амирнинг синглиси билан сўзлашибсан?

– Худо ҳаққи, бир оғиз сўз айтганим йўқ!

– Ёлғон сўзлама!

– Мен сира ёлғон сўзламайман!

Бектошнинг сўзлари рост эди. У Робияга бир оғиз сўз қотмади. Робия ҳам Бектош билан сўзлашмади. Бироқ, оламда яна бир луғат бор, Ҳорис шубҳасида ҳақ эди: Робия ўз қалбининг титроқларини қоғозга тўккан эса, Бектош сўзларини унга Суман етказган эди.

Ҳукм ижро этилди.

Ҳориснинг синглисига берган жазоси ҳад, яъни адаб ўрнида эди. Шу боис у ерда бир қанча муддат қолсин, сўнг чиқариб олингиз, оловни куйдирадиган даражада ёқмангиз, деб айтган эди. Лекин, Ҳорис бу ҳукмининг заифлигидан хомушланди. Балхда турли миш-мишлар урчиб кетди, воқеани ўз кўзи билан

кўрмаган, ўз қулоғи билан эшитмаган қанчадан-қанча кишилар амирул-мўъминин синглисининг бу ишидан лол қолиб сўзлашарди. У сўзларга ақли гоҳ ишониб гоҳ ишонмас, онги дам ёришиб, дам ғазаб олови ўраб олар, елкасидаги шайтон «Ўлим! Ўлим!» деб қулоғига шивирларди.

Шундай бўлди, олов ёқилди. Робияни ичкарига қамаб, ҳаммом эшигига киши чиқолмас қилиб қулф урилиб, тамбалаб ташлашди.

Ҳаммом ўчоғига болут, ханжак деган узоқ ёнувчи ўтинлар қалаб, оловни гуриллатиб ёқишди.

Бироқ, ичкаридан улар кутган сас-садолар, тавба-тазарру ёлворишлари келмасди. Ҳаммом қизигани сайин жимжитлик орта борарди.

Бу иш пешин вақти содир бўлди. Тоқати тоқ бўлган Ҳорис ибн Кааб аср вақтида ҳаммом эшигини очишларини буюрди.

Эшик очилди.

Кирганлар турган жойларида қотиб қолишди.

Балх тоғларининг эрка кийиги, отасининг омонати, шеърят осмонининг юлдузи, фасоҳат ҳамда нафосатда эркаклар устидан кулган Робия бинти Кааб ўз томирини кесиб, ҳаммом деворини лолагун ғазаллар билан тўлдириб ташлаган ҳамда настарин қабосини жойнамоз қилиб тўшаб, сажда қилган ҳолича жонини Ҳаққа топширган эди.

У бош қўйган жой юқорисида, нафас олиб бўлмас жаҳаннам оташида қон ила битилган шу ёзувлар қирмизи тус олиб, иссиқда қотиб қолган эди:

Жаҳони ишқ аро уч йўл эрур чун,
Бири оташ, бири кўз ёш, бири хун.

Берармен бўйлаким оташга бардош,
Кўзимдан гаҳ қон томгай, гаҳи ёш.

Тилармен, ўт мени ёндирсин асру,
Вале жонимдасан, ўт ёндирурму?

Ҳорис ибн Кааб синглисига берган ҳад жазосининг бундай хотима топишини кутмаган эди.

Шунингдек, яна бир ҳолат унинг ақлига етиб келмади: инсон вужудини қайноқ қон тарк этаркан, тана совий боради, ахир. Шу сабабли, Робия чехрасида азобли қийноқдан асар ҳам йўқ, муз вужудга жаҳаннам оташи ўз ҳукмини ўтказа олмаган, оқ чехраси ўзи севган нилуфарлардай бўлиб турарди.

Буни кўрган барча аччиқ-аччиқ йиғламоқдан ўзини тиёлмас, жориялар ҳам, қуллар ҳам ҳўнграб йиғлашарди.

* * *

Ёзуқлар бўлсин сенга, эй Ҳорис ибн Кааб! Отанг адолат қуёши эса, синглинг фасоҳат тўлин ойи эди. Эй воҳ, қуёшу ой бирдай ботди. Бу ажойиб зилол қора ерга сингиб кетди. У асирни озод қилсангу бек даражасига кўтарсанг, синглингни унга берсангу умринг охиригача уларнинг иззат тўрида юрсанг не бўлгай эди? Мана энди, боғингнинг у ажойиб гулиқора тупроққа қоришиб, чаман ўз илоҳасидан, жаҳон ўз мушкидан маҳрум бўлди. Йўқ-йўқ, нега мушк бўлсин, ахир, у зийнат эди-ку? У зийнатни кимдир келиб, ўзи билан шундай диёрларга олиб кетдики, уни энди ҳеч кимса кўролмайди! Жоҳилият Ҳориси яна бир қизни ерга тириклай кўмди! Устида ҳукм қиличини ўйнатди, ғазаб манжанағига солиб, жазо оташига отиб юборди.

Фалак кажрафторининг сўнг иши шу бўлди. Робия бинти Каабни тупроққа берар эканлар, Бектошнинг қудуқдан чиқиб қочгани хабари келди. Ҳорис ҳар ёқни тинтиб, уни излаб топишни буюрди. Бироқ, Ҳориснинг

сўқир ақли яна узоқни кўролмади. Туркийнинг мағрур ўғли бу ишни шундоқ қолдирсинми? Кишилар Бектошга Робиянинг ўлими хабарини етказишганида, фотиҳ султон лашкарининг бургути, не-не ўлимларни писанд қилмаган шу йигит хушдан кетиб йиқилди, ўзига келгач эса, ёқасини йиртиб шундай фиғон кўтардики, атрофидагилар ҳам унга қўшилиб зор-зор йиғладилар. Шундан сўнг Бектош кескир қиличини кўлига олди, Балх кўчаларидан от суриб бориб, қаршисидан чиққан қўриқчилару бекларни хасдай сочиб юборди. Ҳорис ибн Кааб уйига тўфондай бўлиб кириб келди. Ҳорис ибн Кааб уни кўриб:

– Сен, эй кул... – деган эди, Бектош қахру ғазаб билан ҳайқирди:

– Ҳой аҳмоқ! Туркийдан кул чиққанини қайда кўрдинг?

Шундай деб, унинг бошини танасидан жудо қилди. Сўнг, ақлдан озган каби, кесилган бош қаршисида ўтириб, яна хўнг-хўнг йиғлади. Шундай қилиб, Ҳорис ибн Кааб ҳам Тангри таоло адолати сари йўл олди.

Бир сулола ер юзидан мана шундай супурилиб кетди.

Бектошнинг ёруғ оламдаги сўнгги иши шу бўлди. Фалак муншийси ниҳоят бу ишлардан қаноат ҳосил қилиб, мусибатлар ва тасодифлар оқимини Кааб сулоласи ирмоғига қўшиб «Зам! Зам!» дея тўхтатди, зеро, араблар ўз туяларини шундай деб тўхтатишади. Сал аввал Робия умр Замзамининг суви ҳам худди шундай тўхтаган эди. Ҳодисалар туяси ўз манзилига етиб келди, унинг устидаги юк эса, нақ ажал юки бўлиб чиқди.

Бектош Робия бинти Кааб қабри устига борди, унга ўзини ташлади, кўзидан ёши дарёдай оқиб тазаррулар қилди. Ер остида ётган наstarиндай пок

Робия унинг келганини билдимикин? У дунёдан ким хабар олақолибдики, Бектош олсин? Булар устида энди ажал куйчиси ўз рубобини чалди, истаган оҳангига ўйнатди. Не ажабки, шу ердаги яшил маъво аро хунхор гўдакдай бўлиб, бир дона қизғалдоқ униб чиққан экан. Шундан сўнг Бектоши замон ҳам ўша кўнғир ер узра ўз жонига қасд қилди.

* * *

Оламлар Парвардигорига ҳамду санолар бўлсин! Унинг расулига – икки дунё саодати хабарчиси бўлмиш коинот сарварига салаватлар бўлсин!

Олимлар имоми, қуддуса сирруху Фаридуддин Атторга саломлар бўлсинки, бу ҳикоятни ғоят гўзал тарзда англатди ҳамда авом кўзидан махфий сирларини ошкор қилди, ўткинчи кўз билан эмас, имон кўзи ила қаратди ҳамда мажозий ишқ рўёбини мукамал билдирди.

Шоирлар сарвари Авфийга саломлар бўлсин, ки ул «Аржанги Моно»ни ўз «Луббул-албоб»ида шундай таърифлади: «Каабнинг қизи, заифа бўлишига қарамасдан, донолиги ила дунё эрларининг устидан кулди. Икки жанг майдонининг сувораси ҳамда ҳар икки сўз майдонининг маликаси эди – араб абъётида қудратли ҳамда форсий шеърида тенги йўқ устоз эди...»

Яна, Абдурахмон ибн Жомийга саломлар бўлсин, Робиянинг кўзёшларга, оловларга-ю қизил қонларга чулғанган абъёти унинг юксак эътиборига сазовор бўлди, лойиқ бўлмаса, сазовор бўлурми эди?

Туркий абъёт боғининг кишвари Ризоқулихонга саломлар бўлсин, «Бектошнома»ни ёзди, жоҳил кишиларга ошиқлару орифлар мақомини билдирди ҳамда сулолалар муқаддаслиги аро қаро ердан қизил

қондай бўлиб униб чиққан бир гулдан ҳикоя айлади.

Умрлар денгизининг бебаҳо дуру жавоҳири, олам зийнати Робия бинти Каабнинг мусаффо руҳига саломлар бўлсинки, инсонлар дин учун эмас, дин инсонлар учун эканини ўз қисмати ила англатиб, барчанинг устидан кулиб кетди.

Шунингдек, унинг падари бузруквори, фотиҳул-мўъминин Абдуллоҳ ибн Каабга саломлар бўлсин, у бир саховат дарахти эса, фарзандлари унинг шохлари каби эдилар. Шўрлик отанинг гуноҳларини Тангри таоло афв айлсинки, бир шоҳида булбул сайраса, бошқа шоҳида қузғун макон айлади.

Ҳамда унинг шафқатсиз, заиф ўғли Ҳорис ибн Каабга...

Не тонгки, иш шу ерга келганида қалам синди, сиёҳ тугади. Ҳорис ибн Каабга атаганимиз дилимизда қолдию тилимизга чиқмади.

Яхшиси, «Зайн-ул-араб» деб ном олган, гўзал руҳи қора ер зулматидан само сари нурдай отилган соф қалбли Робия бинти Каабнинг сўнг сўзларини эслайқолайлик:

*Қўзим ёши ила ёр пойин ювармен,
Қизил қоним-ла қўл жондин ювармен.*

*Бу қонимдан тунимни кун этарман,
Ҳама ошиқ юзин гулгун этармен.*

*Бу оташдан ёнишлар ичра ҳар он,
Этарман етти дўзахни намоён.*

*Бу қўз ёшимки, тўфондир талотум,
Берурмен селу ёмғирларга таълим.*

Бу қонимданки чун дарё этурмен,
Шафақларга қизиллик ўргатурмен.

Бу оташким менинг жонимдадур, бас,
Жаҳаннам ўтлари андин олур дарс.

Не дуч келса ёқиб қул этди оташ,
Кўнгилда ёр ҳаёли қолди яккаш.

Юрак қонимни, эй офтоб жамолим,
Симирдинг бўйлаким, бўлсин ҳалолинг.

Насибим келди ашк, оташ ва қондин,
Ки мен дилхаста кетдим бу жаҳондин.

Менга сенсиз ҳаёт маҳшар, қиёмат,
Кетармен энди бас, сен бўл саломат...⁴¹

2019

⁴¹ Жамол Камол таржимаси

ҲИКОЯЛАР

ЁҒОЧ КАВУШ

Бу воқеа узоқ йиллар аввал, Хитой императорларининг Тан сулоласи замонида, яъни бундан бир минг уч юз йил олдин рӯй берган.

Ронзян деб аталган қишлоқда бир одам яшар эди. У қотма, озғин киши бўлиб, жуда қашшоқ ҳаёт кечирарди. Фан-Фёнг деган бойнинг гуруч далаларида сув кечиб шоли етиштирар, кийгани пойафзали бўлмагани учун доимо оёқяланг юрар, қиш ойларида эса бир бўлак терини оёғига ўраб, устида арқон бойлаб оларди.

Бу одам ўзига ўхшаган бир чоракорнинг қизига уйланган, ҳозир бир қизи бор эди.

Қизалоқ ҳали кичкина, масъума, соф эди. Уйда ҳар доим ҳам егулик топилавермаса-да, турмушнинг заҳматларидан беҳабар, отаси келганида қаршисига югуриб чиқиб кутиб олар, кундузги таассуротларидан бижир-бижир сўйлаб ҳам берарди. Ҳар қандай мамлакатнинг болалари бир хилда мусаффо бўладилар. Хёнг деб аталадиган бутанинг катта япроғига гуруч солиб ер эдилар, чунки уларнинг идиш-товоғи ҳам йўқ эди, шу билан уйқуга ётишарди.

Қизча жуда ширин эди. Қийиқ кўзчаларидан ўт чақнар, қайда бир гул кўриб қолса, митти бармоқчалари билан узиб келиб, отасига ё онасига тутадиган ажойиб маъсума эди.

Ота ҳам қизини жуда яхши кўрарди. Гоҳо бойнинг бепоён шолিপояларида ишлаётганида ёки кечалари уйқуси ўчиб кетганида, кун келиб катта бўлганида қизимни қандай бахтли қилсам экан, деган ўй сира тинчлик бермас эди.

Бор-йўғи биттагина қизи бор, ахир. Хуан-Шининг ўзи эсини танибдики, меҳнатдан боши чиқмайди. Бир нима орттириш у ёқда турсин, кундалик топгани фақат кун кечиринишга етади, холос. Ота, агар иш шундай кетаверса, вақти соати келиб ўзи каби қашшоқ биронтасининг ўғлига хотин бўлишини ҳамда шу ажойиб қизалоқ ҳам умрининг охиригача шолипояларда меҳнат билан умрини ўтказишини сира истамасди.

Бунинг ўнглашни биттагина йўли бор, деб ўйларди ота. Уям бўлса шолочи бойга хотинликка бериш. Шолочи бой ниҳоятда бадавлат, хотинлари кўп, аммо пули ундан ҳам кўп. Ўшанга берсам, турмуш заҳматлари чарчатмайди, менга ўхшаб бели букилиб заҳмат чекмайди, қайтанга, ипак кийимларга ўраниб, бола-чақасини катта қилиб ўтиради.

Шолочи бой семиз, кўзларини ёғ босиб кетган киши эди. Гавдасини кўтаролмагани учун уни аравага солиб юришар, баъзан тахтиравонга солиб кўтариб ҳам келишарди.

Хуан-Ши ундан – бундан қай тур қизлар Шолочи бойга ёқишини суриштирди.

Айтишларига қараганда, юқори табақа кишиларига ингичка гавдали, оёқлари жуда кичкина қизлар маъқул эмиш. Қизи эса онасига тортган, яъни суяги йирик бўлиб ўсмоқда. Хуан-Ши ўйлай-ўйлай, ўша маҳаллар урф бўлган деб эшитгани ишни қилишга аҳд қилди, яъни ёғочдан кичкина кавуш ясади-да, қизчасининг оёғига кийдириб қўйди.

– Ота, бу нарсa оёғимни қисяпти, оғрияпти, – деб зорланди қизча. Сўнг ерга ўтириб, митти бармоқчалари ила кавушни чиқаришга урина бошлади..

– Ҳой қизча, – деди Хуан-Ши, болтани кўрсатиб. – Агар кавушни ечадиган бўлсанг, оёғингни мана шу болта билан чопиб ташлайман!

Қизчаси кўрқди. Оғриқ сезилиб турган қоп-қора кўзчаларида хуркиш ифодаси пайдо бўлди.

– Хўп-хўп, ота, ечмайман, – деди шоша-пиша, итоат билан.

Хуан-Шининг юраги ачишса-да, боламни кела-жагини ўйлаб шундай қиялман-ку, деган ўй таскин берар эди. Бугун у жуда чарчади. Оёқларини шолিপоя сувчаёнлари, зулуклари чақиб ташлаган, билаклари ачишар, тани ором истар эди. Бола ҳаёт нималигини қайдан билсин? Ҳали вақти келганида, шу қашшоқлик гирдобидан чиқаргани учун отасидан миннатдор бўлади, албатта. Ўзига қўйиб берсанг, ота яшаб ўтган қаттиқ кунлар унинг ҳам бошига келсинми? Боласининг жони ҳозирча оғриси оғрисин, бу укубат ортида қизчанинг тақдири турибди, ахир.

Бундай ўйлар кўп эди. Хуан-Ши ана шуларни ўйлаб ётди. Қишлоқнинг чанги ҳавода туриб қолган, шабада эсмас, у чанг аста-секин экинлар, дарахтлар узра кўнмоқда эди.

Кунлар ўтар, қизалоқ кўрққанидан ёғоч кавушни кечалари ҳам ечмас эди. Гоҳида оёғи жуда оғриганида сувга солиб ўтирадиган одат чиқарибди. Хуан-Ши аввалига қизини койимоқчи бўлди, кейин ўйлаб қараса, бу ишнинг фойдали тарафи ҳам бор экан. Чунки ёғоч сувда юмшаб, оғриқ озайгани, қизалоқнинг жони ором олгани билан, орадан бир оз вақт ўтгач, яна қурийди, қуруқшагани сайин янада қаттиқроқ сиқади.

Хуан-Шининг ҳаётида ўзгариш рўй бермас эди. Ҳар кун бир вақтда туриб нонуштасини қилиб, ортганини қопчиғига солиб даласига йўл олади. Иш ниҳоятда заҳматли: сув бостирилган охири кўринмас шоли далаларида ингичка майса бўлиб ўсган шолени қолдириб, бегона ўтларни бирма-бир юлиб чиқиш керак. Куз келганда шоли ўрилади, дасталаб қуритишга қўйилади, шунда қоровуллик ҳам қилиш керак. Бу ишда кучуклар ёрдамга келади, орада анча-мунча кучук бор, шулар қушу ҳайвонларни ҳуркитиб вовиллаб юришади. Кейин шоли оқлаш мавсуми келади, қопларга солинган шолиларни араваларга юклаб, обжувозга олиб кетишади. Шундан кейин дала хувиллаб қолади, унга яна сув қўйилади, ағдариб чиқилади, шу билан мавсум ниҳоясига етади. Бир-икки қоп гуруч Хуан-Шига ҳам тегади, шунда емиш мўл бўлиб қолади.

Йиллар ўтди Қизнинг аввалги болаларча мусаффолиги йўқолди, у отасидан ўзини олиб қочадиган бўлди.

Ниҳоят, қиз ўн учга тўлиб-тўлмас, Хуан-Ши муддаосини Шолибойга билдиришга қарор қилди.

Бой далага келавермас эди. Хуан-Ши анча вақт фурсат пойлаб юрди. Ниҳоят бир куни Шолибой келармиш, деган гап тарқалди. Йўллар, чайлалар супуриб-сидирилди, у муҳтарам зотга атаб бир шийпон қурилди. Ниҳоят, улкан гавдасини зўрға кўтариб Шолибой келди.

Сариқ ипак кийимлари ҳилпирар, семиз бармоқларига катта-катта узуклар тақиб олган, оёғидаги йилтироқ шиппагининг ўзи бир қишлоқнинг хирожига тенг экан.

Чоракорларнинг бари энгашиб таъзим қилиб турардилар. Шолибой алпанг-талпанг юриб, уларнинг олдидан ўта бошлади.

Хуан-Ши ҳаяжонда эди.

Мана, фурсат етди. Агар ҳозир журъатсизлик қилса, шунча йилдан бери ўйлаб юрган нияти амалга ошмай қолади. Бойнинг кайфияти ёмон эмас, шекилли, балки жаҳди чиқмас, бир бечорага мурувват кўрсатар?

– Жаноб, – деди Хуан-Ши, томоғи қуруқшаб.

Шолибой тўхтаб, у тарафга ўгирилди. Шунда Хуан-Ши унинг бўйни бурилмаслигини, балки бутун гавдаси билан ўгирилишини пайқади. Бу улкан гавда, йўғон бўйин елкага битиб кетгани учун бурилмайдиган бўлиб қолган экан.

– Ким менга «Жаноб» деди?

– Мен, – деди Хуан-Ши. – Шу... сизга бир совғам бори.

– Совғами? – деди Шолибой. – Совға бизга ёқади. Қанақа экан?

«Ёлғиз бир қизим бор, сизга ёқсин деб атай оёқчаларига ёғочдан кишан кийдириб ўстирганман» демоқчи бўлди Хуан-Ши, аммо гапиролмади, Бойнинг салобати унинг тилини бойлаб қўйган эди.

– Шу... қизим, – дея олди холос.

Аъёнлар Хуан-Шининг ниятини дарҳол илғашди.

– Муни бир қизи бор, – дейишди Шолибойга. – Митти, озғин, жонсизгина қизалоқ. Ўшани сизга ҳадя қилмоқчи.

– Митти, кичкина эканми? – деб сўради Шолибой ва қаттиқ кулиб юборди. Унинг диққатини шу ерда учиб-қўниб юрган сариқ чумчуқ тортган эди. – Ана у чумчуқчалик эканми?

Бу ғалати кулги Хуан-Шини янада эсанкиратиб қўйди.

– Йўқ, жаноб, чумчуқча эмас, – деди оғриниб. – Сизга жуда мос.

– Менга жуда мос эканми? – деди яна бой. – Йўғ-э... Бу фикр каллангга қайдан кела қолди?

– Сиз кичкина оёқчаларни яхши кўрармишсиз.

– Мен сираям яхши кўрмайман, – деди Бой. – Чунки, кўзим хиралашиб қолган. Мен ёмон кўраман.

Ёнидагилар хохолаб кулишди. Ҳозир бой Тан сулоласида урф бўлган сўз ўйини қилмоқда эди, аммо Хуан-Ши олий табақа кишиларига хос у санъатни қайдан ҳам тушунсин?

– Син-Шу, сенга хотин керакми? – деди Шолибой, ёнидаги қотма чолга қараб. – Керак бўлса, ана, олақол. Оёқчалари ҳам митти эмиш.

Аъёнлар яна кулишди.

– Йўқ. Менга хотин керакмас, – деди Син-Шу деган чол.

Шундан кейин Шолибой бир ишора қилган эди, тахтиравон яна йўлга тушди.

Хуан-Шининг руҳи тушиб кетди.

Ҳаётида мазмун қолмагандай туюлди.

Энди нима қилсин?

Ҳозир кулбасига борса, кавушини тақиллатиб қизи чиқиб келади. Бечоранинг шунча чеккан азоб-заҳматлари беҳуда кетди. Энди қизига қайси юз билан «Еч шу ярамас матоҳни» дейди?

Бу ерлардан бошимни олиб кетсаммикин, деб ўйлади у. Шу фикри ўзига маъқул келди.

Узоқ-узоқларда Тянь-Шань, бошидаги кўк музларию оқ қорлари билан савлат тўкиб ярқираб турарди. Бағрида ваҳший ҳайвонлари ҳам бордир? «Ўша ёққа кетсаму мени айиқ ғажиб кетса яхши бўларди» деб ўйлади у.

Дунё бепоён, қишлоқдагилар уни ўлиб кетди деб ўйлашади ва маломат қилишмайди. Қизи эса, тақдирига тан беради, хотини иккаласи ҳамма каби, яна Шоличи бой далаларида ишлаб, кун кечираверишади, аммо...

Шу қарорга келди Хуан-Ши ва Тянь-Шань томон кетди.

Шундан сўнг уни биров кўрмади.

Ота ғойиб бўлганидан сўнг, она-бола шоли далаларида ишлай бошлашди. Вақти келгач, бева хотин қизини ўша атрофдаги бир кишининг боласига узатди.

Йиллар ўтиб, қиз болали бўлди. У тенгиларнинг бари далаларда бирдай меҳнат қилар эдилар. Шолибой ҳам ўлиб кетди, бепоён шолипоялар болаларига қолди.

Яна йиллар ўтгач, ўша кичкина қизча мункиллаган кампирга айланди.


Энди меҳнатга ярамай қолган, кулбасининг олдида қиём вақтигача, иссиқ қайтганидан кейин эса шомгача ўтирар, атрофини ўраб олган болаларга ҳар турли воқеаларни айтиб берарди.

Айниқса, ёғоч кавуш ҳақидаги хотираларини гапиришини яхши кўрарди.

– Отам бениҳоя раҳм-шафқатли киши эди, сизлар билмайсизлар, – дер эди. – Қизим шу теваракнинг энг гўзали бўлсин дея, ўз қўллари билан ёғочдан кавуш ясаб берган эди.

– Ўша маҳалларда император саройида кичкина оёқчалар урф бўлган экан, – дер эди. – Умри заҳматда ўтган отажоним узоқ саройлардаги урф-одатларни қайдан била қолибди? Қизгинам император саройларига мос бўлиб ўссин деганини айтмайсизми?

Кейин болаларни етаклаб кириб, кулба тўрига авайлаб қўйилган ўша матоҳни кўрсатарди. Кавуш вақт ўтиши билан қорайган, иссиғу совуқларда чатнаб ёрилган, кўрган киши бу матоҳни одам қандай кийиб юриши мумкин деган хаёлга келарди.



Кампирнинг энг ардоқли нарсаси мана шу кавуш бўлиб қолди, уни еру кўкка ишонмас, ҳатто мен ўлиб қолсам, қабримга қўйинглар деб васият ҳам қилар эди.

Шундан сўнг давр тезлашди, у шитоб аро одамларнинг қиёфалари кўздан ғойиб бўлди. Тан сулоласининг ҳукмронлик даври ҳам тугаб кетди.

Кампирнинг бутун умри меҳнат билан ўтгани учун, эслашга арзигулик ҳеч нимаси йўқ эди. Фақат, болалик орзуларидан дарак берадиган, еру кўкка ишонмайдиган битта ашёси бор эди, холос. У ҳам бўлса, меҳрибон ота қачонлардир ўз қўллари билан қизига ясаб берган кичкина, жинчиरोқ монанд эски кавуш.

Ёғоч кавуш...

2015

ҚОРАҚУШ ЮЛДУЗИНИНГ СИРИ

Ёмғирли, лой кун эди. Қашқарнинг Сажия ва Ҳамидия мадрасалари қаршисида хунармандлар, бўзчилар, мокичилар, тақачилар йиғилишган, кимдир бошига бир сават патир кўтариб тирикчилик ваҳжи сотишга йўл олган, бошқаси рутубатдан намланган арпа тўла қоплар олдида ўтирар, от минган ёки яёв, найзаю қилич тутган эрлар тўп-тўп бўлиб, лой сачратиб у ёқдан-бу ёққа ўтишарди.

– Ҳой Эргаш, арпангни кўтар, жонингни қутқар!

– Нима бўпти?

– Ҳусейн Тигин бошлиқ шаҳзодалар заҳарланибди!

– Йўғ-э?

Хунармандлар шоша-пиша молларини йиғиштириб мадраса кунжагидаги уйчаларга беркита бошлашди. Бир қисми эса шу яқинлардаги хон кўшки томон йўл олишди.

– Ҳой, бориб нима қиласан? Ўзинг бир хунарманд бўлсанг, сарой билан не ишинг бор?

– Ким ўлдирибди?

– Ёғон Тигиннинг хотинларидан бири Ҳаниси ўғли Иброҳимни тахтга кўтармоқ учун шоҳ ўғилларини заҳарлабди.

– Аммо шаҳзодалар ҳам Ёғон Тигиннинг неваралари-ку?

– Энди қирғин бўлиши тайин...

– Ҳусайн Тигиннинг бир ўғли борийди, толиби илм, у тирикмикин?

– Тирик, аммо Қашқардан қочибди. Йўқса тутиб уни ҳам ўлдирур эди.

– Ултон Ёғон Тигиннинг ўғли Хусайн Тигин асли Барсғорнинг ҳукмдори, адолатли, яхши киши эди. Қорахонийлар сулоласидан, насли тоза. Ёғон Тигин қариликни бўйнига олиб салтанатни унга топширғони учун Ҳаниси хотуннинг қаҳри келмиш, нечук болам ўғлинг эмас эса, сени болаларинг ҳам менга ўғил эмасдир дея заҳарламишдир.

– Ҳай эл, вой эл! – деди арпа сотаётган киши, қопларини кўтаришга чоғланиб. Кейин хулоса ясади: – Тахтга ким келса келабермайдими? Ҳар кунги битта юпқанг ўша-ўша. Биров иккита бериб қўярмиди?

– Тахт талашиб қон тўкиб, одамларга масхара бўлғач, эл иззат қилармиди?

– Ясага кўра тахтга хон ўғли ўтирадур. Сену биз қорасуяк, ишингни қилабермайсанми? У хон келадими, бу хонми, барига кераксан, ҳунарли одамсиз салтанат юрармиди?

– Ана бу гапинг туври...

1057-йилнинг сунбула ойида Қашқарда шундай қотиллик рўй берди. Ҳоқон Хусайн Тигин ва ўғиллари заҳарланиб ўлдирилгач, ўғли Маҳмуд онаси Биби Робия ва сингилларини шунда қолдириб, ўз юртини тарк этишга мажбур бўлди. Чунки томирида хон қони оққан барчани ўлдиришга фармон берилган эди.

Ўн биринчи асрда Болосоғун туркийлари шу қисматни бошдан кечиришди. Қочиб кетган эран – Ёғон Тигиннинг фаҳму фаросатли невараси ҳаёт осмонига уюр-уюр ҳалокат булутлари ёпирилди. Болосоғун Ҳаниси хотун ўғиллари орасида жангу жадал ва араз-тирсиклар аро тақсимланар экан, хон ўғли ўз тупроқларидан олис эллар томон бош олиб кетди.

Орадан икки йил ўтгач, унинг ёнида шерикларидан бирон кимса қолмади. Узоқ сафарини ёлғиз ўзи давом эттирди.

* * *

Ёйлоқда қўй-қўзилар ўтлаб юрар, Тенгритог музликларидан эсан муздай шабада ўз қатида арча бужурию, исириқ исларини олиб келарди.

– Яхши иш экан, – деди ўғиллари билан ўтлоққа тўшалган пўстакда ўтирган қўноқ эгаси, шабадага бети ни тутиб, олимнинг сўзларини диққат билан тинглаб. – У битикка бизнинг отимизни ҳам ёзиб қўясизми? Эвазига икки қўзи бераман.

Умри дашту яйловда ўтган, ўқиш-ёзишни билмайдиган бу барваста кишига китоб улуғ мўъжиза бўлиб кўринар, номи асар қатларида қолишини жуда-жуда истар эди.

Маҳмуд унинг содда-самимийлигидан кулимиради.

– Албатта ёзиб қўяман, – деди.

– Ўғлим мактаб борган, ўқиш-ёзишни билади, – деди у киши. – Арабчани ҳам бир оз ўрганган. Фақат, узоқлиги учун қатнашни бас қилди.

– Ҳақиқатан ҳам, тонгда йўлга чиқсам, кун найзага келганида етиб борардим, – қўшимча қилди ўсмир. – Айниқса қишда кун тор, шоқолу қурт телим, бормай қўяқолдим.

– Тил ўрганишга қийналмадингизми? – деб сўради олим ундан.

– Асло йўқ, – деди йигитча. – Фақат, бизнинг тилдан фарқ қилиб, ўз-ўзидан туғар экан. Шуни тушуниб олганимдан кейин осон кечди.

– Арабча ич-ичидан очиладиган гулга ўхшайди, – деди Маҳмуд. – Бир новдада саккиз атиргул очилиши-

ни ёки битта шохда саккиз хил олма етилишини тасаввур қилинг.

– Уни қўятуринг, менга ҳам бир оз тушунтирсангиз-чи, – деди қўноқ эгаси. – Мен билимлардан йироқ одамман. Билганим қўй-қўзи, от-йилқи, холос. Киши ақли етмайдиган ишларни қилиб юрадиган одамларни ёқтираман.

– Тил халқнинг феъл-атворини намоён қилади, – деди олим. – Бошқа бир қанча тилларга ўхшаб, арабий ҳам аввало қилган ҳаракатини ифодалайди, масалан, «Мен келдим» деганидан кейин, келган жойининг сифатини айтади, «Фалон жой эди» дейди. Бизлар эса «Мен фалон ерга фалон аҳволда келдим» деймиз.

– Ҳеч тушунмадим, – деди қўноқ эгаси.

– Черик мисолида тушунтирайми? – деди Маҳмуд. – Араб «Черик келди ошу озиғи билан» деб айтади, яъни аввал черик келганини, сўнг ошу озиғи ҳам борлигини айтади. Бизлар эса «Черик ош-озиғи билан келди» дея ҳаммасини бирданига билдириб қўя қоламиз. Лўндаликни кўряпсизми?

– Тавба, ўзимизча ҳар нарсаларни сўйлашиб юраве-рамиз-у, ўйлаб кўрмаганимизни қаранг, – деди қўноқ эгаси, хайрон бўлиб.

– Ҳа, – деди Маҳмуд. – Тил худди жони бордай чийрилади, қувлайди, қочади, маъноларини кўз-кўз қилиб яшириниб ҳам олади, яйловларга, ўтлоқларга, уйларга етаклайди. Мен ўз тилимизда ҳалигача узун жумлаларни кўрмадим. Сабаби яшаш тарзида, деб айтдим-ку? Яйловларда қўй-қўзи боқаётган, ер ишлаётган ёки жангга кирган одамга узун сўз не ҳожат?

– Бизда сўз феълдан ясалиб кетаверади, – деди кейин. – Мисол, «кўч» сўзини олинг. «Кўчмоқ» хайлини беради. Кўчган одамга «кўчманчи» дейдилар, кўчаётганни «кўч этди» дейдилар, «кўча» деган сўз

кўчиладиган воситани англатади, «кўчоқ» – кўч ери. Қаранг, биргина сўздан шунча сўзни ўрганиб олдик. Ёки тўшни айтайлик. Одамнинг ё ҳайвоннинг кўкрак қисми тўш дейилади. Тўшаш сўзидаги маънони илғаяпсизми? Кўксимни ерга тўшадим демаяптими? Тўшамоқнинг маъниси ҳам шундай. Ерга солинадиган, ўтирадиган нарсани тўшак дейдилар. Ёки биз ўтирган шу пўстак, пўст сўздан олинган. «Пуф» сўзини олсангиз, пуфламоқдан пуфакка келиб қоламиз.

У тумоғини тўғрилаб олди-да, деди:

– Мен элларни кезиб юрсам-да, асли сўзлар ва уларнинг англамларига сайр қилаётгандайман. Бир кезувчи ниманиям кўрарди? Сўзларнинг маънолари эса шу қадар сўнгсиз-ки! Худди кезганингизда эски харобаларга дуч келасиз, қарасангиз, аждодингиз ётган ер экан. Қай бирини айтай?

– Барибирам ақлим етмади, – деди қўноқ эгаси. – Буларни ёзиб юришингиздан нима наф?

– Эл жуда улуғ, кўҳна, – деб жавоб қилди меҳмон. – Бизлар араб тилини осон, тез ўрганиб олдик. Араб эса бизнинг тилимизга қийналади. Қолдики, у ҳам ўргансин. Бир китоб яралсин, келажакка қолсин.

– Менга изн беринг, бир оз юмушимни қилсам, – дея узр истади у.

– Бош устига, – деди қўноқ эгаси, кейин наридаги боши очик хотинларга овоз берди:

– Емак-ичмак ҳозирлангиз. Қўниққа қарангиз.

Бу кеча Маҳмуд яқиндагина ёзиб олган Алп Эр Тўнга марсиясини шарҳламоққа киришди.

Алп – ботир, қахрамондир. Тўнга – йўлбарс жинсидан бўлган бир хил ҳайвон. У филнинг кушандасидир. Бу сўзнинг асосий маъноси шудир. Лекин

бу сўз туркийларда маъноси ўзгарган ҳолда қўлланади. Кўпинча, одамларга лақаб ўрнида ишлатилади. Чунончи, Тонахон, Тона Тигин ва шунинг кабилар. Туркийларнинг улуғ хони Афросиёбни Тона Алп Эр деб атар эдилар. Йўлбарс каби кучли баҳодир одам, демакдир.

Демак, Алп Эр Тўнга сўзининг маъноси «Йўлбарс каби кучли одам, ботир ва қаҳрамон эр» бўлади. Туркий халқларда ботир лашкарбошилар ва подшоҳлар номига, одатда, Алп сўзи қўшиб ишлатилган. Алп Эр Тўнга бу номни ўзига исм қилиб олган дастлабки туркий ҳоқондир.

«Мен турклар, туркманлар, ўғизлар, чигиллар, яғмоларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хусусиятларини ўргандим. Бу ишларни тил билмаганимдан эмас, балки бу ишлардаги барча кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса мен тилда уларнинг етуқларидан, энг катта мутахассислардан, хушфаҳмлардан, эски қабила-лардан, жанг ишларида уста найзаларидан эдим», деб битди у дафтар ҳошиясига.

*Улушиб эран бўрлаю,
Йиртишиб яқа урлаю.
Сикриб уни юрлаю,
Сиғтаб кўзи ўртилур.*

Эранларни бўрига менгзар эдилар, деб ўйлади у. «Эранлар бўри каби улидилар» сўзидан мардлар йиғисининг нафаси келадир. Урламоқ «ур» сўзига яқинми? Бир маҳаллар селдай ёйилиб «Ур-ра» дея оқар эдилар. Энди ўшандай овоз мардларнинг юрагидан чиқмоқда, ёқа йиртиб урламоқдалар. Ун

чиқармоқнинг ҳам мотам йиғисига боғлиқ жойи бор, сиғтамоқ эса сиқтамоқ сўзининг ўзгарганидир. Яъни йиғлаш бошқа, сиқташ бошқадир. Сиқташ – ззилиб-эзилиб, дарди ичига сиғмай айтиб-айтиб, кўзи ўртилиб-ўртилиб йиғлашдир. Ўртилмоқ эса – ўрту сўзидан олинган, ёпинчиқ маъносида. Демак:

Мардлар йиғлаб, бўридек увлашдилар.

Ёқаларини йиртиб бақиришдилар.

Фарёд чекдилар.

Қаттиқ йиғидан кўзлари хиралашиб, гўё парда босди.

Туркийларнинг энг қадим марсияларидан бири – Алп Эр Тўнга марсияси эса шундай хитоб қиларди:

Алп Эр Тўнга ўлдими,

Эсиз ажун қолдиму,

Ўзлоқ ўчин олдиму,

Энди журак жиртилуру.

Шу ерда Маҳмуд ўрнидан туриб кетди. «Юрак йиртилуру» деган сўз қатидаги ажойиб тимсол уни ўзига маҳлиё қилиб, завқлантириб юборди.

«Ҳеч элда бундай ибора йўқ, – кулимсиради у. – Кўздан ёшим дарё бўлиб оқди, очун тор келди, жигарим қон бўлди дейдилар-у, аммо юрак йиртилгудай бўлиб қайғу чекиш бундай дарду аламларнинг энг қаттиғини англатмайдими? Тавба, – деб ўйлади ҳайрон бўлиб. – Ўзи от чоптириб, ов қилиб юрадиган бир эл-у, сўзни бундай топиб ишлатганига ақлинг лол қолмай илож йўқ».

Эртаси тонг саҳарда улар туя сути – қимрон ҳамда жавдар нони билан нонушта қилишгач:

– Уловингизнинг қорни чала тўйди, йўлга ҳозир, – деди йигитча.

Олим унинг нимага бундай деганини сезиб турсада, атай сўради:

– Нега тўйдирмадингиз?

– Қорни тўқ от чопа олмайдир-ку? – деди йигитча. – Отам йўлга чиқишингизни айтди, шунга пичан ўрнига қуруқ сули бердим.

– Фаҳму фаросатингизга балли. Ёшингиз неччида?

– Ўн бирда.

– Тирноқдан нечта? – деб сўради Маҳмуд, қўноқ эгасига юзланиб.

– Ўнта, – деб жавоб қилди қўноқ эгаси. – Саккизтаси қиз, иккиси ўғлон.

– Тенгри умрию ризқини мўл қилсин, – деди олим.

«Тирноқ эт орасидан униб чиқади, – деб ўйлади кейин. – Сут ва қон ораларидан инсон пайдо бўлишининг бундай таърифига не деса бўлади? Кишилар ўзларидан бино бўлган жўжиқларни «тирноқ» деб аташган. Сир бўйларида «Этли, тиринакли эзирмас», яъни эт тирноқдан айрилмас деган айтим юради. Тил ҳам ўз эгаси билан ана шундай ажралмас бўлади...»

Шу маҳал ташқарида ғўнғир-ғўнғир саслар эшитилиб, кимлардир келгани билинди.

– Ўғузлар билан қипчоқлар олқишлагани келишибди, – деди қабилабоши. – Бизлар яйлову чўлларда кун кечириб юрадиган саводсиз кишилар бўлсак, исмимизни китобга ёзадиган одамнинг не истаги бўлса, қошу кўзимиз устига дейишмоқда. Тенгри ёрлақаб, номимиз ўчмайдиган бўлар экан, деб суюнишмоқда.

Маҳмуд ташқарига чиқиб, келган кишилар билан кўришгач, уларнинг олқишларини тинглаб, совға-саломларини олиб, йўлига равона бўлди.

Бепоеън юртнинг кузги осмони тунд, ерлар пилч-пилч лой эди.

Ўтган ерларида хотинларнинг боши очиқ, кишилар озод, кўп ерларида эркагу хотинларнинг баб-баравар от миниб, ёй отишларини кўрарди. Ҳатто бир қишлоқда белига қилич осиб олган сариқ сочли, кўк кўзли қизгинани ҳам учради, унинг юракли экани тан бергулик эди. Эрлардан ҳайиқмай, теппа-тенг олишадиган шундай хотинлар эл орасида кўп учрайди. Олим ўтар экан, ёшлар унинг ҳурмати жиловларни тортиб, бир муддат тек туришди, кейин ҳай-ҳайлаб қичқира-қичқира камар арчалари томон от солишди.

Болосоғун аллақачон олисда қолиб кетган, салтанат жанжаллари хаёлдан ўча бошлаган, Маҳмудни энди эл орасидаги турли-туманликлар ўзига маҳлиё айлаб, бошига келган кўргуликларни хийла унуттирган эди.

* * *

Кейинги манзил араб қишлоғи бўлиб чиқди. Муқим яшайдиган қариялар учун лой-пахсадан кулбалар тикланган, томларидан қамиш учлари-ю, попилтириклари кўриниб турар, ора-сира чодирлар ҳам кўзга ташланарди. Чодир олдидаги баланд бўйли, қоп-қора, кўзлари ўйнаб турадиган бири Маҳмудга ҳайрон бўлиб қараб турди-да, пахса уй ичкарисига қараб овоз берган эди, у ердан етмишларга кирган, ўрта бўйли, серҳаракат чол чиқиб келди. Араблар шайх деб атайдиган қабила оқсоқоли шу киши экан.

– Сизга Аллоҳнинг саломи бўлсин! – деб саломлашди Маҳмуд улар билан.

– Сенга ҳам Аллоҳнинг саломи бўлсин! – деб алиқ олди оқсоқол, бироқ, нигоҳини узмай тикилиб тура-верди. Унинг бундай бетакаллуфлигига Маҳмуд ҳайрон бўлмади, чунки арабийда «сиз» деган сўз йўқлигини яхши биларди.

– Одамлар оғзидаги лисонларни ёзиб олувчи сен-мисан? – деб сўради оқсоқол, арабчалаб. – Эшитишимизга қараганда, вилояту саҳроларни кезар эмишсан?

Овулдан овулга, қишлоқдан қишлоққа бу хабарнинг тез тарқалиши ҳайратланарли эди.

– Ҳа, тўғри айтишибди. Эл-тошни, дала-тузни кезиб юрадирман, – деб жавоб қилди олим, туркийда.

Ёнидаги киши унинг гапини арабийга бузиб таржима қилган эди, Маҳмуд кулиб юборди. Чунки араб «дала» сўзини «мазра», туз сўзини «милх» деб ўгирди.

– Сиз экин экиладиган майдонни «мазра», яъни дала дейсиз, биз қўналға теграсидаги очиқ-яйдоқ жойни дала деймиз. Туз деб тупроғи унумли ерни, тузлик етиладиган жойни айтамиз. Сиз эса уни «милх», яъни ошлиққа солинадиган туз деб ўгирдингиз, – деб тушунтирган эди, ҳайрон бўлганидан арабнинг оғзи очилиб қолди.

– Ё тавба, илминг бошу кўзим устига, – деди кейин.

– Сен олиммисан?

– Олимни бизлар «билга» деймиз, – деди Маҳмуд. – Яъни, «билмоқ» сўзидан от ясаймиз. Сиз эса отдан феъл ясайсиз, масалан, «илм» сўзидан ҳосилалар чиқарасиз. Бу ерда ўхшашлик кўрамыз, чунки бизлар ҳам «бил» феълидан от ясаймиз.

– Мадрасада сарфу наҳвдан дарс олганман, бир қанча лаҳжаларни биламан, – деди кейин. – Сизнинг сарфу наҳвингизга кўра туркий лисон қонун-қоидаларини тартибламоқ, яъни араблар туркий тил ўрганишларига кўмак бермоқ учун кезмоқдаман.

– Арабнинг туркий ўрганишига не ҳожат? – ҳайрон бўлди қабила оқсоқоли. – Қолдики, бошқалар арабий ўргансинлар. Мусулмонмисан?

– «Қолу бала», – деди Маҳмуд, кулимсираб.

– Билхосса, мушриф кишилар туркий тилни ўрганиш лозимлигини, чунки улардан келажакда катта олимлару лашкарбошилар чиқиши башорат қилинганини айтадилар, – деди унинг ёнидаги араб. – Валлоҳи аълам бис-савоб. Демакки, Қуръонни ҳам хатм қилган чиқарсан?

– «Қолу бала» деганидан билмадингми? Шу жавоби билан ҳикмат денгизининг битта дурини кўрсатиб, алмисоққа ҳам ишора қилиб қўйди-ку, фаҳминг етмадими? – дея койиб берди уни оқсоқол. Сўнг Маҳмудга юзланиб, деди: – Илминг бор эканига шубҳа йўқ. Бироқ, англолмадим, арабий билсанг, нега яна ўз тилингни ўрганиб юрибсан? Бир Қуръону унинг тили етмасми сенга?

– Ҳокимул-мутлақ Бобилдан сўнг тилларни аралаштириб юборди, – деди Маҳмуд. – Истаса бир лисонда қилар эди. Мунинг маъноси шулким, истаса ҳар кимни мусулмон қила оларди. Лисонларни аралаштиргани билан бир қаторда, кишиларни ҳам турли тоифа қилди. Қуръон тилини ўрганиб илм олган кишининг савоби ила ўз тилида илм олганнинг савоби тенгмидир?

– Албатта тенг эмас.

– У ҳолда тилларнинг турли-туманлигидан кўзланган бир ҳақиқат борлиги аён, – деди Маҳмуд ва тушунтирди: – Тил санъатдир. Сиз туя миниб етган манзилга биз от миниб етамиз. Табиийки, туя минганнинг кўзига бошқа, от минганнинг кўзига бошқадир дунё. Бироқ ҳар иккиси ҳам Сонийнинг санъатини кўрмоқда. Башарий тиллар Унинг қудрати ва санъатидан дарак беради, мен ўша қудратни, ўша санъатни ўрганмоқдаман.

– Очиққа жой қилинг, май-шароб келтиринг, бу кишига байир сўйинг, – деди арабларнинг сардори. – Бошқа элдан бўлатуриб, бизнинг тилни шунчалик ўрганиб, жон куйдирибдики, ардоққа лойиқ.

– Бизнинг энг азиз сўзимиз «ўз»дир, – деди Маҳмуд. – Ҳар нарса шу ўздан бошланмоқдадир. Сизда бир калиманинг саккиз турланиши бор эса, бизда бир ўзни билган одам камида элликта сўзни билган бўлади. Устига устак, унинг бир қанча хос маънолари ҳам бордир. «Ўзим» дейилса, «мен» маъносини билдиради. Ўзғир одам ўзган маъносида бўлса-да, маррага етиб келганида унинг бир ўзи қолганини кўрмоқдамиз. Ўз элим деса ҳам ўзлигига ишора қилади. Охир-оқибат, «Ўзи» деганда биттаю битта Тенгри таолони англаймиз. Биргина сўзга шунча маъноларни бериб, бизга билдирганига қараганда, «Ўз»нинг маъноси ҳам «Бир»га яқинлашиб келади.

– Бизнинг алифга ўхшар экан, – деди араб. – Алиф бирни англатса-да, аслида ҳарфдир.

– Оламда биргина тилнинг шу хусусияти бор, – деди Маҳмуд. – Ҳарфларнинг сон ўрнига ўтишини ҳеч қайси тилда кўрмайсиз.

– Китобингни оти нима? – деб сўради араб.

– «Девони луғотит-турк», – деди Маҳмуд.

– Девон шеърдан тартиб этилмасмиди?

– Шеърни биз бошқача айтамыз, – деди Маҳмуд. – Сизнинг шеър булоқдай ёйилиб, гул ҳосил қилади. Бизнинг шеърда отлар туёғининг дупури, яйловда қўй-қўзилар баъраши, пишаётган кесма ош иси, озод-озод от чопқон кишиларнинг қийқиришлари бор. Руҳи ҳам шунга мосдир, – деди ва шуни ўқиди:

Алин топу йашарди,
Урут ўтин йаширди,
Кўлнинг сувин кушарди,
Сигир, бува мунграшур.

– Мундаги ҳаракатни кўринг, – деди, изоҳлар экан. – Тоғ бошлари ўт-ўландан кўкариб, бултурги куруқ ўтларни кўмиб юборганигача, ёмғирларда кўл сувлари тошгани-ю, жалада қолган сигир-буқаларнинг марашигача кўз олдингизда жонлантирмоқда.

Шу тарз узоқ суҳбатлашиб ўтиришди. Ниҳоят:

– Ғаройиб, – деди оқсоқол, тин олиб. – Сен ҳақиқатан билгич одам экансан, аммо ярим тундан оғди, ой ҳаволаб кетди. Салдан кейин Муштарий кўринади, бир оз тин олақол.

– У бизга кўра Қорақушдир, – деди олим. – Чиқса, «Қорақуш туғди» деймиз. Чунки тунги осмон ой-у юлдузни туғади деб ўйлаймиз. Баъзилар туя оёқларининг учини ҳам қорақуш дейдилар, ёки қиз қуш – тукининг ранги қизил қуш...

Олимнинг кўзларига уйқу келмас, тилнинг бепоён денгизларига тобора шўнғиб борарди.

Сўнгсиз-адоқсиз яйловларда, тоғ ўнгирларида, дараю қирларда яшаётган турли-туман улуслар тилида тарихга муҳрланиши лозим бўлган шу қадар кўп ажойиб сўзлару айтимлар бор эди-ки! У сўзларнинг биронтаси ёзиб олинмаган, халқ билан бирга, ҳаёт тарзи ўзгаришига қараб турланиб-тусланиб яшаб келмоқда. Масалан, чўл кишилари ов қушини чақиришса, «таҳ-таҳ» дейишади. Отнинг боласини, яъни қулунни «курей-курей», мол-қўйни «мах-мах», кучукни «баҳ-баҳ», товуқни «тут-тут», жўжани «чип-

чип», мушукни «пиш-пиш» деб чақиришади. «Пис-товуқ» деган товуқ турига «пис-пис» дейишади, сабаби, шундай дейилганида нима сабабдандир турган жойида тўхтаб, писиб қолади. Бироқ, ҳайдаш учун ҳамма бирдай «Кет» ёки «Тур» сўзини қўллайверади. Лекин, шунда ҳам кичик тафовутлар кўринади, мисол учун, итга «тур» дейдилар, аммо кучукбола билан мушукка «пишт» дейилади.

«Кун» билан «Ой» ҳам туркийларнинг энг қадимий сўзларидандир. Баъзилар қуёшни ҳам кун дейишади, кундуз ёки бугун деган сўзлар шундан таралган бўлиб, кун чиқиб ботгунча англамини билдиради. «Умримни кундай ёритсин» дея эрларга «Кун», қизларга «Ой» исмини қўйишган. Агар исми «Ой»дан бошланмаган бўлса, охирига қўшиб ишлатишган. Эрлар отига эса «Ҳоқон» бўлсин дея, «хон» қўйишган.

Тенгри, кўк, ёй, ўқ, пўстак, тўшак, тўй, йиғи кабилар ҳам туркийларнинг энг қадимги сўзларидандир. Булар ҳамма элатда бирдай қўлланилган.

Олим маълум сўзларнинг турли маънода қўлланишига ҳам изоҳ берди. Мисол учун, ўғузлар пастликни, тубни «ашақ» дейдилар, яъни «ашаққа инди» – «пастга тушди», «ашақ кетди» – «паст кетди». Бошқалар эса уни томон маъносида қўллайдилар: «ашаққа кетди» – «ўша ёққа кетди». Баъзилар идиш, коса, пиёлани «аяқ» дейишса, ўғузлар уни «чанақ» деганлар, ҳозирда қўлланилаётган «табақ» эса араблардан кириб келгандир. Ўғузлар шароб, мусаллас, майни «сужуқ», Ила водийсида яшовчи яғмо, тухси ва чигиллар эса «қизил сужуқ» деб атаганлар. Кўпчилик турклар «чиқти» десалар, яғмо, тухси, ябоқу, қипчоқ ва баъзи туркман уруғлари худди шу маънода «ташиқти» сўзини қўллайдилар: «Эр эвдан ташиқти» – «Эр уйдан ташқари чиқди».

Чигилларда «улус» сўзи «қишлоқ» маъносида қўлланилган бўлса, арғулар тилида «шаҳар» маъносини англатган. «Кент» – ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида қишлоқдир. Бошқалар наздида эса вилоятдир. Бошқа туркийларда инак сўзи «сигир» маъносида қўлланилган бўлса, ўғузлар тошбақанинг урғочисини шу сўз билан аташади. Баъзилар ошхонани «ошлиқ» дейишса, булар тариқни «ошлиқ» дейдилар. Бошқа туркийлар ҳашаротни «қурт» десалар, фақат ўғузларгина бўрини шундай аташади. Бошқалар одамлар орасидаги ҳар қандай шодлигу кулгини «байрам», ўғузлар фақат ҳайит кунини «байрам» дейдилар.

Сўзларнинг баъзи бир маънолари ҳар уруғда ҳар мазмунда амал қилган. Чунончи, ўғузларда «чақди» сўзининг «эшиттирди, айтди» маъноси ҳам қўлланилган: «Ул сўзи анинг қулоғига чақти» - «У сўзни унинг қулоғига эшиттирди». Аммо бармоғини тош билан уриб олган одамга ҳам шу сўз қўлланилган, масалан, «Кўлини чақиб олди». Чақмоқ деган сўз ҳам ҳаракати жиҳатидан шунга ўхшайди. «Чақмоқ чақди» дейилиши кўк қатида бир нима бошқа нимадирга урилганини билдирса не тонг? Баъзи эллар эса уни илонга ёки ҳашаротга нисбатан ҳам қўллайдилар: «Илон чақиб олди».

Шуларнинг бари айри-айри тилларга ўхшаса ҳам, ўзлиги айна экани завқли эди.

* * *

Олим чарчоқ кўзларини юмиб, бир оз тин олди. Ёғчироқ шуъласи липиллаб, ўтов увулдириклари ва керагасида ўйнади.

Ҳа, эл-улус ғоят бепоён, улуғ ва кенг, эл руҳи эса тилда бор бўйича аксланмоқда. Ўтовдан чиқмасдан

туриб ҳам тил орқали яйлов майсаларининг исларини, енгил ҳавосини, озод кишилар руҳиятини сезса бўлади.

Идрок кўзи билан қаралса, унинг ҳаракатланиши ҳам кўринарди. Ҳозир тил арабий-форсий сўзлар ҳисобига бойигани ҳолда, ўз сўзларини янгиламоқда эди. Вақту замонлар ўтгач, ақли етук кишилар ўз тили жозибалари аро у сўзларни кўришганида, ёт сўзлар ҳам босқинлардану чопқинлардан, эл ўтмишидан, шунингдек, илм тарихидан сўзлаётганини билиб оладилар, албатта.

«Тил – ҳар нарсани ўзида акс эттирадиган ғалати бир тарих битиги, – деб ўйлади у. – Саваш-сўқиш, экин-тикин сўзлари-чи? Шуларнинг бари эл қандай яшаётганидан дарак бериб туради».

Эртасига йўлга отланганида:

– Бу кетишда қайларгача бормоқчисан? – деб сўради қабила шайхи.

– То Ироққача ёйилиб кетган барча туркийларнинг ҳаётини, тилини ёзиб олмоқчиман, – деб жавоб қилди Маҳмуд. – Қошу қароқдай ёнма-ён икки қишлоқ шева-си бир-биридан фарқланишига қарасангиз, катта бир китоб бўлади, чоғи.

– Ўҳ-ҳў, ишинг зўр экан, – деди оқсоқол. – Аммо таҳсинга лойиқ. Мен ҳабибу аҳбобга, авлоду валадга, ақрабога тайинладим, арабнинг ҳар жамоаси сенинг бораётганинг ҳақида бошқаларга хабар берсин, муносиб иззат-икром ила кутиб олиб, кузатишсин.

Кейин қулоғига шивирлади:

– У китобингга бизниям қўшиб қўя оласанми? Исмим Тамим, отамнинг исми Абдуллоҳ, Бану Холид қабиласидан, деб қўйсанг бас.

Олим кулимсиради:

– Албатта.

Сўнг улар билан қучоқлашиб хайрлашиб, жўнаб кетди. Олдинда узоқ ва машаққатли йўл турар эди.

Кеч куз теварак-жавонибга ҳукмини ўтказар, сон-саноксиз улуслар қишлаш учун тоғ ўнгирларига, камарларга кўчишарди. Тез орада дала-тузни қоплаб қалин қорлар ёғди. Кишилар куз аввали келиб қолган ўша киши ҳақида анча гапириб юришди. Қарлуқлару ўғизлар, қипчоқлару арғинлар, чигиллару яғмолар тақдирнинг чалкаш йўллари аро олим ёзган китоб дараги етиб келишини кутишар, тафтли аланга ланғиллаган кечаларда унинг номини эслашарди. Улуслар орасида «Билга киши» деб ном қолдирган узун бўйли, доно кишининг ҳақиқий хон ўғли эканидан эса, ҳеч кимнинг хабари йўқ эди.

* * *

Орадан бир неча йил ўтди.

Олим шу кезишлари оқибатида, келгусида тартиб берилажак «Девони Луғотит-турк»нинг тамал сўзларини, ўнлаб туркий қавмларнинг урф-одатларини, айтиму дostonларини дафтар-дафтар ёзиб олди. Бу иш учун умрининг ўн беш йилини харж этди. Болосоғундан булғор элларигача кезди, юзлаб элатларнинг лаҳжаларини ўрганди.

Бироқ жуда кўп сўзлар қишлоқлару ёзлоқларда, ўтлоқлару сувлоқларда, яйлоқларда қолиб кетди. Уларни жам қилишга биргина кишининг умри етмоғи зўр иш эди.

Булғорлар юртига етганида бир муддат сўлим кўллар, яшил ўрмонлар аро тин олди. Тенгритоғ аллақачон олисда қолиб кетган эди. Тин олмоқ баробарида тўплаганларига тартиб бериб, саралади. Шунингдек, ғоят улуғ шу элнинг жонли тили

борасидаги изланишларнинг сўнги йўқлигини ҳам ҳис қилди. Вужудида янги бир қувват, жазм пайдо бўлди.

Баҳор кечаси, ёмғир ёғиб ўтгач, кўк тозаланган эди. Пасттоғлар ортидан каттакон баркаш бўлиб ой чиқди.

– Бизнинг элларда сени «Момо» дейдилар, – деди у орзуларнинг олис тимсолидай кўринган тўлин тун ёритқичига соғинч ила боқиб. – Араб «бадр», форс «моҳ» дегани ҳолда, бизлар сенга қошу сочлари оппоқ оқарган момолар васфини ҳам кўшиб «Оймомо» деймиз. Баъзилар эса «Ойдада» деб ҳам айтадилар. Яъни, табиатда неки бор, улуғлар ёду ҳурматига олиб келиб боғлаймиз...

Яна бир оз вақт ўтгач, кўкка Қорақуш чиқди. Тунги самода жимирлаб тураверди.

Олим вужудида латиф енгиллик ҳис қилди. Олам узра яшаётган туркий элатларнинг илк хазинаси мана шундай яратилди. У ҳозир биттагина, холос. Аммо бепоён дунёга ёйилиб кетган юзлаб улусларнинг ҳаёт тарзидан, маросимларидан, завқу изтиробларидан, умридан дарак берадиган ажойиб бир қомус тамали бунёд этилди.

Бир булардангина эмас, эл озодлигидан, сарбастлигидан сўзлайдиган, қатида миллат руҳини ташийдиган ўхшаши йўқ асар бўлди.

«Мен элимнинг энг тоза сўзларининг бир қисминигина олдим. Асли ҳар қишлоқ, ёзлоқ, сувлоқнинг, ҳатто овлоқ, пойлоқнинг ҳам ўз сўзлари бор. Улар ёмбилар каби ўз маконида, ўз кишилари билан қолиб кетди. Очуннинг ишига қара, – деб афсус ила ўйлади у. – Бир хон ўғли эдим, бу қисмат бошимга келмасайди, ҳозир бир ерда муқим эл сўраб ўтирардим. Ҳа, шунча ерларни кездим-кўрдим. Эл-улус бағрини очиб кутиб олди, ош-озиғини аямади, кўмак берди. Ҳаниси хотун ўша ишини қилмаганида булар қайда эди? Наҳотки

«Девони луғотит-турк»нинг яралиши учун отаму укаларимнинг ҳалок бўлиши лозим кўрилди? Хон бўлиб тахт сурганимда улус хизматида бўлардим, албатта. Қолдики, яна эл хизматига бел боғладим. Шояд вақти келиб, бунинг учун илм салтанатидан кичик бир тахт ато этсалар, не тонг?»

Саҳар бўзаргани сайин Қоракуш бота бошлади.

«Кундуз қочгач, у яна чиқади, – деб ўйлади олим. – Минглаб йиллар то қиёматгача шундай бўлаверади. Бир Маҳмуд бор эди, у ҳам ботиб кетади. Аммо элнинг Маҳмуддан ҳам чақноқ юлдузлари инсоният самоси узра мана шундай чақнайверадилар.

Қолдики, доимо шу эл, шу улус яшайверсин, Кўк Тенгриси уни доимо кўлласин.

Эл яшнасинки, тили ҳам яшнасин.

Қадимий ва тоза эди, абадиян шундай тоза, кўркли бўлиб қолсин!»

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ХАЁЛИЙ ЯРАТИҚЛАРИ ҚОМУСИ ЭССЕ

1 ҚИСМ. ТРАНСМИЛЛИЙ ЯРАТИҚЛАР

Қора қўл

Болалар сандал теварагида тизилиб, ҳар хил воқеаларни сўзлашиб ўтиришарди.

– «Қирқ қиз» эртагини айтиб берайми?

– Йўқ-йўқ! Қўлни айтинг, қора қўлни!

– Бабат деган бола бор эди, – деди ёши каттароқ қизгина. – Шу бола акаси билан ўтирган экан. Қиш келибди, экин-тикинлар йиғиштириб олинибди. Бўшаб қолган далаларда шамол ўйин қурибди. Ғўзапоялар тўп-тўп йиғиштирилиб келинибди, дала четларидаги маккалар ўрилиб, бостирмага босилибди. Хуллас, дала-тузда қилар иш қолмабди.

Ота икки ўғилга этакдаги ҳали тугал битмаган иморатнинг бир хонасини тузатиб, ётоқ қилиб берган экан. Биласиз, ундай иморатлар пахсадан ё гувалакдан тикланади, шифтига терак ёғочи босилади. Ораларидан қамишлари осилиб туради.

Бабат очқасак еймиз деб, битта нон олволган экан. Ака-ука у ноннинг ярмини ейишибди, ярми эса дастурхон устида шундоқ қолаверибди.

Тун, ой ҳаволаб кетган, дераза тавақасининг бири очик, ташқаридан тунги саслар, ариқ сувининг шовури эшитилар, хонанинг бир четига ой шуъласи тушиб турармиш.

Ака-ука ерга жой солишиб, энди ухлаймиз деб ётишса, дераза томондан шарпа келибди.

Болаларнинг нафаси ичига тушиб кетибди.

Ака туриб, деразани ёпишга мажоли келмай дағ-дағ титраб ўтирармиш. «Жон ака, деразани ёп, кўрқиб кетяпман» дебди укаси. Ака ниҳоят ўзини қўлга олиб ўрнидан турган экан, шу маҳал деразада қоп-қора бир қўл кўринибди. Тавба, қўлнинг ўзи, нарёғида ҳеч нима йўқ, бўм-бўш эмиш!

Ака-ука жонҳолатда ўзларини бурчакка олиб қочишса, қўл тимирскилана-тимирскилана сандал устидаги дастурхонга етиб, бир нима излар эмиш. Бояги нондан яримтаси қолган эди-ку, ўшани олиб, яна кирган жойидан чиқиб ғойиб бўлибди.

Айни шу маҳалда айвонда қадам товуши эшитилиб, биров йўталибди. У болаларнинг отаси экан, хавотирланиб, болаларимдан хабар олай деб, келган экан. Қараса, ўғиллари бурчакда дағ-дағ титраб туришибди. Сал ўтиб ўзларига келишиб, бўлиб ўтган воқеани сўзлаб беришибди.

Ота буни эшитиб, ўйланиб туриб:

– Ҳа, лаънати, яна кептими? – дебди авзойи бузилиб.

Кейин сувга дам солиб, ҳаммаёққа сепиб чиқиб, «Ана, энди келолмайди» дебди.

– Ота, қўл келиб нима қилади?

– Нон излайди, болам.

– Нонни нима қилади?

Шунда ота қора қўлнинг тарихини айтиб берибди.

Бир чол бўлган экан. Болалари, кампири ўлиб, ўзи ёлғиз қолиб кетибди. Унинг ҳолига ачинган қишлоқ новвойи одамларга айтибдики:

– Ҳар бирингиз олиб келган ундан бир сиқим олиб хамир қориб, нон ёпиб ўша чолга чиқаравераман. Розимисиз?

– Мингдан-минг розимиз, – дейишибди одамлар.

Новвой шундай қилибди, кўпнинг унидан бир сиқимдан ола-ола, ҳар куни ёлғиз чолга нон ёпиб, бериб юбораверибди.

Шу қишлоқда бир ўғри ҳам бор экан. Тунда нимадир топарман, деб ўғирликка чиқибди. Қай ҳовлига яқинлашса ит хурармиш, кираверишдаги уйларда кишилар сергак ётишар, сал шарпага томоқ қириб, ташқари чиқишармиш. Ўғри санқиб-санқиб, ўша чолнинг уйига бориб қолибди.

Қараса, чол қиблага қараб ибодатини қилмоқда, кўзларидан сариқ ёши оқиб Парвардигорга ялинаётган экан. Чол Худодан ризқ сўраётган, қаровсиз қолиб кетганидан ўкинаётган, мени шунча одамга зор қилиб қўйдинг, уларнинг ҳақини қандай ўтайман деб ёлворар экан-да.

Сандал устида эса бус-бутун нон турганмиш. Чол намозимни ўқиб, кейин ярмини ейман, қолган ярмини эса эрта тонгда нонуштага ейман, деб олиб қўйган экан.

Ўғри ҳам оч экан, «Ҳарна» деб, деразадан қўлини чўзиб ўша нонни олибди-ю, изига қайтибди. Кета-кетгунча ноннинг ярмини ебди, қолганини қўйнига солибди.

Чол бир маҳал қараса, сандал устидаги нон йўқ бўлиб қолганмиш.

Ўша кеча кимдир ўғрининг чол уйига кириб кетаётганини кўрган экан. Уни тутиб, айбини бўйнига қўйиб, чолнинг ризқини ўғирлаган бу кимсанинг қўлини чопиб ташлашибди.

«Умринг бўйи бировларнинг ризқини ўғирладинг, илоё, ўзинг ҳам бир бурда нонга зор бўлгин», дейишибди.

Ўғри чопилган қўлини қўлтиқлаб, қишлоқдан чиқиб кетибди. Шу бўйи уни биров кўрмабди. Дала-

даштга етиб олгач, қўлини бир янтоқ остига кўмибди, ўзи эса янада олисларга бош олиб кетибди

Кўпнинг қарғиши урганми, урмаганми... Ҳали-ҳануз ўша қўл одамлар уйига яшириқча кириб келиб, нон излайди. Бутун нонга тегмайди, чунки синдира олмайди-да. Яримта нонни кўрса, ўшани олиб кетади. Эгаси тақдирига битилган, еб қўйилган ўша яримтага қўшилиб, битта бутун нонга айланса-ю, шу тақдиримдан қутулсам, деб ўйлайди...

Тавба, танасиз у яратикни ким ўйлаб топди? Шўрлик қўл хаёлотининг ортида эл бошига келган қийинчиликлар кўриниш бераётгани киши юрагини зардобга тўлдириб юборади. Нонга шунчалар зормиди у қўл, болалар дастурхонидаги сўнгги бурдани ҳам олиб кетибди?

Афсоналар эл кўрган кунлардан дарак беради. Ҳақиқатан, жуда қаттиқ замонлар бўлганмикин? Одамлар нонга зормиди? Кишилар ўзга бир қўл ризқимизни олиб кетмасин дея, нонқутиларингизни, нонсаватларингизни маҳкамлаб юринг дея, шуларни ўйлаб топишганмикин?

– Йўқ, – дейди қўл. – Мен бор-йўғи қўлдан иборатман. Мени юборадиган яна кимдир бор.

Бу образ Европа халқларида, юнонларда, бул-форларда, скандинавия мамлакатларида яшаб келади. Бироқ, ислом қизғинликлари аро, исломни қабул қилган ўлкаларда учрамайди, шу сабабли, Марказий Осиё болалари фольклорида пайдо бўлиб қолгани билан диққат тортади. Вашингтон Ирвинг Гренада ҳикоялари билан ислом ривоятларининг Европага кириб бориш жараёнини тасвирлаган бўлса, ушбу ривоят масиҳий ривоятларининг Марказий Осиёга кириб бориш жараёнини кўрсатиши билан эътиборга молик.

Шу тариқа, Исо таваллудидан сўнг пайдо бўлган ҳамда «Мени юборадиган яна кимдир бор» деб шикоят қиладиган қора қўл аслида Европа-ю Осиё ўлкалари кишиларини тиланчиликка, юпунликка, бир бурда нон учун ҳар ишга ўзини уришга мажбурлаган даврлардан баҳс этиб, ер юзининг деярли ярмидаги кишиларнинг дину эътиқоддан ташқаридаги ҳаёлларидан ҳикоя қилади. Уни юборган ким эди? Шу кўргиликка дучор қилган қироллик, хонлик, графлик, ўзаро урушлар, дину имон тафовутлари аро тўкилган қонлар ҳамда улар натижасида тирикчилик учун тиланадиган юз минглаб кишиларнинг қиёфалари охир-оқибат халқлар тилида ривоятга айланиб, шу шамойилни олган бўлиши ҳақиқатга яқинроқ. Янада ҳаққонийси шуки, мазкур қиёфа ҳануз Марказий Осиё қишлоқлари теграсида нон тиланиб, дастухонлардан емиш ўғирлаб юрибди. Ҳамда, балки бир неча юз йилларгача мавжудликда давом этса эҳтимол.

У билан бирга яна бир шарпа кириб келган, унинг номи «туёқли киши»дир. У – ғарб мифологиясида иблиснинг малайлари бўлмиш сефирлар, яъни одам бошли, эчки туёқли қиёфалар ҳақидаги ривоят.

ТУЁҚЛИ КИШИ

Ота-она тўйга кетишган, опа-сингил уйда қолишган эди.

Ўша куни шамол келди. Аксиға олиб, чироқ ўчди. Шамол ташқарида роса қутуриб ўкирди, том тунукаларини тарақлатди, дарахт шохлари эгиб-эгиб эсаверди. Ҳовлида қолиб кетган пақирни даранглатиб, ҳўв четга обориб ташлади. Ёйиб қўйилган кирларни анжир шохларига илиб қўйди. Синган дераза ойнаси ўрнига ёпиштириб қўйилган сувқоғозни юлқий-

юлқий, ахийри учириб кетди, дераза ўрни қоп-қора бўлиб қолди.

Опа-сингил сандалда ўтиришарди. Сингилнинг исми Нози эди, икки бети қип-қирмизи, ўйнаб сира чарчамасди. Сочига пахтадан пилик ўриб оларди, онаси ўсма қўйса, у ҳам қалин қилиб, бетларига оқизиб-оқизиб қўйиб оларди.

Қизгина шамол сасларидан қўрқа-писа опасининг пинжига кириб титраб ўтирар экан, бир маҳал ташқарида туёқ саси эшитилди.

– Опа, – деди сингил дағ-дағ титраб. – Туёқли киши келдими?

– Тақ, тақ...

– Билмасам... – опанинг ҳам ранги бўзариб кетган эди. Югуриб бориб эшик зулфинини тушириб келди-ю, сингисининг қўлдиан маҳкам тутиб, чўк тушиб ўтириб олди. Ташқарида эса ўша ғалати сас тинмасди. Биров айвоннинг тахта полидан гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ўтарди.

– Тақ, тақ, тақ!

– У қанақа ўзи? – деб сўради сингил, шивирлаб.

– Маймунга ўхшаган юнгли, букчайиб юради. Ўзи одам, аммо шохи, туёғи бор, – деди опа ҳам шивирлаб.

Опа сингил шу тарз дағ-дағ титраб ўтиришар, туёқли киши эса ичкарига кириш йўлини излаб у ёқдан бу ёққа юрарди.

– Тақ.. туқ...тақ...

– Опажон, қўрқиб кетяпман...

– Қўрқма... Эшикни маҳкамлаганман, киролмайди.

– Отажон... – деб шивирларди қизгина, ҳозир ота келиб қолса-ю бу ғалати махлуқни ҳайдаб юборса деб. Негадир хаёлида ота жуда баҳайбатлашиб кетгандай туюларди. Ҳа, ота бениҳоя қудратли, кучли. У келса, туёқли шарпа қўрққанидан кучукболадай ангиллаб

қочади. Ота эса баланд овозда «Ҳе, сени ўша!..» деб бақириб, ортидан кетмонни отиб юборади. Шарпа шу кетганича сира келмайди, чунки уйда Ота бор, ундан жуда кўрқади.

Дарҳақиқат, шу маҳал ташқарида биров томоқ кириб йўталгани, кейин залворли қадам товушлари эшитилди. Катта қиз чошиб бориб зулфинни туширган эди, ота кириб келди.

– Мени ой қизларим нима қилишяпти?

Ой қизлар чошиб бориб, ота бўйнига осилиб олишди. Айниқса, кичкина дағ-дағ титрарди. Икки ўрим сочи селкиллаб, яланг оёқларининг товони қорайиб отасига ёпишиб, бўйнидан маҳкам қучоқлаб олган эди.

– Нима бўлди? Нимадан бунча кўрқиб кетдингиз, жон қизларим?

– Ота... Отажон...

Ота икки қизини қучоғидан қўймасдан тўшакака ўтирди. Қизларининг кўрқиб кетганидан хавотирланиб, нима бўлганини сўраган эди, катта қиз воқеани титрай-титрай айтиб берди.

Ота қизларининг бошини силаб, сўради:

– Ой қизим, эрталаб ҳовлини тоза супурмагандинг?

Катта қиз рўй-рост тан олди:

– Ҳа, отажон, эриниб бурчакларни тозаламаган эдим.

– У шайтоннинг хизматкори, нотоза ерларни излаб юради, – деди ота. – Ўшандай жойларни топса, шайтонга хабар беради. Кейин ўшанақа ифлос нарсалар келишиб, зиёфат қилиб ўтиришади. Бироқ, тоза жойларга сира келишмайди. Бундан сўнг ҳовлини «Бисмилло» деб, топ-тоза қилиб супур, хўпми, қизим?

Бор-йўқ воқеа шундан иборат.

У ота ҳозир дунёдан ўтиб кетган. Қизалоқлар кап-катта хотинларга айланишган. Бироқ, уйларига бориб қолсангиз, ҳар ернинг сариштаю саранжом қилиб супурилганини, ораста эканини кўрасиз...

ДЕВ

Кўҳна ҳинд ва форс тарихларида у баҳайбат, эғнида лунгисидан бошқа кийими йўқ бефаросатсиз махлуқ ўлароқ таърифланади.

Қадимги ҳиндларнинг «ракшас» дейилган одамхўр яратигидан тарқаб Эронга ўтган ҳамда тараққиёт оқими билан қўшилиб Марказий Осиёга келиб қолган бу яратик туркий қишлоқлар фольклоридан ўрин ололмаган. Бироқ, умуммиллий эртақ-афсоналар бағрига келиб жойлашган.

Дев тоғ ўнгирларида, ғорларда, овлоқ-пучмоқ жойларда яшайди, қуш-ҳайвон овлаб кун кўради ҳамда кимнингдир буйруғига кўра, ўша ерда махфий қай бир хазинани қўриқлайди.

Ҳиндистондан чиққунига қадар у золим, раҳм-шафқатсиз, ҳинд чакалакзорларининг ёввойи арслонлари ёки тимсоҳлари каби инсонлар яшайдиган маконларга ҳужум қиладиган, одамларни еб қўядиган мавжудот эди. Шу хислатлари билан Эронга ҳам кўчиб ўтади. Зулму ёвузлиги билан қашшоқ қишлоқларни бешбаттар талайдиган ҳинд ҳукмдорларига ўхшаб кетади, одамлар унинг зуғумларидан қутулиш учун унга ҳар кун биттадан болакай ёки вояга етмаган қизни тортиқ қилиб туришади.

Марказий Осиё ушбу ривоятнинг одам тортиқ қилиш қисмини олиб ташлайди. Отлари елдай еладиган, ўзлари учқур, эркинликни севадиган у халқлар учун кимдир келиб болаларини олиб кетиши мисли

кўрилмаган муболаға бўлиб туюлади. Шу жиҳатиёқ туркийлар ўз болаларини бировга бермаслигини, дев ё бошқа бирор яратик келиб қолгудай бўлса, бутун улус бирлашиб кулини кўкка совуриб юборадиган жанговар шуурини намоён қилади.

Туркий халқлар нафақат девни, балки ҳиндларнинг доно маймуни ёки сўзамол тўтисини ҳам «сиғдирмайди», уларни оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб юришга арзимайдиган ҳайвонлар деб ҳукм чиқаради, шу сабабли бир қанча китоблар қатида келган мазкур яратиклар фақат файласуф олимлар диққатини тортади. Олимлар эса уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартиришади ҳамда ўз эътиқодларига мослашиб олишади. Ўзга халқлар оғзаки ижодидан муҳим ўрин олган у яратиклар Марказий Осиёда яшай олмагани сабабли уларга тўхталиб ўтиришмайди.

Ҳинддан Осиёгача узундан-узоқ йўл босиб келган бу мавжудот хитойликлар «От минувчилар» деб атаган элатлар учун кўрқинчли бўлмай қолади. От минувчилар уни тоғу тошларда хазиналарни кўриқлаб ётувчи ғайритабиий мавжудотга айлантириб қўйишади ва ўз йўлларида давом этишади.

АЖДАР

Трансмиллий яратиклар орасида Чин элидан келиб қолган бу яратик донишманд деб ҳисобланади.

Унинг Чин афсоналаридаги қиёфалари шунчалар турли-туманки, гоҳида қаҳрли, гоҳида шафқатли жонзот ўлароқ, вазиятга қараб ўзгариб намоён бўлаверади. Кўпчилик ҳолларда зулмга қарши чиқиб келади, золим ҳукмдорни уруғ-аймоғи билан кўкка совуриб юборади. Туркий халқлар эса ундан ёв ясаб олишади. Чин элининг доно яратиғи туркий ер-

сувларига ҳужум қилгани он, қишлоқларда яшаётган сон саноқсиз ботирлардан бири (кўпинча Кенжа ботир) учала бошини ҳам кесиб, танасидан жудо қилади.

Туркий халқлар аждарга фақат шу сифатнигина беради. Туриш-турмушидан ғаройиблигигача, инсонлардан устун ақлю донолиги уларнинг тушунчаларига мос келмайди, бироқ, тоғ ўнгирларида яшириниб ётиб, очқаганида қишлоқлар устига учиб келадиган ҳамда оғзидан олов пуркайдиган ёв шамойилида фольклор қатига жойланади.

Туркий эпосларнинг асосий қонуни – қаҳрамонлик бўлгани учун, трансмиллий яратикларнинг бари туркий қаҳрамонлар жасурлиги қошида бош эгишади ва ҳалок бўлиб кетишади.

АЖИНА

Марказий Осиё туркий давлатлари эски душман – чинларнинг ва хиёнаткор арабларнинг иттифоқи туфайли истило қилиниши оқибатида кишилар хаёл дунёсига «ажина» яратиғи кириб келади. Аслида у арабчадаги «жин» сўзининг кўплигидир. Марказий Осиё халқари орасига у ислом билан бирга қадам қўяди.

Араб асотирларида Сулаймон ибн Довуд замонасидан бери яшаб келаётган у яратикларнинг уч тури борлиги иддао қилинади: эркаги, урғочиси ҳамда ифрит, яъни куч-қудрати кўп, жинссиз мавжудот. Сулаймон ибн Довуд қиссасида хабар берилганидай, улар Тангри таоло ҳукмига биноан пайғамбарга сўзсиз бўйсуняди.

Ажина Марказий Осиёга кириб келгач, довюрак туркийлар уни ҳам ўзгартиришади. Унинг фақатгина

аёл қиёфасидаги шаклини қабул қилишади ҳамда овлоқ, қаровсиз жойлардан жой беришади. Ўзга қиёфалар эса ўлкага келган истилочилар билан бирга йўқликка равона бўлишади.

Бу жонзотнинг намоён бўлиш шакллари шунчалар турли-туманки, ақл шошади. Бошқа мавжудотлар ахён-ахёнда, қайсидир қишлоқ ҳудудида учраса, у учрамайдиган ҳудуднинг ўзи йўқ.

Унинг шаклу шамойили ҳам хилма-хил. Жуда кўп ҳудудларда у чангалзор буталари остида чироқ ёқиб, ёруғида китоб ўқиб ўтирган ҳолатда кўринган. Яна айтишадики, қаровсиз жингилзорлар, қари беҳилар тагида кекса ажина яшайди. Болалардан тортиб, ёш ялангу кап-катта кишиларгача адаштиради.

Кишилар яратиб олган ёки ўзгартириб олган турли-туман хаёлий махлуқот орасида биргина шу хаёлий жонзотнинг китоби бор. Унга дуч келинса нима қилиш кераклигини барча билади. Кўзига қарамай туриб Тангри таолонинг исмини айта-айта, китобини олиб қўйиш керак. Шунда бир қаричлик ўша пакана сариқ қизча тоабад хизматкорга айланади.

Минг йилдан зиёд вақт мобайнида туркийлар орасида яшаб келаётган бу жонзот янги даврларга келиб янада ўзгаради. Фарғонанинг Бўтқа деган қишлоғида бир киши қариб-чириёзган ажинани кўрибди. Йўлдан оздириш ёки қанақадир сирли-сеҳрли манзараларни пайдо қилиш у ёқда турсин, буталар орасидан зўрға сургалиб бормоқда экан. Сийрак сочлари оппоқ эмиш, қўлида беҳи шохидан ҳасса тутиб олган эмиш.

У киши ажинанинг ҳолини кўриб кўрқмабди, қайтанга, ачинибди. Ундан бир нималарни сўраган, ажина ҳам жавоб берган дейдилар.

Қирқлар қишлоғидаги шийпонга кетаверишда катта қари беҳи бор эди. Кишилар ўша беҳи остида

ажина кампир бор дейишарди. Йиллар ўтиб у беҳи кесилиб кетди. Ўтинини икки-уч хонадон қиш бўйи ёқиб чиқди. Шунақа катта беҳи эди-да. Ажинага эса биров қизиқмади. Ахир, истиқомат жойи ўша эди, кишилар келиб беҳини кесишгач, қайга кетди?

Ажина олов тоифасидан бўлиб, жуда узоқ яшайди, лекин барибир ўлади. Ўлганида ёниб ўлади. Шу боис, унга дуч келган илмли кишилар «Дуо ўқиб куйдириб юбораман» деб кўрқитишади.

Аслида ғоят беозор у махлуқ фақат ҳис-туйғуларга даф қилиши билан ғаройиб. Инсонларнинг туйғулари улар учун озуқа бўлиши мумкин. Қаровсиз ерларда, суяклардан озиқланиши ҳақида айтимлар бор.

Туркий халқлар пайдо бўлганидан бери жамоа онги яратган ғайриоддий махлуқларнинг бари тун хаёлотларидирлар. Ҳар ҳолда, кундузда уларни ҳалок қиладиган нимадир борки, кун ботганидан сўнг очикқа чиқишади. Тунда ҳар нарсага жон киради, ҳатто дўнглару тепаликлар ҳам нафас олаётгандай туюла бошлайди. Мана шу улкан жонланиш аро инсон боласи ёлғизланиб қолади, табиат ҳайбати онгини босиб келади, ҳайиқади. Ҳатто ёйилиб оқаётган сув ҳам чўчитади. Сувда кимлардир борми? Тун қоронғуси билан бирга номаълум, билинмас нималардир тушиб келгандай, ўша номаълумлик ваҳм уйғотгандай бўлади.

Бир киши тунда дала ёқасидан ўтиб бораётса, шудгорда қолдириб кетилган трактор шудгор қиляётган экан. «Ия, Раззоқвой боя уйига кетувди, қайтиб келибдими?» деб яқин борса, трактор рулида ҳеч ким йўқ эмиш.

Ажина тракторни бошқариб шудгор қилиши ақлга сиғадими?

Равон қишлоғида бир йигит ажинага ошиқ бўлиб, бош олиб кетган дейдилар. У қизни бир кўрибди-ю, ақли бошидан учибди. Шунақа сулув эмиш-да. Қайга кетгани-ю, нима бўлгани номаълум. Бироқ, мундайроқ сулувларга ошиқ бўлиб ақли бошидан учганлар ҳам етарли. «Умр йўлимда ажинадай пайдо бўлдинг у эсимни олдинг»... Суйганига «Шукрки, йўлимдан оздим, йўқса бу саодатни қайдан топардим» деб махфий дил изҳори қиладиганлар қанча?

Бироқ, булар – кишилар ҳиссиётларининг кўри-нишларидир. Ҳаққоний ажина ҳануз дарахтлар остида, бутазорларда, ҳеч нимага ишонмайдиган, бениҳоя куч-қудратга тўлган, тезлаштирилган электрон, протон ёки аннигиляция қуроллари билан ажина тугул, исталган махлуқни кўзга кўринмас зарраларга айлантириб йўқ қилиб юборадиган бугуннинг куч-қудрати қаршисида не деярини билмай, жавдираб турибди.

Инсоният яралганидан буён яратилган кашфиётлар қаршисида у заиф қуроли – ақлдан оздиришу шарпа пайдо қилиш каби хусусияти билан чор-ночор, боргани ери, қочгани жойи йўқ.

Сирасини айтганда эса, ақлдан озиш – маълум бир тўп кишилар амал қиладиган тартибу қоидалар, тушунча усуллари чегараларидан четга чиқиш эмасми? Гўё ақл – бир йўл, у йўлдан четга чиқиш, мантиқ ва тафаккурнинг ўзга сўқмоқларидан илгарилаш эмасми?

Ажаб, минглаб йиллар мобайнида ақлдан озиш билан таҳдид қилиниб келинган кишилардан биронтаси мабодо ақлдан озса... унга қай мантиқ рўпара келар экан? У мантиқни ким изоҳлай олар экан?

Лекин, уларнинг ягона хайрли ишини тан олиш керак. У хайрли ишнинг не эканини кейинроқ айтиб ўтамиз.

Оламдаги турли-туман халқлар ўз мавжудлиги мобайнида мингдан ортиқ хаёлий яратилган пайдо қилди. Йигирманчи асрда Европада яратилган «Мифологик мавжудотлар қомуси» бир юзу йигирма еттита хаёлий мавжудотдан баҳс этса-да, бироқ, Марказий Осиё халқлари яратган мавжудотлардан бебаҳра қолади. Қомус яратувчиси санаб ўтган юзлаб махлуқлар орасида кишиларга ташланадиган, ҳайвондай парчалаб-ғажийдиган, эсдан оғдирадиган турли-туман йиртқичлари анчагина. Деярли барчаси – эътиқодга хизмат қилувчи зиддул-эътиқод, яъни имон хизматидаги жаҳолатдир.

Табиийки, жамоа онги яратган яна ўнлаб тур сўзловчи, ўйловчи, келажакни ёки сирларни билувчи махлуқотлар ҳам бор. Улар қишлоқ кишилари оғзида эмас, эртагу масалларда, ҳикмату маталларда яшаб келишади, шу сабабли, умри янада узунроқ, қилар ишлари ҳам фойдалироқ. Кенжа ботир тушида кўрган сулувни излаб бораётган маҳали унга дуч келган илонни, қанотли чумолини ёки тошбақа боласини эсланг. Бу учовлон ҳам ўз қавми подшоҳининг фарзанди бўлиб чиқади. Бир оннинг ўзида қирқ ерда ҳозир у нозир, бир-бирининг ўйини билиб турадиган қирқ киши ривояти-чи? Шулар қаторида яна бир қатор ривоятлар ҳам борки, улар ҳам номаълумликни билишга ишора қиладиган, Тангри таолонинг махфий сирларининг эшиклари очилган кишилар ҳақидадир. Бир нима дейишга чўчийсиз: улар тамомила ўзга вазифа ила умр деб, аталмиш дарё орасида нур сари интилган ёки ўзлари ҳам нурга айланган инсон болаларидирлар. Ундай кишиларининг хаёлий яратилганга дуч келишини тасаввур қилиб кўринг-чи?

Шунда эл яратган у махлуқлардан биронтасининг хуррияти йўқ эканини кўрасиз.

Мана шу сабаб, ибтидоий адолат юзидан бир қанча минг йиллар бўйи дайдиб-кезиб, ўнгирларда, пучмоғу овлоқларда, соялар ичида, дарёлар лабида, тоғу тошлар орасида санқувчи ғалати жон эгаларини яратиб олдилар.

Бироқ, ҳар иш Парвардигордандир дейдиган, инсон боласи эришиши мумкин бўлган юксакликларга эришганлар ҳам бор. Биз тилга олган бебахт яратиклар ана шундай кишиларга дуч келса-чи?

– Эй бахтсиз, ҳақиру шўрлик мавжудотлар! Сизларни ким яратди?

– Кишиларнинг ўзлари!

– Одам боласи ҳатто бир курмак ўтини ярата олмайди. Сиз моддийлашган хаёлдан иборатсиз. Шу ҳолингизда нималарни ифода қилмоқдасиз?

Ғоят залворли, чўнг бу сўзларнинг оддий тилга таржимаси шуки, сизни Олиму Мутлақ яратмади. Сизларни жоҳиллик, илмсизлик, зулм ва бедодликнинг қора кунларида яшаган кишиларнинг ўй-хаёли пайдо қилди.

– Модомики шундай экан, барчангиз Оламлар мураббийига имон келтиринг ҳамда яратилиш маконларингизга қайтинг!

Юқорида номлари ва хусусиятлари санаб ўтилган бир нечта қиёфа билан трансмиллий яратикларнинг Марказий Осиёга юриши ниҳоясига етади.

Европа у мавжудотлар пайқалган ерларда имон-эътиқод сусайганидан баҳс этса, Осиё уларни осонгина тарбия воситасига, яъни ундай яратиклар фақат нотоза ерларга келишини таъкидлаб, ёш

қизларга яшаш жойини озода тутишни таъкидловчи маталга айлантириб қўяди. Шу тариқа улар ушбу ўлка халқларининг дастёрига айланиб кетишади.

Асрлар ўтса-да, денгиз ва уммонлар орти ўлкаларининг бошқа мавжудотлари бу ўлгага кириб келмайди. Эл ўзга халқларнинг супурги миниб учадиган ялмоғизларини, оғзидан қора тупроқ сочадиган ҳамда кўзларини очолмайдиган тупроқхўр мавжудотларини қабул қилмайди. Ўз хаёлий яратикларини эса асраб-авайлаб, асрлар оша олиб ўта веради.

ИККИНЧИ ҚИСМ МИЛЛИЙ ЯРАТИҚЛАР АЛВАСТИ

«От минувчилар» ғайритабиий равишда ҳаркатланадиган ҳамда улус наздида энг даҳшатли қилмишни содир этадиган кўрқинчли мавжудотни ўзлари ўйлаб топишади. Ҳар йили қўналғисини ўзгартирадиган, қишлов ерларида қишни ўтказиб, сўнг яйловларига кетаверадиган халқлар учун улкан, баҳайбат, қудратли яратиклар кераксиз эди. Болаларни тарбиялаш учун улар алвастини яратиб олишади.

Алвасти букчайган, маккор, ёвуз кампир кўринишида намоён бўлади. Ёвузлиги шуки, хотинларни туғмас қилиб қўяди.

Қадди эгик, сочи узун, кўзлари олайган бу мавжудот зовурларнинг тубларида, қамишлар ўсган жойларнинг ён-верида ўзига сувсарга ўхшаб уй қуриб яшармиш. Макони қаровсиз, ифлос жойлар бўлса-да, бу ўриндаги «ифлос» тушунчаси аслида тоза табиатни ифода қилади. Қуриган хас-хашак ёки сувга тушиб чирий бошлаган шох-шабба бизнинг наздимизда шундай кўринса-да, табиат наздида тозадир. Алвасти

ўша ерларда яшайди, бироқ қўналғасини тез-тез ўзгартириб туради.

Ойли ёки ойсиз, шамол тўнкаларни кўчиргудай бўлиб эсган тунларда танҳо кезган кишиларга, уйда ёлғиз қолдирилган болаларга, туғаетган хотинларга кўринади, дейишади. Қишлоқ кишилари кўча-кўйда ўйнаб, ҳаяллаб кетган болаларни:

– Кеч кирганда кўчада юрма! Баринг уй-уйингга бор! – деб қойиб беришади. – Алвасти келиб қолмасин!

Шунда тасаввур қишлоқ четидаги зовур ичида бақақуриллоқлар авжга чиққан, ой ёғдуси эланган тунда, кимсасиз кенгликларда сояма-соя, қишлоқ кўчаларига кўзини олайтирганича пилдираб кириб келаётган пакана, кўзлари олазарак бир кампирни ҳосил қилади. Қишлоқда оқшом эрта қўнади. Хуфтон маҳали ҳаммаёқ тинчиб қолади, олисларнинг товушлари ҳам эшитила бошлайди. Шом саринлиги майин нафас билан вужудга киради, ёйилиб ҳузур беради. Ўша ҳузур ва алвасти қўрқуви аро, яланг оёқларга майда тошлар ботса-да оғриқ сезмасдан, хира сариқ чироқлари ёниб турган ўз уйларига ўқдай чопган болакайларни ҳам ҳосил қилади. Яна, қўрқув ҳосил қилган ҳаяжон ва хавф-хатардан қутулгандаги ҳузурни ҳам айтиб ўтиш керак. Барча болакайларни ғалаба нашидасини суришга ундаган ҳам аслида мана шу мавжудот.

Ушбу яратикнинг энг мудҳиш тарафи – кишиларни ақлдан оздириши ва хотинларни туғмас қилиб қўйишидир. Шу сабабли ёш болалар тунда ёлғиз ташқарига чиқарилмайди, иккиқат хотиннинг ой-куни яқинлашгани сайин яқинлари ёнидан кетишмайди, қариндош-уруғидан бошқа ҳеч ким киритилмайди.

Ёйиқ даштларидан то Тангритоғ этакларига қадар ҳудудлардаги барча халқлар орасида қўрқув уйғотиб

яшаб келаётган ва қилар иши нуқул инсонларга зарар келтиришдан иборат у алвасти Сулаймон ибн Довудга рўпара келгани ҳақида ривоятлар бор. Сулаймон ибн Довуд яшаб ўтганига деярли уч минг йил бўлди. У маҳалда тупроғу оловдан яратилган неки бор, бари пайғамбар ҳузурига бош эгиб борган, дейдилар. Кўзлари чақчайган, ичи ёмонлик билан тўла букри кампирдан Сулаймон ибн Довуд сўрайди:

– Ёруғ оламда қилар ишинг не?

– Туғаётган хотинларни пойлаб юраман, – дейди алвасти. – Қилар ишим – одамларни ақлдан оздириш-у, хотинларни туғмас қилиш.

– У ҳолда, кишилар сендан зиён кўрмаслиги учун нима қилишлари кераклигини ўзларига айтасан! – деб ҳукм қилади Сулаймон шоҳ.

– Мендан биров шубҳаланса, бетимга кўзгу тутишсин, – дейди алвасти. – Ўзимни кўзгуда кўрсам, кўрққанимдан етти чақиримга қочиб кетаман, ўша жойга қайтиб оёқ босмайман...

Шу сабабли қўналғаларнинг қўноқ кутиладиган хоналарида, ўтовларда ҳар доим мис ё шиша кўзгу осилиб турган. Алвасти ойнани кўрса, қарамай иложи йўқ эди. Қайда бир нима йилт этса, ойнамикин деб аланглайверарди. Одамларга ўхшармикинман, кимлигимни биров билиб қолмасмикин, деган илинжда ўз аксини кўришни жуда истарди. Ўзини кўргач эса, жуда кўрқарди.

Гоҳида ойнатош ёки сув бетиде ўз аксини кўриб, уни қўлига тушган нарса билан урганини ҳам айтишади.

Сулаймон ибн Довуддан сўнг оламга Муҳаммад пайғамбар дини ёйилди. Орадан минг йилдан зиёд вақт ўтгач, қизиқ ҳолат рўй берди: алвасти энди сочлари ёйиқ қиёфада эмас, рўмол ўраган ҳолда кў-

рина бошлади. Яъни, кейинги минг йилликда Алвастининг Тангри таолони таниганига шоҳид бўламиз. У давр ривоятлари унинг Тангри ва пайғамбари исми айтилганида тирақайлаб қочганидан, хаёлий яратикларнинг Оламлар Яратувчисига бўйсунганидан хабар беради.

Яна айтишадики, хотинкишига эркак, эркаккишига хотин бўлиб кўринармиш. Кун кечириш қийинлашган кезларда Олой этакларида бир овчига дуч келиб, «сенга хотин бўлай» деб ёлворган. «Кўлимдан кўп нарса келади, сира камчилик кўрмасдан яшайсан. Аммо шу шарт биланки, ухлаётганимда юзимга қарамайсан». Овчи рози бўлиб, уни уйига олиб келади. Ҳақиқатан ҳам, шундан кейин тўкис яшай бошлайди. Алвасти хотин уйни саранжом-саришта тутати, овқатлар пишириб, нонлар ёпади. Аммо бир куни тунда овчи шартни бузиб, шам ёруғида қараса, хотин эмас, алвасти экан.

Алвасти ўз қиёфасида ўрнидан сакраб туриб, сочлари ёйилиб-ёйилиб хўнг-хўнг йиғлайди.

– Қарама демаганмидим? Энди мен нима қиламан?

Овчи болалигида алвастининг жонини қандай олиш кераклигини эшитиб олган экан. Шунингдек, меҳру муҳаббатга зор яшаб ўтган хотинлар кейинчалик алвастига айланиб кетишини ҳам билар экан. Чап қўлтиғидан юрагини суғуриб олгач, алвасти жаҳаннамга жўнайди, деб ҳикоя қилади Олой асотирлари.

Кишилар эътиқоди минг йилдан буён алвастини тамуғга, яъни дўзахга йўллаб келади. Мантиқан тўғри, яъни қилмиш - қидирмиш. Бироқ, жамоавий онг алвастига нима учун бу мудҳиш юмушни юклаб қўйганига лол қоласиз.

Кишилар тўп бўлиб яшаган у замонларда урушлар, очарчиликлар, қулликлар, мажруҳлик ёки ўлим хавфи

эмас, айнан ақлдан озиш ҳамда хотинларнинг туғмас бўлиб қолиши энг кўрқинчли саналгани-чи? Тоғдан тушиб келган йўлбарс ёки даштдан келиб қолган бўри галаси кимнидир ғажиб кетгани, кимдир отдан ё тошдан йиқилиб ўлгани, яна кимлардир турли касаллигу дардлар туфайли жон таслим қилаётган маҳалда, кишиларнинг ўзлари яратиб олган у махлуқлар онгга ҳамда авлодга зуғум қилиши ажаб.

Шундай бўлса-да, йиллар ўта-ўта, ўрта асрларнинг бундай яратиклари чивиндан заиф ҳолга келди. Алвасти бениҳоя аянчли, умрини яшаб бўлган кекса, илвираган кампир қиёфасида қолиб кетаверди. Дунёга ислом дини ёйилгач, ўзича рўмол ўраб, шаҳодат келтирган у мавжудотнинг янги асрлар бағрида бошқа эврилиши содир бўлмади, унинг сўнги зухуроти ё табиат тўлақонли ҳукм юритадиган овлоқ қишлоқлар бағрида, ё олис ўтмишда қолиб кетди. Тобора камроқ кўриниш бера бошлади ва ниҳоят, ёш болаларни кўрқитадиган, ёлғиз кишиларгагина дуч келиб, беўхшовлиги билан ақлдан оздирадиган кераксиз яратикқа айланиб кетди.

ОЗИҚЧИ

Бу жонзот тахминимча, Фарғонанинг мен туғилиб ўсган қишлоқлари теграсида яшаса керак, чунки бошқа ҳудудларда шундай ном билан аталувчи яратик ҳақида эшитмадим.

«Озмоқ, азмақ» - жуда қадимги сўзлар. Аждодларимиз ой ҳаволаган тунда от миниб, даштдан келадиган шоқолни пойлаб айланиб юрган маҳалларда қамишлару дўнгла ортида у ҳам қора кўзларини йилтилла-тиб кузатиб ўтирган чиқар?

– Юқоридан келадиган дала йўлида Озиқчи бор!

Юқоридан келаверишдаги дала йўлида нималар

борлигини болалар яхши билишади. Йўлнинг бир чети кумлоқ, устида курмак, салом-алик, семизўт унган, орасидан кичкина тиниқ жилға оқиб ўтади. Тубида оқ, тарғил, қора тусли тошчалари кўриниб туради. Нарисида чуқур зовур, зовур чети янтоқ, қуйироғида қамишу қўға ўсган. У ер ниначию чигирткалар макони. Яна жуда тез чопадиган қизилбош чумолилар, кул-ранг калтакесаклар ҳамда ёш бир илон ҳам бор.

Ой нурлари эланиб, олис-олисларгача ёйилган сийрак ёғду тумани ҳосил қилади. Шовқин чиқармай бойкуш учиб ўтади, атроф ҳашарот сасларига кўмилиб кетади. Бениҳоя кўп товуш пайдо бўлади, мана шу тунги ҳаёт саслари аро дайдийди Озиқчи.

Ҳовлиларда, ўчоқда кечки таом пишмоқда. Ўтин чирсиллайди. Болалар Озиқчи ҳикоясини кўрқувдан кўзлари катта-катта бўлиб эшитишади.

Озиқчининг юзи йўқ. Узун қора тўн кийиб, тес-кари қараб туради. Бораверсангиз, таниш ким-гадир ўхшайди. «Фалончимикин» деб янада яқин борганингизда сизга қарайди. Ўша қарашида ақлингиздан озасиз...

Узун қора тўн, эски белбоғ... Кўриниши инсонга ўхшаса, истиқомати қайда, не еб, не ичади? Болачақаси, уйи-жойи қайда?

Гоҳида қишлоққа тўқайдан шоқол тушиб келади, шундай мавсумларда йигит-яланг қишлоқ теграсини бир қур айланиб чиқишади. Ўшалардан бири юзлари музлаб қайтиб келади:

- Ҳа, нима бўлди?
- Дўнг ортида бир нима бор, шекилли...
- Озиқчи бўлмасин?

Ҳа, элнинг йигитлари қуроллари олиб шоқол изига тушишди. У яратик эса, пучмоқда кўрқа-писа биқиниб ўтирганини тасаввур қилса бўлади. Барчани

ваҳимага соладиган у яратикқа не бўлди? Кишилар тўпланиб, хатарга қарши чиқишди. Озиқчига иш қолдими? Унинг қилар иши тамомила бошқа, эл-юрт тинч маҳалларда кишиларни кўрқитиши керак.

Хаёл янада олисга етаклайди. Тийиқсиз тасаввур Озиқчини жонлантиради. Тунда теваарак ғалати бир тарзда тинчиб кетади. Экинлар, дарахтлар орасида шитирлар эшитилади. У - тунда емиш излаб чиққан мушук ё илон саси. Ўша маконларда, қишлоқ четида қаровсиз чакалаклар орасида, кундузи болалар сурон кўтариб ўйнаган, ҳозир кимсасиз қолган ҳудудларни Озиқчи кезади.

– Мен ҳам шу эл туфайли борман, – дейди у.

– Мени одамлар ўзлари атай яратиб олишган.

– Қилар ишим одамларни кўрқитиш, холос. Опке-тиб еб қўяди дейишлари ёлғон. Ўт ёқишни билмасам, одамлар каби уй-жойим бўлмаса... Қуриган оғочлару бутазорлар орасида кезаман, холос. Қишларда совқо-таман, баҳор ёмғирларида шалаббо бўламан, ёзда саъ-ва инига кириб ўтираман...

Мен кўрқув ҳосил қиламан.

Баъзи ўсмирлар кап-катта эр етилишса ҳам кўр-қишади. Шунда суюниб, ҳаётимдан рози бўламан. Ахир, эл бошимга не кунлар келмади. Чопқинлар, қирғинлар, йўқсулликлар қашшоқликлар орасидан ўта келди бу эл. Яхши кунидаю ёмон кунида ёнида-ман. Ёнида бўлмасам ҳам қайга борардим? Мабодо шунча киши шу қишлоқни ташлаб ўзга ёқларга кўчиб кетишса, бир ўзим қолармидим? Ё ортидан эргашар, ё йўқ бўлиб кетармидим?

Ривоятларга кўра у бениҳоя нодон, чумчуқ миясичалик миясида фаросатдан асар ҳам йўқ, тунда дуч келсангизу кўрқмасангиз, ақлсизлиги учун ҳам бўлмағур бир тарзда ишшайиб турганини кўрасиз.

- Тангринг ким?
- Бор, бор!
- Уйинг борми?
- Йўқ, йўқ!
- Нима ейсан...
- Ҳо-ҳо!

Булар оддий саволлар, мураккаброқларига ўтганингизда бунга янада амин бўласиз:

- Яралишингдан мурод не?

Жавоб бера олиш учун у анча-мунча сўз билиши керак. Ҳар ҳолда, кишилар билан турли мавзуларда суҳбатлашиб ўтирган билимдон озиқчини биров кўрмаган чиқар?

Боши узиб олинган чумчуқни қўлида тутиб ишшаяди.

- Шуниси есам қорним тўяди. Кейин бирон ўнгирга кириб, маза қилиб ухлайман.

- Қилар ишинг фақат шуми?

- Бир ҳайвон бундан ортиқ нима қилсин?

- Айт-чи, кишиларни нега кўрқитасан?

– Билмадим. Ўзлари кўрқишади... Мен ўз кунини зўрға кўриб юрган бир яратик бўлсам... Нечун бундай тақдир ила яралганимни билмайман. Гоҳида ерда ўрмалаётган шиллиққуртга, тошбақага, емиш излаб чиққан типратиканга қараб ўйлайман: шуларни не учун яралган бўлса, мен ҳам ўшандай яралдим. Сиз қалдирғочга, мусичага, ўргимчакка маъни бердингиз, одам болалари уларни ўлдирмас бўлишди. Илонни ярамас деддингиз – бошини янчар бўлишди. Менга не қиймат берасизки, ё азиз, ё хор бўлай?

Ҳа, эл унга қадр-қиймат бермади. Кишилар тўпланадиган, дуолар қилинадиган, Тангри таолодан ризқлар сўраладиган маросимларга яқин йўлатмади. Ўз ҳудудларининг қаровсиз масканларини, ёввойи

табиат гуркираган, кишилар боравермайдиган жойларни макон қилиб берди. Ҳатто дастурхон увоқларини қурту қушга, кучук-мушукка илинди-ю, хунук, қўрқинчли у яратикқа сарқит ҳам бермади. Уни бениҳоя бўлмағур, энг бемаъни ҳайвондан баттар қилиб қўйди. Бир неча минг йилдан буён халқ ён-верида яшаб келаётган шу хаёл маҳсули яратилишидан кўзланган мақсадга мос яшаб келсада, ажру савобини ололмади. Бир кучукчалик, бир мушукчалик бўлолмади.

– Аслида мен тўп кишилардан қўрқаман. Биров Тангри исмини айтса, тирақайлаб қочаман...

– Эй инсонлар, мени шундай яратиб олдингиз. Хукмингизга бўйсундим, сиз яшайдиган масканлардан четда, қамишу қўғалар орасида мен ҳам яшаб келмоқдаман. Менга бирон қадр қиймат берармикин-сиз?

Шундай кезинади у ой шуъласи ва соялар аро.

Қачонлардир бу ҳудудларга ёв бостириб келган, дейдилар. Эл содда, ўроқ-кетмонидан бошқа бир нимаси йўқ. Хукмдор уқувсиз, енгилишдан қўрқиб қочиб кетган, ёв қаршисида содда эл қолаверган. Душман ёшу қарини баравар қиличдан ўтказган. Ўша маҳал кеч куз эди, дейдилар. Сон-саноксиз қурбонлар, кули кўкка совурилган қишлоқ аро ёлғиз Озиқчи тентирармиш. Хўнг-хўнг йиғлармиш

– Энди мен нима қиламан, – дермиш

– Борим ҳам, йўғим ҳам шу эди-ку, энди қайга бораман? – дермиш.

Бу яратик ҳам минглаб йиллар давомида ўзгармади. Дунёга сўнгги дин туширилганидан сўнг эса, салом нималигини билиб олди. Тангри дини оламдаги барча яратикларга «Ҳеч бир жон йўқки, ўлимни тотмаса» деб хабар берди. Ер юзида шунча йилдан бери яшаб

юрган бу махлуқ шундан сўнг, ҳаёт ва мамот ҳақида ўйга толганига ишониш қийин, бироқ, йиллар ўтавергач ва саодатманд инсон болалари хоҳ қийин, хоҳ осон умр кечириб, вужудларини ерда қолдириб, ўзлари кўкка учганини кўра-кўра, «Ёзуғим тоабод шу қора кўнғир замин узра яшаб, туз-тупроққа қўшилиб кетишми?» деб тушкунликка тушган бўлса, не ажаб?

Неларни ўйидан ўтказгани ноаён. Чунки у - ер юзининг бир чумоличалик бўлолмаган яратиги, шўрлик махлуқдир.

* * *

Озиқчининг яна бир қиёфаси ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Чунки у аввалгисидан ҳам ғаройиброқ.

Буниси кўзга сира кўринмайди, сўзламайди, шаффоф ҳаво билан бирга кезиниб юради.

Ундан ўзга барча яратиқ моддий кўринишга эга ҳамда қилар иши озми-кўпми мантиққа мос. Озиқчининг бу тоифасининг қилмишларини эса бирон-бир мантиқ билан изоҳлаб бўлмайди.

«Автобусда шаҳардан уйга қайтар эдим, – деб ҳикоя қилади бир киши. – Сойдан ўтганимиздами ё ўт-масимизданми... Ахир, куппа-кундуз эди, автобус тўла одам, бири уйқусираб, бири ёнидаги кимдир билан ғўнғир-ғўнғир гаплашиб кетаётган эди. Озиқчи ўша маҳал менинг ақлимга оздирди.

Оздириши қанақа бўлар экан?

Шаҳарга келаётганимда ўнг қўлда катта боғ, чунон мева туккан эди. Қайтишда йўлни томоша қилиб борарканман, бир қарасам, ўнг тарафда яна ўша олмазор турибди.

«Ия, боғ бу томонга ўтиб қолибдими?» деб ўйлайману нимагадир хавотир олмайман. Ҳаёт кўзимга жуда ажойиб кўрина бошлади. Ҳаво бениҳоя енгил-

лашиб, нафас олган сайин яйрайман. Дов-дарахт кўзимга жуда чиройли кўринади. Яна бир бекатдан кейин тушиб қолишим керак эди, тушиш қайда денг? Кетаверсам-кетаверсам... Олдимда одамлар ўтиришибди, улар кўзимга ниҳоятда кераксиз майда-чуйдаларни гаплашишаётгандай туюлади. Гаплашса гаплашавермайдими, менга нима? Гўё ёқимли, майин бир ҳаво мени ўз бағрига олиб, бу ердан юқорига кўтариб кўйгандай, уларга ўзга жойдан, юқоридан қараётгандайман. Қулоғимда эмас, миямнинг ичида ниҳоятда енгил мусиқа чалина бошлади, умрим бино бўлиб бунақа ажойиб мусиқани эшитмаганман. Орасида чилдирма садоси, танбур навосиям бор. Мусиқа мени янада енгиллаштиргандай, ҳозир булутларга қараб учиб кетадигандайман.

Қарасангчи, ҳаёт қандай ажойиб. Биз билан юрақол, орому лаззат нималиги бил. Бир кун келиб ёрни ёрдан, дўстни дўстдан айирадиган ажал етиб келмагунча мазза қилиб яшасанг-чи» деб қутқу солади, у мусиқа.

Унинг қанотида қанча вақт учганимни билмайман, бир маҳал мусиқа тиниб, у туйғулар кетиб ерга, кишилар орасига олиб кирди. Одамларни шунчалар яқиндан кўряпман-ки! Излар, излар... Бирининг қўли тилиниб-тилиниб кетибди, ҳар ҳолда, кечагина маккажухори ўрган бўлса керак. Яна бири кетмон чопган, кафти қавариб чиқибди, остига сув йиғилибди. Қўллар, юзлар бир нималардан тушкун-тушкун ҳикоя қиларди. Олдда икки ёш қизалоқ, уларнинг кафтчалари ҳам қадоқ. Сув ташишган шекилли, пақир сим тутқичини излари қолибди...

Уларга қараб ўз-ўзимдан хўнг-хўнг йиғлайман, денг. Кўзимдан ёшим дувиллаб оқиб кетяпти. Эй воҳ! Бу шўрликлар ҳаётга келиб нима кўришди? Қаранг,

ўз манзилларига боришмоқда-ю, яна тирикчилик ташвишларидан сўзлашишмоқда. Анави икки киши болалик онларидан сўзлашиб боришаётир. Бечоралар, яшаб ўтган умрининг энг шаън-шукуҳли, ажойиб даврини болалиги деб билгани, ғам-ташвиш нималигини билинмаган ўша бир неча йилни ҳали-ҳанузгача эслаб юргани-чи? Тобора ўсиб-улғайган зехн, ҳаёт лаззатию ороми нималигини идрок этаётган онг, меҳру муҳаббат деган бениҳоя инсоний қадр-қиммат бу ёруғ оламда энг ширин, энг чиройли ҳаёт кечиришга арзимайдими? Инсон умри қанчалар бебаҳо хазина, у нималарга сарфланиб кетмоқда?

Эй менинг содда, ишонувчан элим, дегим келарди.

Жоним сенга қурбон бўлсин, кимлар сени бу ҳолга туширди? Хонлар тахтига лойиқ кўркли эл эдинг-ку, сени бунчалар талаган, ер билан битта қилиб, янчган ким? Сен тўйга деб йиғиб териб, қон ютиб тер тўкар экансан, шу озгина ризқингни ҳам қийиб, еб-семирган, бу ҳам етмагандай, устингдан мазахлаб кулган ким?

Эсини таниганидан буён қора меҳнатдан боши чиқмаган, қўллари тилинган, юзлари қуёшу шамолларда қорайган шу кишилар жонимга шунчалар азиз туюлардики, барини қучоқлаб бағримга босгим, бисотимдаги энг ширин сўзларимни айтгим келиб, бешбаттар йиғлар эдим.

Шундан сўнг қанча вақт ўтди, билмайман. Теграмни қоплаб турган у туман аста-секин йиғиштирилаётганини, теварак оддийлашаётганини, ҳушим ўзимга қайтаётганини сездим. Атроф туссиз бўлиб қолди, ҳислар ғойиб бўлди. Ун олишим кераклиги эсимга тушди, йўлда дўконга бир бош суқиб, бир қоп ун оламан деб ният қилган эдим. Кишилар не рўй берганини билишмас, ҳануз ўша-ўша, қовоғи солиқ ҳайдовчи бўйнига рўмол ташлаб олиб, ўз хаёллари билан автобусни бошқариб борарди.

– Капақишлоқ! Капақишлоқда ким тушади?

– Мен...

Тушиб, тут соясига ўтдим. Даладан иссиқ ҳовур жимирлаб кўтарилар, юз-кўзига рўмол ўраб олган уч-тўртта хотин эгилиб чопиқ қиларди.

Сояда сал ўзимга келгач... бу ишни Озиқчи қилганини англаб қолдим.

Э тавба! Онгни шунақа ўзгартириб қўяр экан-да? Ҳозиргина юрагимни қоплаб келган қайғу шунчалар ҳаққоний эдики, эсимда аниқ-таниқ турарди. Яна дуч келиб қолмасин, кўзга кўринмас қанотини бошим узра ёймасин дея, калима қайтара-қайтара ўз йўлимга кетдим...

Озиқчи ҳикояси шундан иборат. Яна кимгадир дуч келган, кимнидир чалғитган, кўрар кўзига дунёни бошқача кўрсатган бўлса бордир. Шундан буён неча йил ўтди, қайтиб дуч келмади. Дуч келса ҳам... нима ўзгарарди, бор-йўғи онгимми? Ҳаётни бошқача кўрсатадиган у Озиқчи ўша кетганича бадар кетган бўлса, эҳтимол.

Гоҳо ўйлаб туриб, чўчийман ҳам. Жилваларига маҳлиё бўлиб кетаверганимда-чи? Қай бир тарзда онгимга сурилиб-бостириб кириб, кейин йиғиштирилиб чиқиб кетганига шукр. Чиқмаганида-чи? Ўша ҳолимча қолиб кетганимда-чи?

Билмадим. Саволларим мўл менинг. Бироқ уларни тилимга келтиргани чўчийман. Чўчишдан ҳам кўра, шууримда бино қилганлари бор-йўғи хаёл-ку, ҳаёт бутунлай бошқа, неча йиллардан бери шундай давом этмоқда, кишилар туғилмоқда, ўсиб-униб, оила-турмуш денгизига шўнғишмоқда... кимлардир у денгиздан чиқолмай чўкиб кетмоқда... чиқа олганлар ҳаёт деган соҳилдан мамот деган қирғоққа эсон-омон етиб олгани учун шукр қилиб дунёдан кўз

юмишмоқда. Озиқчи эса, ўзигагина маълум афсуни ила бир нималарни кўрсатиб, қайлардидир ўша ҳолича кезиниб юрган бўлса бордир...

ЖЕЗТИРНОҚ

Бу жонзот Ўш ҳамда Андижоннинг тоғли ҳудудларида учрайди. Бошқа жойларда борми-йўқми, билмадим. Айтадиларки, қиёфаси одамга ўхшаш, бироқ, танаси темир билан қопланган махлуқ экан. Яшаш жойи ҳам тоғлардаги кичик овлоқ ғорлар дейдилар.

Жезтирноқни билиб олиш учун унга пичоқ учидан бир бўлак гўшт узатиш керак. Табиатида ҳайвонлик борлиги учун дарҳол чанг солади. Зотан, кишилар олдига уни очлик етаклаб келмаганми? Чанг солганида тирноғи пичоқ дамига тегиб, темир тирналгандай сас ё жаранг чиқади.

У сурбет кўзларини йилтиллади, тап тортмай ёлғон гапираверади. Тасаввур қилинг, бола-чақа даврасида, уйда ўтирибсиз. Кимдир чақириб келди. Жезтирноқ – ёлғончи, ҳар қандай ёлғонни киприк қоқмай сўзлаши мумкин. Кимнингдир қиёфасига кириб келиши ҳам мумкин.

– Фалончи-и! Хў-ў Фалончи!

– Хў-ў!

Тўнингизни елкага ташлаб, чақирганнинг истиқболига чиқдингиз. Қарасангиз, ўз дўстингиз экан. Бироқ, ой шуъласида кўзи бошқача кўриняпти. Гапиряпти-ю, сўзларимга ишоняптими-йўқми деб синчков назар ҳам соляпти.

– Шу, жуда зарур бўлиб қолди, дўстим. Қўйларингдан биттасини менга берсанг...

– Бу маҳалда қўй нимага зарил бўлиб қолди?

– Онамнинг тоби қочди, даволашга пул керак. Со-
тиб, дори-дармон олсам дегандим.

– Онангни боя кўрдим, пақирда сув ташиб юрув-
ди-ку?

– Касал экану ҳеч кимга билдирмай юаркан. Боя
чақириб «Болам, шунақа-шунақа дардим бор, дўхтир-
га кўрсатмасанг бўлмайди «деб йиғлади...

Шунақа... Гапиради-қарайди. Гапиради-разм сола-
ди...

Шундан сўнг «Қорнинг ҳам очдир, кел, мана буни
еб олақол» деб пичоқ учида пишган эт бўлагини
узатасиз. Жезтирноқ эт қаршисида ўзини тутолмай-
ди, қанчалар ақлли бўлмасин, чангал солади ва...

– Жаранг-г!!!

– Ла ҳавла валақуввата! Оғзингга пичоқ, кетингга
қалампир!

Тахминан мана шундай.

Биронта афсонавий жонзот ўзининг фош бў-
лишини ёқтирмайди. Жезтирноқ ҳам ҳийласи
фош бўлгач, жазавага тушади, титраб-қақшайди,
овозининг борича бақириб сўкиниб, қочиб кетади. Уни
одамлардан сўкиниши фарқлаб туради, жуда бўлмағур
сўзлар билан, оғзи тинмасдан сўкинади дейдилар.
Тез югуради, сира чарчамайди. Жезтирноқни
ўлдиришнинг иложи йўқ – чунки бутун бадани жез,
яъни мис билан қопланган.

Бу эса унинг яратилиш тарихи сари етаклайди.

Тангритоғ этакларидаги халқлар қуш-ҳайвон
овлаб ҳаёт кечиришар эди.

Темир эндигина кашф этилган, кишилар унинг
оловда эришини билиб олишиб, тоғ этагидаги
зилзиладан сўнг ҳосил бўлган катта ёриқдан
темиртошларни ташиб келишар, кўмир қалаб олов
ёқишар ҳамда темиртошдан турли қуроллар, асбоб-

анжомлар ясашарди. Илк қилич-қалқон, найза, ўқ, совут ўша маҳалда ясалди.

Жезтирноқ тахминан ўша маҳалларда пайдо бўлган бўлса ажабмас. Оддий кишилар тасаввури мабодо Кўк Тангриси темирники яратибди, усти темир билан қопланган яна ниманидир яратган бўлса эҳтимол дея, тоғ ўнгирларида санқиб юрадиган, кишиларга зиён-заҳмат келтирадиган, одамга ўхшаш, бироқ хом эт ейдиган бир махлуқни ўйлаб топиб, ўша масканларга «жойлаб» қўйгани эҳтимолга яқин.

Бироқ, Тангри берган бир неъматга қарши унинг зидди ўлароқ яратилган у яратик ҳам замонлар оша, гарчи шу кунларга қадар яшаб келаётган бўлса-да, ўзининг кўрқинчилигинию қудратини тугал йўқотиб бўлган.

Айтишларича, Олой тизмалари этагида ҳануз яшаб келармиш. Чунки, халқ тасаввури уни йўқликка жўнатмади. Шунчаки, яратишга яратди-ю, унутиб қўяқолди. Шундай бўлса-да, ажали етган кекса чол каби мадори қуриб, қаровсиз ёввойи буталар ўсган ёнбағирларда тунда қуш полопонларини ё ҳайвон болаларини еб тирикчилик қилиб юргани эҳтимол.

Айтадиларки, Аравон тоғларига яқин ҳудудларида яшайдиган бир табиб уни кўрибди. Чангалзор орасида бўшашиб-заифлашиб, ўлаётган экан.

Тирноқлари синиб кетган эмиш. Бутун юзини ажин қоплаган, қадди букик, зўрға нафас олармиш. Бутун баданни қоплаб турадиган темирни мустаҳкам тутиб туриш учун у мўл-кўл эт ейиши керак. Ҳозир эса, кўп йиллар оч юравергани учун кучдан қолган, совути титилиб, туллаган товукдай бўлиб қолганмиш.

Ёши беш минг йиллик яратикнинг ўлимини кўриш аянчли бўлибди.

– Мени ўлдирақол, – деб шивирлабди жезтирноқ кўзлари олайиб, темир тирноқларини яширишга ҳам ҳоли келмай. – Ҳаётдан чарчадим. Ер бетида менга ризқ қолмади. Ўлдирақол.

У кишининг жезтирноққа раҳми келибди.

– Айт-чи, калима келтириб мусулмон бўлганмисан?

– Йўқ. Калима нима?

– Ўлдираман-у, аммо шу шартим бор, – дебди у киши. – Агар Худо жонингни олса, калима келтирасан.

Жезтирноқ рози бўлибди, у киши қиличини кинидан чиқариб жезтирноқнинг темири занглаб, уваланиб кетган кўксига урибди.

Аравон тоғларида, баъзи буталар остида ҳозир ҳам темир зангига ўхшаш тупроқ кўриниб қолади. Айтадиларки, ўша ерда яна бир жезтирноқ калима қайтириб ўлган дейдилар. Бу яратикни кўпдан бери биров кўрмайди. Ўтган асрларнинг ғалати хаёлотларига қўшилиб ўтмишда қолиб келган бўлса ажабмас.

Қишлоқ ўрамларида булардан ташқари яна бир қанча махлуқлар бор, уларни бошқа ҳудудларнинг кишилари ҳам билишади. Раҳматжон деган бир дўстим даштда қилич кўтарган қора одам ҳақида айтиб берган эди. У ким? Нега қилич кўтариб юради? Нега дашт аро кезган? Исми-чи, не унинг?

Йўл устида, бузилиб кетган эски мачит ичида шам ёқиб базму жамшид қилиб ўтирадиган бегона кишилар, янтоғу наъматаклар остида сочини ёйиб, шамчироғини ёқиб китоб ўқиб ўтирадиган, Тангри таолонинг исмидан кўрқадиган ажина, ташландиқ масжидда ёлғиз юрадиган оқ улоқча-чи?

Ҳа, ҳар бир кишлоқнинг ўз хаёлий фуқаролари бор. Улар шу кишлоқдан нари кетишмайди, ўралашиб юраверишади.

– Бизнинг маданиятимизнинг катта қисми кишлоқлардадир, – дейди Раҳматжон. – Маданиятларни кишлоқлар ҳосил қилади. Инсонлар тўп-тўп яшайдиган, барча бир-бирини танийдиган ва қайсидир маънода руҳан яқин, қавму қариндошдай бўлиб кетган кишилар ўз ҳудудларидан олис юлдузларга, поёнсиз кенгликларга, табиат ҳодисаларига, мавсумлар алмашишларига қараб, тасаввури қувватланиб, хаёли учқурлашиб неларни ўйлашмаган дейсиз? Шаҳарлар эса технологиялару янгиликлар, ғойиб бўлаётган ўтмиш, суронли бугун ва тушунарсиз келажак бир ерда қоришиб кетган, кишиларни бир хилликка етаклайдиган вақт парчаларидир.

ҚИЛИЧ КЎТАРГАН КИШИЛАР

Бундай ривоятлар Гренада асотирларида учрайди. Дунёдан ўтган жангчиларнинг руҳи ҳануз ўзини аскар хаёл қилиб, ўз шон-шавкатли тупроқларини қўриқлаётгандай тасаввур уйғотади.

Бундай ривоятларни ислом қатъиян қоралайди. Инсон дунёда ўтгач, зудлик билан тупроққа берилади ҳамда унинг абадий ҳаёти бошланади. Унинг ёруғ олам билан алоқаси мутлақо кесилади, деб таълим беради сўнг замонларнинг ҳаққоний эътиқоди.

Бироқ, айрим кишилар бу қонуниятни қабул қилишса-да, дунёдан ўтгач ҳам эл-юртини қўриқлаб юрган афсонавий ботирлар қиёфасини яратиб олишади.

Ўша куни жуда қаттиқ момақалдироқ гумбурлаб, чақмоқ чаққан эди. Қора булутлар бағрини ёриб

гоҳ самонинг ярмигача ланғиллаб кетар, гоҳ ёрқин томирлари ерга уриларди.

Шаҳару қишлоқлар аҳолиси ёвга қарши оёқланди. Элнинг уч ёвқур ўғлони ҳам ёв босиб келаётганини эшитди. У ким экан? Ғайриддин эмиш. Босиб олган ерларидаги кишиларни мажбурлаб ўз динига киритармиш. Кирмаганларни тўрт бўлаклаб, тўрт дарахтга осиб кетармиш.

– Ўлсак ўламиз, бироқ имонимизни бермаймиз, – дейишарди кишилар.

Йигитлар ёв тоғ йўлидан, дашт томондан келармиш, деган гапни эшитишган эди. Жала остида тиғ-яроғларини олиб, ўша ёққа жўнашди.

Уччинор деган жойга етишганида тўхташди. Бу ерда бир-биридан узоқ уч туп чинор ўсган экан. Ер билч-билч лой, чақмоқ ҳар чақнаганида йилтираб кўринар, ўт ўлан жиққа ҳўл, юрса оёқ тойарди.

– Қилич-яроғингизни олиб, устингизга тўнларингизни ёпиб, чинор устига чиқиб олинг, – дейилди.

Йигитлар ёйилишиб, бирин-кетин чинор устига чиқиб олишди.

Тоғдан келаверишда қишлоқлар тиғиз, ёв улар орасидан ўтмай, тоғ оралаб келиши аниқ эди.

Йигитлар шу тариқа кўзларини ўша ёқдан узмай кутаверишди.

Бир маҳал жуда қаттиқ чақмоқ чақнади. Еру кўк ёришиб кетди, ёруғида олислар кўринди. Ўша ёққача ясланиб кетган ҳудудлар бўм-бўш, жон асари кўринмасди.

Шу жала остида тонг отди. Тонг отганида жала ҳам тина қолди.

– Нима қиламиз, қайтамизми? – деб сўради уларнинг энг ёши, ўн олтига эндигина тўлган йигитча.

– Йўқ, шу ерда турунг дейилди, турамиз, – деди йигитбоши. – Ғафлатда қолиб, ёв келсаю кўрмай қолсак, ўзимизни маломатимизга ўзимиз чидамаймиз...

– Ош-овқатчи? – деб сўради учинчиси.

– Бирингиз ҳўв кўриниб турган қишлоққа бориб, егулик ола келинг!

Ёш йигитча рози бўлиб, ўша қишлоққа йўл олди. Қолган икковлон хушёрликни бой бермаслик учун яна чинор устига чиқиб олишди.

Орадан бир ош пишгунчалик фурсат ўтиб, боя кетган йигитча чопа-сола келаётганини кўришди.

– Нима бўлди? Мунча ҳовлиқасан? Нимадан кўрқдинг?

– Астағфируллоҳ! – дер эди у. – Э Худо, ўзинг кечир.

– Нима бўлди?

– Қишлоқ йўқ!

– Йўқ? Қанақасига йўқ?

– Бор-у, аммо йўқ! Тамомила бошқа одамлар, бошқа уйлар. Ғалати уловлар юрибди.

– Кўзингга шунақа кўрингандир?

– Худо ҳаққи! Ишонмасангиз, ўзингиз бориб кўринг!

Шундан сўнг улар иккилана-иккилана, қишлоққа яқинлашиб боришди.

Қарашса, ростдан ҳам улар билган қишлоқ йўқ. Кишилар темир араваларга миниб юришибди-ю, оти йўқ. Уйлар ҳам ўзгача, тўртбурчак, рангу туси оппоқ, томига темир ёпилган. Аввал қаралганида биринчи бўлиб кўзга ташланадигани – мачит минораси бўлар эди, ҳозир кишилар қурган уйлар орасида биронта минора кўринмайди.

– Нима қилайлик? Кириб борайликми? – деб сўради иккинчи йигит.

Шом қўна бошлаган эди.

– Нимадир ўзгариб қолибди, – деди йигитбоши. – Биз билмайдиган нимадир рўй берибди. Сизмадингизми? Боя бу ёққа келаётганимизда сира чарчамаганингизни билмадингизми? Қолаверса, очлик ҳам йўқолиб битди-я? Ё, бир нима егингиз келяптими?

– Йўқ, – дейишди шериклари. – Қайтанга, на таом егимиз келяпти, на сув ичкимиз.

– Қишлоққаям нимадир бўлибди, – деди йигитбоши. – Лекин, бек бизларни пойлоққа қўйди. Шу ишимизни адо этамиз. Ёв кўринса, ўт ёқиб хабарини берамиз. Вазифамиздан чалғимайлик.

Шундай деб, улар изларига қайтишди. Ойсиз кеча эди, салдан кейин шом янада қуюқлашиб, тун тамомила энлаб ясланганида уларни ютиб юборди...

Шундан сўнг замонлар оша, аҳён-аҳёнда Поп даштидан келаверишдаги тоғ ёнбошидаги уч йигит ҳақида ҳайратангиз гап-сўзлар пайдо бўла бошлади.

Учови ҳам баланд бўйли, кенг елкали, кўркем йигитлар экан. Фақат, биттаси ҳали ўн олтига тўлиб-тўлмаган, жуда ёш эмиш. Гоҳ-гоҳида қир учига чиқиб, қўлларини кўзига соябон қилиб узоқ-узоқларга термишилармиш.

Учовининг ҳам белида кескир қиличи, елкасида ёйи бормиш.

Қилич кўтарган кишилар ҳақидаги ривоят шундай.

Бу ривоятни мулоҳаза қилиб кўрсангиз, юрагингизда бениҳоя меҳр уйғонганини ҳис қилибгина қолмай, шу бетакрор халқ бошидан ўтказган кунларини, кўрган кунларини пайқай бошлайсиз.

Бу ривоятнинг асли – бир неча минг йил аввал ёмонлар таъқибидан қочиб, тоғдаги кичик бир ғорга беркинган йигитлар ҳақидаги жуда қадимий бир ривоят. Улар ҳақида муқаддас каломда ҳам хабар берилган, демакки, ҳаққонийдир.

У ҳикоятнинг ҳақиқатига шоён ишонган оддий қора халқ уни ўзгартириб, ёв бостириб келаётганида абадиятга қовушган йигитлар ҳақидаги ушбу ҳикоятни яратиб олган кишиларнинг эрк, ҳуририят истаклари, ҳикоят бағридаги олис тарих шуъласини кўрасиз.

Унинг теварагида бошқа ривоятлар ҳам бор. Айтадиларки, ўша ҳудудда яшайдиган бир авлиё дунёдан ўтганида, у йигитлар жанозага келишибди. Учовиям бошқалардан бир бош баланд эмиш. Тўн кийиб, белбоғ ўраган қишлоқ кишиларига қўшилмасдан, бир четда туришганмиш.

– Келинглр, келинглр, – деб уларни чорлабди имом.

Эл қатори фотиҳа ўқиб, мархум ҳаққига дуо қилишбди.

Жанозадан сўнг, майитни олиб чиқар чоғи эшон улардан кимлигини сўраса:

– Фалончи бекнинг лашкариданмиз, – дейишибди. – Элдан узилиб қолмайлик деб, жанозага келавердик...

МЕШ

Буни менга ёзувчи Баҳодир Қобул айтиб берди. Унинг қишлоғи Бахмалнинг Ўсматиди. Ўсматнинг жар кўчаси қуйига иниб кетган, қор эндигина эрий бошлаганида совуқ тушиб, оёқ остида қисирлаб синар, қаршимиздаги улуғвор Ойқор устимизга босгудай бўлиб турарди.

– Бизнинг қишлоқда Меш бор, – деди Баҳодир Қобул. – Қилган ёмонликлари ҳаддан ошиб кетган кишилар олдидан чиқиб келади.

Меш – икки кўчқор териси бир бирига қаратиб тикилган нарсаси. Шунда у қорни катта, икки қўли, икки оёғи бор улкан бир нимага айланади. Тўрт киши тўрт томонидан кўтарсаям бўлади, қўл-оёғидан тортиб судрасаям бўлади.

Қишлоқнинг Дўснат деган тиш дўхтири инсофсиз киши эди.

Барзанги, Ёсмаџ бува дахмаси ёнидаги хонасида уззукун ўтириб, келгану кетганиниг тишини қарсиллатиб олиб ташлайверарди. Хизмат ҳақи кайфиятига қараб ўзгариб турарди, одамларни атай қийнаб, кўпроқ пул олганиниям айтишарди. Тўнг, кўрс киши эди, титила бошлаган оқ халати тагидан енгсиз пахталик нимча кийиб олар, уни «ичкича» деб аташарди. Болаларию хотини тугул, ота-эна-сиям унинг феълидан зир титрашар, аччиғини келтирмасликка уринишарди. Ҳаёт шу экан-да. Шу бир нечта шўрликнинг умри Дўсмаџнинг кўнглига қарай-қарай ўтиб борарди. Қирқ ёшидан кейин Дўсмаџ тарвақайлаб, каттакон қорин солиб юборди, хирсдай бакувват, пишқириб-лапанглаб юрарди.

Ана шу Дўсмаџ тиш дўхтирнинг қилғилиқлари ортавергач, ниҳоят, олдидан меш чиққан, дейдилар.

Дўсмаџ Ойқортоғ тарафдаги бир ошнасининг уйида шакаргуфторлик қилиб ўтирганида, ой ҳаволаб Ойқорнинг қорларини ёп-ёруғ қилган кезде Жаркўчага меш чиқиб келди.

Меш бўлгани учун саси чиқмасдан, оҳиста ҳаракатланарди. Жаркўча тупроғини тўзғита-тўзғита бир оз ҳаракатлангач, бесўнақайлигидан ҳориб-чарчаган каби, шалоп этиб кўча ўртасига ётиб олди.

Меш фақат ойли тунларда чиқиб келади. Тун қоронғисиди юрмайди.

Дўсмаџ ошнасиникидаги базмдан кўнгли тўлиб, Жаркўча бўйлаб уйига қайтаётгани кез кўча ўртасида уни кутиб ётган меш ўрнидан кўзғалди.

Бир шишганида одам бўйи бўлди, яна бир шишган эди, икки одам бўйи бўлиб қолди. Икки ёнида икки кўли осилиб турарди, оёғи тупроқ орасида эди. Боши йўқ, ўрнида икки қўйнинг бир-бирига чатиштириб тикилган бўйни ликилларди. У бўйинга пишиқ

чилвир боғланган, узун у чилвирнинг бир учи кўксиди билтангларди.

Дўснатнинг назарида аввалига соя ҳаракатлангандай бўлди, сўнг тушунарсиз бир нима кўряпман деб ўйлади. Ғалати махлуқ эди-да меш. Гапирай деса боши йўқ, кўрай деса кўзи йўқ, бироқ ой ёруғида ҳаракатланиши ундан ҳам ғалати.

Дўснат ниҳоят, қаршисида нима турганини англаб, юзи қийшаётганини ҳис қилиб, турган жойида серрайиб қотиб қолди.

Меш яқинлашиб келди. Бўйни икки ёнга айрилиб, Дўснатга яқинлашгани сайин шишаверди. Бир ёғини аранг кўтариб шалоп этиб ўзини ташларди, сўнг иккинчи томонини кўтариб, у ёғи ҳам шалоплаб тушарди.

Дўснат ёмон кишиларга меш кўринишини болалигиданоқ эшитган, ичида ёғ билқиллаган шу нарсанинг ҳозир оғзи очилиб, ўзига кийилиб олишини ҳам биларди. Билардию эси оғиб, тили калимага келмай ғўлдираб, жойидан жилолмай тураверди.

Йўқ, меш бесўнақай кўрингани билан тез ҳаракатланди. Зумда ўзини йиғиштириб, янада шишди. Энди уч одам бўйи бўлиб қолди. Сув ёки ёғ солинадиган бўйни илон оғзидай очилиб, икки ёнга айрилди, сўнг юқоридан қуйига, Дўснатга қараб энкайиб тушди, улкан қорни шалоплаб, кийилиб олишга чоғлана бошлади.

Қани ундан бир нима сўраб бўлса?

Айни онда Нуралининг хўрози чўзиб-чўзиб биринчи марта қичқирди.

Шу қичқиришда меш довдираб қолди, аллақачон оғиз-бурни қийшайиб қолган Дўснатнинг қаршисида икки қўли билтанглаб кичрайди. Хўрознинг иккинчи қичқиришида янада кичрайди, учинчисида кучукдай

бўлиб қолди-да, кўча тупроғи узра супурги изидай чўзиқ излар қолдириб, буталар орасига кирмоқчи эди, йўлидан тойиб, билқиллаганича жарликка думалаб кетди.

Дўсмат ҳануз ўша жойида турарди. Ғалати у яратик Дўсмат хаёлида неларни ҳосил қилди?

Дўсмат бир ойга, бир меш думалаб кетган тарафга кўлини чўзди. Нимадир демоқчи эди, бўғзидан ғалати ғўлдираш чиқди. Кейин оғзи-бурнини ушлаб кўрди, бу – Дўсмат онгининг сўнгги учқуни эди.

Хўроз учинчи кез қичқирди-ку? Жаркўча, унга кўшилиб юксакка ўрлаб кетган бошқа кўчалару жарликлар усти саҳарнинг кўрғошин ёруғи билан тўлди. Ойқор тоғи виқор-ла ўшшайиб турарди. Хонадонларда чироқлар ёнди, кучуклар эгаси турганига шодланиб узун-қисқа хура кетишди. Қишлоқ уйғонди.

«Дўсматнинг оғи қийшайиб қолибди!»

«Нима бўлди?» деб сўрашса, қорнини кўрсатиб, бошини чайқади.

– Нима бўлибди?

– Дўсмат тиш дўхтирга меш кўринибди.

– Ҳа-а... – деб бош лиқиллатиб қўйишарди кишилар. – Лекин, тўғри иш бўпти. Ўзи, аллақачон кўриниши керак эди.

Меш Дўсмат онгида нималарни ўзгартиргани ноаён, бироқ, Дўсмат тиш дўхтир деган шахсият ўша куни тамом бўлди.

«Тамом бўлди» деб бир нима сарфлана-сарфлана тугаганига айтилади. Дўсмат деган шахс ўрнида оғзи қийшиқ, гапига тушуниб бўлмайдиган, ўша меш думалаб кетган жарлик ёнига боргиси келаверадиған, ундан ўса-ўса юксакка интилган тераклар остида, наъматаклар тубида мешни излайдиган, кўриниши

Дўсрат-у, ўзи сираям Дўсрат бўлмаган бир киши қолди.

- Мабодо бир сабаб билан қишлоқ бу ердан кўчиб кетса, меш нима қилади? – деб сўрадим Баҳодирдан.

- Ҳеч қаяққа кетмайди, – деди Баҳодир, ишонч билан. – У Жаркўчада қолаверади. Одамлар кўчиб кетишса ҳам меш кетмайди...

ҚОРА СОЯ

Буниси янада ғаройиб. Катта соялар ичида бўлади, дейишади.

Қишлоқ кишиларнинг инончи шундайки, ғайритабиий яратилар кишилар турмушини кузатиб туришади, ҳаддан ошганларни жазолашади.

Қора соя фақат соя ичида бўлади. Ўзи ҳам соядай ҳаракатланиши мумкин, у ҳолда бошқа соялар орасида биридан бошқасига ўта олади.

У нима қилади?

Савол-сўроқ қилади, дейдилар.

Қора соянинг савол-сўроққа ҳаққи борми?

Ҳа, у – маҳаллий ҳакам. Кишилар айтишадики, аввалги замоннинг қозиларини сотиб олса бўларди. Ҳозиргиларини-чи? Эҳ-ҳе, кулгимни қистатманг... Қора сояни эса қанақа қилиб сотиб олардингиз, ахир, на нафси бор, на бола-чақа ғами. Бироқ, қаерда ёмонлик ҳаддан ошса ёки бирор киши халққа ҳаддан зиёд зулм қила бошласа, олачалпоқ соялар аро сурила-сурила етиб келармиш. Балки аллақачон етиб келиб, золим ёлғиз қолишини кутаётган чиқар?

– Кимларга зулм қилдинг?

Шундай деб сўрайди қора соя.

Шулардан бири – кўпнинг ҳақини еб семирган бир боёни сўроқ қилибди. Нафсиламрини айтганда,

боёнларнинг тутумига ҳайрон қолмай иложингиз йўқ. Кимки давлат орттира бошласа, айниқса у давлат кишилар ҳақини ейиш эвазига келса, уйи теварагини баланд, мустаҳкам деворлар билан зоғ ўтолмас қилиб ўраб олади. Замонавий қўриқлаш ускуналари дейсизми, бақувват қўриқчилар дейсизми... Бир нимадан қўрқиши-ку тайин, шу боис мустаҳкам истехкомга яширинади. Бироқ, ҳой биродар, нега бундай қиялсиз, дейдиган киши йўқ. Тегрангиздагиларнинг аксарияти камбағал, юпун кишилар, кўряпсизку, уйлариям очик-сочик. Лекин ўша қашшоқ кишилар юз-кўзида алланечук нур бор. Ҳа, бети тиришларга тўла, кафтлари қадоқ, усти юпун... аммо қалбининг нурланиб туришига қарасангизчи? Боён аслида муҳташам кўрғонлар солиб, ўзини чегараллаганидаёқ сояга йўл очган бўлади, дейишади.

Соя ана ўша қават-қават деворлар орасидан ўтиб, боён қошига келади.

– Зулминг ҳаддан ошди, савол-сўроғингга тайёрлан!

Қора соя келганида кишининг оёқ-қўли ўзига бўйсунмайди. Гўё ажал қаршисидаги каби, мушукдай ювош тортиб туради.

Унинг отини айтишмайди, «Ўзи кўринмай эшик очар» деб аташади. Бунинг нималигини болалардан сўрасангиз, «шамол» деб жавоб беришади. Болаларнинг мусаффо тасаввури дарахт учларини чайқатиб, очик ялангларда ғувиллаган сас чиқариб эсан одатий шамолни гавдалантирса, ўзи кўринмай эшик очувчи – қора соядир.

Очик эшикнинг у ёғи қоп-қора қоронғилик. Ўша зулмат ичидан туриб сўрайди:

– Зулминг ҳаддан ошди. Шунча кишининг ҳақини единг, бурнини қонатдинг. Нега ундай қилдинг?

Сўнг битталаб сўрай бошлайди.

Боён отасининг чўнтагидан пул ўғирлаётганда қўлга тушган ёш боладай қўлларини икки ёнига осилтириб, истаса-истмаса тўғри жавоб бераверади.

– Гуручга тош аралаштириб сотганман. Унга кепак қўшиб сотган ҳам менман. Кишиларни алдаб, пулини бермай юрганман. Дўконларимдаги нарх-навони атай кўтарганман. Қўйларимни илиги устидан тешиб, ҳаво бериб дамлаб шишириб пуллаганман...

Ке-етди!

– Давлатим кўпайгани сайин кишиларни назар-писанд қилмай, ўзим ҳақини еганлар устидан кулганман. Ғариб, юпун кишиларни ҳақорат қилганман, зоти паст деб мазах қилганман...

Бировларнинг мол-мулкани еганини эътироф қилганида тек турган соя, мана шу ерга келганида тез яқинлашиб, боённинг оғзи-бурни аралаш тарсаки тортиб юборади. Юзи қоп-қора бўлиб қолади. У энди ажабтовур атир совунлар билан ювса ҳам кетмайди.

– Ўтники ўтга, сувники сувга, – дейди соя.

Ажаб, зулм нима?

Яхшилигу эзгулик не деган саволга юзлаб рисо-лаларни тахлаб ташлаган эл шу саволга келганида миқ этмайди. Ҳақиқатан ҳам, нима у, зулм? Зулм шуки, бир киши болам-чақам деб ҳолдан тойгунча меҳнат қилади, золим эса у олиши керак бўлган ҳақнинг ўндан бирини, яъни қорни аранг тўйадиган қисминигина беради, холос. Ҳақ-ҳуқуқини эса сира танитмайди, сен ким бўлсан, ҳақир бир чоракорсан, дейди. Бу ҳудудда мен не десам шу бўлади, сенининг чивинчалик қадр-қийматинг йўқ, дейди. Ўзи данғиллама қалъа-лар қуради, сарватларини кўз-кўзлайди, токи у ҳашамларни кўрган мардуму мазлумнинг нафаси яна-да ичига тушиб кетсин, яна-да букчайсин, яна-да миқ этмай ишласин, ишласин, ишлайверсин...

Золиму мазлум ҳақида яна анча сўзласа бўлади. Дунёда зулми билан ном чиқарганлар озмунчами? Лекин, бизнинг ривоятимиз у ҳақда эмас, хаёлий мавжудотлар ҳақида.

– Ойқорда фақат шуми? – деб сўрадим Баҳодирдан.
– Эл яна шунга ўхшаш яратикларни яратиб олмаганми?

– Бор-у қизиқ эмас-да, – деб жавоб қилди Баҳодир. – Ўзимиз билган ажинаю алвастилар ҳў-ў олисда, Ўқотар томонларда кезиб юради, дейдилар. Уларни ёш болалар ҳам, катта кишилар ҳам кўришган. Лекин биров ҳайиқадиган нарсалар эмас улар. Тасаввур қилинг, – деб кулиб юборди у. – Агар Ўқотар томонда бир-икки шунақа мавжудот дараги чиқса-ю, устига тунда кўриш ускуналари, мукаммал қуролларию зирҳлари билан тешкор аскарлар гуруҳи етиб борса, қаршисида бунақа заиф, бор-йўғи одамнинг оғзи-бурнини қийшайтириб, эсини ўғирлайдиган заиф махлуқотлар нима қила оларди? Тўғриси айтсам, болалигимдан бери унақа гапларни эшитмадим. Балки, болаликнинг у махлуқлари Ойқорнинг киши қадами етмаган чўққиларига кетиб қолишганмикин?..

ОЛАБЎЖИ

Қадим таркий элларнинг жуда кўпчилигида учрайдиган ушбу яратикнинг ёши ўн минг йилдан кам бўлмаса-да, «Олабўжи нима» деган саволга жавоб бера оладиган ҳеч кимса топилмайди.

- Қоч, Олабўжи келяпти!

- У қанақа бўлади?

- ...

Мавжудотлар орасида шаклу шамойилга эга бўлмаган ягона афсонавий жонзот шудир. Уни

ҳамма билади, ёш болаларни унинг отини айтиб кўрқитишади, бола тасаввури муттасил ўзгариб турадиган ёки туриш-турмуши ваҳимадан иборат бўлган шаклсиз, аммо кўрқинчли бир нимани онгга рўпара қилади.

Олабўжи на сўзлайди, на ҳамла қилади. Мавжуд-лигининг ўзиёқ кўрқув уйғотади.

Балки ола-була бир нимадир? Кишилар сингари боши, елкаси, қўл-оёғи бордир? Ёки ҳайвонлардай туёқли, шохли бир нимадир?

Ҳар ҳолда кишилар тасаввурига қараб бетиним ўзгариб турадиган ушбу махлуқни ҳам ўзбек халқининг ўнг минг йиллик дастёри деса бўлади.

У сўлим водийдан қурғоқ воҳалар даштларигача, икки улуғ дарё – Сайхуну Жайхун оралиғидаги турли-туман элатларгача, қадимий ва шонли Хоразм элигача бўлган ҳудудларда, каттаю кичик қишлоқлар ораларида тентиб-дайдиб яшаб келади. Бетиним ўзгараётган инсоният дунёси уни ўзгартирган эмас – ҳануз ўша-ўша, олабўжидир. Тунги қамишлар орасидан, чакалақлар бағрида, дўнглар ортидаю ой нури етмаган ўнгирлардан туриб ўзининг азалий юмушини адо этади – ёш болалар тарбиясига хизмат қилади.

Хотима

Дунёнинг энг ўзига хос халқлари бўлмиш туркийлар шу тариқа бир қанча яратикларини авайлаб-ардоқлаб келмоқда. Уларнинг асрлар мобайнида қилиб келган ишларини тартиблаб чиқсангиз, қуйидаги манзарага дуч келасиз.

– Тунда қишлоқдан чиққан ёлғиз болаларни олиб кетади, каттароқларга дуч келса, ақлдан оздиради.

– Ёлғиз кишиларга кўринади.

– Тунда кўринади.

Шу, холос. У юмушларнинг моҳиятинигина қолдирсак, мана бундай кўринишга келади:

– Қишлоқдан чиқса...

– Ёлғиз юрса...

– Тунда юрса...

Яъни, тўпдан айрилиб, тунда ёлғиз юрган киши ақлдан озади. Сабаби, қишлоқда яшаётган кишилар ўзлари билиб-билмаган ҳолда жамоа онги ҳосил қилишади. У умумий, барчани бир хилда ўз чегарасида тутиб туради. Танҳоликка ва дайдишга маҳкум у яратик айнан шу жамоадан айрилиб чиққан кишини ақлдан оздиради.

– Эл-улус болаларига жипсликдан, бирликдан дарс беради («Қишлоқдан ташқарига чиқма, тунда овлоққа борма»).

– Ҳомиладор хотинларни асраб-авайлашга чорлайди («Тунда олдиға бегона кирмасин»).

– Элнинг умум шууридан айрилма, йўлингдан озма («Йўқса ақлдан озасан»).

– Зулм қилма, кишини ерга урма, ҳақини ема («Йўқса олдингдан меш чиқиб келади ёки соя келиб сўроқ қилади»).

Яъни, улар қўрқув ҳосил қилишади. Лекин у – ибтидоий, ваҳший қўрқув эмас, балки йўлга солувчи, тарбияловчи, яратувчи қўрқувдир.

Шундай экан, эл хизматида юрган у шўрлик мавжудотларга атаб икки оғиз сўз айтсак арзийди.

– Эй мусаффо болалик онларимизнинг беозор яратиклари, содда кишиларнинг хаёл маҳсуллари! Сўзловчи, хабар ташувчи, мусибатнинг олдини олувчи, барака келтирувчи, савоб ҳосил қилувчи, ҳаёти дунёнинг жон бахш этилган унсурлари! Барчангиз хуш қолинг! – деймиз ёшлик онларимизнинг қалбимизни қўрқув ила тўлдирган, соялар, кўланкалар, кимсасиз маконлар, дарахтлар, дашту чўл оралаб ҳануз кезиб юрган турли-туман, аммо қўрқинчилиги йўқотиб, соддаю беозор, ишонувчан бўлиб қолган у жимит яратикларга қарата.

Улар тушунмовчилик ила бизларга анграиб термилишади.

– Эй яратувчиларимиз! Ҳукмингизга доимо бўйсуниб, бизга буюрган юмушларингизни адо этиб келмоқдамиз. Ўтмишга айланаётган шу кунда бизларни қолдириб, ўзингиз қаён кетмоқдасиз?

Жавобимиз эса аниқ:

– Кунботарга...

– Кунботарда не бормиш?

– Тушунмадингизми? Буни сизга мажоз билан айт-

дик. Қиёмат қойим бўладиган маҳшар кунига! Қилмишларимиз, гуноҳу савобларимиз, тутумларимиз, ҳис-туйғуларимиз билан ўша ёққа кетмоқдамиз.

– Хабаримиз йўқ экан. Нима у, қиёмат?

– Билишингизнинг ҳожати йўқ. Чунки у сизлар учун эмас, бизлар учундир.

– Сизларга бир нима дейишга ожизмиз.

– У ҳолда, абадиян алвидо!

2019, февраль-май

Мундарижа

Генетик (роман).....	3
Боқий дарбардар (роман).....	145
Робия Балхий қиссаси	241

Ҳикоялар

Ёғоч кавуш	276
Қорақуш юлдузининг сири	284
Ўзбек халқининг хаёлий яратиклари қомуси (эссе).....	303

Адабий-бадiiй нашр

ИСАЖОН СУЛТОН

Қорақуш юлдузининг сири

Роман, қисса ва ҳикоялар

Мухаррир Санжар Турсунов
Бадiiй мухаррирлар Мурод Бурҳонов,
Қамолiddин Нурманов
Техник мухаррир Хосият Ҳасанова
Мусаххих Ирода Умарова
Сахифаловчи Умида Валижонова

Нашриёт лицензияси рақами AI № 290. 04.11.2016
2019 йил 26 ноябрда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 ¹/₃₂. Cambria гарнитураси.
Офсет босма. 18,48 шартли босма табоқ. 13,9 нашр табоғи.
Адади 5000 нусха. 293 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128 Тошкент, Лабзак кучаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz info@gglit.uz

Қорақуш юлдузининг сири

Исажон СУЛТОН

16+



ISBN 978-9943-5698-8-1



9 789943 569881